

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

***“Умумий ўрта таълим мактабларида миллий ғоя тарғиботи ва
маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишда замонавий усул
ва воситалардан фойдаланишни такомиллаштиришнинг долзарб
масалалари”***

мавзусидаги Республика
илмий-амалий
конференцияси
(2014 йил, 6-июнь)

Тезислар тўплами

Тошкент-2014

РЕСПУБЛИКА ИЛМІЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ
МАТЕРИАЛЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА МАСЪУЛЛАР:

Таҳрир ҳайъати раиси: *Р.Қ. Чориев* – ТВПКҚТМОИ ректори

Масъул муҳаррир: *А.Ш. Тохириён* – ТВПКҚТМОИ Ижтимоий фанлар ва маънавий асослари кафедраси мудири

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Н.А. Юлдашева – Маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор;

Б.Ф. Ялғашев – Ўқув-услубий ишлар бўйича проректор;

И.Н. Асланов – Педагогика, психология ва менежмент кафедраси мудири;

М.А. Зайнитдинова – Аниқ ва табиий фанлар кафедраси мудири;

Ш.М. Мирзахматова – Мактабгача ва бошланғич таълим кафедраси мудири;

С.М. Туйчиева – Тил ва адабиёт таълими кафедраси мудири;

Э.Холмирзаев – Жисмоний маданият ва амалий фанлар кафедраси мудири;

ТВПКҚТМОИнинг илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган
(2014 йил, 29 апрел, 2-сонли баённома)

ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР ОРҚАЛИ СИФАТЛИ ТАЪЛИМ САРИ

Б.ДАНИЯРОВ

**Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари,
филология фанлари номзоди.**

Мустақиллик йилларида таълим-тарбия сифати ва самарадорлигини замон талаблари даражасига кўтариш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Мамлакатимиз таълим тизими жамиятда амалга оширилаётган янгиланишлар, ривожланган демократик ҳуқуқий давлат қурилиши жараёнлари билан ҳамоҳанг тарзда тараққий этиб бормоқда. Бугунги кунда илм-фан, техника ва ахборот коммуникацион технологиялар, ишлаб чиқариш соҳаларининг тез суръатларда жадаллик билан ривожланиши таълим тизими ходимларидан таълим-тарбия сифатини мазмун жиҳатидан янги босқичга кўтариш, бунда инновацион технологиялардан самарали фойдаланишни талаб этиб, ҳар бир тизим ходими, аynиқса ўқитувчилар зиммасига янада юксак масъулият ва вазифаларни юклайди.

Таълим устуворлиги, таълим мазмуни ва тузилиши ўзгармоқда, янги стандартлар жорий этилмоқда, таълим сифати ривожланишнинг янги, янада юқори босқичига кўтарилмоқда. Давлатимиз раҳбари И.А.Каримов таъбири билан айтганда, “Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари” учун мустақиллик йилларида халқ таълими тизимида барча шарт-шароитлар яратилмоқда, шахсга йўналтирилган таълим стратегияси амалга оширилмоқда, таълим тизимида инновацион фаолликнинг жадаллашуви кузатилмоқда.

Жамиятнинг ривожланиши, замонавий иқтисодиётнинг шаклланиши, жамият маънавий-ахлоқий асосларининг тикланиши умумий ўрта таълим муассасалари олдида билимдон, интеллектуал ва ижодий қобилиятлари ривожланган, ҳаётда ўз ўрнини топадиган, ўз фаолияти билан ўзи ва жамиятга фойда келтирадиган, теран ва мустақил фикрлайдиган маънавий баркамол шахсни шакллантириш вазифасини қўймоқда. Мазкур вазифалар умумий ўрта таълим муассасалари фаолиятига инновацион технологияларни татбиқ этиш натижасида амалга оширилади.

Инновациялар назарий жиҳатдан асосланган, бирон-бир соҳада аниқ мақсадга қаратилган ҳамда амалий татбиқ этишга йўналтирилган юқори самарадорликка эга янгилик ҳисобланади. Инновациянинг ўзига хос хусусияти уни қуйидагилар билан боғлайди:

- инновациялар долзарб муаммонинг янги ечимини ўз ичига олади;
- улардан фойдаланиш сифатли натижаларни олиш имконини беради;
- инновацияларни татбиқ этиш тизимдаги барча компонентларнинг сифатий ўзгаришларига олиб келади.

Бугунги кунда инновацион педагогик жараёнлар таълим муассасаси ўқув фаолиятининг муҳим компонентларидан бирига айланиб бормоқда. Бу бежизга эмас. Чунки, инновацион педагогик жараёнлар таълим хизматлари

бозорида, нафақат у ёки бу таълим муассасасининг рақобатбардош бўлишига асос яратади, балки ўқитувчи ва ўқувчи шахсини интенсив ривожлантириш, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг биргаликдаги фаолияти ва мулоқотини демократлаштириш, таълим-тарбия жараёнини инсонпарварлаштириш, ўқувчини фаол таълим олиш ҳамда ўзини шакллантиришга йўналтириш, таълим технологиялари, метод ва воситалари ҳамда таълимнинг моддий-техника базасини модернизациялаш каби вазифаларни бажаради, педагогларнинг касбий маҳорати, уларнинг ижодкорлиги, изланувчанлигининг ривожланиш йўналишларини аниқлайди, ўқувчиларни шахс сифатида камол топишида муҳим ўрин тутди.

Шу жиҳатдан, инновацион технологиялар асосида таълим жараёнлари сифат ва самарадорлигини ошириш муаммоси шахсни ривожлантириш ва уни ҳаётга тайёрлашга йўналтирилган комплекс вазифаларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлиб, таълим сиёсатининг бугунги кундаги муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Таълим муассасаларида амалга ошириладиган инновацион педагогик фаолият ўқитувчиларнинг илмий-методик фаолияти ҳамда ўқувчиларнинг ўқув-тадқиқот фаолияти билан узвий боғлиқдир.

Инновацияларни татбиқ этишга ўқитувчиларнинг психологик тайёрлиги педагогик инновацион жараённинг муҳим шarti ҳисобланади. Шунинг учун, умумий ўрта таълим муассасаларида педагогик инновацияларни татбиқ этишда ўқитувчиларнинг илмий-методик тайёргарлигини ривожлантириш, касбий фаолиятини инновацион йўналтириш, уларни инновацион педагогик жараёнларга тайёрлаш масалаларига алоҳида аҳамият қаратиш лозим.

Жамият, маданият ва таълим ривожланаётган бугунги кунда умумий ўрта таълим муассасаларида таълимий инновациялар татбиқини яхшилаш, улардан фойдаланиш методикасини ишлаб чиқиш, инновацион фаолиятни ривожлантириш ҳамда ўқитувчиларнинг педагогик фаолиятини инновацион йўналтиришнинг зарурлигини куйидаги ҳолатлар белгилайди.

- Биринчидан, ижтимоий-иқтисодий янгиланишлар таълим сифатини янги, янада юқори босқичга кўтариш зарурлигини тақазо этади. Бунда педагогик янгиликларни яратиш, ўзлаштириш, фойдаланиш ва таълим жараёнига татбиқ этишни ўз ичига олган ўқитувчилар педагогик фаолиятининг инновацион йўналганлиги таълим сиёсатини янгилаш воситаси сифатида намоён бўлади.

- Иккинчидан, таълим мазмунининг инсонпарварлашуви, ўқув предметлари ҳажми ва таркибининг ўзгариши таълимнинг янги ташкилий шакл ва технологияларини таълим жараёнига татбиқ этилишини талаб этади. Бундай вазиятда ўқитувчиларнинг ўз предметига оид билимлари билан бир қаторда педагогик билимлари ҳам муҳим аҳамиятга эга.

- Учинчидан, ўқитувчиларнинг педагогик янгиликларни таълим жараёнига татбиқ этишга бўлган муносабатлари ўзгариб бормокда. Аввал инновацион педагогик фаолият, асосан юқоридан тақлиф этилган янгиликларни таълим жараёнига жорий этиш билан чекланган бўлса, ҳозир у

танланадиган тадқиқот характериға эға бўлиб бормоқда. Шунинг учун, мактаб раҳбарлари ва таълимни бошқариш ташкилотлари фаолиятида ўқитувчилар томонидан таълим амалиётига киритилаётган педагогик инновацияларни таҳлил қилиш ва баҳолаш, уларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш учун қулай таълимий шароит яратиш муҳим йўналишга айланмоқда.

Замонавий таълим амалиётида “таълимда инновация”, “педагогик инновация”, “таълимни модернизациялаш” каби атамалардан кенг фойдаланилади. Таълимни модернизациялаш таълим соҳасидаги давлат сиёсати, давлат миқёсида таълимни ривожлантириш стратегияси билан боғлиқ бўлиб, таълим соҳасидаги модернизация масалалари давлат структураларининг ташаббуси билан ечилади. Педагогик инновациялар эса илмий мактабларда, таълим амалиётида ҳамда олим ва педагогларнинг ижодий фаолияти натижасида вужудга келади.

Умумий ўрта таълим муассасаларида инновацион технологиялар асосида таълим жараёнлари сифат ва самарадорлигини оширишнинг назарий ва амалий асосларини аниқлашда “янгилик”, “янгилик киритиш”, “янгилаштириш”, “инновация”, “инновацион фаолият”, “инновацион жараён”, “инновацион маданият” каби тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини изоҳлаш муҳим аҳамиятга эға. Янгилик ҳар томонлама ўйлаб чиқилган, режалаштирилган, ўқув жараёнига мақсадли киритилаётган ҳамда мазкур кўринишда аввал учрамаган янги таълимий амалиёт (янги тартиб, услуб, метод, методология, технология ва б.) ҳисобланади.

Ўқитувчилар педагогик фаолиятининг инновацион йўналганлигини шакллантиришда у ёки бу янгиликларнинг самарадорлигини аниқлаш имконини берадиган бир қатор мезонлардан фойдаланиш лозим.

Педагогик инновация мезонларига қуйидагилар киради:

- янгилик;
- оптималлик;
- юқори натижавийлик;
- инновацияларни оммавий тажрибада ижодий қўллаш имконияти.

Умумий ўрта таълим муассасаларида таълим жараёнлари сифат ва самарадорлигини оширишга йўналтирилган педагогик инновациянинг асосий мезони **янгиликдир**.

Шунинг учун, инновацион педагогик жараёнда иштирок этишни истаган ўқитувчи тақдим этилаётган янгиликнинг моҳияти нимада эканлиги ҳамда янгиликнинг даражасини аниқлаб олиши муҳим ҳисобланади. Чунки баъзи ўқитувчилар учун бу ҳақиқатан янгилик бўлиши, бошқалар учун эса бундай ҳисобланмаслиги мумкин. Шу боис, ўқитувчиларни инновацион педагогик фаолиятга жалб этиш жараёнига уларнинг хоҳиши, шахсий ва индивидуал-психологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда ёндашиш керак.

Янгилик қуйидаги босқичларга (даражаларга) бўлинади: абсолют, локал-абсолют, шартли, субъектив, таниқлик даражаси ва қўлланиш соҳаси билан фарқланувчи.

Оптималлик педагогик инновация самарадорлигини аниқловчи мезон сифатида белгиланган натижага эришиш учун ўқитувчи ва ўқувчининг сарфлаган куч ва воситаларини белгилайди. Турли ўқитувчилар ўзининг ва ўқувчиларнинг меҳнат интенсивлиги турлича бўлганида бир хил натижага эришишлари мумкин. Таълим жараёнига кам куч ва вақт сарфлаб педагогик инновацияларни татбиқ этиш ва юқори натижаларга эришиш унинг оптималлигидан далолат беради.

Юқори натижавийлик педагогик инновациянинг мезони сифатида ўқитувчилар фаолиятидаги ижобий натижаларнинг турғунлигини белгилайди. Баҳолашдаги технологиялилик, натижаларнинг кузатилиши ва белгиланиши, тушуниш ва баён этишдаги бирёқламалилик таълим-тарбиянинг янги усул ва услубларининг аҳамиятини баҳолашда мазкур мезоннинг муҳимлиги кўринади. педагогик инновациянинг юқори натижавийлик мезонининг қиммати баркамол шахсни шакллантиришни таъминлаш ҳисобланади.

Оммавий тажрибада инновацияларни ижодий қўллаш имкониятлари мезонини педагогик инновацияларни баҳолаш мезони сифатида ифодалаш мумкин. Оммавий педагогик тажрибада инновацияларни ижодий қўллаш алоҳида ўқитувчилар фаолиятининг бошланғич босқичида тасдиқланади. У тажриба-синовдан ўтганидан ва объектив баҳоланганидан сўнг оммавий татбиқ этишга тавсия этилиши мумкин.

Ўқитувчиларни инновацион педагогик фаолиятга тайёрлаш, уларнинг инновацион маданиятини ривожлантиришда ўқитувчиларда қуйидаги элементларнинг мавжудлиги муҳим ҳисобланади:

- ўқитувчиларнинг янгиликларни қабул қилишга тайёрлигини тавсифловчи мотивлар, қарашларнинг мавжудлиги, уларда инновацион йўналганликнинг шаклланганлиги;

- креативлик ва индивидуаллик, фаолиятли ўзини англаш каби ижодий қобилиятларнинг мавжудлиги;

- ўқитувчиларда педагогик маданиятнинг ривожланганлиги;

- ўқитувчиларда анъанавий топшириқларни вариатив услубда амалга оширишни таъминлайдиган технологик компонентнинг шаклланганлиги;

- ўқитувчиларда инновацион жараёнда ўзи ва мазкур жараёндаги ўрни ҳақида адекват тасаввур ҳосил қилишга кўмаклашувчи рефлексиянинг мавжудлиги.

Инновацион маданиятга касбий ҳодиса сифатида қараш мақсадга мувофиқ. Чунки маданият касбнинг хусусияти билан боғлиқ бўлиб, мутахассис қайси соҳада фаолият кўрсатишидан қатъи назар, жамият ҳаётидаги турли соҳаларга, яъни меҳнат, маиший хизмат, дам олиш, таълим ва мулоқат соҳаларига янгиликларни киритади.

Ўқитувчиларнинг **умуммаданий сифатларига** маънавий, фуқаролик сифатлар ва эрудиция (билимдонлик) киради.

Ўқитувчиларнинг юқори даражали самара берувчи янгиликларни таълим жараёнига татбиқ этишга кўмаклашувчи **касбий сифатларига** қуйидагилар қиради:

- ўқитувчиларнинг ўз предметини билиши;
- технологик маданиятга эгаллиги;
- психологик маданиятининг ривожланганлиги.

Педагогик фаолиятни инновацион йўналтиришнинг асосий омилларидан бири ўқитувчиларда муайян шахсий сифатларнинг ривожланганлиги ҳисобланади. Шунинг учун, ўқитувчиларнинг инновацион маданиятини шакллантиришда унда қандай шахсий сифатлар ривожланган бўлишини аниқлаштириб олиш лозим.

Ишлаб чиқилган умумий ўрта таълим мактаб ўқитувчиларининг инновацион маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш механизмида ўқитувчиларнинг учта шахсий хусусиятлари ажратиб олинди. Буларга қуйидаги **шахсий сифатлар** қиради:

- ўқитувчиларнинг ўқувчиларга ривожланаётган субъект сифатида муносабатда бўлиши;
- ўқитувчиларда инсоний ўзаро муносабат маданиятининг ривожланганлиги;
- ўқитувчиларнинг ўзига ривожланаётган субъект сифатида қараши.

Ўқитувчининг инновацион маданиятини қуйидаги ўзаро боғлиқ компонентлар йиғиндиси сифатида қараш мақсадга мувофиқдир. Булар, технологик, фаолиятли, коммуникатив, шахсий-ижодий компонентлар.

Шу мақсадда умумтаълим мактаблари ўқитувчиларнинг машғулотларга пухта тайёргарлик кўрган ҳолда дарсларни ўтишлари орқали таълим сифатини оширишга қаратилган “Дарс - муқаддас”, “Ўрган-ўргат”, “Соғлом муҳит - соғлом жамоа”, “Мураккаб фан - ўрганаман”, “Узлуксиз ва узвий”, “Пухта ишланган режа - самарали натижа” ва “Маҳорат мактаблари” фаолиятини йўлга қўйишга йўналтирилган туркум тадбирлар комплекси ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилди.

Юқоридагиларан келиб чиққан ҳолда педагогик инновацияларни амалиётда самарали жорий этиш мақсадида қуйидаги вазифаларни амалга ошириш лозим:

1. Ҳар бир методист, ҳудудий халқ таълими бошқаруви идоралари мутахассислари, таълим муассасалари раҳбарлари, хусусан ўқитувчилар таълим жараёнига янгилик киритишнинг мазмун-моҳияти ва натижасини англаган ҳолда ўзгаришларни қабул қилишга тайёр бўлишлари лозим;

2. Ўқитувчилар дарс жараёнини инновацион технологиялар асосида самарали ташкил этиш мақсадида илмий-методик ҳамда техник, энг муҳими шахсий ва психологик муносабатлар доирасида олдиндан тайёргарлик кўришлари лозим;

3. Ўқитувчиларнинг педагогик ўзини ривожлантириш фаолияти ўқитувчилар томонидан педагогик қадриятлар, ижодкорлик, технологик ва изланувчанлик фаолиятини мустақил эгалланишига йўналтириш;

4. Таълим муассасалари жамоаси инновацион педагогик жараёнларни олдиндан лойиҳалаштиришлари, таълим муассасаларида маънавий - психологик ҳамда инновацион таълимий муҳитни вужудга келтириш чораларини кўришлари зарур;

5. Таълим муассасаси раҳбари ва педагогларига педагогик инновацияларни татбиқ этишни объектив баҳолаш имконини яратиш лозим;

6. Педагогик жамоада қулай инновацион муҳит яратиш, ўқитувчиларнинг илмий-методик тайёргарлигини ривожлантириш, касбий фаолиятини инновацион педагогик жараёнларга йўналтириш, уларни педагогик янгиликларни яратиш, ўзлаштириш, татбиқ этиш ва оммалаштириш жараёнларига жалб этишда ўрта таълим мактабларида ташкил этиладиган методик фаолиятни самарали йўлга қўйиш.

НОДАВЛАТ-НОТИЖОРАТ ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИ ОРҚАЛИ СОҒЛОМ ПЕДАГОГИК ЖАМОА ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Б.Шамсиев
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги

Маълумки, давлатимиз истиқлолга эришгандан сўнг мамлакатимизда таълим тизимида қатор ислохотлар олиб борилмоқда. Қайд этиш ўринлики, уларнинг самарадорлигини таъминловчи асосий масъул, ислохотларнинг биринчи ижросиси ўқитувчи. Мутахассислик соҳасини мукаммал билган, ўз касбининг устаси бўлиш, устоз даражасига етишиш эса ўз-ўзидан бўлмайди.

Ўқувчи учун мактаб остонасига илк қадам қўйган кунлари, уни қарши олган устозлари, ўқувчи дўстлари, биринчи олган сабоғи, дарси йиллар ўтсада унинг фаолиятида тамал тоши каби ўз ўрнини йўқотмайди. Зеро, ёш педагог учун ниҳоятда ҳаяжонли, синовли бўлган бу онларда у ҳар доим атрофдагиларнинг эътиборига, қўллаб-қувватлашига, қолаверса эътирофига эҳтиёж сезади. Бугунги кунда айнан Халқ таълими вазирлиги муассислигида ташкил этилган Ўзбекистон ёш педагоглар ассоциацияси фаолиятини йўлга қўйишдан кўзланган мақсад ҳам юқорида қайд этилган вазифаларнинг ижросига йўналтирилган. Ўз фаолиятини бошлаган бу ассоциация қай тартибда ташкил этилди, Республикамиз ҳудудидаги барча таълим муассасалари ёш ўқитувчилар билан ишлаш қандай йўлга қўйилади, бир сўз билан айтганда, унинг педагог учун берадиган имконияти-ю фойдаси нимада? Бу каби қатор саволлар Ўзбекистон ёш педагоглар ассоциацияси фаолияти ҳақидаги хабарини эшитган ҳар бир ўқитувчини қизиқтириши табиий. “Ўртамиёна ўқитувчи баён қилади. Яхши ўқитувчи тушунтиради. Атоқли ўқитувчи кўрсатади, буюк ўқитувчи руҳлантиради”, – дейди мутафаккир У.Уорд.

Маълумки, “Ўзбекистон ёш педагоглар Ассоциацияси” ўз-ўзини бошқарувчи нодавлат нотижорат ташкилоти бўлиб, у ўз сафида кўнгилли

равишда аъзо бўлган ва Ассоциациянинг мақсад ва вазифаларига кўшилган ташкилотлар ва муассасалар меҳнат жамоалари, умумтаълим мактаблари, фуқаролик бирлашмалари ва жисмоний шахсларни бирлаштиради. Ассоциация ўз мустақил баланси, ўз номи ёзилган муҳри, штампи, товар белгиси, банк ҳисоб рақами, юридик манзилгоҳи ва бошқа реквизитларга эга.

Ассоциациянинг асосий мақсади Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» тўғрисидаги қонунлари ҳамда таълимни тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш, маънавий етук ҳамда миллий истиқлол ғоясига содиқ, юксак касб маҳоратига эга бўлган ўқитувчилар ва мураббийларнинг янги авлодини тарбиялаш ишида фаол иштирок этиш, таълим жараёнига илғор педагогик ва ахборот технологияларни жорий этиш, тажрибаларини оммалаштириш, таълим-тарбия сифатини янада яхшилаш, таълим муассасалари моддий негизини мустаҳкамлаш, педагогларнинг касб маҳоратини ривожлантириш, айниқса, ёш педагогларнинг кўшимча ижтимоий ҳимоясига кўмаклашиш, ижодкор, йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси кўрик танлови иштирокчилари ва ғолиблари фаолиятини оммалаштириш, янги авлод дарсликлари ва қўлланмаларни яратишда амалий ёрдам кўрсатиш ҳамда замонавий ўқитувчи имиджи, дарс таҳлили каби методик, педагогик, психологик ёрдам беришдир.

Шунингдек, Ассоциация ёш ўқитувчиларнинг касбий малакасини мукаммаллаштириш ва рағбатлантиришга ёрдамлашиш, уларни шарафли касб эгалари сифатида бирлаштириш, ассоциация аъзоларини давлатимиз миқёсида ва хорижий давлатларда касбий ривожланиши ва малака ошириш борасидаги маълумотлар, маҳорат дарслар билан таъминлаш каби қатор вазифаларни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Муҳими таълим мазмунини такомиллаштириш, сифатини ошириш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган экан, мазкур миқёсидаги ишларга Ассоциация ўз аъзоларини замонавий қўлланмалар, маълумотлар ва ўқитишга оид тавсиялар билан таъминлашни, таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш ва фанлар бўйича таълим беришга оид назарий ва амалиётга оид бўлган семинарлар, конференциялар ташкил қилиш, консультатив хизматлар кўрсатишдек ниҳоятда зарур ишларни йўлга қуйиши алоҳида эътиборни тортади.

Ҳукумат ва давлат идоралари билан бўлган ўзаро муносабатларда ёш педагогларни манфаатларини ҳимоя қилишда ҳам ўз олдига қатор ишларни режалаштирган. Жаҳон ва давлатимиздаги илғор тажрибаларни ўрганиб, ассоциация аъзолари орасида тадбиқ этиш орқали эса уқитишнинг самарали услублари банкини яратишни кузда тутди.

Кадрларни тайёрлаш, малакасини ошириш, уларнинг тизимда ўз ўринларини топишларига кўмаклашиш ҳамма давларда долзарб вазифалардан бири бўлиб келган, Назариянинг амалиёт билан уйғунлигини таъминлашда педагог ходимларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизими ниҳоятда муҳимлиги ҳеч кимга сир эмас. Ассоциация Низомида бугунги кунда халқ таълими тизимидаги ислохотларнинг самарадорлигига эришиш борасидаги ишларга кўмаклаша оладиган куч -бу малака ошириш ва қайта тайёрлаш институтларидир. Албатта унинг самараси йиллар ўтиб ўз

натижасини беради. Биз эса унинг таълим соҳасидаги фаол иштироки учун имконият беришимиз зарур. Зеро, энг чекка қишлоқдаги мактабга келган ёш педагогга ҳам ёрдам қўлини чўза олиш, унинг эҳтиёжларига лаббай деб жавоб бериш, улардаги бўшлиқларни тўлдириш, дардларини тушуниш учун ушбу тизим фаолияти жонланмоғи зарур.

Ўз-ўзидан равшанки, ассоциациянинг қай даражада ишлаши, унинг ҳудудий филиалларининг фаолиятини йўлга қўйишга боғлиқ. Шу боисдан жойларда тарғибот, ташвиқот ишларини олиб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2014-2015 ўқув йили давомида ўтказиладиган халқ таълими ходимлари анъанавий Август кенгашларининг шўъба ва ялпи йиғилишлари орқали ушбу йўналишдаги тизимли ишлар ҳақида алоҳида машғулотлар ташкил этилиши режалаштирилди.

Бугунги кунда, Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳри ва барча вилоятларда ассоциациянинг филиаллари ташкил этилди. Ушбу филиаллар бевосита ҳудудий малака ошириш институтлари таркибида амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир. Фаолият учун кадамлар қўйилди.

Келажакда унинг фаолияти энг чекка қишлоқлардаги мактабларга ҳам уз таъсирини курсатиши, уларга амалий методик ёрдам бериш билан таълим-тарбия жараёнидаги уқитувчидек нуфузли касб эгасини шакллантириш учун қулай бир янгича ёндошув вужудга келади. Ёш уқитувчидаги бор иқтидорни намонён этиш учун белгиланган тадбирлар, унинг касбий маҳорати ни ошириш учун режалаштирилган республика ҳамда халқаро миқёсидаги сафарлар барча учун қизиқарли. Айниқса уларнинг илмий тадқиқот ишларига қўмаклашиш, уларни услубий материаллар билан таъминлаш учун бошланган ғамхўрликнинг маҳсули ўз тажрибасига таянган, ўқувчиларга пухта билим сирларини бера оладиган, салоҳиятли кадрлар билан баҳоланади.

ҲОКИМИЯТ БОШҚАРУВИГА МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛ ШАҲСЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШ ДАВЛАТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ГАРОВИДИР

Ш.Насимов, Тошкент вилояти ҳокимининг
маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчиси

Мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгандан кейин тарихан қисқа вақт ичида иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий соҳаларда жуда катта ютуқлар қўлга киритилди. Бу ютуқлар Республикамиз Президенти И.А.Каримов томонидан ишлаб чиқилган демократик жамият қуришни ўзида ифода эттирувчи бозор муносабатларига асосланган концепциянинг ҳаётийлиги билан боғлиқдир. Бугунги кунда бу концепциянинг тўғрилигини жаҳондаги йирик сиёсий арбоблар томонидан эътироф этилиши Ўзбекистоннинг обрў-эътиборини оширмоқда.

Халқимиз ўз олдига ҳуқуқий демократик давлатни барпо этишни мақсад қилиб қуйган экан, бу мақсаднинг самарали амалга ошиши жойлардаги давлат муассалари ходимларининг дунёқараши, энг мақбул ва энг тўғри йўналишни тез англаб олиш қобилияти билан боғлиқ. Дарҳақиқат, жамият ва инсоният тараққиётида шахснинг роли бениҳоят катта. Раҳбар – шахснинг маънавий, ижтимоий-сиёсий баркамоллиги, қандай мақсад ва ғоялар билан яшаётганлиги муҳим аҳамиятга эга. Бинобарин Шарқ донишмандлари ҳокимият лавозимида турган киши қанчалик доно, ақлли ва сезгир бўлса, бу ўша давлат, унинг халқи учун ҳам шунчалик катта бахт дейишган. Яъни Шарқ мутафаккирлари давлат ва жамият, подшо ва раият ҳақида ёзганда, нуфузли инсоннинг маънавий етуклигига, поклигига асосий эътиборини қаратиб, адолат, ростлик, меҳр-шафқат, саховат ва қаноат каби сифатларни ҳимоя қилганлар.

«Фозил кишилар шахри» номли асар муаллифи буюк мутафаккир Абу Наср Фаробий давлатни бошқарувчи раҳбар шахснинг ўн икки фазилатини санаб ўтади. Унинг фикрига кўра, раҳбар аввало соғлом, ақлли, хушёр, заковатли одам бўлиши, қалбида адолат туйғуси жўш уриб туриши, дўсту душманни, рост ва ёлғонни ажратадиган бўлиши керак. Давлатни фозил кишилар бошқариши лозим.

Юқоридагилардан келиб чиқадиган бўлсак, ҳозирги мустақиллик даврида давлат раҳбаридан, ҳокимият тизимида ишлаётганлардан жуда катта масъулият ва фидойилик талаб этилади. Агар раҳбар ходим, ўзининг талабчанлик, ташкилотчилик ва раҳбарлик бурчини унутиб қўйса, ўша жойда қонунга риоя қилиш, тартиб-интизом масалалари қолипдан чиқиб кетиши табиий ҳол. Раҳбар ўз фаолиятида маҳаллийчилик, ошна-оғайнигарчилик, қариндош-уруғчилик кабиларга йўл қўйса, бу тараққиётимиз ва тинч-фаровон ҳаётимизга хавф соладиган таҳдидга айланади.

Ҳокимият тизимидаги раҳбар ходимларнинг маънавий қиёфасидаги бундай салбий иллатлар жамиятимиз, мустақиллигимиз учун катта хавф эканлиги Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида кенг, атрофлича баён қилиб берилган. Ҳокимиятнинг бошқарув тизимида ишлаётган раҳбар ходимлар амалдан мағрурланиб, боши айланиб, ўз фаолиятида маҳаллийчилик, ошна оғайничилик, уруғ-аймоқчилик иллатига йўл қўйса, бундай раҳбар худбинлик касалига дучор бўлиб, оёғи ердан узилади. Эл-улус назаридан қолади. Президентимиз айтганидек, раҳбарлар келиб кетади, эл, халқ қолади. Лекин ана шу раҳбар халқ кўнгилдан ўзига жой топа олдими? Эсда қоладиган бирор хайрли иш қила олдими? Кимдан боғ қолдию, яхши ном, яхши хотира қолаяптию, кимдан ёмон ном, доғ, иснод қолаяпти, буни одамларнинг ўзлари ажратиб олади¹.

Хулоса шуки, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, халқ ишончини қозониш учун ҳокимиятни бошқарув тизимида маънавий баркамол шахсларни жалб қилиш тараққиётимизнинг муҳим шарти ҳисобланади.

¹ Қаранг. И. Каримов. Адолат, ватан ва халқ мафаати ҳар нарсадан улўғ. «Халқ сўзи» газетаси, 1998 йил 11 ноябрь.

БЎЛАЖАК ПЕДАГОГЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДА МАЪНАВИЙ - МАЪРИФИЙ ИШЛАР КЎЛАМИНИ ОШИРИШ

Х.Даминов

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги

Дунёда ҳукм сураётган фан-техника тараққиёти, замонавий ўқитувчи киёфасини ўзгаришларга йўналтирди яъни турли фан соҳаларида билимларнинг тез янгиланиб бориши, таълим олувчилар ва берувчилар олдида уларни жадал эгаллаш билан бир қаторда, мунтазам ва мустақил равишда билим излаш вазифасини қўймоқда.

Бундай вазифаларни ҳал қилишга бугунги кунда амалиётда кенг қўлланилаётган таълимни технологиялаштириш ва улар асосидаги маълумотларни, ахборотларни тўплаш, сақлаш ва керакли манбаларга узатишнинг замонавий усуллари - компьютерлаштирилган усуллари янги ахборот технологиялари (ЯАТ) пайдо бўлди. Бу ЯАТ, ахборотларни қабул қилиш, қайта ишлаш билан шуғулланади ва натижада янги (фойдаланувчига керакли кўринишдаги) ахборотни компьютерлар ёрдамида ишлаб чиқилади. Умуман олганда ЯАТ деганда, қандайдир яратиш фаолиятини амалга оширувчи компьютер ва унда жорий этилган дастурий таъминот назарда тутилади ва бу ўз навбатида замонавий таълим технологияларини яратиш ва ундан амалиётда самарали фойдаланишга кенг имкониятлар яратади. Демак, ана шундай қулайлик орқали бирмунча мураккабликлар ҳам вужудга келдики, бу борадаги олиб борилган кўп йиллик илмий изланишларимиз натижалари замонавий технологияларини тадқиқ этишда ўқитувчи фаолиятида қуйидагиларга эътибор бериш, мафкуравий муҳофазани таъминлаш лозим эканлигини кўрсатди:

- қаралаётган ҳодиса ва жараённи ифодаловчи маълумотлар тўпламини тўплаш ва кераклилари билан тўлдириб бориш;
- ўрганилаётган манбага қараб таълим мақсади ва мазмун-моҳиятини аниқлаш ва мақсадли фойдаланиш;
- қўйилган мақсадга мувофиқ ҳолда тадқиқот вазифаларини аниқлаб чиқиш ва тизимли фаолиятга олиб кириш;
- вазифаларга мос равишда маълумотлар тизимларини ўқувчи ш хусусиятларига мувофиқлаштириб бориш;
- мақсадга эришиш учун танланган тизимлар орасидаги боғланишларни таҳлил қилиб чиқиш ва тадқиқот вазифаларига эришишда улардан фойдаланиш мезонларини маърифий жиҳатларини ишлаб чиқиш;
- мақсадга эришишда фаолият турларини аниқлаб, шу асосда таълимни технологиялаштиришнинг дастлабки натижаларини лойиҳалаштириш;
- олинган натижаларни илмий - услубий жиҳатдан таҳлил қилиш асосида ишланмалардан амалий ҳаётда фойдаланишга услубий тавсиялар ва кўрсатмалар тайёрлаш.

Юқоридаги санаб ўтилган муаммолар бўйича бажариладиган ишларни умумий кўринишда қуйидагича ифодалашни лозим топдик. Юқоридаги санаб ўтилган муаммоларни ҳал қилишда асосий тадқиқот манбаи бўлиб ўқув режасидаги фанлар блоклари ҳисобланади. Бу манбани ташкил этувчи фанлар блоклари орасидаги алоқадорликни ўрганиш, улардаги бўлажак ўқитувчиларини тайёрлашдаги пропедевтик маълумотлар (олий таълимга қадар бўлган таълим муассасаларидаги талабалар эгаллаган таянч тушунчалар)ни ҳисобга олиш, кўрсаткичлар (параметрлар) орасидаги корреляцион боғланишлар натижалари асосида олиб борилади. Бу алоқадорлик ўрганилгандан кейин тадқиқот манбаига таъсир қилдириш лозим бўлган таълим-тарбия жараёнини такомиллаштиришнинг педагогик инновациялари қараб чиқилади.

Бу жараёндан самарали фойдаланишни ўйлаган бўлажак ўқитувчи қуйидаларга эътибор бериши лозим:

- фанларнинг ўқув дастури орасидаги ўзаро боғланишларини маънавий –маърифий жиҳатдан ўрганиш ва таъминлаш;
- фаннинг мақсадига тарбия самарасини оширувчи усулларни татбиқ этиш;
- ўқитишнинг ўқув-услубий ва ўқув кўргазмали материалларини маърифий -дидактикасини тайёрлаш;
- технологиялар, қоидалар, тамойиллар асосидаги ўқитишни тадқиқ этиш;
- тадқиқот олиб боришда тесқари алоқа воситаларидан самарали фойдаланиш ва бунда диагностик тестлар ўтказиш;

Юқорида қайд этилган муаммолар бўлажак педагог фаолиятини уларга таъсир қилувчи ички ҳамда ташқи таъсирлар, шунингдек, педагогик инновациялар ҳамда ўқитишнинг замонавий технологияларлари бир бутун комплекс тадқиқотни ташкил этади. Айнан бўлажак ўқитувчи фаолиятини ривожлантиришда маърифий етуклик тамойилларини таъминлайди.

Шу йўсинда комплекс тадқиқотларни олиб бориш ва уни амалиётга жорий этиш касбий ва ижодий фазилатларни шакллантириб, уни янада такомиллаштиришга ижобий таъсир кўрсатади. Айниқса, бундай бўлажак мутахассисларни "Меҳнат бозори"га тавсия этишда уларни қуйидаги кўринишда битирувчиларнинг касбий маҳоратига хулосалар чиқариш имконини беради:

1. Мутахассислик йўналиши бўйича фундаментал билимларга эга бўлган, таълим-тарбия жараёнини илмий-услубий жиҳатдан таъминлашни ташкил эта оладиган ўқув ва кўникмаларга эга бўлган юқори малакали, билимли ва маънавиятли кадр.

2. Замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан, ўқув-тарбия ишларининг интерактив усулларида самарали фойдалана оладиган ҳамда ўзида педагогик фаолият маҳоратини ва кўникмаларини шакллантирган маънавиятли кадр ва бошқалар.

УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ЁШЛАРНИНГ ҒОЯВИЙ ДУНЁҚАРАШИ ВА МАЪНАВИЙ ФАЗИЛАТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВАЗИФАЛАРИ

**Тохириён А., т.ф.н.
ТВПКҚТМОИ**

Маълумки, ҳар бир ривожланган давлат ўз фуқароларининг, вояга етаётган ёш авлоднинг тақдирига, камолотига бефарқ қарамайди, балки уларда она – Ватанга содиқлик, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, ахлоқ-одоб ва бошқа мақбул инсоний хулқ-атвор, юксак фазилатларни тарбиялашга интилади. Инсон ягона давлат ва жамиятда яшаб туриб шу маконда қабул қилинган урф-одатлар, қонунлар, умумхалқ мафкураси ва миллий ғояларга амал қилади. Ўтган асрнинг маърифатпарвари, жаҳид адабиётининг атоқли намояндаси Чўлпон таъбири билан айтганда, халқ бамисоли улкан ва қудратли куч, тўлқин сифатида акс фикрлайдиган, ёт ва мақбул бўлмаган бегона ғоя ва мафкураларни тарғиб этадиган кучларга қарши курашади. Чунки, ҳатто урушлар тугаб, замбараклар наъраси тинган пайтда ҳам инсон онги ва қалбини эгаллаш йўлидаги мафкуравий курашлар давом этади.

Давлатимиз Мустақиллигининг дастлабки йилларидан бошлаб инсон онги ва қалбида миллий мустақиллик ғояси ва мустақиллик мафкурасини, халқимизга хос энг юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантириш масаласи давлатимизнинг диққат марказида турди. Шунинг учун, таълим муассасаларида, хусусан умумтаълим ўрта мактабларда таҳсил кўраётган ёшларни миллий истиклолга содиқ, ватанпарвар, энг эзгу фазилатлар руҳида тарбиялаш долзарб вазифа бўлди.

Умумтаълим мактабларида ўқувчилар ғоявий дунёқарашини шакллантириш ва маънавий жиҳатдан камол топтириш, халқимизнинг энг мақбул урф-одатларини, миллий қадриятларини шакллантириш мақсадида ўқув режасига қатор ўзгаришлар киритилгани юқорида таъкидланган вазифаларни ечимидаги дадил қадамлар эди. Айниқса, бошланғич синфларга “Одобнома”, 5-6 синфларга “Ватан туйғуси”, 7-9 синфларга “Миллий истқлол ғояси ва маънавият асослари” фанларининг киритилиши айтиш мумкин бўлди. Шу ўринда, таълим муассасаларида, жумладан педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтлари томонидан мазкур предметларни ўқитадиган ўқитувчиларнинг салоҳиятини ошириш мақсадида қайта тайёрлаш ишларининг самарали йўлга қўйилиши ҳам масаланинг долзарб эканлигидан далолат беради.

“Миллий ғоя ва маънавият асослари”нинг фан сифатида эътироф этилиши унинг ўзига хос предмети, объекти, мақсад ва вазифалари мавжудлигини англатади, яъни бу фаннинг ҳам муайян билимлар тизими, ўзига хос мавзулари, тушунчалари, қонун ва категориялари мавжуд. Шу билан бирга, миллий ғоянинг жамият, миллий маданият негизлари асосида шаклланиши, халқнинг ишонч ва эътиқодига айланиши билан боғлиқ ўзига хос хусусиятлари мавжудлигини ҳам таъкидлаш лозим. Бунда ҳар бир инсон ёки шахснинг индивидуал хусусиятлари, унинг ўзига хос дунёқараши, шунга

мос тафаккур ва ҳаёт тарзи, миллий онги, ўзлигини англаганлиги даражаси алоҳида ўринга эга.

Ватанпарварлик ва миллатпарварлик туйғулари киши қалбида миллий анъаналарга, тарихи, она тили, маданиятига нисбатан шаклланган эътиқод, садоқат асосида пайдо бўлиб, миллатининг шаъни, кадр-қимматини ҳурмат қилишида намоён бўлади. Ҳар бир инсонда умуминсоний қадриятлар бошқа халқлар ва миллатларнинг маданий ютуқларига ўзаро манфаатдорлик ҳамда миллий тараққиётида уни мустаҳкамлаш нуқтаи назаридан қараш, баҳолаш кўникмалари, саъй-ҳаракатлари орқали ўз ифодасини топади.

Бинобарин, ушбу фаннинг предметини миллий маънавий мерос ва умуминсоний қадриятларнинг ўзаро муштараклиги, миллий истиқлол бош ғояси халқнинг ишонч ва эътиқодига айланиши, «ғоя» ва «мафкура» тушунчалари, уларнинг халқлар, миллатлар ва давлатлар тақдирига таъсирини ўрганиш масалалари ташкил этади.

Сўнгги йилларда “Миллий ғоя ва маънавият асослари” фани таълим тизимига жорий этилиб, бу фаннинг ўқитилишини такомиллаштириш бўйича муҳим ишлар қилинди. Чунончи, миллий ғоя ва мафкурани шакллантириш ҳамда маънавият ва маърифат ишларини юксалтириш, буюк аجدодларимизнинг серқирра ижодий маҳсулини халқимиз ва ёшлар онгига етказиш мақсадида дарсликлар, илмий-услубий рисоалар, илмий мақолалар нашр қилинди. Бу, албатта, ўз самарасини кўрсатмасдан қолмади: ёш авлод, бўлажак мутахассислар онгида, тафаккурида замон руҳига мос равишда туб янгиланишлар юз бермоқда.

Аммо бугунги глобаллашув жараёнлари кун сайин тез суръат билан давом этаётган замонда, жаҳоннинг геополитик харитаси, минтақамиздаги мафкуравий жараёнлар ҳам тез ўзгармоқда. Бундай мураккаб шароитда давлатимизнинг бугунги сиёсати моҳиятини, мамлакатимизда амалга оширилаётган демократлаштириш ва модернизация қилиш жараёнининг самарали восита ва усуллар ёрдамида тушунтирилиши тақозо этилмоқда.

Институт “Ижтимоий фанлар ва маънавият асослари” кафедраси томонидан “Миллий ғоя ва маънавият асослари” ўқитувчиларидан ташкил топадиган малака ошириш гуруҳи тингловчилари билан ўзаро тажриба алмашиш натижасида ушбу фанни таълим тизимида ўқитиш жараёнида мавжуд ютуқ ва муаммолар ўрганилди ва билдирилган фикрлар умумлаштирилди. Натижада, ушбу йўналишда юзага келган муаммолар, асосан, қуйидагилардан иборат эканлиги маълум бўлди:

1) 7-9 синф дарсликлари юзасидан ўқитувчилар учун услубий қўлланма йўқлиги. Яъни, дарслик мавжуд, аммо ўқув қўлланма ёзилмаган;

2), Баъзи бир мавзуларнинг ўқувчилар ёшига нисбатан олганда мураккаблиги ҳамда ўта илмий тилда талқин этилиши;

3) Мактаблар учун етук мутахассисларнинг етишмаслиги.

4) Махсус адабиётлар – илова адабиёт ва хрестоматияларнинг етарли даражада мавжуд эмаслиги.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги 451

Қарорида (2006 йил 25 август) ёш авлоднинг онгида миллий тафаккур ва соғлом дунёқараш асосларини шакллантириш ҳамда мустаҳкамлаш вазифаси қўйилган. Бундай билим ва кўникмаларга эса ёшларнинг кўпчилиги, асосан, мактабда ижтимоий-гуманитар фанларни ўқиб-ўзлаштириш туфайли эришадилар. Демак, таълим тизимида Миллий ғоя фанини ўқитишни такомиллаштириш – даврнинг долзарб вазифасидир.

Таъкидлаш жоизки, фарзанднинг ғоявий ва мафкуравий тарбиясига лоқайд қараб бўлмайди. Таълим-тарбиянинг қайсидир бўғинида ёки оила муҳитида йўл қўйилган хато, мавжуд нуқсонлар фарзанд тарбиясига, унинг кейинги камолотига жиддий таъсир кўрсатади. Президентимиз Ислом Каримов ”Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт” деганида мутлақо ҳақ бўлиб, бу ўринда навқирон авлоднинг мафкуравий жиҳатдан ҳам баркамол вояга етишини назарда тутган эди. Юртимизда “Баркамол авлод йили”, “Соғлом бола йили” деб йилларнинг эълон қилиниши ҳам ёшларни истиқлолимизга содиқ, ватанпарвар, эзгу фазилатлар руҳида тарбиялашни назарда тутган эди.

Юқоридаги фикрларни эслашимизнинг боиси шундаки, ҳар бир ота-она ўз фарзандининг замонавий фан асосларини пухта эгаллашларини, энг чиройли, кўркам ва ҳар томонлама қулай мактабда таълим олишини, тажрибали устозлар қўлида таҳсил кўришини, келгусида билимдон, энг юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни эгаллашини орзу қилади.

Ушбу орзуларнинг ушалиши Миллий дастуримизнинг амалга оширилиши, ўқувчи ёшларимизнинг тарбия ўчоғларидан пухта, кучли ғоявий дунёқараш ва юксак маънавий фазилатлар эгаси бўлиб чиқишларига боғлиқ.

**I-ШЎБА — Умумий ўрта таълим мактабларида миллий ғояни
ўқитиш ва тарғиботини ташкил этиш масаласи**

**ЁШЛАР МАЪНАВИЙ ҚИЁФАСИ МИНГЙИЛЛИК
РИВОЖЛАНИШНИНГ МУҲИМ ШАРТИ**

Ф.Х.Аҳмедов
Ўзбекистон Республикаси
халқ таълими вазирлиги

Ўзбекистон Мустақилликка эришганидан кейинги энг асосий ҳамкорликларидан бири “Бирлашган миллатлар ташкилоти” га аъзо бўлганлиги ва қатор лойиҳаларда иштирокидир. Мамлакатимиздаги кенг кўламли ислохотлар сарасига таълим тизимидаги олиб борилаётган янгилекларни киритиш мумкин. Шу ўринда инсон камолотида маънавият башарият тараққиётининг барча даврларида халқлар, жамиятлар, давлатлар ва тамаддунларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тақомилидаги энг муҳим омил, кишиларни улуғ мақсадлар сари интилишларини бирлаштирувчи бунёдкор куч, инсоннинг юксак фазилатларини ўзида мужассам этган бебаҳо бойлик сифатида хизмат қилиб келган. Мазкур маънода, глобаллашув жараёнларида ижтимоий-иқтисодий ва технологик тараққиётнинг энг юксак чўққисига кўтарилган, аммо ўз тарихи, маънавий-маърифий ва илмий-фалсафий мероси, азалий урф-одат ва қадриятларига безътибор бўлган давлат ва жамият, эртами кечми, таназзулга юз тутиши эҳтимолдан холи эмас. Ва аксинча, ана шу бебаҳо бойликка таяниб, уни кўз қорачиғидек асраб-авайлаб ва бойитиб, бўлғуси авлодларга беками-кўст етказиб беришни кўзлаган жамият ҳар жиҳатдан тараққий этиши шубҳасиздир.

Ёш авлодни ватанпарварлик, инсонпарварлик каби хислатлар билан бирга диний ва бағрикенглик, юксак маънавият эгаси бўлиш ҳамда бошқа миллатларга нисбатан ҳурмат билан қарайдиган, инсоний қадр-қимматини эъзозлайдиган қилиб тарбиялаш биз қураётган буюк давлатчилигимиз пойдевори бўлиб хизмат қилади.

Ёш авлод тарбиясида маънавият, биз ўзбеклар учун муҳим мавзу бўлиб келган. Бинобарин, айна мана шу тушунча инсоннинг бирламчи белгисидир. У бошқа мавжудодлардан ақли ва фикри орқали фарқланади. Шу ўринда Навоий, – “чун алфоз ва ибратдин мурод маънидур ва мазкур маҳлуқотдин мақсуд инсондур” (14-том, 106-бет)- дея, “маҳлуқотдин мақсуд инсондур” эканлигини ва унинг қомиллигини илгари суради.

Истиқлол йилларида юртимизда маънавий қадриятларимизни тиклаш ва тақомиллаштириш борасида амалга оширилган улкан ишлар ҳамда бажарилиши лозим бўлган вазифалар теран таҳлил этилиб, мамлакатимизнинг истиқболдаги янгиланиши ва юксалишига хизмат қиладиган янги ғоя, фикр-мулоҳаза ва ҳулосалар баён этилган. Бугунги мураккаб глобаллашув даврида маънавият соҳасида вужудга келаётган долзарб муаммолар, халқимиз маънавиятини асраш ва юксалтириш, айниқса ёш авлодни қалби ва онгини турли зарарли ғоя ва мафкуралар таъсиридан сақлаш ва ҳимоя қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилганлигидир.

Таълим-тарбиянинг илк бошидаёқ фарзандларимизни ўзлигини англашга, мустақил, онгли фикрлашга ўргатиш, ўларнинг тафаккурида бўшлиқ вужудга келишига йўл қўймаслик лозим. Мафкуравий иммунитет оддий одатлар, халқимизга хос бўлган шарму ҳаё, андиша, ота-онага ҳурмат, катталарга иззат-эҳтиром, кичикларга шафқат каби олижаноб фазилатлар орқали шакллантирилади. Айни мана шу усуллар тарбиячининг тарғиботи, ташвиқоти ҳамда ибрати кўринишида амалга оширилади. Шундай қилмасак, биз ёшларимизни турли ёт таъсирлардан асрай олмаймиз.

Ёшлар табиатдан жуда тез бирор-бир вазиятга берилувчан ва ўта таъсирчан бўлишади. Айниқса, “оммавий маданият”, улар кўпроқ таъқиқланган нарсаларга ўчлиги сабабми, турли ёт ғояларнинг мазмун-моҳиятини тушунмасдан ичига кириб кетиш ҳолатлари кузатилмоқда. Ислом Каримов ўзларининг қатор чиқишларида мана шу масалага бир мунча чуқур ёндашиб, шундай дейди: “Табиийки, «оммавий маданият» деган ниқоб остида *ахлоқий бузуқлик* ва *зўравонлик*, *индивидуализм*, *эгоцентризм* ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни қўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлар одамни ташвишга солмай қўймайди”- дея, юртбошимизнинг безовталиги кенг жамоатчиликни ҳам мазкур жараёнга эътиборли бўлишга чақиради. Дунёнинг машҳур сиёсатдонларидан бири Маҳатма Ганди глобаллашув ҳақида қуйидаги фикрларни билдиради, Журналистлар томонидан унга “Глобаллашув жараёнига қандай қарайсиз?” деган саволни беришганда, у шундай маънода жавоб берган экан: “Мен ташқаридаги бўрондан кўрқиб, деразамни ёпиб қўя олмайман, чунки менга тоза ҳаво керак. Шу билан бирга, тоза ҳаво керак экан деб, деразамни катта очиб ҳам қўя олмайман, чунки менинг уйимни чанг-тўзон босиб кетишини хоҳламайман”. Айни ҳақиқат ҳам шу ўринда аён. Инчинун, Маҳатма Ганди таъкидлаган “бўрон” маънавий таҳдидга қарши жаҳолат, разолат бўронлари бўлиб, ёш, навниҳол авлодни, тажрибаси ва билими етарли бўлмаган ёшларни гирдобига тортиб кетиши мумкин. Келтирилган “чанг-тўзон” эса, фарзандларимиз руҳиятига сингиб қолиши хавфи бўлган турли ёт ғоялар ва кераксиз, жирканч, ланъатланган ақидалардир. Таҳдидлар ҳақида гап кетар экан, бугунда бу таҳдидларнинг йигирмадан ортиқ турлари мавжудлиги ҳеч кимга сир эмас. **Мультимаданият, Полиэтниклик, Мономаданият, Полимаданият, Маданиятлараро диалог, Геноцид, Расизм, Ксенофобия, Экстремизм, Этноцентризм, Фундаментализм, Радикализм, Миллатчилик, Сепаратизм, Маҳаллийчилик, Миллий ва гуруҳли худбинлик, Диний ақидапарастлик, Диний рийёкорлик, Сохта демократиялар, Рангли инқилоблар, Превентив революциялар, Икки хил стандартлар** ва бошқалар. Шу ўринда биргина “Старизм” нима? деган саволга қуйидагича жавоб беришга уриниб кўрамиз.

Старизм – субъектив эҳтиросларга берилган ҳолда, эстрада артистлари, актёрлар, спортчилар, теледикторларни илоҳийлаштириш,

Ўз рухий ҳиссиётларини жиловлай олмаслик, ҳиссиётларни ақлга бўйсунмаслиги ҳолати айни вақтда оғир касаллик.

Агар эътибор берган бўлсангиз, ёш йигит-қизларнинг шахсий хоналарига кирсангиз, ё чет эл актёри, ё чет эл қўшиқчиси, ё чет эл теледиктори ёки чет спортчисининг бир неча юзлаб расмларини деворларга ёпиштириб ташлаганига кўзингиз тушади. Энг қизиғи улар ана шу қаҳрамонларининг расмини (!) яқин кишиларидан ҳам устун қўйишади (Бирорта расмни йиртсангиз, “Бу сендан қиммат туради, нега йиртдинг!?” деб ўдағайлашидан ҳам буни билиш мумкин). Улар қоринлари оч қолса ҳам нон олмасдан ўзлари севган қаҳрамонларининг расми ёки ижод намунасини олишади. Ана шу қаҳрамонлари учун ҳеч нарсадан тоймайдилар, ҳатто ўзгаларга шикаст етказишдан ҳам.

Ёшлар маънавий қиёфасига қўйилган талаблар: билимдонлик, меҳнатсеварлик, мустақил фикр, зукколик, замонавий ва дунёвий илмдан хабардорлик, ватанпарварлик, жамиятда ўз ўрнини топишга интилиш, кийиниш ва сўзлашув маданиятига риоя қилиш ва бошқалар

Кўзланган асосий мақсад: ёшларимиз орасида катта-маънавий-маърифий ишларни олиб бориш орқали миллий мафкурамизга куч-қувват берадиган, уни янги-янги марралар сари сафарбар этадиган, кенг оммага таъсир ўтказишга хизмат қиладиган маънавий, ҳуқуқий, иқтисодий, сиёсий, ижтимоий манбалар билан такомиллаштириб бориш.

Стратегия – Ёшларни мамлакатимиз равнақи йўлидаги Давлат Сиёсати атрофида бирлаштириш ва юксак маънавий бурчлар.

Тактика- Ёшлар фаолиятни турли интеллектуал лойиҳалар, форумлар, илмий тадқиқотлар атрофида бирлаштириш.

Ёшлар келажагини кафолатлайдиган, ватанни таниган, ижодкорликка ва мақсадга йўналтирилган, креатив тафаккур, толерантлик, фуқаролик масъулияти, умумбашарий қадриятларга содиқлик ва очиқлик.

Ёшлар билан ишлаш Давлат сиёсатининг методологияси – Миллий ғоя туркумида чоп этилган, мустақиллик йилларида шаклланган, маънавий-мафкуравий иммунитет билан тўйинган халқимизнинг ўзига хос фалсафий асоси, илмий-назарий ва тарихий илдизларига эга бўлган яхлит таълимоти. Президент И.Каримовнинг миллий ғоянинг мазмун-моҳияти, мақсадлари, тушунча ва тамойилларига доир асарлари, маъруза ва нутқлари, фикр-мулоҳазалари, аجدодларимизнинг бой мероси, миллий руҳ сингдирилган кинофильмлар, бадиий адабиётлар ва бошқа манбалар.

Доно халқимизда “Қисмати хулқига яраша” деган нақл бор. Дарҳақиқат, инсоннинг инсонлиги қандай ахлоқ соҳиби эканлиги билан белгиланади. Унинг камолоти даражасини белгиловчи бош омил ҳам ахлоқдир. Гарчанд ёшларимиз онги ва шуури маънавий-мафкуравий иммунитет билан тўйинар экан, барча яхшиликлар ва улуғ неъматлар билан зийнатланган қалб сифатида улар албатта, эзгуликларга мушарраф бўлишлари муқаррар.

ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ОТА-ОНА МАСЪУЛИЯТИ

Р.Қ.Чориев
ТВПКҚТМОИ ректори,
п.ф.н. доцент

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” номли асарида оиланинг шахс камолотида тутган ўрни ва ролини юқори баҳолайди. Хусусан, “ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз, оиланинг ўрни ва таъсири бекиёсдир. Чунки инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади. Боланинг характери, табиати ва дунёқараши белгиладиган маънавий мезон ва қарашлар – яхшилик ва эзгулик, олижаноблик ва меҳр-оқибат, ор-номус ва андиша каби муқаддас тушунчаларнинг пойдевори оила шароитида қарор топиши табиийдир”². Шунингдек, асарда жамиятнинг барқарор ривожланиши, мустаҳкамлиги оилаларда қарор топган соғлом муҳит билан боғлиқ эканлигига урғу берилади: “... ҳаммамизга аён бўлиши табиийки, оила соғлом экан – жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан – мамлакат барқарордир”³.

Шахс ривожланиши ва ижтимоийлашувини таъминлашда муҳим рол ўйнайдиган оила бу борада бир қатор вазифаларни амалга оширади. Педагогик манбаларда оила томонидан ижтимоий тарбия йўналишлари бўйича муайян вазифаларнинг бажарилиши мақсадга мувофиқ эканлиги айтилади. Жумладан, болани маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш; жисмоний жиҳатдан камолотга етказиш; ақлий салоҳиятини ўстириш; меҳнатсеварлик хислатини тарбиялаш асосида уни меҳнатга, ишлаб чиқаришга тайёрлаш; эстетик диди ва тафаккурини тарбиялаш ва бошқалар.

Дарҳақиқат, оила шахс камолотида асосий ўрин эгаллашига қарамай, унинг қандай муҳитга эга бўлиши ҳам шунчалик аҳамиятлидир. Оила аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабат, мулоқот, бир-бирларини тушуна ва қўллаб-қувватлай олишлари, толерантликлари, зарур ўринларда бир-бирларига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатишга тайёр эканликлари ёки бунинг аксини намойиш этишлари оилада қарор топган муҳитнинг ижобий ёки салбий мазмун касб этишини ифодалайди.

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг Асосий қонуни - Конституцияда фарзандларнинг жамият, оила, ота-оналари олдидаги инсоний бурчлари ва масъулиятлари нималардан иборатлиги миллий кадриятларимиздаги асосий ғоя ва қоидаларга асосланиб белгилаб берилган. Унинг 66-моддасида қайд қилинишича, вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар.

² Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 52-бет.

³ Ўша манба. – 58-бет.

Моҳияти ва йўналишига кўра ёшларни оилапарварликка тайёрлаш маънавий-ахлоқий тарбия негизида амалга оширилади. Ёшларни оилапарварликка тайёрлаш мураккаб жараён бўлиб, мазкур жараённинг муваффақияти оилада, таълим муассасаларида ташкил этиладиган маънавий-ахлоқий тарбия самарадорлигига боғлиқ. Бироқ, ушбу жараёнда бевосита оила муҳим ўрин тутди. Шунингдек, ота-оналар ёки оила кекса авлод вакиллариининг ҳаётий тажрибалари, маънавий-ахлоқий қиёфалари, маълумот даражалари, дунёқарашларининг кўлами, бир-бирларига бўлган муносабатлари мазмуни ёшларни оилапарвар ота-оналикка тайёрлаш учун ижтимоий-ғоявий асосни қўйишга хизмат қилади.

Оилада ёшларни оилапарварликка тайёрлашда ижтимоий субъектлар томонидан уларга кўрсатилаётган ибрат асосий тарбиявий таъсир воситаси бўлиб хизмат қилади. Ижтимоий субъектларнинг ёшларга оила ҳаётини мўътадил ва самарали ташкил этиш борасида кўрсатадиган ибрати уларнинг қай даражада педагогик малака ҳамда психологик билимларни ўзлаштира олишларига ҳам боғлиқ.

Ота-оналар ёки кекса авлод вакиллариининг ҳаётий тажрибалари, дунёқарашларининг кенглиги ҳамда ўз олдиларига қўйган мақсадларининг эзгу ғояларга асосланганлиги ҳам ёшларни оилапарвар ота-оналикка тарбиялашда ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Фарзанд учун дунёда ота-онадан кўра меҳрибон, азиз ва мўътабар зот йўқ. Ота-она фарзандларнинг суянчиғи, битмас-туганмас бойлигидир. Халқимизнинг энг қадимий даврлардан бошлаб ҳозирга қадар давом этиб келаётган, ўз аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайдиган ажойиб қадриятларидан бири ота-онани юксак даражада эъзозлаш, иззат-икромини, ҳурматини жойига қўйишдан иборатдир. Бу миллий қадриятларимизнинг энг муҳим талабларидан биридир.

Ҳазрат Алишер Навоий айтганларидек, ота-онани ҳурмат қилиш «...фарзандлар учун мажбуриятдир. Бу иккисига хизматни бирдек қил, хизматинг қанча ортиқ бўлса ҳам кам деб бил. Отанг олдида бошингни фидо қилиб, онанг боши учун бутун жисмингни садақа қилсанг арзийди! Икки дунёнг обод бўлишни истасанг, шу икки одамнинг розилигини ол! Туну кунингга нур бериб турган - бирисини ой деб бил, иккинчисини қуёш. Уларнинг сўзларидан ташқари бир нарса ёзма, улар чизган чизикдан ташқарига бир қадам ҳам босма. Ҳамма хизматни сен одоб билан бажар, «адаб» сўзидаги «дол» каби қоматингни ҳам қил».

Кексалар учун ажратилган уйларда фарзандлари тирик, ўзига тўқ бўлган ота-оналар яшаётганлиги замона доғидан далолат. Гоҳи-гоҳида бўлса ҳам, ота-онага қўл кўтариш, ундан ҳам оғирроқ жиноят қилиш ҳоллари содир бўлиб турганлигини эшитиб турибмиз! Бу - оддий нуқсон эмас, балки учига чиққан тубанлик, бағритошлик, миллий қадриятларимизни оёқ-ости қилиш, ўз инсонийлигини йўқотишдир. Миллий қадриятларимизга, ўзбек халқининг шаънига доғ тушурадиган бундай ярамас ҳодисалар замини, илдизи, сабаби нимада, деган савол пайдо бўлиши табиий.

Оила жамиятнинг кичик бўғини, ижтимоий гуруҳи саналади. Ана шу кичик бўғинда жамиятда кечаётган ижтимоий жараёнлар муайян даражада акс этади. Шу билан бирга оилада жамиятнинг эртанги куни, истиқболини яратувчи шахслар камол топади.

Инсоният тараққиёти тарихининг аксарият босқичларида оила жамият томонидан талаб этиладиган шахсларни шакллантирувчи маскан сифатида улуғлаб келинган. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган кейинги даврда оилага бўлган эътибор янада ошди.

Юқорида фарзанднинг ота-она олдидаги бурчи ҳақида фикр юритдик. Ота-онанинг ҳам фарзанд олдидаги бурчи ниҳоятда катта ва масъулиятлидир. Фарзандларнинг келажакда қандай маънавий эгаси бўлиши кўп жиҳатдан ота-она, у берган тарбияга боғлиқ. Ҳар бир ота-она фарзанди олдида ўз оталиқ, оналик бурчини тўлиқ ҳис этиши, унга жавобгарлигини маънан англаб етиши керак.

Маънавий баркамоллик, балки, бешикдаги алланинг мазмунидан, болани кийинтириш-у уни ҳалол лукма билан боқишдан бошланиши мумкин. Ҳазрати Баҳоуддин Нақшбанд айтганларидек, инсондаги яхши феъллар, амоллар ҳалол лукмадандир. Демак, ота-она фарзандини ҳалол лукма билан боқса, у фарзанд маънан пок ва ҳалол бўлиб вояга етади. Биз шўролар замонида буни унутаёздик, аҳамият бермадик, боз устига тарбияни ҳам тузум ўз манфаатларига мослаштириб, уни ўз қўлига олди.

Оила покликка ва софликка, икки томонлама муҳаббатга, садоқат ва вафодорликка асосланиши керак. Бу фарзандлар тарбияси учун муҳим омил ҳисобланади.

Шундай қилиб, оила - жамиятнинг асосий бўғини. Оилада сингдирилган тарбия, Ватан, эл-юрт, мустақиллик, озодлик ҳақида берилган тушунча, тасаввур боланинг мурғак қалбида бир умр муҳрланиб қолади. Оила мустаҳкам, тинч, фаровон, соғлом бўлсагина, жамиятда барқарорлик вужудга келади. Президентимиз таъкидлаганларидек, «Оиланинг жамиятдаги ўрни, тарбиявий-ахлоқий аҳамияти, кадр-қимматини англаб етмасдан, оилага миллат манфаати нуқтаи назаридан ёндашмасдан туриб, халқчил мафкура яратолмаймиз»⁴.

УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ ДУНЁҚАРАШИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Ғ.Холмаматов
СамВПКҚТМОИ

Ўсиб келаётган ёш авлодни маънавий дунёқарашини камол топтириш, яъни, ақлий, ахлоқий, жисмоний жиҳатдан етук, эстетик маданияти, бадиий диди, дунёқараши кенг ривожланган, миллий ва

⁴ Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. 23-бет.

умуминсоний қадриятларга садоқатли қилиб тарбиялаш таълим-тарбия ишлари учун масъул педагог-мураббийлар олдига янги ва янада масъулиятли вазифалар қўйилмоқда.

Инсоннинг муайян шароитда камол топиши учун оила ва мактабларнинг ўрни ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Маълумки, инсонни ўраб олган жонли ва жонсиз нарсаларнинг нафосати ҳақида тўғри фикр юрита олиш, маънавий етуклиги фикр доирасига боғлиқдир. Ўзлигини англашдаги имкониятларининг рўёбга чиқариш ва маънавий баркамол бўлган етук кадрларни тайёрлаш учун янгидан-янги шароитлар яратилиб берилмоқда. Шу боис соғлом, ақлий, маънавий, жисмоний жиҳатдан ривожланган, мустақил фикрловчи шахсни шакллантириш давлат аҳамиятига молик масалалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Республикамизда таълим-тарбия ишларини тубдан қайта қуриш ёш ва келажаги буюк мамлакатимиз истиқболини белгилаб берадиган асосий омилдир. Бугунги кунда умум таълим мактаблари ёшидаги болаларда Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, комил инсон тарбияси, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик каби миллий ғоянинг асосий йўналишларини шакллантиришда ўтказиладиган машғулотлар, машғулотдан ташқари ишлар мазмунида чуқур ўрин олган.

Шахснинг баркамоллиги унинг маънавий дунёқараши ва ақлий жиҳатдан тарбияланганлик даражасига боғлиқдир. Ёшларнинг маънавий дунёқарашини шакллантириш, бу борада олиб бориладиган ишларнинг самара берадиган жиҳатларини топиш ва амалиётда қўллаш, маънавиятнинг илк куртакларини ривожлантириш оиладан, мактабгача таълим муассасаларидан бошланмоқда. Шу сабабдан мактабгача таълим муассасалари ходимлари учун мактабгача таълим концепцияси, давлат талаблари, дастурлар, қўлланмалар ҳозирги кун талабларига ҳамда дунё мезонларига мос келадиган қилиб қайтадан ишланди ва ишланмоқда. Жамият ва миллат талаб қилаётган маънавий баркамол авлодни шакллантириш йўлида изланишлар олиб борилмоқда. Ўсиб келаётган авлоднинг фикр кишиси, мустақил фикр соҳиби бўлишига давлат томонидан жиддий эътибор қаратилмоқда. Шу боис, умум таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёни қай йўсинда ташкил этилиши ҳам катта эътиборга молик ишдир. Чунки таълим ва тарбия узлуксиз ва узвий жараёндир. Маълумки, ҳар бир инсон маънавий қиёфасини шаклланиши ва такомиллашувига таълим тарбия, ижтимоий-иқтисодий шароит ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Жамиятнинг маънавий ҳаёти, ижтимоий ғоя ва қарашлар, тасаввурлар ва тушунчалар, ҳис ва туйғулар жамият моддий ҳаёти шароитларини акс эттиради. Чунки, инсонни табиат яратган бўлса ҳам, ундаги инсоний хусусиятлар жамиятда таркиб топади.

Жамият аъзоларининг маънавий фазилатлари, уларни шакллантириш вазифалари, таълим-тарбиянинг йўллари ва усулларига кишиларнинг миллий-жиҳатлари, яшаш ва меҳнат қилиш шароитлари, турмуш тарзи, диний эътиқодлари ҳам катта таъсир кўрсатади. Турмуш маданияти даврлар, замонлар ва ижтимоий ҳаётга боғлиқ ҳолда ривожланиб бори. Инсон ўз

табиати билан ижодкор, ўз меҳнати машулотини гўзал қилишга интилади. Бинобарин, меҳнат, ижод инсонни улуғлайди, ҳаётига нафосат нурини олиб киради. Кийилган кийим инсонга ярашиқли бўлиши, кўрар кўзга қувонч бериши лозим. Кундалик турмушда фойдаланадиган барча нарса ўқувчининг шахсий дид-фаросатини белгилаб туради. Бироқ, бу фаросат унда ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Фаросатда, кишилар мансуб бўлган халқнинг гўзаллик тушунчалари, яшаган тузум ва даврнинг ижтимоий- эстетик идеали у ўз аксини топади.

Турмуш гўзаллигида шахснинг маънавий савияси ўз ифодасини топади. Инсоннинг табиий хоҳиш, одат, сифат ва фазилатлари оилавий турмушида кўринади. Шунинг учун оила ва оилавий муносабатлар гўзаллигига кўпроқ эътибор берилади. Чунки жамият фаолиятининг “Тармоғи” саналган оиладан бошлаб инсон руҳий оламининг, инсон маънавий дунёсининг барча яхши ва ёмон куртаклари ниш уриб чиқади. Ҳар қандай жамиятнинг келажаги ёшлар экан, келажаги буюк давлатни барпо этилиши, уларнинг қандай тарбия олишига боғлиқдир. Ватанпарварликнинг савияси дастурлар ва дарсликлардаги ўқув материалнинг мазмунига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Бинобарин, “яхши одам”, “чиройли қиз”, “келишган йигит”, “ажойиб инсон” бўлиш учун жуда кўп нарса ва фазилатлар талаб этилади. Лекин ҳар бир “яхши одам” ва “чиройли қиз” гўзал инсон даражасига ўсиб чиқиши учун, аввало, умумтаълим мактабларидан олаётган маънавий ўғитлари, ўз устида кўпроқ ишлаши, ёмон одатлардан ҳоли бўлиши керак. Ўқувчининг маънавий маданияти унинг дунёқараши, фикрлаш доираси, туйғулари, онги ва тушунчалари, меҳнатга ва жамиятга бўлган муносабатларини, шунингдек онгли ва онгсиз кечинмаларини қамраб олади. Ўқувчи руҳини, қалбини дэнгизга қиёс қилишлари бежиз эмас: инсон қалби энг қудратли муҳаббат кучини ҳам, қаҳру ғазабнинг даҳшатини ҳам ўзига сингдира олиши маънавий дунёқарашига боғлиқдир.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, маънавий дунёқараши етук, миллий ғурури бор кишигина ўз тақдирини, ўз манфаатини Ватан, халқ тақдири билан Ватан, халқ мафаати билан боғлай олади. Ватан халқнинг манфаатларини юракдан ҳимоя қилади. Бу, албатта умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг шахсий ва касбий маҳоратига боғлиқдир.

МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИРЛАР ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТАЪСИРЧАНЛИГИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИДИР

Р. Жуманиёзов
ТВПКҚТМОИ, ф.ф.н.доцент

Таълим-тарбиянинг таъсирчанлигига эришиш борасида катор муаммоли вазиятларни енгиб ўтиш, вазифаларни бажариш зарурдир. Бу эса ташкилотчилик ва ташаббускорлик фаолияти билан чамбарчас боғлиқ.

Президентимиз эътироф этганларидек, “Маънавият инсонга она сути, ота ибрати ва аجدодлар ўғити билан бирга сингади”. Шундай экан, худди шу

маънавиятни, таълим-тарбияни қандай усулда, қандай шаклда келажак авлодга етказиш масаласи ҳар қачонгидан ҳам долзарблик касб этиши тайин. Аҳли донишлардан бирининг “танбурнинг куйи бир хил чалинсада, тоғда ва боғда, уйда ва тўйда бошқача таъсир қилади” дейиши бежиз эмас. Синф хоналари ва аудиториядаги таълимнинг таъсири ҳам ўз йўлига лекин муайян сана ёки бирон бир ижтимоий воқелик, байрамлар муносабати билан уюштириладиган тадбирларнинг моҳияти катта. Айтиш жоизки, уларнинг таъсир кучи, тарбиявий аҳамияти, интерактив жиҳати ҳам ўзига хос.

Аввало, ҳар қандай маънавий-маърифий тадбирдан кўзланган мақсад бўлиши табиий. Таассуф билан айтиш керакки, баъзи бир кичик доирадаги тадбирлар номига, қоғозларда қайд қилиш учунгина ўтказилади. Келди, иштирок этди, нутқ сўзлади ва кетди йўсинидаги ҳисобот учун қилинадиган тадбирлардан таклиф этилганларга ҳам, тингловчи ёхуд томошабинларга ҳам нафи йўқ. Маънавий-маърифий тадбир аниқ дастур ва режани талаб этгани каби уни ўтказишдаги динамикани ҳам тақозо этади. Бу эса иштирокчиларнинг диққат-эътиборини сусайтирмаслик талабидан келиб чиқади. Тадбир масаланинг янгилиги, долзарблиги, таълимий ва тарбиявий аҳамияти билан иштирокчиларда илиқ таассурот уйғотмас экан, унга кетган вақтга ҳайф. Ташкилотчиларнинг ташаббуси билан ўтказиладиган тадбирлар ўзларининг ранг-баранглиги, тартиби ва таркиби, мунтазамлилиги ва даврийлиги билан ажралиб туради. Пухта ўйланган ва режалаштирилган тадбирлар ҳамиша маънавият ва маърифатнинг ривожига хизмат қилади. Ўқувчи ёшлар ўртасида ташкил этиладиган тадбирларда айниқса, юқоридаги талабларни эътиборга олиш зарур. Уларда қизиқиш, интилувчанлик ва изланувчанлик туйғуси уйғотилмас экан, ҳаракат ҳам, харажат ҳам бесамардир, худди фойдаланиш муддати тугаган дори ёхуд бенишон узилган ўқ сингари.

Асосий ғоямиз озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш экан, ёшларни ана шу руҳда тарбиялаш ижодий имкониятларини, интеллектуал қобилиятларини ўстириш муҳим масаладир. Интеллектуал ривожланган авлодгина ватан ва халқ манфаатларига хизмат қила олади. 2012 йилнинг февраль ойида 50 га яқин хорижий давлатлардан ташриф буюрган йирик дунё банклари раҳбарлари ва фан-таълим мутахассислари иштирокида ўтказилган Халқаро конференцияда ҳам худди шу масалага эътибор қаратилгани бежиз эмас. “Юксак билимли, интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шarti” мавзусидаги ушбу Халқаро конференцияда ёш авлодга таълимий ва тарбиявий муносабат фонида ибратли хулосаларга келинди. Шунингдек, ёшларнинг Миллий ғоямиз ва мустақиллик мафкурасининг асосий тамойилларини чуқур эгаллашларига имконият йўллари очиқ беришга қаратилган қизиқарли, таъсирчан тадбирларни ташкил этиш ҳам ғоят аҳамиятлидир. Маънавиятсиз маърифат, маърифатсиз келажак йўқлигини англаган ҳар бир фидойи педагог, зиёли инсон президентимизнинг ушбу мулоҳазаларига эътиборли бўлиши керак: “Эндиги вазирамиз шундан иборатки, миллий истиқлол ғояси тушунчалари асосида

кенг жамоатчилик, зиёлиларимиз, илм - фан ва маданият намояндалари, аввало, маънавий - маърифий соҳа ходимлари миллий мафкурани такомиллаштириш ҳамда унинг асосий тамойилларини одамлар онги ва калбига сингдиришга қаратилган ишларни янги босқичга кўтаришлари зарур". Бу эса маърифат ва маънавият тарғиботчиларига масъулият ҳисси ва мажбурият бурчини юклайди. Ижтимоий-маърифий тадбирларнинг моҳият эътиборида миллат маънавияти тарғиботи масалалари туриши, бу эса жамиятнинг иқболи, давлатимизнинг истиқболига дахлдорлигини чуқур идрок этишни талаб этади. Президентимизнинг яна бир ўринда айтган ушбу фикрлари ҳам шу борадаги мулоҳазаларни тасдиқлабгина қолмай, балки қандай йўл тутиш борасида маёқ ҳамдир. "Барчамизга аён бўлиши керакки, қаердаки бепарволик ва лоқайдлик ҳукм сурса, энг долзарб масалалар ўзибўларчиликка ташлаб қўйилса, ўша ерда маънавият энг ожиз ва заиф нуқтага айланади. Ва аксинча, қаерда жонкуярлик, юксак ақл-идрок ва тафаккур ҳукмрон бўлса, ўша ерда маънавият қудратли кучга айланади."

Бу борада сўз кетаркан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августдаги "Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги 451-сонли қарори ва шу асосдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 28 февралдаги 07/2-80 - сонли *"Ўзбекистон Республикаси Маънавият тарғибот маркази, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Ички ишлар, "Қамолот" Ёшлар ижтимоий ҳаракати бошқаруви, Республика Бош прокуратураси, "Ўзбеккино" миллий агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ҳамкорлигида таълим муассасаларида диний - экстремизм ва миссионерликнинг олдини олиш, ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш бўйича чора-тадбирлар режаси(3- қисм 16-банди)"*ни дастуруламал сифатида кўрсатиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Маънавият тарғибот марказининг ташаббуси билан "IQtidor-ma'rifat" интеллектуал ижодий жамоаси ҳамкорлигида ўтказиб келинаётган "Ғоямиз-ҳимоямиз" номли электрон ижтимоий-маърифий тадбир ўзининг ҳаётийлиги ва таъсирчанлиги билан ёшлар ўртасида тобора оммалашиб бораётгани сир эмас. У ноанъанавий шаклга эга бўлиб, унда томошабинлардан кўра, фаол иштирокчиларнинг мавжудлиги кўзга ташланади. Саволларга жавоб бериш орқали махсус совринга эга бўлиш завқи уларнинг фаоллигини оширади. Дастур аввалида Абдулла Авлонийнинг "тарбия биз учун ё ҳаёт - ё мамот, ё нажот - ё ҳалокат, ё саодат - ё фалокат масаласидир" деган фикрларига бевосита уйғун бўлган Президентимизнинг ушбу битиклари намоён бўлади. "Албатта иқтисодиётнинг ҳам, бошқа барча соҳаларнинг жамиятимизда ўз ўрни бор. Лекин миллий ғоя ва миллий мафкура масаласи таъбир жоиз бўлса, биз учун ҳаёт - мамот масаласидир."

Ушбу тадбирда нотиклик маҳорати, мустақил фикрлаш, мушоҳада юрита олиш қобилияти, воизлик санъатининг кенгқамровли қирраларидан фойдаланилади. Назм, куй, кўшиқ ва видеолархалар, бир сўз билан айтганда,

замонавий техник жиҳозлар, самарали педагогик технологиялардан, интерфаол методлардан фойдаланиш орқали маърифий мақсадни амалга ошириш ижодий гуруҳга куч-ғайрат бахш этади. Саволларнинг монитор орқали эълон қилиниши, унга жавоб беришга интилувчилар сонининг зиёд эканлиги аудиторияга кўтаринкилик ва жонлилик бағишлайди. Ҳар иккала саволга жавоб топилгандан кейин топқир томошабинлар совғалар билан рағбатлантирилади. Тадбир сўнгида ғолиблар рағбатлантирилиб, мусобақанинг мутлақ ғолибига қимматбаҳо мукофотлар тақдим этилади. Ушбу лойиҳанинг тобора оммалашиб бориши давр тақозо этган мақсад-талабларга мувофиқлиги белгисидир. Ҳар қандай ғоя ва мафкура омма онгига тўғри ва таъсирли сингдирилгандагина куч ва моҳият касб этиши муқаррардир. Шундай экан, “ғояга қарши ғоя, фикрга қарши фикр, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш” эса юксак билим ва нотиклик маҳоратига эга бўлиш зарурлигини англатади. Халқ қалби ва онги учун кураш кетаётган айни дамларда Президентимизнинг “мафкура полигонлари ядро полигонларига нисбатан кўпроқ кучга эга” деб огоҳликка, хушёрликка даъват этишлари бежиз эмас. Тинчлигимизни ҳимоя қилишимиз керак, маҳалламиз тинчлигини ҳимоя қилиш керак, болаларимиз келажагини ҳимоялаш керак, ҳимоя аввало, бу огоҳ бўлиш демакдир мазмунидаги чақириқларида ҳам юрт тинчлиги ва халқимиз осойишталиги ва фаровонлигини ўйлаш ва шу борада курашишга чақириқ ҳисси борлигини жамиятнинг ҳар бир онгли аъзоси идрок этади. Тадбирнинг “Ғоямиз-ҳимоямиз” деб аталиши ҳам аслида, шундандир.

Тадбирнинг иккинчи қисми унинг узвий давоми сифатида яратилган миллат танламас иллат гиёҳвандликка қарши нафрат, оила мустаҳкамлиги, соғлом турмуш тарзига муҳаббат руҳи билан суғорилган, ахлоқий-тарбиявий мазмундаги “Қора илон” ҳамда соғлом фарзанд тарбияси билан боғлиқ “Бегона” бадиий фильмларининг ижодкорлари, актёрлар билан учрашув ҳамда фильмлар намоёиши билан якунига етади.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири раислигида ўтказилган Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг 2013 йил 15 ноябрдаги 339-сонли баённомасининг 43-бандида қайд этилганидек, “Ғоямиз-ҳимоямиз” мавзуида тадбирлар, учрашувлар, кўрик-танловларнинг ўтказилиши мақсадга мувофиқдир.

“Ғоямиз-ҳимоямиз” ижтимоий-маърифий тадбир ижодий гуруҳи талаба ёшлар орасида қатор учрашувларни уюштираркан, билимга чанқоқ, истеъдодли ёшларни топиб уларни ватанга фидойи қилиб тарбиялаш муқаддас вазифа эканлигини ҳис этган ҳолда, аввало ушбу мақсадларни кўзлайди: Ўзбек халқининг бой тарихий, илмий, бадиий, маданий-маърифий ва ахлоқий меросини ҳар бир фуқаронинг маънавий мулкига айлантириш, миллий ўзликни англатиш мақсадини устувор йўналиш сифатида амалга ошириш, миллий ғоя ва мафкурани халқимизнинг онги ва қалбига чуқур сингдириш, уни руҳий ва маънавий куч-қудрат манбаига айлантириш; ватан озодлиги йўлида жасорат кўрсатган буюк аجدодларимизнинг ибратли ҳаётини кенг тарғиб этиб бориш, сиёсий жараёнларга, мустақиллик

йилларида эришилган ютуқлар таҳлили асосида жамиятнинг ҳар бир аъзоси қалбида миллий ғурурни кучайтириш, ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмаслик туйғусини камол топтириш; аҳолининг барча қатламларида, хусусан, ёшларда фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, фидойилик ва ватанпарварлик туйғуларини мустаҳкамлаш, уларда дунё ва мамлакат миқёсидаги сиёсий жараёнларга мустақил ва онгли муносабатда бўлиш ҳиссини уйғотиш; жамиятда ўзаро инсоний муносабатлар, иззат-эҳтиром, меҳр-мурувват, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик ғояларини шакллантириш жараёнларини миллий ғоя ва маънавият тамойиллари билан уйғун тарзда тизимли ва узлуксиз тарғиб этиб боришни йўлга қўйиш; турли оммавий ахборот воситалари ва Интернет тармоқларида тарқатилаётган, урф-одатларимиз, миллий менталитетимизга зид, одобсизлик ва ахлоқсизликни тарғиб этувчи вайронкор ғояларнинг ёшларимиз онгига салбий таъсир ўтказишининг олдини олиш; ахлоқий, тарбиявий ишларни янада такомиллаштириш, ёшларда юксак маънавий ва маданий сифатларни шакллантириш, умуминсоний қадриятлар, миллий ўзликни англаш, ғурур ва ифтихор, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, бой тарихий-маданий меросга асосланган ҳолда мустақил оилавий ҳаётга тайёрлаш, халқимизнинг азалий анъана ва урф-одатларига асосланган ҳолда жамиятда ўз ўрнини топиш, касб-хунар эгаллашга бўлган иштиёқини кучайтириш; “оммавий маданият” ниқоби остидаги таҳдидларнинг ёшлар ҳаётига салбий таъсир ўтказишига йўл қўймаслик ва уларда қатъиятлилиқни камол топтириш; ёшларнинг турли соҳаларда эришаётган ютуқларини кенг тарғиб этиш ва уларнинг онгида баркамол шахс идеалини шакллантириш орқали замонамиз қаҳрамонларини камол топтиришдир.

“Мутасаддилар билиб қўйсинлар. Маънавиятнинг бош ҳимоячиси Республика Президенти бўлади. Мен Президент сифатида одамларнинг маънавий тарбияси, тинчлик ва хайрли ишлар мақсадида ҳаракат қилаётган ҳар бир кишини қўллаб - қувватлайман ва мен у билан ҳамкорлик қиламан... Маънавиятни мустаҳкамлаш учун меҳнат ва маблағни аяш ўз келажагига болта уриш демакдир... Биз наслимизнинг келажаги соғлом авлод учун кураш бошладик. Соғлом авлод деганда, биз фақатгина жисмонан бақувват фарзандларимизни эмас, балки маънавий бой авлодни кўзда тутганмиз. Чунки ҳар томонлама бой авлодга эга бўлган халқни ҳеч қачон енгиб бўлмайди. Буни ҳаммамиз яхши англаб олишимиз шарт.” - деган ўғитлари маънавий ва маърифий тадбирларнинг мутасаддиларига катта масъулият ва ишонч юклайди. Миллий-маънавий қадриятларимизнинг рамзи бўлган тарихий шаҳар ва ўлкаларга саёҳат, улуғ бобокалонларимизнинг қадамжоларини зиёрат қилиш, санъат, фан ва спорт соҳасидаги фестиваллар, фавворалар сайли каби тадбирлар ёшларимизнинг фикри ва дунёқарашини ўстирибгина қолмай, балки уларни муайян мақсад йўлида уюштиради, жипслаштиради ҳам. Тадбирларнинг ҳаётийлиги ва таъсирчанлигисиз мақсадга эришиш мушкуллигини ҳис этиш зарур. Қолаверса, бугунги давр шуни тақозо этмоқда.

БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШДА МИЛЛИЙ ҒОЯНИНГ АҲАМИЯТИ

**Г.Д.Кулдашева, Ф.А.Акрамова
п.ф.н. доцентлар ТВПКҚТМОИ**

Ўзбекистон – мустақил тараққиёт йўлидан буюк келажак сари дадил қадамлар билан ривожланмоқда. Ҳозирги долзарб вазифалардан муҳими мустақиллигимизнинг ғоявий-негизларини мустаҳкамлаш, халқимиз, айниқса, келажак соҳиблари бўлган ёшларни миллий ғоя, миллий ғурур, миллий ифтихор руҳида тарбиялашдан иборат. Мустақиллик йилларида бу борада улкан вазифалар амалга оширилди. Миллий тарихий қадриятларимиз тикланди, миллий ўзликни англаш шаклланди, миллий-маънавий меросимиз халқимизга қайтарилди. Умуминсоний қадриятлар билан уйғун ҳолда ривожланиш учун катта имкониятлар яратилди.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, миллат бор экан, миллий давлат бор экан, унинг мустақиллиги ва эркинлигига, анъана ва урф-одатларига таҳдид соладиган, уни ўз таъсирига олиш, унинг устидан ҳукмронлик қилиш, унинг бойликларидан ўз манфаати йўлида фойдаланишга қаратилган интилиш ва ҳаракатлар доимий хавф сифатида сақланиб қолиши муқаррардир.

Мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо қилишда баркамол авлод тарбияси катта аҳамият касб этади. Келажакимиз пойдевори бўлган ёшларни тарбиялашда соғлом ижтимоий муҳитни яратиш, таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш, миллий ва умуминсоний қадриятларни тиклаш ва эъзозлаш муҳимдир. Юртбошимиз айтганидек, фақатгина чинакам маърифатли одам, инсон қадрини, миллат қадриятларини, бир сўз билан айтганда, ўзлигини англаш, эркин ва озод жамиятда яшаш, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб, обрўли ўрин эгаллаши учун фидоийлик билан курашиши мумкин. Шу боис, мақсад баркамол авлодни - комил инсонни тарбиялашни вужудга келтиришнинг асосий жиҳатлари эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Миллий ғоя ва миллий мафкура чуқур дунёвий, фалсафий, диний асосларга эга. Инсонпарварлик, ўзаро ҳурмат, яратувчилик, тинчлик, адолат ва ҳақиқат руҳи билан суғорилганлиги туфайли миллий ғоя ва миллий мафкура юртимиз Ўзбекистон, Ватан равнақи учун хизмат қилади. “Ана шу миллий онг, ана шу миллий ғурур бугунги истиқлолимизнинг олтин пойдеворидир - дейди И.А.Каримов. – бу пойдеворга Широқ ва Тумарис, Беруний ва Фаробий, Абу Али ибн Сино ва ал-хоразмий, Амир Темур ва Бобур, Навоий ва Улуғбек каби юзлаб зотлар асос солганлар”.⁵

Мафкуравий курашлар кучайган бугунги кунда ёшлар қалбида она – Ватанимизга, бой тарихимизга, миллий ыадриятларимизга, ота-боболаримиздан мерос муъаддас динга соғлом муносабатни қарор топтириш, уларнинг мафкуравий иммунитетини шакллантириш мақсадга мувофиқдир.

⁵ Каримов И.А. Ўзбекистон: Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Т., Ўзбекистон, 1993, 103-104 б.

Мафкуравий иммунитетни шакллантириш ёшлар онгига бир хил ғояни зўр бериб тикиштириш эмас, балки одамларга оқ-қорани ажратиш, зарарли ғояларга қарши ҳушёр ва огоҳ бўлиш хусусиятларини тарбиялаш демакдир.

Соғлом турмуш тарзи инсон фаолиятининг ҳамма соҳаларини қамраб олиш билан бирга унинг ҳуқ-одоби, хатти-ҳаракати, фаоллиги, жамиятда тутган ўрнини ҳамда ижтимоий ва шахсий бурчини англаш, меҳнатсеварлик фазилатини, юртпарварлик, инсонларга даҳлдорлик, бошқаларга меҳр-оқибат, мурувват ғамхўрлик туйғусини уйғотади. Шунингдек, кишиларда тадбиркорлик, тежамкорлик, талабчанлик, интизомлилик фазилатларини шакллантиради. Айни пайтда, соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг глобал ўзгаришлар муҳиtida четдан бўлаётган ғоявий таҳдидлардан ишончли муҳофазалаш ҳам ғоят муҳим аҳамият касб этади.

Ёшлар тарбиясига бепарволик, мафкуравий курашдаги лоқайдлик тузатиб бўлмас оқибатларга олиб келиши мумкин. Бу эса уларнинг ҳаёт сўқмоқларида адашмасликларини таъминлаш, уларни шиддаткор замоннинг бўрону тўфонларидан ҳимоя қилиш лозим. Айниқса, диний ақидапарастлик, террорчилик, гиёҳвандлик ва оммавий маданият каби зарарли оқимлар таъсирига кириб қолишларига асло йўл қўйиб бўлмайди.

Шундай экан, миллий ғоямизнинг асосий мақсадларидан бири – ҳар томонлама комил инсонни тарбиялашдан иборатдир. Комил инсон эса, бу – озод шахс, эркин фикрловчи, ўз Ватанига ҳалол хизмат этувчи кишидир. Шунинг учун бизнинг Ватанимиз ёш авлодга, уни тарбиялашда бор куч – имкониятини сарфламоқда ва бу амалга оширилаётган соғлом авлод ғояси халқимизнинг асрий мақсадларини акс эттиради.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, миллий ғоямиз биринчи навбатда ёш авлодни ватанпарварлик, эл-юртга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбига инсонпарварлик ва одамийлик фазилатларини пайванд қилишдек олижаноб ишларда мададкор бўлиши керак.

“Ҳозирги вақтда кўз ўнгимизда дунёнинг геополитик, иқтисодий ва ижтимоий, ахборот – коммуникация манзарасида чуқур ўзгаришлар рўй бераётган, турли мафкуралар тортишуви кескин тус олаётган бир вазиятда, барчамизга аёнки, фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамият касб этмоқда”.⁶

Зеро, ёш авлодни баркамол этиб вояга етказишда Ватанга муҳаббат, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас динига садоқат руҳида тарбиялаш учун, аввало уларнинг қалби ва онгида мафкуравий иммунитетни кучайтириш зарур. Токи ёшлар ҳам миллий ўзлигини, шу билан бирга, дунёни чуқур англайдиган, закон билан баробар қадам ташлайдиган инсонлар бўлиб етишиши шарт.

⁶ Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. – Т., Маънавият, 2008, 119-б.

MA'NAVIYATNING SHAKLLANISHIDA MILLIY G'OYA TUSHUNCHASI

A. O'rolov
Sirdaryo VPKQTUMOI

*Taraqqiyot taqdirini ma'naviy
jihatdan yetuk odamlar hal qiladi.*
I.Karimov

Insonni so'z ayladi judo hayvondin,
Bilkim guhari sharifroq yo'q ondin

Navoiy hazratlari ashorlarida bitilganidek insonni so'zlash madaniyati hayvondan ajralib turishini belgilagan bo'lsa, fikrlash qobiliyati insonni insondan ajratib turuvchi jihatdir. Ma'naviy komillik tushunchasi har bir insonga xos bo'lib, uni har kim o'zicha tahlil etadi. Binobarin, komillik sari intilgan har bir banda bu yo'ldan albatta o'tishadi. Shuni alohida ta'kidlash joizki, ma'naviy boy, sermulohazali, dunyoqarashi keng, eng muhimi chiroyli notiq, qolaversa, ma'daniy shakllangan, o'z ustida tinimsiz ishlaydigan, insonlarga imkon topib yordam beradigan shaxslargina bunday baxtlarni yaxshi his qilishadi.

Inson ma'naviyatini shakllantirishda ilmiy va badiiy adabiyotlarning o'rnini alohida ekanligi ma'lum. Jumladan, ma'naviyatli inson o'qishdan to'xtamaydi, buyuklar aytganidek:

“Insonlar o'qishdan to'xtashlari bilan fikrlashdan ham to'xtaydilar”. Kitoblar insonni ma'naviyatini boyitish bilan bir qatorda, dunyoqarashini ham, fikrlash qobiliyatini ham o'zgacha charxlaydi. Bu bilan esa inson ma'naviyati yetuklik sari asta sekin qadam tashlab boraveradi. Borib-borib vaqtlar o'tishi bilan yig'ilgan tafakkur durdonalari jamiyat uchun xizmat qiladigan bir yo'nalish sifatida namoyon bo'ladi. Inson ongi qanchalik rivojlanib bormasin, u yana o'qishga, bilim olishga intilishi so'nmaydi, akchinchu kuchayib boradi.

Eng avvalo, dars jarayonidagi ma'naviyat haqida to'xtalib, o'qituvchining har bir xatti -harakati bola uchun o'rnak bo'lishligi aniq, deb hisoblaydigan bo'lsak, ikkinchi tomondan qaralganda u yo'naltirayotgan yo'nalish yoki berayotgan bilimning har bir nuqtasi ostiga bekitilgan ma'naviyat haqida ham to'xtalib o'tish kerak. Binobarin, har qanday jamiyatda kelajakni yoshlar qurishadi. Ertangi kun uchun bugundan boshlangan ijobiy tadbirlar albatta o'z samarasini beradi.

Milliylik tushunchasi har bir qadamimizda dush kelishimiz mumkin bo'lgan o'zligimizga xos va mos mentalitetimiz yig'indisidir.

Inson tafakkuri qanchalik rivojlansa, uning o'y fikrlari, dunyoqarashi, qolaversa, butun borliqni tushunish va anglash ko'nikmasi ham shu darajada shakllanib boradi.

Milliy g'oyani bola ongiga singdirishning yo'llaridan biri bu ularning ongiga ta'sir etish hisoblanadi.

Agar har bir ota-ona o'z farzandi o'qishi uchun jon kuydirib harakat qilsa, uning o'quv faoliyati haqida qiziqsa, maktablarga, kollejlarga lozim bo'lsa, oliygohlarga borib ularning nima ish bilan shug'ullanayotganliklarini ko'rib,

ulardan xulosa chiqarib tursa, albatta, bola shaxsini komil inson sifatida kamol topishlari uchun qo'shgan dastlabki ishlari bo'lar edi. Afsuski, ko'pgina ota-onalar farzandining o'qish joylariga borish bu yoqda tursin, hatto telefon qilib farzandining qanday muammolari va yutuqlari borligidan xabar ham olishmaydi. Bu bilan biz ota-onalarni yomonlashdan ancha yiroqmiz, biroq shuni alohida ta'kidlash joizki, har bir inson kamolotga yetishish davrida o'z ota-onalari mehri va e'tiboriga muhtoj bo'lishadi. Bu muhtojlik o'z vaqtida qondirilmasa, bola izdan chiqib ketishi mumkin. Shaharga o'qish uchun yuborilgan talaba dastlabki kunlarda o'qishga bo'lgan munosabati yaxshi bo'ladilar(aksariyat hollarda). Keyinchalik ota-onalari farzandlariga haddan ziyod ishonib qo'lishlari natijasida bolalar turli yo'llarga kirib qolishlari mumkin. Bunda ta'lim muassasalarini ham ayblari bor, lekin muassasada 6 soat o'qishlari mumkin. Qolgan vaqtlardagi (18 soat) u muassasadan tashqarida bo'lishadi. Shu bois bolaning asosiy vaqtlari uyda va ko'chada bo'lishi bilan belgilanadi. Bola shaxsi tarbiyasi uchun har birimiz mas'ul ekanligimizni unutmagan holda, ta'lim muassasalarida berilgan bilim va tarbiya jarayonini uyda albatta mustahkamlash lozim. Aks holda, e'tiborsiz qoldirilgan o'quvchi turli bahonalar bilan dars tayyorlamaydi yoki davomadi pasayib ketadi. Bu esa borib-borib o'quvchini turli salbiy illatlar orttirib olishlariga xizmat qilsa ajabmas. Ko'rinib turibdiki, milliy g'oyasi shakllanmagan bolada jamiyat bilan aloqa qilish vositasi ham shakllanmaydi. Shu nuqtai-nazardan olib qaraladigan bo'lsa, bola tarbiyasi faqat ta'lim muassasalarida emas yoki faqat ota-onalarning imkoniyatlaridan emas balki ular orasidagi yoki ular o'rtasidagi tinimsiz muloqotlar natijasida yuzaga keladi.

Inson kamol topishida ma'naviyat, milliy go'ya darslarini o'tilishi katta o'rin tutadi. Bola tarbiyasi o'ta mashaqqatli ish bo'lganligi sababli unga berilayotgan tarbiya jarayoni ham keng ko'lamda o'ylanib, ishlab chiqilgan bo'lishi lozim.

Insonda Vatan hissi, uni sevish, ardoqlash, o'tmishga hurmat bilan qarash tushunchalari, o'zgalar fikrini hurmat qilish, o'z fikrini erkin bayon qila olish ko'nikmasi maktabdayoq shakllanib boradi. Maktab darsliklarida o'itilayotgan milliy istiqloq g'oyasi fani bugungi kun davr talabi bo'lib qolmoqda. Hozirda dunyo ahlini aqlini shoshirib qo'yayotgan ommaviy mafkura va g'oyalar ham bizni chetlab o'tayotgani yo'q. Ommaviy madaniyat atalmish bizning mentalitetimizga yot bo'lgan G'arbcha mafkuralar yoshlar ongida umuman iz qoldirmayapdi deyish qiyin, albatta. Sababi oddiy, biz ularni qalbiga begona g'oyalarning kirib ketishiga yo'l qo'yib bermoqdamiz. Buning uchun milliy g'oya targ'ibotini chuqurroq olib borish, Vatanni sevish, uni tom ma'noda anglay olish zarur. M.S.Sovajiy(fors shoiri)aytganidek:

Vatanga nafi yo'q yashalgan har kun,
Inson hayotini qilar bemazmun.

Hayotning mazmunsizlanishiga asos bo'luvchi beg'amlik haqida I.Karimov "Yuksak ma'naviyat-yengilmas kuch" asarida ham alohida to'xtalib dushmandan qo'rqmaslik, nari borsa u o'ldiradi, do'stdan ham hayiqmaslik u ham nari borsa

siringni sotadi, ammo loqayddan qo'rqish, u qilayotgan ishlarga loqaydlik bilan jim qarab turaverishi insonning qalb-qalbigacha ta'sir etishligi alohida aytilgan.

Har bir o'quvchilarimiz qalbiga nur bag'ishlayotgan milliy istiqlol g'oyasi bugunning dolzarb mavzulari bo'lishi lozim. Bola tarbiyasi haqida fikr yuritish kerak bo'lsa, bolaning sog'lom bo'lishi bir tarafdin jismoniy harakatlar bilan bog'liq bo'lsa, boshqa tamondan qaralganda albatta bola ruhiy sog'lom bo'lishi talab etiladi. Bunda har bir o'quvchining fikrlashi, dunyoqarashi, bilim darajasi va saviyasi inobatga olinishi kerak. Bilim olish jarayonini kitoblar va turli gazeta va jurnallar bilan bog'lash mumkin, ammo shuni alohida takidlash joizki, bilim olishning zamonaviy usullaridan biri bu fan texnikaning rivojlanishiga ham bog'liqdir. AKT va YPT davr talabi bo'lib turgan bir paytda izlanuvchan o'quvchi va talabalar (o'qituvchilar ham) internet atalmish o'rgamchak to'ri ta'siriga tushib qolish holatlari ham kuzatilmoqda. Bu jarayonning ilk ko'rinishlari telefonlardir. Ota-ona o'z farzandlari haqida ma'lumot olib turishlari uchun telefon olib berishadilar. Keyinchalik bu telefonlar yaxshirog'iga (oxirgi modeldagi-internet ishlatish uchun qulay bo'lgan) almashtirish hollari ularning internet haqida dastlabki tushunchasini shakllanishiga asos bo'ladi. Bu bilan esa dastlab maktab o'quvchilari internetdan qanday foydalanish sirlarini tengdoshlaridan o'rganishlariga to'g'ri keladi. Bora-bora bu o'rgamchak to'ri ta'siriga tushib qolishlariga xizmat qiladi. Biz farzandlarimizga noto'g'ri tarbiya berayapmiz deyishimiz to'g'ri emas, lekin telefondagi internet ma'lumotlarining aksariyat qismi bola shaxsini to'g'ri shakllanishida salbiy oqibatlar keltirishi mumkin.

Shu boisdan farzand tarbiyasida telefonlarni ham qandaydir salbiy illatlarga olib kelishi mumkinligi haqida ogohlantirishimiz, lozim bo'lsa, bu haqda tarbiya soatlari(uy sharoitida ota-onalar) o'tishimiz kerak. Internetni ishlatilishi bilim olish uchun keng imkoniyat albatta, biroq uning illatlari haqida ham tushunchalar berib borilishi foydadan holi bo'lmaydi. O'rgamchak to'ridagi keraksiz deb topilgan ma'lumotlarni qanchalik sir saqlamaylik ular haqida yoshlarimizning qiziqishlari shu darajada kuchayib bormoqdaki, uni to'xtatish juda mushkul.

Bizga ma'lumki, har qanday bola turli yoshlarda o'tish davrini boshdan kechiradi. Bu jarayonda bola o'zidagi bo'layotgan o'zgarishlarni tushunib yetmaydi. Undagi kechayotgan ruhiy holatlarni ham ota-onalar hisobga olishmay qo'yadilar. Bu esa bola ongida shunday bir jarayonni yuzaga chiqaradiki, ularni boshqarishda faqatgina pedagoglarning kuchi yetmay qoladi. Bunda har bir pedagog o'z imkoniyatidan kelib chiqqan holda, bola psixologiyasini o'rgana boshlaydi va turli yechimlar topishga harakat qilishadi. Binobarin har bir o'quvchining dunyoqarashi turlichadir. Bu holatlarda aksariyat ota-onalar nima qilishlarini bilishmay bolani o'z holiga tashlab qo'yishadi. Bu esa bora-bora bolaga bo'lgan e'tiborni susayishiga olib keladi. Vaqtlar o'tishi bilan o'tish davrida hech qanday ma'lumotga ega bo'lmagan bola keyingi davrlarni ham shu ojizlik bilan o'tkazishadi. Keyinchalik shaxs bo'lib shakllangan o'quvchi psixikasida tormozlanish vujudga keladi. Buning salbiy oqibatlari haqida esa ma'lumotlar ko'p.

Ba'zi o'quvchilar hamisha ustozlarining gaplariga quloq tutadilar va ular bergan bilim bilan bemalol bellashishlari ham mumkin. Ota-onalarining gaplarini

ikki qilsa qiladilarki, ustozlarining fikrlariga ergashishadi. Bu esa pedagoglik kasbimizdagi sharaflı nuqta hisoblanadi.

Inson ma'naviyati shakllanmas ekan, u olayotgan bilimlar behuda. Shunday ekan har bir olinajak bilim va xulosa muhimdir. Ma'naviyatga e'tibor sust bo'lgan muhitda hech qanday sivilizatsiya bo'lmaydi. Ma'naviyat esa bu bilim, odob, dunyoqarashlarning mujassam shaklidir. Manaviyatli shaxs uchun lozim bo'lgan yana bir tushuncha bor, bu yurt ishqı. Yurt ishqini esa albatta milliy istiqlol g'oyasi beradi.

РЕПРОДУКТИВ МАДАНИЯТ- ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ

Ш. Мирзахматова
п.ф.н., доц. ТВПКҚТМОИ

Таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлардан асосий мақсад халқнинг бой интеллектуал мероси ва умумбашарий қадриятлар асосида замонавий маданият, иқтисодиёт, фан ва техника, технологияларнинг ютуқлари асосида шахснинг маънавий сифатларини тарбиялаш ва ривожлантиришдан иборат. Чунки, ижтимоий иқтисодий ислохотлар муваффақияти, жамиятнинг ахлоқий ва маънавий такомили кўп жиҳатдан шахснинг маънавий тарбиясига боғлиқ. Юртбошимиз И.А.Каримов таъкидлаб ўтганидек; “Ёшлар тарбияси масаласи бугунги куннинг энг долзарб масаласидир. XXI асрда яшаб, самарали меҳнат қилиш, Ўзбекистоннинг буюк келажagini бунёд этиш асосан бугунги ёш авлод зиммасига тушади. Уларни билимли, маданиятли, меҳнатсевар, ташаббускор, изланувчан этиб шакллантириш бизнинг бош вазифамиздир”. Дарҳақиқат сўнгги йилларда кескин ўзгарган ҳаёт шароитлари ва таълим тизими, унинг мақсади, мазмуни, турлари ўртасидаги ўзгаришлар ёш авлоднинг маънавий тарбиясига янгича қараш, уни бугунги кун нуқтаи назаридан ўрганиш, баҳолаш ва унда халқимизнинг бой маданий меросидан мақсадли фойдаланишни талаб этмоқда. Ушбу вазифаларни амалга ошириш эса:

- таълим-тарбия ишлари, шакллари усул ва воситаларини жаҳон андозаси

талабларига мос ҳолда ривожлантириш;

- маънавий ва жисмоний соғлом авлодни тарбиялаш;

- ёшларда соғлом турмуш тарзи маданиятини қарор топтириш;

- ёшлар тарбияси ва уларнинг маънавий камолотида маҳалла, оила ва нодавлат ташкилотлар ҳамкорлиги тизимини яратиш заруратини

йўзага келтирмоқда.

Бизга маълумки, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиш ва унга риоя этиш, соғлом оилани шакллантириш, фарзанд кўриш ва уни тарбиялаш шахс маънавий маданиятининг бир кўриниши ҳисобланади.

Педагогик муаммо сифатида тадқиқ қилинаётган репродуктив маданият ҳам шахс маънавий маданиятининг таркибий қисми ҳисобланиб, бу

муаммони фалсафа, тиббиёт, физиология, психология, педагогика фанлари тадқиқ этади.

Дастлаб маданият тушунчасига аниқлик киритсак. Маданият кўп киррали, ижтимоий онг маҳсули сифатида шаклланадиган жараёндир.

Илмий луғатларда, “маданият” сўзи арабча сўздан олинган, “шаҳарлик, таълим-тарбия кўрган шахс” сифатида изоҳланади.

Маданият тарихий характерга эга бўлиб, кишиларнинг моддий ва маънавий ҳаётга эҳтиёжининг ошиши натижасида пайдо бўлган ва уларнинг маънавий ҳатти ҳаракати, хулқ-атвори нормаларини ўз мазмунида ифодаланган, шахс ва жамиятнинг (ижтимоий, иқтисодий, маънавий) ривожланишига бевосита таъсир кўрсатадиган онгли фаолият йиғиндисидир.

Демак, олимларнинг маданият атамасига берган таърифларига асосланиб, уни қуйидагича изоҳлаш мумкин бўлади: маданият – инсоннинг ақл-заковати, тили, тафаккури, меҳнат фаолияти натижасида пайдо бўлган ижтимоий ва руҳий ҳолатининг бутун ҳаёт тарзига сингиб кетиб, унда ўз ифодасини топган ижобий-ижтимоий фаолият мажмуасидир.

Бизнинг назаримизда ҳам маданият шахс камолотига моддий (техника, ишлаб чиқариш тажрибаси, моддий бойликлар) ва маънавий (фан, адабиёт, санъат, маориф, дин, умуминсоний ва миллий қадриятлар) жиҳатдан таъсир этади. Моддий ва маънавий маданиятнинг ўзаро таъсири ва алоқаси натижасида ақлан етук, ахлоқан баркамол, жисмонан соғлом, дунёқараши кенг шахс таркиб топади.

Бу борада президентимиз Ислом Каримов “Инсонга ҳос орзу-интилишларни рўёбга чиқариш, унинг онгли ҳаёт кечириши учун зарур бўлган моддий ва маънавий оламни бамисоли парвоз қилаётган қушнинг икки қанотига қиёсласак, ўйлайманки ўринли бўлади”, дея таъкидлайди.

Дарҳақиқат, жамиятнинг моддий маданияти унинг маънавий маданияти таъсирисиз, инсон онги ва фаолиятидан ташқарида яратилмайди. Шахс ва жамият ҳаёти, ривожланиши моддий ишлаб чиқаришга қай даражада боғлиқ бўлса, маънавий маданиятга ҳам шу даражада боғлиқдир.

Шахснинг ташқи олам воқеа-ҳодиса ва жараёнларини ақл, идрок, руҳий ҳолат, ички кайфиятлар орқали қабул қилиб олиши жараёнида маънавий маданият қарор топади. Юксак маънавиятли инсонда эса оилапарвар, ватанпарвар ва етук мутахассисга ҳос хусусиятлар мужассамлашади.

Ҳар қайси миллатнинг ўзига ҳос маънавий маданиятини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз, оиланинг ўрни ва таъсири беқиёсдир. Чунки инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари биринчи галда оила бағрида шаклланади. Шунингдек, инсон характерини, табиати ва дунёқарашини белгилайдиган маънавий мезон ва қарашлар, шу муносабатлар тўғрисидаги дастлабки тасаввурлар оила шароитида, ота-онанинг ибрат-намунасидан шаклланади. Шу нуқтаи назардан қараганда, оила тарбияси шахс маънавиятини шаклланишидаги асосий восита экан, бу ўринда бола тарбиясида соғлом насл масаласи ҳам муҳим роль ўйнашини инкор этиб бўлмайди.

Шу маънода ёшларни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, улар онгида “Соғлом турмуш тарзи – соғлом оила, соғлом оила бу соғлом фарзанд, бахтли келажақдир” тасаввурини шакллантириш, бўлажак ота-оналар яъни талаба-ёшлардаги репродуктив маданиятни шакллантириш бу йўналишдаги ислохотларнинг асосий вазифаларидан саналади.

ONA TILI – MILLIY MA’NAVIYAT VA MAFKURA, MILLIY RUH VA QADRIYATNING ULKAN XAZINASI

**SH.Akramov
TVPKQTMOI**

Milliy g'oya va mafkura - inson qalbi va ongiga yo'l ochib, dunyoqarashiga ta'sir etuvchi qudratli g'oyaviy kuchdir. Jahon miqiyosida turli mafkuralarning, bir-biriga zid dunyoqarashlar, siyosiy, milliy, diniy oqimlar o'rtasidagi shiddatli kurashlar va tortishuvlardan ko'zlangan „asosiy maqsad - inson, avvalambor yoshlar qalbini egallash”, muayyan mamlakat yoki mintaqadagi xalq ongiga, uning tuyg'ulariga ta'sir o'tkazish, uni o'z dunyo- qarashiga bo'ysundirish, ma'naviy jihatdan zayif va to'be qilish. Fikr qaramligi, tafakkur qulligi esa har qanday iqtisodiy va siyosiy qaramlikdan ham ko'ra dahshatlidir.

Shu bois hozirgi kunda umumta'lim maktablari oldidagi eng muhim va dolzarb vazifa - voyaga yetib kelayotgan vosh avlodning qalbiga milliy g'oya, milliy mafkurani singdirish, o'z Vataniga mehr-sadoqat tuyg'usini uyg'otish, o'zligini anglash, ularni umumbashariy qadriyatlar ruhida tarbiyalash vazifasi qo'yilgan. Zero, fuqarosi ma'rifatli, ma'naviatli bo'lgan jamiyatgina havot qiyinchiliklari, turli g'ovlarni yengib, o'z oldiga qo'ygan ulug'vor maqsadlariga erishadi. Shu bilan birga mustaqilligimizning uch tayanchi - mustaqil siyosat, iqtisodiy qudrat va xalq ma'naviyati bir-biri bilan chambarchas bog'liq bo'lib, ularning uyg'un rivoji ta'minlansagina O'zbekiston buyuk yurt sifatida jahon hamjamiyatida o'z munosib o'rnini egallay oladi.

Prezidentimiz I.A.Karimovning juda ko'p asarlarida yoshlarning g'oyaviy-siyosiy, ma'naviy dunyosini faollashtirishning ilmiy-amaliy yechimlari chuqur va har tamonlama yoritilibgina qolmay, milliy istiqlol mafkurasini xalq qalbi va ongiga singdirishning yo'l - yo'riqlari belgilab berilgan.

Milliy istiqlol g'oyasini o'quvchilar ongiga singdirishda ta'lim- tarbiyaning quyidagi shakllaridan foydalanish lozim bo' - ladi:

o'quv dasturlarida, darslik va qo'llanmalarda milliy istiqlol g'oyalari keng aks etgan bo'lishi;

umumta'lim maktablarida g'oyaviy tarbiya bugungi kun talablari darajasiga ko'tarillishi:

pedagog kadrlarning mafkura borasidagi bilimlarini muntazam ravishda kengaytirib, boyitib borishi.

Milliy istiqlol g'oyasini o'quvchilar ongiga singdirishda ona tili va adabiyot fanini o'qitish jarayoni ham muhim ahamiyat kasb etadi.

O'quvchilar Imom al-Buxoriy, at-Termiziy, Bahouddin Naqshband, Ahmad Yassaviy, Abu Mansur Moturidiy, Umar Hayyom va Navoiy kabi mutafakkir allomalarning boy merosini o'rganishlari, ular qoldirgan ilmiy va madaniy merosga alohida hurmat va ehtirom tuyg'usida ulg'ayishlari maqsadga muvofiqdir.

Respublikamizda milliy dasrurga asoslangan ta'lim tizimi har tamonlama yetuk, barkamol insonni tarbiyalash, voyaga yetkazishga yo'naltirilgan. Bu borada bir qator tadbirlar olib borilmoqda. Shulardan biri, asosiy darslik, qo'llanmalarni zamon talablari asosida yangilashdan iborat edi.

Shu maqsatda ona tili fanidan 5-6-7-8-9- sinflar uchun yangi darsliklar yaratilganligi alohida qiymatga ega. Ushbu darsliklarning afzalliklari quydagilardan namayon bo'ladi:

- qoidalar hodisalarning mohiyatini to'liq yoritishga qaratilgan; matnlar milliy qadriyat, an'analarni e'zozlashga yo'naltirilgan; olingan matnlar zamon talablari asosidagi test sinovlari orqali kuzatib boriladi;

- qoida, misol, izohlarning ajratib berilishi, kerakli o'rinlarni ta'kidlash mavzuni yoritishda va o'zlashtirishda muhim ahamiyatga ega.

Hozirgi kunda yaratilgan 5-9-sinflar „Ona tili“ darsliklarida milliy mafkuramizning asosiy g'oyalari: Vatan ravnaqi, yurt tinchligi, xalq farovonligi, komil inson, ijtimoiy hamkorlik. millatlararo totuvlik, dinlararo samimiy munosabat tamoyillari hisobga olingan va darsliklar bu oliyjanob g'oyalarni o'quvchilar ongiga singdirishga qaratilgan bir qancha matnlar, surat va misollar bilan ta'minlangan.

Bularni har bir sinf darsligi misolida ko'rsatib o'tmoqchiman.

5-sinf darsligida 2-mashq matnida rivoyatni o'qish va undagi g'oya haqida o'quvchilar o'z fikrlarini bildirish topshiriq qilib berilgan. O'quvchilar bu matn bilan tanishish orqali inson o'z tili bilan baxt topishi, yoki baxtsizlikka uchrashi haqida fikr yuritadilar. Bu matn o'quvchilarni har bir so'zni o'ylab aytishga, milliy qadriyatiniiz bo'lmish shirin suhanlikni shakillanishida yordam beradi.

2- darsda „ O'zbek tili - davlat tili “ mavzusi berilgan. Bunda o'quvchilar o'zbek tiliga Davlat maqomi berilishi va uning davlat hayotidagi ahamiyati haqida tushuncha hosil qiladilar. O'quvchilar milliy qadriyatlarimizni, tariximizni o'rganishda tilning ahamiyati katta ekanligini bilib oladilar. Bu matn o'quvchilar qalbida o'z ona tili bilan faxrlanish hissini shakillantiradi.

5-mashqda esa ona tili haqida berilgan xalq maqollarini yod olish vazifasi topshiriladi. Bu topshiriq o'quvchilarni xotirasini mustahkamlabgina qolmay, xalq og'zaki ijodini o'rganishda debocha bo'ladi.

21- mashqda berilgan matn orqali o'quvchilar bosh harflarni yozilish qoidalarini o'rganish bilan birga ular Ona Vatanimiz haqida, uning vodiylari, tog'lari haqida ma'lumotga ega bo'ladilar, ulardagi vatanparvarlik ruhi yanada oshadi.

Darslikda rasm asosida matn tuzing va unda qo'shma gaplardan foydalaning deb berilgan topshiriqdagi tayanch so'zlar: O'zbekiston, mustaqillik, yodgorlik, tarixiy, bino, yo'l kabi so'zlar o'quvchilarni O'zbekiston haqida mukammallroq erkin fikr yuritishga da'vat etadi.

6-sinf „ Ona tili “ darsligi. Takrorlash uchun berilgan „ Qo'shimchalar va ularning imlosi“ mavzusidagi 16-mashqda qo'shimchalarning turini aniqlash uchun berilgan matnda o'quvchilar ilm insonni bilimli, madaniyatli odam bilan johil, nodon, savodsiz odam o'rtasida yer bilan osmoncha farq borligini, ilmga intilgan inson barkamol avlod bo'lib, kelajagi porloq bo'lishi haqida ma'lumot beradi.

33- mashqda „Inson baxt uchun tug'iladi" deb nomlangan matn berilgan, matnda Vatan haqidagi qo'shiq eng go'zal qo'shiq ekanligi haqida yozilgan. O'quvchilar berilgan topshiriqni bajarish bilan birga Vatanni avaylab-asrashga o'rganadilar. 36- mashqda esa mashhur olim al-Xorazmiy va uning „ Al-jabr" nomli kitobi haqida ma'lumot beriladi. Bu asar 1145-yil R.Chester tomonidan lotin tiliga tarjima qilinganligi aytib o'tiladi. O'quvchilarda bu matn orqali buyuk ajdodlarimiz bilan faxrlanish tuyg'usini shakllantiriladi.

47-dars. “Ko'makchi” mavzusidagi 160-mashqda Usmon Nosirning bolalik davri, uning zehni, idroki haqida so'z boradi. O'quvchilarda bu matn mas'uliyat va tirishqoqlik kabi xususiyatlarini rivojlantiradi.

Mehnatsevarlik va yaratuvchanlik - o'zbek xalqining milliy xususiyatlaridan biri. Bunday xislatni sharafllovchi xalq naqlari, maqol va rivoyatlar ko'p. Darslikdag “Pashsha va bolari” matni xalqimiz milliy ruhiga monand mehnatsevarlik, yaratuvchanlik g'oyalarini tarannum qiladi.

Shuningdek, darslikda tilga oid bilimlarni egallash mashqlari uchun tanlangan misollar xalqimiz milliy ruhini, tarixan shakllangan mafkurasini, ma'naviyati va madaniyatini, ilmiy va diniy qarashlarini aks ettiradi. Misollarni ilmiy-lisoniy jihatdan izohlashda, tahlil qilishda ularning ma'rifiy va g'oyaviy xususiyatlariga e'tibor qaratilgan.

69-dars. Mustahkamlash mavzusidagi 2-topshiriqda ota va o'g'il suhbatidialog shaklida berilgan va bunda ozodlik nafaqat inson uchun, balki butun jonzot uchun ham buyuk ne'mat ekanligi kichik hikoya tarzida berilgan. Va bu matn o'quvchilarni ozodlikni qadrlashga o'rgatadi. Bundan tashqari, mashqlar uchun tanlangan jumlar (misollar) tarixiy va badiiy asarlardan olingan bo'lib, istiqlol g'oyasiga mos keladi, o'quvchilar ta'lim-tarbiyasiga xizmat qiladi.

9-sinf darsligi Iqbol Mirzoning “Aytgil, do'stim nima qildik Vatan uchun?” deb nomlanuvchi she'ri bilan boshlanadi. Bu she'rda o'quvchilarni Vatan oldidagi o'z mas'uliyatlarini his qilishga chorlovchi satrlar juda o'rinli berilgandir.

Boshing egib, ta'zim ayla, shukrona ayt,

Seni guldek erkalagan chaman uchun.

Osmonlarda yurgan bo'lsang, tuproqqa qayt,

Aytgil, do'stim, nima qildik Vatan uchun?

Darslikning 1- mashqida dunyo tillari haqida ma'lumot berilishi o'quvchilarning tilga oid qarashlarini, tasavvurlarini kengaytirishga xizmat qiladi. Dunyo tillarining rango-rangligi, turli tillarning taraqqiyot darajasi o'ziga xos tarzda namoyon bo'lganligi, tillarning shakllanishi va rivojlanishi ravon uslubda bayon qilingan. 2-mashqda berilgan matn so'zning qudrati Xorun ar-Rashidning tushi va unga berilgan ikki xil ta'birning natijasi orqali har bir so'zni avval o'ylab, so'ng so'ylashga chaqiradi. Bunda buyuk shoir A.Navoiyning,, “Tilga ixtiyorsiz, elga e'tiborsiz” degan hikmatli so'zini sharhlash so'raladi.

6-mashqda milliy istiqlol mafkurasining do'stlik va hamkorlik g'oyasi ilgari surilgan. Bu „Ota va uch o'g'il“ rivoyati orqali yoritilgan.

O'zbek xalqida odob-axloq oliy qadriyatlardan biri hisoblanadi. Darslikning „Ergashtiruvchi bog'lovchili ergashgan qo'shma gaplar“ mavzusidagi 96-mashqda „Odob shunday tojki, u aqlli, farosatli odamlarni bezaydi. Odobli odam tabibga o'xshavdi, chunki u bilan suhbatlashish ko'ngildagi g'amni quvadi“ degan ajoyib misollar keltirilganki, bu o'quvchining qalbida milliy istiqlol g'oyasining barcha turlarini shakllanishida manba bo'lib keladi. Bunday misollarni ko'plab keltirish mumkin.

Biz o'qituvchilar darslikda berilgan mavjud manbalar bilan cheklanib qolmasdan, kundalik hayotimizdagi o'zgarishlar, yangiliklar asosida ona tili mashg'ulotlariga yangidan-yangi materiallarni, matnlarni olib kirishimiz mumkin. Bayon va insho mavzularini tanlashda, ularni yozishga tayorgarlik ko'rish jarayonida milliy istiqlol g'oyasini aks ettirilishiga o'quvchilar diqqatini tortish o'qituvchining mahoratiga bog'liq deb hisoblayman. Milliy istiqlol mafkurasi g'oyalarini o'quvchilar ongiga singdirishda shu ruhdagi diktant matnlarini tanlash ham muhim ahamiyat kasb etadi.

Xullas, komil inson g'oyasi azal-azaldan xalqimizning ezgu ozrushi, ma'naviyatining uzviy bir qismi bo'lib kelgan. Binobarin, erkin fuqarolik jamiyatini ma'naviy barkamol, ezgu g'oyalar hayotiy e'tiqodi bo'lgan insonlargina bunyod eta oladi. Shu bois yangilanayotgan jamiyatimizda sog'lom avlodni tarbiyalash, erkin fuqaro ma'naviyatini shakllantirish, ma'naviy-ma'rifiy ishlarni yuksak darajaga ko'tarish orqali barkamol insonlarni voyaga yetkazishga muhim e'tibor qaratilmoqda.

O'quvchilarda milliy istiqlol g'oyasini shakllantirish, ularga tariximiz, madaniyatimiz, ma'naviyatimiz haqida puxta bilim berishda ona tili va adabiyot fani alohida o'rin tutadi. Milliy istiqlol g'oyasi va mafkurasi asosida o'quvchilarda sog'lom e'tiqod, yuksak dunyoqarash va mustahkam immunitet asoslarini shakllantirish ona tili va adabiyot fani o'qituvchilarning muhim vazifasi bo'lib qolaveradi.

ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ЁШЛАРДА МИЛЛАТПАРВАРЛИКНИ ШАКЛАНТИРИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

**Д.Расулова, З.Хужанов
СамВПККТМОИ**

Глобаллашув жараёнлари - жаҳон тараққиётининг тадрижий ривожидунёдаги турли давлатлар ва ҳудудларнинг ўзаро алоқадорлигини тезлашуви ҳамда инсон ҳаёти ва фаолиятининг барча жабҳаларида жиддий ўзгаришларга олиб келган янги босқич дейиш мумкин.

Президент Ислам Каримов таъкидлаганидек “Глобаллашув феномени ҳақида гапирганда, бу атама бугунги кунда илмий-фалсафий, ҳаётий тушунча сифатида жуда кенг маънони англатишини таъкидлаш лозим. Умумий нуқтаи назардан қараганда, бу жараён мутлақо янгича маъно-мазмундаги ҳўжалик, ижтимоий-сиёсий, табиий-биологик глобал муҳитнинг шаклланиши ва шу

билан бирга, мавжуд миллий ва минтақавий муаммолардан жаҳон миқёсидаги муаммоларга айланиб боришини ифода этмоқда”⁷.

Кишилиқ жамияти тарихининг ривожланиб бориши жараёнида келажакка йўналтирилган мақсад ва манфаатлар, ижтимоий идеалларнинг истиқболи бевосита ёшларнинг маънавий юксалиши билан боғлиқ ҳолда шаклланиб боради. Бу жараён ҳар бир даврда, ҳар бир мамлакат ижтимоий тараққиёти ва эртанги кун билан уйғунлашган модернизацияни вужудга келтириб, унда яшаётган миллат, элат ва халқ вакиллари бир мақсад сари бирлаштиришга интилади. Бу эса, ўз навбатида, ҳар бир фуқародан ўз она Ватанига бўлган муҳаббат ва орзу-ниятларни рўёбга чиқаришга қаратилган баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказишни талаб этади.

Ўзбекистонда бугунги кунда истиқомат қилаётган барча миллат ва элат вакиллари бирлаштирган, Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаётни барпо этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган миллий ғоя негизида жамиятимизнинг равнақи учун хизмат қилишга қаратилган фалсафий дунёқарашни ёшлар онгига чуқур сингдириб бориш долзарб масалалардан биридир. Айни пайтда бундай маънавий озукани ёшлар онги ва қалбига чуқур сингдириб бориш учун аввало, барчамиз „Миллатпарварлик“ тушунчасининг мазмун-моҳиятини теран англаб етишимиз, шу асосда ёш авлодни мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлида бирлаштиришга интилишимиз лозим. С.Отамуродов “Миллатпарварлик” тушунчасининг мазмунини тадқиқ этар экан, “миллатпарварлик айрим олинган у ёки бу миллатнинг бошқа миллатлар манфаатларига зид мақсадларни қўймасдан ўз миллатининг кадр-қиммати, мерос, урф-одатлари, анъаналари, тили ва қадриятларини ривожлантириш ҳамда ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш”⁸ деб этироф этади.

Бунда миллатпарварлик тушунчаси ҳар бир инсонни эзгулик сари етаклайдиган тамойил сифатида барчани бирлаштиришга қаратилган куч эканлигини кўришимиз мумкин. Чунки миллат учун қайғуриш, унинг истиқболи учун курашиш, бир ҳудудда яшаётган маслакдошларининг мақсадларини амалга оширишда бу тушунчанинг роли каттадир. Шунингдек, “Миллатпарварлик тамойили асосида миллий ғоя ётади, у миллатни севиш амалиётининг — миллатпарварликнинг илмий-назарий асоси сифатида майдонга чиқади”⁹.

“Миллатпарварлик”нинг миллий мафкура билан узвий боғлиқ эканлигини Президент Ислом Каримов ўзининг қарашларида ифода этади. “Миллий мафкурамиз ҳар қандай миллатчилик ва шунга ўхшаган унсурлардан, бошқа элат ва халқларни менсимаслик, уларни камситиш кайфияти ва қарашларидан мутлақо холи бўлиб, қўшни давлат ва халқлар, умуман жаҳон ҳамжамиятида, халқаро майдонда ўзимизга муносиб ҳурмат ва иззат қозонишда пойдевор ва раҳнамо бўлиши даркор”¹⁰ дея таъкидлайди.

⁷ Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч. —Т.: 2008. 111 б.

⁸ Отамуродов С. Глобаллашув ва миллат -Тошкент: Янги аср авлоди, 2008, - 159-160 б.

⁹ А.Шер. Ахлоқшунослик. — Тошкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2010, - 273б

¹⁰ Баркамол авлод орзуси. - Тошкент: 1999, Шарқ, -38 б.

Ижтимоий тараққиёт жараёни ҳар бир давр учун ўзига хос ва ўзига мос замонавий тафаккурга эга бўлган ёшларни тарбиялаб, янгича дунёқараш асосида жамият ривожига туртки берувчи шахсларни вояга етказиб боради. Бу жараёнда халқнинг истикболини юқори чўққига олиб чиқувчи фалсафий дунёқараш тизимида миллатпарварликнинг роли кучли бўлиб, миллат тақдири, юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги йўлида ўзгача қиёфа касб этувчи миллий мафкура шаклланиб боради. Унинг ҳаракатлантирувчи кучи сифатида шахс ва давлат ўртасидаги ижтимоий муносабатлар, воқеликка нисбатан фалсафий нуқтаи назардан ёндашиш, инсонларни миллий маданият сари чорлаш асосий рол ўйнаши лозим.

Бизнинг жамиятимизда мафкура негизида шаклланаётган миллатпарварлик ҳамиша ўзининг долзарблиги билан халқ эътиқоди, ёшларнинг юксак маънавиятини шакллантиришга хизмат қилади. Чунки миллатпарварлик билан уйғунлашган ва Ўзбекистонда яшаётган 130 дан ортиқ миллат ва элатларнинг эзгуликка йўналтирилган фалсафий дунёқарашини, янги асрдаги маънавий юксалишини ўзида ифодалашга хизмат қилади. Бу мақсадни амалга ошириш учун “Пировард мақсадимиз бўлган Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт куриш борасидаги интилишларимизда биз учун руҳий-маънавий куч-қувват манбаи, илмий асос – бу миллий ғоя, миллий мафкурадир”¹¹.

Хулоса қилиб айтганда, ёшларда миллатпарварликни шакллантириш ва ривожлантириш бевосита адолатли, фуқаролик жамиятини барпо этиш билан боғлиқ экан, бундан Ўзбекистонда яшаётган бошқа миллат ва халқларнинг миллий менталитетини инкор этиш, деган маъно келиб чиқмайди. Чунки умуминсоний қадриятларни эъзозловчи адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш учун фаолият олиб бораётган ёшларда ўз миллий менталитетининг шаклланиши табиий.

Мустақиллик йилларида мана шундай миллатпарварликнинг ўзаро таъсир ва муштарак жиҳатларининг шаклланиш ва ривожланишини ҳам объектив заруриятга айлантиради. Ўзбекистонда яшаётган ёшларнинг қайси миллат, қайси дин ва ирққа мансублигидан қатъий назар, уларни умумбашарий қадриятлар, миллий мафкура, миллатпарварлик ва адолатли жамият куриш идеаллари бирлаштиради.

AJDODLARIMIZ MEROSI – MA’NAVIYAT GULSHANI

Z.Nasretdinova, M.Allamova

Xorazm VPKQTMOI

Bunyodkorlik g’oyalari yurtini obod, xalq hayotini farovon qilishdek olijanob maqsadlar bilan ajralib turadi: tenglik, vatanparvarlik, insonparvarlik, xalqparvarlik, tinchlik, ozodlik, hurfiylik, do’slik, birodarlik, bag’rikenglik,

¹¹ Каримов И.А. Миллий мафкура – давлатимиз ва жамиятимиз қурилишда биз учун руҳий-маънавий куч қудрат манбаи // Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-жилд, - Тошкент: Ўзбекистон, 2000. 463-бет.

taraqqiyot va ularning insoniyat sivilizatsiyaga erishgan davrlardan buyon jamiyat hayotining eng ezgu g'oyalari sifatida yashab kelmoqda.

Prezident Islom Karimovning "O'zbek tom ma'noda bunyodkordir", - degan so'zlarida ham ana shu boqiy g'oyalarning ma'no-mazmuni o'z ifodasini topgan. Bunday bunyodkorlik xalqimizga ota-bobolarimizdan merosdir.

Insoniyat tarixida odamlar ongi va shuuriga adolat, haqiqat, ezgulik, mehnatsevarlik kabi yuksak g'oyalar urug'ini sepgan zot, payg'ambar Zardushtdir.

"Avesto" kitobida quyidagi satrlar mavjud:

"Ezgu fikr, ezgu so'z va ezgu ishlar bilan ezgu fikr, ezgu so'z va ezgu ishni alqaydi. O'zimni boru ezgu fikrga, ezgu so'zlar (aytish)ga, ezgu ishlar amaliga baxshida qilaman, barcha yomon fikrlardan yomon so'zu yomon ishlardan yuz o'giranman". Bu buyuk g'oyalar bundan 2700 yil muqaddam yashab o'tgan vatandoshimiz Zardushtning o'lmas mafkurasi edi. Abu Nosir Forobiy o'zining "Fozil odamlar shahri", "Fuqarolik siyosati", "Baxt saodatga erishuv haqida" kabi asarlarida oliyjanob jamiyat, adolatli tizim haqidagi fikr-mulohazalarini bayon qilib, o'z davri uchun izchil ta'limot yaratdi. U har tomonlama yetuk, barcha aholini baxt-saodatga, ilm-ma'rifatga olib boruvchi ideal jamoa haqidagi g'oyalarini ilgari surdi.

Alisher Navoiy insonlarni mehnatga, yaratuvchanlikka, adolatga chaqiradi. Ma'rifatga asoslangan jamiyat yaratishni orzu qiladi. Bu orzular "Farhod va Shirin", "Saddi Iskandariy" kabi dostonlarda o'z ifodasini topgan. Shoirning o'zi bunyodkorlik ishlariga bosh – qosh bo'lgan. Alisher Navoiy 200 dan ortiq talabalarni o'z hisobidan o'qitgan.

Amir Temur g'oyalarini yoki ma'naviyatini belgilovchi bosh mezoni uning butun umr bo'yi amal qilgan "Kuch – adolatda!" degan shioridir. Bu uning "Temur tuzuklari"da mujassamlashgan. Ushbu bebaho tarixiy asarda hokimlar va vazirlarning vazifalari, o'z ishiga munosabati, aholi turgan qatlami – raiyatining haq-huquqini qimoya qilish, sipoqlarga munosabat kabi qayotiy-ma'naviy, axloqiy qonun-qoidalar o'z ifodasini topgan.

Soqibqironning "Temur tuzuklari"dan olingan quyidagi purhikmat satrlar fikrimizning dalilidir:

-zolimlardan mazlumlar haqqini oldim. Zolimlar yetkazgan ashyoviy va jismoniy zararlarini isbotlaganimizdan keyin ularni shariatga muvofiq, odamlar o'rtasida muhokama qildim va bir gunohkorning o'rniga boshqasiga- jabr zulm o'tkazmadim;

-millatning dardlariga darmon bo'lmoq vazifangizdir. Zaiflarni ko'ring, yo'qsillarni boylar zulmiga tashlamang. Adolat va ozodlik dasturiningiz, rahbaringiz bo'lsin;

-kimki biron sahroni obod qilsa yoki qasr qursa, yo biror bog' ko'kartirsa, yohud biror xarob bo'lib yotgan yerni obod qilsa, birinchi yili undan hech narsa olmasinlar, uchinchi yili qonun - qoidaga muvofiq xiroj yig'sinlar.

Katta-kichik har bir shahar, har bir qishloqda masjid, madrasa va honaqqoqlar bino qilsinlar, faqiru miskinlarga langarxona solsinlar, kasallar uchun shifoxona qurdirsinlar va ularda ishlash uchun tabiblar tayinlasinlar.

Amur Temurning bu so'zlari asrlar osha xalqimizning asl farzandlarini el-yurt, Vatan haqida qayg'urishga chorlab kelmoqda.

Xususan, buyuk ajdodimiz Sohibqiron Amir Temurning sog'lom ma'naviyat mahsuli bo'lgan "Kuch-adolatda" degan shiori milliy g'oyaning tarkibiy qismiga aylanib ketgan, mamlakat birligini ta'minlash, markazlashgan davlat bapro etishda, ayniqsa uni odillik bilan boshqarishda ma'naviy-mafkuraviy asos bo'lib xizmat qilgan. Shu bois Temur saltanatida ilm-ma'rifat yuksak qadrlangan, insoning sha'ni, or-nomusi e'zozlangan, inson va uning mol-mulki davlat muhofazasiga olingan, o'grilikka keskin barham berilgan edi. Sohibqiron bobomizning: "Mening saltanatimning u chetidan bu chetiga, boshida oltin to'ldirilgan laganni yosh bola ko'tarib o'tsa ham uning mulkiga hech kimsa daxl eta olmaydi" degan so'zlari hayotiy haqiqat edi.

Albatta, ajdodlarimiz ishlari milliy g'ururimizni shakllantirishda muhim omil bo'lib xizmat qiladi. Shu bilan birga hozirgi davrda dunyo fani yutuqlarini egallash qam milliy g'oyamizning mezoniga aylangan. Ayni paytda milliy g'urur vatanparvarlik tuyg'ulari bilan mushtarakdir.

МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ИНТЕРАКТИВ УСУЛЛАРИ

М.Кушкарбекова
НДПИ

Маънавият инсонлараро алоқа ва муносабатларнинг юксак намунаси ва кўринишидир. Ҳар бир шахснинг одамлар билан ўзаро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликка, аҳилликка, мулоқотга, дўстона муносабатга интилиши маънавий баркамолликка эришиш йўлидаги дадил қадамдир.

Шарқ ва Ғарб мутафаккирларининг маънавият ҳақидаги қарашларида мазкур тушунчанинг инсонни баркамоллик даражасига кўтарадиган мезон сифатида қаралиши бежиз эмас. Маънавиятнинг маъноси шунчалик кенг ва чуқурки, уни ўз ақли билан том маънода қамраб олишига эришиш аввало оила муҳитида, кейинчалик эса узлуксиз таълимнинг барча бўғинларида тинимсиз изланишларни талаб этади.

Ҳаммамизга маълумки, бугун янгича фикрлайдиган, ўз келажагини мамлакатимизнинг келажаги билан боғлиқ ҳолда кўрадиган янги авлод вакиллари ҳаётга дадил кириб келмоқда. Бу ёшларни юксак маънавиятли, баркамол этиб жамиятга тайёрлаш, истеъдодли, изланувчан, ташаббускор ёшларни излаб топиш ва уларга ўз салоҳиятини тўла намоён этишида кўмаклашиш борасида катта ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, янги таълим масканларини барпо этилиши, уларни замонавий мебел, ўқув-лаборатория ускуналари билан жиҳозланиши, уларда компьютер синфлари ва

лингфон хоналарни ташкил этилганлиги, ўқувчи ва талабаларнинг замонавий билим олишини таъминлаш билан бирга, уларнинг маиший шароитини янада яхшилаш, спорт билан мунтазам шуғулланиши бўйича аниқ режалар ҳаётга кенг татбиқ этилаётгани бунга аниқ мисол бўла олади.

Баркамол авлодни тарбиялашда маънавий-маърифий ишларни ташкил этишнинг ўзига хос таъсирчан усуллари ташкил этиш муҳимдир. Бунда талабанинг онгига (таълим жараёни асосида) ҳиссиётига (дарсда ва турли синфдан ташқари ишларда) ва иродасига (фаолиятни уюштириш, ҳулқини идора қилиш жараёнида) системали ва мунтазам таъсир этиб борилади. Таълим жараёни ўзаро ҳамкорликка ва ижодий тажриба алмашилишига асосланилган жараёндир. Таълимда самарали ўқитишни ташкил этилишига эришишда бир қанча таълим турларидаги жорий этилаётган ўқитишнинг янги шакллари жорий этиш зарур. Ўзлаштирилаётган билим ва малакалар қанчалик тажрибадаги мавжуд бўлган маълумотлар билан ассоциатив боғлиқлик ҳосил қилса, уни ўзлаштириш ва хотирада сақланиши осон кечади. Шу маънода самарали ўқитиш усуллари қўлланилиши талабаларни илмий ижодиётини ўстиришга, мустақил фикрий таҳлилини оширишга ва ўз устида ишлашга ва энг асосийси шахснинг маънавий қиёфасини ўзгаришига кенг имкон яратади. Бугунги кунда шахсни маънавий қиёфасини шакллантириш уларда мустақил фаоллигини оширишни, ўқув машғулотида ноанъанавийликка асосланилган усулларга кўпроқ ёндошишни тақозо этади. Талаба шахси камолотида берилаётган мустақил ўқув топшириқлари, муаммоли ечимга қаратилган мунозарали дарс шакллари ва аудиовизуал воситаларга асосланилган ўқув материаллари кучли ижтимоийлаштирувчи таъсир аҳамиятига эга. Айнан мана шундай ўқитиш усуллари ва маънавий таъсир воситасида талабаларни олий таълимдаги ўқув фаолиятига тарбия қобилиятларини юзага чиқаришга имкон яратилади. Бу эса ўз-ўзидан ўқитувчи-талаба ҳамкорлигини талаб этадиган педагогик фаолиятдан иборат. Педагог одатда ўқитиш давомида талабалар ўқув маълумотларини қанчалик ўзлаштирганликлари, аниқ билимларга эга бўлганликларидан хабардор бўлсагина, талабани янги билимлар билан қуроллантира олади. Шунга кўра ўқитувчи ўз олдига талаба ўқув ахборотлари, маълумотларининг мазмунини тушуниши, ўзлаштириб олиши ва амалда қўллай олишини ўргатишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Шахснинг интеллектуал салоҳиятини тўла намоён қилишда, мустақил фикрлашида, кенг мушоҳадали тафаккурга эга бўлишида мунозарага асосланилган дарсларнинг ўрни беқиёс. Олий таълим тизимида амалий ва семинар дарсларида кўп мурожаат этиладиган бундай педагогик технологиянинг репродуктив усуллари самарали жорий этилиши талабаларни ўқув жараёнидаги мустақиллигини, ўз имкониятларини ўзгалар имкониятлари билан таққослаш ва баҳолаш шарт-шароитини яратади. Бу эса келажагимиз ворислари бўлган баркамол талабалар ички фаоллигини оширишга, ўқув фаолиятига нисбатан англанилган муносабатни шакллантиришга таъсир этувчи муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Ёш авлодни маънавий-маърифий ва ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялашда қуйидагиларга эътибор қаратиш зарур:

1. Фан ва техника жадал суръатлар билан ривожланаётган бугунги кунда кўплаб илмий билимлар, тушунча ва тасаввурлар, ахборотлар ҳажми кескин ортиб бормоқда. Айни пайтда узлуксиз таълим тизимининг барча бўғинларида таълим мазмуни ва тўпланган бой илмий ахборотлар орасида узилиш вужудга келмоқда. Шунинг учун замонавий таълим тизими ўқувчи шахсининг шахслик сифатига, биринчи навбатда, маънавияти юксалишига алоҳида эътибор қаратиши талаб қилинади.

2. Ҳозирги вақтда ахборот ва коммуникация технологияларини ривожлантириш ҳамда кенг қўламда қўллаш жаҳон тараққиётининг глобал тенденцияси ҳисобланади. Янги технологиялар, ахборотлаштириш жараёни тез суръатлар билан ривожланаётган айни даврда таълим соҳасида, хусусан, ўсиб келаётган ёш авлод тарбиясида илғор педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланиш ижобий самара беради.

Зеро, таълимдаги таъсирчан усуллар, онгли мақсадга асосланган ёндошувлар шахсни ҳар томонлама камолотини таъминлайди. Юксак маънавиятли шахс шаклланишида мустақил фикрга эга бўлиш, воқеликни тўғри таҳлил қила олиш ва онгли муносабат билдириш муҳим такомиллаштириувчи аҳамиятга эга.

ЎЗБЕКИСТОНДА ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ВА ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ МАЪНАВИЙ АСОСЛАРИ

**А.Исманова,
Миллий ғоя ва мафкура илмий-
амалий маркази тадқиқотчиси**

Ўзбекистон Республикаси жаҳон харитасидан мустақил давлат сифатида жой олган дастлабки кундан бошлаб ўзига хос ва мос тадрижий тараққиёт моделини белгилаб, ҳаётга жорий этиб келмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, Президентимиз таъкидлаганларидек, “Ҳаётимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларимизнинг самарадорлиги аввало халқ маънавиятининг тикланиши, бой тарихий меросимизнинг чуқур ўрганилиши, анъана ва урф-одатларимизнинг сақланиши, маданият ва санъат, фан ва таълим ривожи, энг муҳими, жамият тафаккурининг ўзгариши ва юксалиши билан узвий боғлиқдир”¹². Маълумки, мустақиллигимизга қадар Республикамизда ваҳҳобийлар, диний фундаментализм, экстремизм ва халқаро терроризм ҳақида маълумотлар деярли йўқ эди. Борларига ҳам жиддий ёндашилмаган, қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари очиб берилмаган эди. Истиклол даврида чоп этилган Президентимиз Ислом Каримовнинг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари”, “Хушёрликка даъват”,

¹² Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: “Маънавият”, 2008. 76-бет.

“Ватан тинчлигини сақламоқ керак”, “Тинчлик учун курашмоқ керак”, “Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-қудратимизга, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ” ва бошқа асарларида диний фундаментализм ва экстремизмнинг моҳияти ва хавфи ҳақида батафсил тушунтириб берилган.

Президентимиз Ислоҳ Каримов “Ҳозирги кунда диний экстремизм мафкурасига, қўпоровчилик-террорчиликка қарши курашдаги асосий вазифа – аҳоли ўртасида, айниқса, ёшлар билан олиб бориладиган тарғибот-ташвиқот ва тарбиявий ишларни изчил, чуқур ўйланган тизим асосида ташкил этиш ва уларнинг таъсирчанлигини кескин кучайтиришни бугун бошимиздан кечираётган ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда,”¹³ – деб таъкидлаганлари бежиз эмас, албатта. Шу нуқтаи назардан қараганда, аҳоли, айниқса, ёшлар орасида тегишли тарғибот ишларини олиб бориш мақсадида диний мутаассибликнинг асл моҳияти, тарихи, замонавий кўринишлари, ғоявий-ақидавий асосларини таҳлил қилиш устувор масалалардан бири саналади. Шу маънода, 1994 йил 23 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони асосида Ўзбекистонда Республика “Маънавият ва маърифат” жамоатчилик маркази ташкил этилди. Шу йили 8 июнда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Республика “Маънавият ва маърифат” жамоатчилик марказининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори чиқди ва унда Марказнинг асосий вазифаси ва фаолият йўналишлари белгилаб олинди.

1996 йил 9 сентябрда эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маънавият ва маърифат” жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги Фармони, 1998 йил 24 июлда Вазирлар Маҳкамасининг “Маънавий-маърифий ислохотларни янада чуқурлаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, 1999 йил 3 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика Маънавият ва маърифат Кенгашини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармони чиқди¹⁴.

Нихоят, 2006 йил 25 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги ПҚ-451-сон Қарори қабул қилиниб, унга кўра Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши ҳузуридаги Миллий мафкура илмий тарғибот маркази ўрнига Республика Маънавият ва маърифат Кенгашининг илмий-амалий йўналишида фаолият олиб борадиган, давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириладиган Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази ташкил этилди. Қуйидагилар Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказининг асосий вазифаси этиб белгиланди:

халқимизнинг қўп асрлик маънавияти ва миллий қадриятлари, диний қарашлари ва ҳаётий удумларига, ёшларимизнинг онгини заҳарлаб, маънавий

¹³ Каримов И. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т.12 – Т.: “Ўзбекистон”, 2004. Б.270-271.

¹⁴ www.lex.uz.

жихатдан қарам этишга қаратилган мафкуравий хатарларга қарши самарали кураш олиб бориш бўйича илмий-амалий дастурларни ишлаб чиқиш;

фуқароларимиз қалбида миллий тафаккур ва соғлом дунёқараш асосларини мустаҳкамлаш, уларнинг онгли яшашга, ўз фикрига эга бўлишга, турли маънавий тажовузларга қарши собит тура олишга қодир бўлган, иродали, фидойи ва ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялашга йўналтирилган амалий тавсиялар тайёрлаш. Бу борада маънавий-маърифий тарғибот ишларининг таъсирчанлигини таъминлайдиган замонавий ахборот технологиялари ва механизмларини, жамиятимизнинг мафкуравий иммунитетини кучайтиришга қаратилган самарали усул-услубларни ишлаб чиқиш, давлат ва жамоат ташкилотлари учун тегишли тавсия ва таклифлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиш¹⁵.

Шу билан бирга, халқаро майдонда мафкуравий, ғоявий ва информацион курашлар кучайиб бораётган ҳозирги мураккаб таҳликали даврда маънавий-маърифий ишларни замон талаблари асосида ташкил этиш, ёшларимизни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, юртдошларимизнинг ҳаётга онгли муносабатини шакллантириш, ён-атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини ошириш, мамлакатимиз мустақиллиги, тинч-осойишта ҳаётимизга хавф туғдириши мумкин бўлган тажовузларга қарши изчил кураш олиб бориш вазифаси ушбу соҳадаги ишларни, жумладан, Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг фаолияти ва таркибий тузилишини қайта кўриб чиқишни тақозо этди. Миллий ғоя ва мафкура масаласи билан боғлиқ долзарб муаммоларни, бугунги мураккаб мафкуравий жараёнларни илмий-амалий жихатдан атрофлича таҳлил қилиш ва баҳолаш, устувор йўналишларини аниқлаш, уларнинг аҳоли турли қатламларига таъсирини ўрганиш, миллий манфаатларимизга, ҳаёт тарзимизга зид бўлган зарарли ғоялар ва мафкуравий хуружларнинг моҳиятини очиб бериш ҳам Марказнинг асосий вазифаларидан биридир.

Эътибор берилса, йилдан йилга маънавият йўналишидаги ташкилот ва муассасаларнинг вазифалари кучайтириб борилмоқда. Мисол учун, 2006 йил 25 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги ПҚ – 451-сон Қарорида кўрсатилган *“халқимизнинг диний қараишлари ва ҳаётий удумларига, ёшларимизнинг онгини заҳарлаб, маънавий жиҳатдан қарам этишга қаратилган мафкуравий хатарларга қарши самарали кураш олиб бориш бўйича илмий-амалий дастурларни ишлаб чиқиш”, “ёшларни турли маънавий тажовузларга қарши собит тура олишга қодир бўлган, иродали, фидойи ва ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялашга йўналтирилган амалий тавсиялар тайёрлаш”* вазифалари 1994 йил 23 апрелда ташкил этилган Республика “Маънавият ва маърифат” жамоатчилиқ марказининг вазифалари қаторида мавжуд эмасди. Бу вазифа, ҳаётда рўй

¹⁵ www.lex.uz. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги ПҚ – 451-сон Қарори.

берган воқеалардан хулоса қилган ҳолда, маънавият йўналишидаги ташкилот ва муассасаларнинг вазифалари қаторига киритилди.

Ушбу қарор ва фармойишлар, қонунларда Президент Ислом Каримов томонидан қуйидаги фикр ва ғоялар илгари сурилган:

- маданий-маърифий юксалиш;
- ижтимоий-дидактик тараққиёт;
- фалсафий-педагогик ўсиш;
- имон-этикоднинг бутунлиги;
- миллий ахлоқ-одоб меъёрларига тўла риоя қилиш;
- илм-маърифатли бўлиш;
- инсонпарварлик, ватанпарварлик, халқпарварлик, адолатпарварлик;
- миллий қадриятларга мухаббат;
- фидойилик, мардлик, жасурлик, ташаббускорлик;
- покланиш, ислом динига этиқодлилиқ;
- Ватан ва халқ мустақиллигини доимий равишда ҳимоя қилиш ва унга хизмат қилиш;
- аجدодлар ва уларнинг меросига чуқур ҳурмат ва шу қабила.

Президентимизнинг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари” асаридаги: “Этиборни жаҳон ҳамжамияти ҳаётида Ислом қадриятларини тиклаш байроғи остида рўй бераётган ҳодисалар ғоят хилма-хил, кўп қиррали, баъзан зиддиятли ва ҳатто қарама-қарши қутбли эканлигига қаратмоқчиман. Шу билан бирга, аниқ равшанки, жаҳон жамоатчилиги, бу жараёнларга жуда катта қизиқиш билангина қараб қолмаяпти. Унинг диний экстремизм ва фундаментализм қаби кескин ҳодисалар муносабати билан безовталанаётгани, баъзан эса ҳатто хавфсираётгани ҳам кўзга ташланмоқда. Афсуски, ҳозирги замон тарихида ана шу ўта кескин кўринишлар жиддий можароларни, зиддиятларни келтириб чиқариши, барқарорлик ва хавфсизликка таҳдид солиши мумкинлиги инсониятни чўчитяпти. Шундан дарак берувчи фикрлар анча-мунча тўпланиб қолган. Ўзбекистоннинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг хавфсизлигини таъминлаш зарурлиги нуқтаи назаридан қараганда, бу ҳодисалар бизда ҳам жиддий ташвиш туғдирмоқда”¹⁶, деган жумлалар беихтиёр диққатни ўзига тортади.

Дарҳақиқат, бу асар босилиб чиққандан олти ой ўтгач, асарда ёзилган гаплар ўзининг тўла тасдиғини топди.

Динни ҳимоя қилишни ўзларига ниқоб қилиб олган ашаддий жинойтчилар одамларнинг тинчлигини бузиб, ўта хавфли жинойтлар Республикамизнинг турли жойларида турлича миш-мишларнинг, бир-биридан совуқ ваҳимали гапларнинг тарқалишига олиб келди. Ҳатто: “Наманганда ҳар хил диний оқимлар пайдо бўлиб, Ислом давлати қуришга уринишлар бўлаётган эмиш”, деган гаплар ҳам тарқалди.

¹⁶ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари. Т.: “Ўзбекистон”, 1999. 34-бет.

Мамлакатимиз ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари масаланинг аниқ сабабларини ва моҳиятини аниқлаб, халқимизни бу воқеалардан хабардор қилдилар. Халқимиз бу жинойтчиларнинг асл башараларини, ким эканликларини, уларга кимлар хайрихоҳ бўлиб, мадад қўлини чўзганликларини, тўғриси, уларни махсус тайёргарликдан ўтказиб, ўзларининг ёвуз ниятларини амалга ошириш учун ишга солганликларини билиб олди. Шундан кейин Президентимизнинг адашиб ана шундай йўлга кириб қолган ва кимларнингдир шу йўлга кирганидан бохабар бўлган кимсаларга қарата айтган қуйидаги мурожаатлари ҳам маълум маънода вазиятни енгиллаштирди дейиш мумкин: “...нафақат жиноий йўлга адашиб кириб қолганларга, балки уларнинг қилмишидан хабардор бўлган одамларга ҳам шуни айтмоқчиманки, ҳали ҳам кеч эмас, бундай одамларни биз ёмон йўлдан қайтаришимиз керак. Нега деганда, улар ҳам кимнингдир боласи, жигарбанди, улар ҳам ўзбек оиласидан чиққан йигитлар. Биз буни ҳеч қачон унутмаслигимиз ва халқимизни жипслаштириш, фарзандларимизни асраш йўлидаги бир даъват, деб билишимиз керак”¹⁷. Бу сўзлар чин маънода айтилган, қалбдан чиққан сўзлар бўлиб, диний экстремист ва террористликни ният қилиб турганларни огоҳлантиришда жуда қўл келди. Натижада эса, бугунгидек тинч ва осойишта кунларга етиб келдик.

Чунки, ўтган давр мобайнида мамлакатимизда бўлиб ўтган мудҳиш воқеалардан хулоса чиқарган ҳолда Ўзбекистонда диний экстремизм ва халқаро терроризмга қарши курашнинг турли усул ва воситалари, асослари ишлаб чиқилди. Бу борада ҳар бир йўналиш ва соҳага эътибор қаратилиб, диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг сиёсий, ҳуқуқий, маънавий-маърифий манбалари яратилди. Хуллас, мамлакатимизда диний бағрикенглик, конфессиялараро дўстликни, фуқароларнинг динга муносабатидан қатъий назар қонун олдида тенглигини таъминлаш, улар ўртасида низо ёки келишмовчилик келиб чиқишининг олдини олиш давлат сиёсати даражасига кўтарилиши оқибатида сўнгги йилларда юртимизда диний экстремизм ва терроризм хавфи сезиларли даражада камайди, дейишимиз мумкин.

Энди олдимизда турган асосий вазифалардан бири мана шу тинчликни, мусаффо осмонимизни асраб қолиш ҳамда диний экстремизм ва терроризмнинг олдини олишдан иборат. Бунинг учун ҳар бир таълим муассасасида, хусусан, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида таълим-тарбия ва ахлоқ-одоб масалаларига жиддий эътибор ёндашмоғимиз лозим бўлади.

Бу эса коллеж ва лицейларда замонавий педагогик технологиялар имкониятларидан фойдаланган ҳолда ўқувчи-талабалар маънавиятини шакллантириш, улар орасида миллий маънавий-ахлоқий қадриятларни кенг тарғиб қилиш ва уларни халқимизнинг бой, мазмунли ҳамда эзгуликка етакловчи маданий-тарихий меросидан баҳраманд қилиш, ҳар томонлама

¹⁷ Каримов И. А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т.: “Ўзбекистон”, 2004. 246-бет.

уйғун камол топган шахсни тарбиялаш, унинг соғлом ўсиши педагогларнинг давлатимизда яратилган ҳуқукий-меъёрий асослардан, тарғиботда тан олинган энг натижадор усуллардан унумли фойдаланишига боғлиқ.

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИДА ЁШЛАРНИ МИЛЛИЙ ҒОЯ РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ МАСАЛАЛАРИ

К.Камолова, Х.Атабоева

Ёшларни мафкуравий таҳдидларга қарши кураш руҳида тарбиялашда, уларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришда таълим-тарбия ишларини оқилона йўлга қўйиш, уларни замонавий илм-фан, маданият, техника ва технология ютуқлари билан мунтазам равишда таништириб бориш катта аҳамиятга эга. Чунки тараққиёт тақдирини маънавий жиҳатдан етук, техникавий билимлар ва ехнологияни эгаллаган, иродаси бақувват, имони бутун, замонавий фикрлайдиган юксак салоҳиятли одамлар ҳал этади.

Ўзбекистонда истиқлолнинг илк йиллариданоқ таълим-тарбия тизимини ислоҳ қилиш, миллий кадрлар тайёрлашни замон талаблари даражасига кўтариш масаласига жиддий эътибор қаратилмоқда. Хусусан, жамиятимизнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий-маънавий тараққиётидаги беқиёс аҳамияти эътиборга олиниб, 1992 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинган эди¹⁸. Зеро, таълим халқ маънавиятига яратувчилик бахш этиши, ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳар томонлама камол топишининг зарурий шартидир.

Ўзбекистонда ишлаб чиқилган ва амалга оширилаётган “Кадрлар Таълим ва тарбиянинг инсонпарвар, демократик характерда экани, ёш авлодни миллий ғоя руҳида тарбиялаш – Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунининг таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принципларидан бири сифатида белгиланган. Шунингдек, ушбу ҳужжатда узлуксиз таълим тизими халқ таълимининг асосий бўғини сифатида белгиланган¹⁹. Узлуксиз таълимни давлат стандартлари ва тегишли таълим дастурлари билан таъминлашда, аввало, уларнинг жаҳон талаблари даражасида бўлишига, юксак маънавият заминида қурилганига асосий эътиборни қаратиш муҳим аҳамиятга эга.

Кадрлар тайёрлаш тизимининг шаклланиши ва фаолият кўрсатишининг асосий тамойиллари, вазифалари қаторида ёш авлодни Ватанга садоқат, юксак ахлоқ, маънавият ва маърифат, меҳнатга виждонан муносабатда бўлиш, салбий оқим ва бузғунчи ғояларга қарши кураш руҳида тарбиялаш сиёсатида асосий ўринни эгаллайди. Чунки “муайян ғоявий қарашлар тизимини одамлар онгига сингдириш, зарарли маънавий-мафкуравий таъсирлар, турли кўринишдаги тазйиқларнинг олдини олишга

¹⁸ Таълим тўғрисида. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997.

¹⁹ Қаранг: Таълим тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – Б. 20-22.

каратилган услуб ва воситалар ҳамда уларни ишлаб чиқиш, тартибга солиш ва бошқариш билан боғлиқ фаолият мажмуи”²⁰ мафкуравий сиёсатнинг функциясини ташкил қилади.

Миллий дастурда ёшлар тарбиясига катта эътибор берилганига сабаб бугунги кунда одамзод маълум бир давлатлар ва сиёсий кучларнинг манфаатларигагина хизмат қиладиган, олис-яқин манбалардан тарқаладиган, турли маъно-мазмундаги мафкуравий кучларнинг таъсирини доимий равишда сезиб яшайди. Мана шундай вазиятда ўсиб келаётган авлод ўз мустақил фикрига, собит эътиқодига, ўзи таяниб яшайдиган ҳаётий-миллий кадриятларига, шаклланган дунёқараш ва мустаҳкам иродага эга бўлмаса, ҳар турли мафкураларнинг босимига, уларнинг гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона кўринишдаги тазйиқларига бардош бериши амри маҳол. Мана шу шарт-шароитларнинг барчаси ҳам маънавият, миллий мафкура ва миллий ғоя аҳамиятини янада кучайтиради. Зеро, ҳозирги даврда “фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамият касб этмоқда”²¹.

Шуларни ҳисобга олган ҳолда, ёшлар онгига миллий ғояларимизни сингдиришга, уларнинг халқимиз маданияти, маънавияти, тарихи билан атрофлича таништириш ва бу ишни амалга оширишда миллий меросимизга таяниб, барча ўқув режалари ва дастурлари қайтадан кўриб чиқилиб, мазмун жиҳатдан янгиланди. Бу борада таълим муассасаларида “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” фанини ўқитишнинг йўлга қўйилиши ҳамда бу йўналишда яратилган қатор қўлланма ва китоблар катта аҳамиятга эга бўлди²².

Жумладан, уларда мамлакатимизда таълим ва тарбия соҳаларида миллий ғояни ёшлар қалби ва онгига сингдиришнинг устувор йўналишлари сифатида қуйидагилар кўрсатиб берилган эди:

- таълим муассасаларида болалар ва талабаларнинг ёшига мос равишда миллий истиқлол мафкурасини сингдиришда дифференциал педагогик дастурни яратиш;

- кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида ўқувчи-талабалар онгида миллий ғоя ва миллий истиқлол мафкурасини шакллантириш ишларини узлуксиз тарзда олиб бориш;

- ўқув дастурлари, дарслик ва қўлланмаларда миллий истиқлол мафкураси ғояларини теран акс эттириш;

- мактаб, лицей, коллеж, институт ва университетларда мафкуравий тарбияни бугунги кун талаблари даражасига кўтариш;

²⁰ Қаранг: Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати. // Қ.Назаров таҳрири остида. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009. – Б. 295.

²¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б. 119.

²² Қаранг: Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Олий таълим муассасари учун тажрибавий қўлланма. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2001. – Б. 233.; Миллий истиқлол ғояси: назария ва амалиёт. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2001. – Б. 216.; Ёшлар онгида ғоявий дунёқарашни шакллантириш. – Тошкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2002. – Б. 188.; Ғоя, тарих ва миллий тафаккур. – Тошкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2002. – Б. 240.

- педагог кадрларнинг мафкура борасидаги билимларини чуқурлаштириш²³.

Таъкидлаш жоизки, ушбу вазифалар мунтазам равишда амалга ошириб келинмоқда. Чунончи, таълим муассасалари учун яратилаётган ўқув қўлланма ва дарсликлар миллий ғоя концепциясининг мазмунидан келиб чиқиб қайта такомиллаштирилаётгани, миллий мафкурамизнинг турли жихатларининг таҳлилига доир йирик илмий тадқиқот – ишларининг амалга оширилаётгани бунга мисол бўла олади.

Албатта, таълим-тарбиянинг ҳар бир алоҳида босқичи, ўз навбатида миллий ғояларни ёшлар қалби ва онгига сингдиришнинг ўзига хос омилларини назарда тутди. Масалан, бошланғич синф ўқувчисига миллий мафкуранинг фалсафий ва этник илдизлари хусусида гапириш ноўрин бўлишидан ташқари, мутлақо самарасиз ҳамдир. Шахсий ибрат – мафкура тарғиботи муваффақиятини таъминлайдиган муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Муаллимлар дарсда миллат манфаатлари, интилишлари хусусида баландпарвоз гапларни айтиб, ўз ҳаётида шу манфаатларга зид ишларни қилсалар, бу тарғибот самараси нолга тенг бўлади²⁴.

Умуман олганда, ёшларни миллий ғоя руҳида тарбиялашда, уларда ғоявий иммунитетни шакллантиришда оила, маҳалла, таълим-тарбия тизимларининг ўрни бекиёс. Ёш авлоднинг шаклланиши ва балоғатга етиш жараёнида ҳар бир оилада, яшаётган маҳаллада, таълим-тарбия тизимида, боғчадан тортиб, то олий ўқув юртигача, ишлаётган жамаода, уларни ўраб турган муҳитда соғлом вазиятни вужудга келтириш лозим.

Бунинг учун эса, ёш авлодни ватанпарварлик, инсонийлик руҳида тарбиялашни такомиллаштириш зарур. Бунда ота-оналар, маҳалла фаоллари, олимлар, зиёлилар, ўқитувчи ва мураббийлар, нодавлат ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари, кенг жамоатчиликнинг ижтимоий ҳамкорлиги алоҳида аҳамият касб этади.

ПЯТЬ ТЕНДЕНЦИЙ СВОБОДА СЛОВА В АМЕРИКАНСКОЙ ПРЕССЕ

**С. МУСТАФОЕВА,
А. АБДУРАХМАНОВА**

Rights and freedoms acquired by the American press in the late XVIII century, which began to be implemented immediately, without hindrance from the state, and led to prosperity in the next century journalism. In this regard, the American press was noted five trends freedom of speech. This article describes all this trends with explanation in each trend.

²³ Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Олий таълим муассалари учун тажрибавий қўлланма. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2001. – Б. 218.

²⁴ Қаранг: Исоқов Б. Зиёлилик масъулияти. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б. 55.

В первое послевоенное десятилетие сформировалась американская концепция свободы печати. В ее основание легла первая поправка к Конституции США 1787 года – одна из десяти поправок, прозванных американским Биллем о правах, принятых 21 декабря 1791 года. Первая поправка гласит: «Конгресс не будет издавать законов, ограничивающих свободу слова, или печати, или права народа мирно собираться». Отличительная особенность американской концепции свободы печати в полном отделении печати от государства: печать и государство независимы друг от друга. Государство не может иметь свою прессу. В первой поправке впервые появляется термин свобода печати. Как и английская, американская концепция рассчитана на индивидуальную свободу. Права и свободы, приобретенные американской печатью в конце XVIII века, начали воплощаться в жизнь сразу, без препятствий со стороны государства и привели к процветанию журналистики в последующие столетия. В связи с этим в американской прессе было отмечено пять тенденций свобода слова.

Первая тенденция заключалась в том, что американские газеты уверенно взяли курс на информационную насыщенность. Война приучила читателя обращать больше внимания на колонки новостей в газете, нежели на передовые статьи, столь ценимые в традиции «персонального журнализма». Поэтому новое поколение редакторов, извлекшее уроки из журналистской практики военного периода, больше внимания уделяло быстрому, точному и действенному репортажу о происшедших событиях.

Вторая тенденция нашла свое отражение в еще большей децентрализации американской прессы. Значительную роль в журналистском мире стал играть американский Запад, культурным центром которого утвердился Сан-Франциско, где уже в середине 1850-х гг. издавалось больше газет, чем в Лондоне. Поэтому значительное влияние в этот период приобрели такие региональные издания.

К третьей тенденции стоит отнести возросшую политическую независимость ряда периодических изданий, то, что иногда именуется «независимым журнализмом». «The New York Evening Post», «The Springfield Republican», «The New York Times» и ряд других изданий демонстрировали свою готовность бросить вызов местным властям. Традиция политического журналистского расследования в истории американской прессы была создана серией сенсационных разоблачений, опубликованных в «The New York Times» в 1870 г. Эти разоблачения были направлены против злоупотреблений властью со стороны всемогущего нью-йоркского партийного босса Уильяма Твида, лидера местного отделения демократической партии. В результате опубликованных разоблачений Твид попал на скамью подсудимых: После 1870 г. «независимый журнализм» обретает силу, делая прессу «четвертой властью».

Четвертой тенденцией следует считать акцент на сенсационность в подаче материала. Беннетовский стиль журналистики, согласно которому все, включая рекламу, может и должно быть новостью, находил все большее применение в американской прессе. Беннетовские принципы исповедовал

Чарльз А. Дана, ставший редактором нью-йоркской «The Sun» в 1868 г. Ему удалось вдохнуть новую жизнь в это издание. В редакционной статье он обещал своим читателям, что его газета «будет стремиться к лаконичному, ясному и четкому изложению событий и приложит все усилия, чтобы каждый день представлять фотографию того, что делается в мире в самой яркой и живой манере». Дана смог привести свою газету к успеху, сделав ставку на жесткость комментариев (особенно в адрес администрации президента У. Гранта), сенсационность и определенный цинизм в подаче новостей.

В качестве **пятой тенденции** можно выделить тот факт, что благодаря деятельности великих редакторов довоенной эпохи, а также в результате общественного резонанса, вызванного «независимым журнализмом», профессия журналиста из прежде непрестижной и малоуважаемой переходит в разряд общественно значимой. Журналист получает более высокий социальный статус, положение и определенную независимость в общественно-политической расстановке сил.

В конце XIX столетия происходят события, во многом определившие основные тенденции дальнейшего развития американской прессы. Особенно следует выделить появление «нового журнализма», породившего как феномен «желтой прессы», так и стандарты «качественной журналистики», движение «разгребателей грязи», индустриализацию и монополизацию в газетно-журнальном деле.

МИЛЛИЙ ҒОЯНИНГ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР РИВОЖИНИ ТАЪМИНЛАШГА АСОС БЎЛАДИГАН ХАРАКТЕРЛИ ЖИҲАТЛАРИ

**Нурхон Аминова,
Низомий номидаги ТДПУ**

Инсоният тарихий тараққиётнинг цивилизациялашган даври тажрибаси бирон-бир жамиятнинг эзгу ғояларсиз ва соғлом мафкурасиз ривожлана олмаслигини тасдиқламоқда. Ўзини мустақил деб ҳисоблаган ҳар бир давлат ўз олдиғи маълум мақсад қўяди ва унга етишиш йўллариини излайди. Биз ҳам мустақилликни қўлга киритган дастлабки йилларданок мамлакатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ўз олдимизга озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш каби буюк эзгу мақсадни қўйдик. Ана шу эзгу мақсадларни амалга ошириш, мамлакатимизда демократик тамойилларга асосланган жамиятни барпо этишда, бизга ёт ва бегона мафкуралар тажовузига қарши тура оладиган, ҳар томонлама баркамол инсонларни вояга етказиш, ғоявий бушлиқ булишига йул қуймаслик ва ниҳоят, юртнинг юксак тараққиётини таъминлаш - миллий истиқлол ғоясини шакллантириш эҳтиёжини юзага келтирди.

Биз биламизки, миллий ғоя миллий мафкурага таянади, ўзида унинг асосий мазмуни ва мағзини мужассамлаштиради. Миллий мафкура янги

жамият қураётган мамлакатимиз тараққиёти қонунлари ва тамойилларидан келиб чиқадиган, унинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маданий ва маънавий эҳтиёжлари ва манфаатлари, ривожининг туб ва устувор йўналишлари, мақсадлари ҳамда муаммоларини ифода этувчи қарашлар, фикрлар тизимидир. Мафкура жамият тараққиётини тезлаштиришда, миллий ғояда кўзда тутилган мақсад ва муддаоларга етишишдаги кучли маънавий қуролдир. Мафкура бу – бош стратегик ғояни амалга оширишнинг маънавий-руҳий асоси ва таянчидир. Мафкура кишиларни миллий ғояга ишонтириш, уни амалга оширишда уларни маънавий қуроллантирувчи, рағбатлантирувчи ва руҳлантирувчи кучдир.

Миллий ғоя масаласига Президентимиз Ислом Каримов эса шундай таъриф берадилар: “Миллий ғоя деганда, аждодлардан авлодларга ўтиб, асрлар давомида эъзозлаб келинаётган, шу юртда яшаётган ҳар бир инсон ва бутун халқнинг қалбида чуқур илдиз отиб, унинг маънавий эҳтиёжи ва ҳаёт талабига айланиб кетган, таъбир жоиз бўлса, ҳар қайси миллатнинг энг эзгу орзу-интилиш ва умид-мақсадларини ўзимизча тасаввур қиладиган бўлсак, ўйлайманки, бундай кенг маъноли тушунчанинг мазмун-моҳиятини ифода қилган бўламиз”²⁵. Демак, бундан келиб чиқадики, ушбу кенг қамровли, ҳар бир юртдошимиз онгига сингишга даъват этилган, кишиларни олийжаноб, эзгу мақсадларга эришиш йўлида сафарбарликка чорлашнинг қудратли кучига эга тушунчаларни англаб етишнинг илмий-назарий заминларини вужудга келтириш илмий тадқиқотчиларнинг ва уни кишилар қалби ва онгига етказиб бериш ҳар бир педагог ёки маънавият тарғиботчиларининг диққат марказида бўлиши зарур.

Миллий ғоя ва миллий мафкура масалаларининг илмий-методологик негизлари Президент Ислом Каримов асарларида бир неча йиллардан буён мунтазам равишда баён этиб келинмоқда. Жумладан, “Жамиятимиз мафкураси халқни – халқ, миллатни – миллат қилишга хизмат этсин” деб номланган асарида миллий ғоя, миллий мафкура тизими қандай элементларни ўзида мужассамлаштириши ва қандай талабларга жавоб бериши кераклиги ҳақидаги саволга қуйидагича жавобни берганлар: “Миллий мафкурамиз миллатлараро тотувликни мустаҳкамлашга ва бу орқали жаҳон ҳамжамиятида, халқаро майдонда ўзимизга муносиб мавқега эга бўлишимизда пойдевор ва раҳнамо бўлиши, ёш авлодни ватанпарварлик, инсонпарварлик, юртга садоқат руҳида тарбиялашда мададкор бўлиши зарур. Айни пайтда, миллий ғоя миллатимизнинг шонли тарихи ва буюк келажагини узвий боғлаб турувчи, эзгу мақсадларга муттасил даъват қиладиган ғоя бўлиши керак”²⁶.

Миллий ғоя жамиятимиз тараққиётининг муҳим омили бўлиб, шу маънода, у мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, юртимизда озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишга хизмат қилади. Миллий ғоя концепцияси ўз тушунча ва тамойилларига, тарихий негизлари, илмий,

²⁵ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б. 71.

²⁶ Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни – халқ, миллатни – миллат қилишга хизмат этсин. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – Б.14-15.

фалсафий, дунёвий ва диний илдизларига эга муайян тарихий зарурат мужассами бўлган назария ҳамдир. У айнан назария сифатида ижтимоий воқеликнинг ифодаси тарзида намоён бўлади, ўзига хос шаклланиш қонуниятлари ва хусусиятларига эга бўлган умуммиллий ҳодиса ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам миллий ғояни тарғиб қилиш биргина миллий истиқлол ғояси ва тарих фанларидан дарс берувчи педагогларгина эмас, балки, барча фан ўқитувчиларининг ҳам вазифаси ҳисобланади.

Миллий ғоя юртимизда яшайдиган ҳар бир миллат, ижтимоий гуруҳ, дин, партия ёки ташкилот вакили учун умумий мезондир. Шу маънода, у кўп миллатли Ўзбекистон халқининг, мустақилликни мустаҳкамлаш йўлидан бораётган жамиятимизнинг умумий ғоясидир. Миллийлик тушунчаси бу ерда этник маънони, яъни қон-қардошликка асосланган муносабатларни эмас, балки мазкур мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий бирлик сифатидаги бутун халқини, унинг давлатини англатади. Зеро, “Миллий ғоя – бу, фақатгина ўзбек миллатинигина бирлашишга чақирувчи мавҳум шиор деб қарамасдан, балки уни янада кенгроқ кўламда, бутун Ўзбекистон аҳолисини ҳам қамраб олувчи, барчани жипслаштирувчи детерминант сифатида олиб қараш лозим. Биз бу ўринда миллатидан қатъий назар бутун Ўзбекистон халқини ва уларнинг ҳар бирининг шахсий, бутун жамият ва давлат миқёсидаги манфаатларини назарда тутмоқда.”²⁷

Мамлакатимизда ҳар қандай “изм”лардан холи бўлган инсонпарвар жамиятни мустаҳкамлаш шароитида миллий манфаатлар ва тараққиётга хизмат қиладиган, миллий ғоянинг маънавий-маърифий ишлар ривожини таъминлашга асос бўла оладиган ўзига хос характерли жиҳатлари бор. Булар қуйидагилардир:

- халқ, миллат тақдирига дахлдор бўлган, қисқа ёки узоқ муддатда ҳал этилиши керак бўлган вазифалар ва мўлжалларни акс эттиради;
- турли хил мафкураларнинг мавжудлиги шароитида миллат, жамиятнинг пароканда бўлиб кетишининг олдини олади;
- кишиларни яратувчан фаолиятга сафарбар этиши, ғоявий ҳимоя воситаси бўлиб хизмат қилади;
- белгиланган қонунийликка, умумэътироф этилган талабларга, умумбашарий тамойилларга ва миллий манфаатларга мос келади;
- Ватанга муҳаббат, мустақиллик ғояларига садоқат ва ўзаро ҳурмат туйғусини қарор топтиради²⁸.

Бундан ташқари, ғоя умуммиллийлигининг, унинг умумэътироф этилишининг муҳим мезони – бу, миллий ғоя мазмунида мужассамлашган тамойилларга барчанинг бирдай риоя қилиш масъулияти ва мажбурияти ҳамдир. Шундай экан ўсиб келаётган ёш авлодни миллий ғоя руҳида тарбиялаш, мафкуравий иммунитетини кучайтириб бориш бугунги куннинг

²⁷ Тўраев Б., Убайдуллаев У. Ўзбекистон – минтақада тинчлик ҳимоясида. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001. – Б. 42.

²⁸ Қаранг: Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалар луғати. – Тошкент: Akademiya, 2007. – Б. 210-220.

энг муҳим ва долзарб вазифаларидан бири эканлигини ўзини Ўзбекистон фуқаросиман деган ҳар бир киши унутмаслиги керак.

ДАВЛАТ МАДҲИЯСИ – ЁШЛАРНИ МИЛЛИЙ ҒОЯ РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ ОМИЛИ

**Шахноза Абдуллаева,
Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази тадқиқотчиси**

Биз, озод Ўзбекистон фуқаролари учун мустақилликнинг муқаддас рамзлари – Давлат Герби, Давлат Байроғи, Давлат Мадҳияси азиздир. Улар маънавиятнинг энг муҳим тимсоллари ҳамдир. Улар она-Ватан – Ўзбекистон Республикасига ифтихор ва чексиз ҳурмат туйғусини тарбиялайди²⁹.

Ислом КАРИМОВ

Давлат рамзларидан фойдаланиш, уларга бўлган ҳурмат ва эътибор бугунги кунда жаҳон халқлари маданиятининг бир бўлагига айланди. Ҳар қандай маданиятли инсон ўзининг давлат рамзларини ҳурмат қилиши, унга яхши муносабатда бўлиши, давлат байроғи кўтарилаётганда, мадҳияси ижро этилаётганда турган ҳолатда қаддини тик тутиб, кўлини кўксига қўйиши – бу ўз она юрти ва халқига бўлган ҳурмат-эҳтиромини билдиради.

Давлат рамзлари – миллий суверенитетни, халқимизнинг мустақил, ўз тараққиёт йўлига эгалигини билдирадиган муқаддас тимсоллар. Уларни ҳаётимизнинг муҳим бир бўлаги деб билиш, кўз қорачиғидек асраб-авайлаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

Халқаро мусобақаларда давлат мадҳияси ижро этилиши – ажиб жараён. Унинг гашти бошқача. Мана шундай пайтда, буюк, дунёда ҳеч кимга ўхшамайдиган маънавияти, тарихи ва ўзига хос фалсафаси бор эл фарзанди эканлигиндан фахрланиб кетасан, киши. Юртинг жамоаси майдонда саф тортиб, миллий оҳанглар билан йўғрилган марш темпидаги куйга ўзбек сўзлари ҳамоҳанг бўлиб янграганида юрагинг бир ҳаприқиб кетади. Балки шунинг учун ҳам давлат мадҳияси куйланган пайт, юрагим ҳаяжондан ўз қинидан чиқиб кетмасин, деган маънода ўнг қўл чап кўкракнинг – юракнинг устида туриши керакдир.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида халқимизнинг маънавиятини юксалтириш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси мадҳияси ёшларда Ватанга муҳаббат, бой тарихимизга, миллий ўзлигимиз, урф-одат ва қадриятларимизга чуқур ҳурматни янада ривожлантиришда, ҳар томонлама баркамол ва етук авлодни вояга етказишда муҳим тарбиявий восита бўлиб хизмат қилмоқда.

Хўш, мадҳия нима дегани?

²⁹ И.Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.: “Ўзбекистон”, 1995 йил. – 278-бет.

Мадҳия – араб тилидаги “мадҳ”, яъни “мақтов”, “ҳамд-сано” сўзидан келиб чиққан бўлиб, “мақтов қўшиғи”, ёки “қасида” деган маъноларни беради. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида мадҳияга шундай таъриф берилган:

1. *Бирор шахс, нарсa, воқеани мақтаб ёзилган, ўқилган шеър ёки нутқ;*

2. *Тантанали қўшиқ; давлат ёки сиёсий синф бирлигининг аломати бўлган тантанали шеър-мусиқий асар,*
деган таъриф берилган.

Демак, мадҳия бу – мақтов. Нимага, кимга, қаерга бўлишидан қатъи назар унга нисбатан мақтовни, мадҳни ифодаловчи насрий ёки назмий нутқни мадҳия дейиш мумкин. Шу маънода, Ватанни мақташ, уни мадҳ этишга қаратилган шеър ёки мусиқа мадҳия дейилади. Қадимдан ҳар бир қабила ёки давлатнинг, халқ, миллат ёки элатнинг ўзига хос мадҳиялари мавжуд бўлган. Мадҳиялар инсонлардаги жўшқинликни, ватанпарварликни, меҳнатсеварлик ва садоқатлиликини, ўз қавми, юрти, жамоасига, эътиқодига содиқ қолишни янада ривожлантиришга, фидокорлик, бунёдкорлик, тadbиркорлик каби фазилатларнинг жўш уришига хизмат қилган. Инсонлар мадҳиялар орқали ўз она Ватани, аجدодлари, подшолари ва худоларини мақтаб, уларга ҳамду санолар айтиб туришган.

Бугунги кунга келиб мадҳия (гимн) ҳар бир давлатнинг асосий рамзига айланди. Маълумотларга кўра, энг қадимий давлат мадҳияларидан бири – Дания давлатининг миллий мадҳияси «Het Wilhelmus» ҳисобланар экан. У илк бор 1574 йилда ижро этилган.

Ўзбекистон Республикаси ҳам ўзининг мустақиллигини қўлга киритгач, орадан бир йилу уч ой ўтиб, 1992 йил 10 декабрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида”ги қонун асосида ўзининг Давлат мадҳиясига эга бўлди. Қонунда мадҳиямиз давлат суверенитетининг рамзи, унга катта эҳтиром билан қараш ҳар бир юртдошимизнинг ватанпарварлик бурчидир деб белгилаб қўйилган. Ўзбекистон фуқаролари, шунингдек, мамлакатимизда яшаб турган бошқа шахслар ҳам мадҳиямизни ҳурмат қилиши шартлиги алоҳида таъкидланган.

Мадҳияда Ватанимиз тарихи, унинг бугунги ҳолатининг табиий таърифи, халқининг эзгу орзу-умидларию келажакка мустаҳкам ишончи, илм-фанга эътибори, ёшларга ғамхўрлигию меҳмондўстлиги теран ифодаланган. Унда мардона ва шарафларга бой ўтмишимиз, миллий анъана ва кадриятларимиз, тинчлик, осойишталик, миллатлараро тотувлик ва биродарлик каби умуминсоний туйғулар тараннум этилган. Хуллас, Ватанимиз мадҳияси ҳам унинг ўзи каби азиз ва муқаддасдир.

Шунинг учундирки, Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграб, байроғимиз бошимиз узра ҳилпираганда, озод Ватанимизга нисбатан қалбимизнинг туб-тубида ғуруру ифтихор пайдо бўлади, ҳурмат-эътибор, муҳаббат кучаяди, ватанпарварлик ҳисси янада жўш уради. Бу сеҳрли сўзлар

ва сирли мусиқа жўрлиги азму шижоатли халқимизнинг руҳига руҳ, кучига куч бағишлаб, янгидан-янги бунёдкорлик ишларига даъват этади. Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси мустақилликка эътиқодни тарғиб қилади. Унинг матни фуқароларимизда, айниқса, ёш авлодда миллий ғурурни уйғотади.

Бугун юксак ватанпарварлик туйғусини мужассам этган мадҳиямиз таълим масканларида ёш авлоднинг Ватанга муҳаббат руҳида камол топишига хизмат қилмоқда-ми!? Тўғри, энди ҳарф таний бошлаган жажжи фарзандларимиз ватанни мадҳ эта бошлаганида севинчдан ҳаяжонга тушамиз. Юртнинг энг улуғ кўшиғини эъзозлаш, ёд олиш ва баралла куйлаш ҳар бир юртдошимизнинг бурчи эканини жуда яхши биламиз. Болаларимиз мактабга қадам қўйган илк лаҳзаларданок, баъзан ундан ҳам аввал – мактабгача таълим муассасаларида халқимизнинг бош кўшиғига ўзининг чуқур ҳурмат-эҳтиромини бажо келтирмоқда. Шириндан-шакар сўзлари билан Ватан мадҳини куйламоқда. Аммо уни мактаб, коллеж ва олий ўқув юртларидаги ёшларимиз қай даражада сақлаб қолишмоқда?

Тошкентдаги давра суҳбатларидан бирида ёшлар билан Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси ҳақида суҳбатлашдик. Шунда уларга савол бердик: “Ким Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳиясини шеър қилиб, ифодали, оҳангдор қилиб айтиб бера олади?”

Ишонасизми, 20 нафар боладан бор-йўғи 4 нафари (20%) қўл кўтарди. Қолган 16 нафари эса жимжит. Наҳотки, ўз давлатимизнинг мадҳиясини билмасак! Ахир, бу бизни ватанпарварликка ундайдиган, юртга садоқатимизни, муҳаббатимизни кўрсатиб бера оладиган энг асосий мезон ва восита эмас-ми?! Ёшлар ҳам шу фикрда. Улар менга талабни ўзгартиришимни айтишди. Яъни “мадҳиямизни шеър қилиб эмас, балки кўшиқ қилиб айтиб бера оламиз,” – дейишди. Якка ҳолда кўшиқ қилиб ижро эта оладиган 5 нафар иштирокчидан мадҳияни тинглай бошладик. Уларнинг барчаси “Се-е-е-ерқуё-ё-ё-ё-ёш” деб бошлашади-ю, аммо мадҳиянинг 3-мисрасига борганда умуман адашиб кетишади. Ана шундан сўнг, бу борада қиладиган ишларимиз ҳали жуда кўп экан, деган хулосага келдик.

Юқорида ана шундай қудратли кучга эга бўлган тарбия воситасидан бугун қай даражада фойдаланилаётгани ҳақида қисқача тўхталиб ўтдик. Хўш, бу ҳолатни бартараф қилиш – ёшларимизнинг давлат рамзларига ҳурмат-эътиқодини юксалтириш ва шу орқали уларни миллий ғоя ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашни кучайтириш учун нима ишлар қилмоғимиз лозим?

Биринчидан, ҳар бир фан ўқитувчиси ўзи Давлат мадҳиясини ифодали қилиб айтиб бера олиши лозим. Ҳар бир дарсда биттадан ўқувчидан сўраб бориши, ёки уй вазифасини бажармаган ўқувчидан ҳам Давлат мадҳиясини шеър қилиб айтиб беришни талаб қилиши, мақсадга мувофиқ бўлади.

Иккинчидан, синф ва гуруҳ раҳбарлари тарбиявий соат ёки маънавият соатлари давомида ҳар бир ўқувчидан давлат мадҳиясини сўраб бориш, унинг мазмунини тушунтириб беришни талаб қилиб бормоғи керак.

Учинчидан, ўқувчи-ёшлар ўртасида давлат рамзларига бағишланган алоҳида маънавий-маърифий тадбирлар, мусобақалар, баҳслар, давра суҳбатлари уюштириб туриш ҳам яхши самара беради.

Тўртинчидан, санъат ва маданият кечаларида ҳам Давлат мадҳиясидан унумли фойдаланиш, уни фонограмма орқали эмас, балки жонли ижро этилишини таъминлаш лозим. Чунки юнонистонлик файласуф Георгий: “Санъат одамларни бошқа хунарлардан кўра кўпроқ ишонтирувчи кучга эга. У мажбурлаш орқали эмас, балки ихтиёрий равишда кишини ўз қулига айлантиради,” – деган экан. Демак, Давлат мадҳиясини санъат орқали ёшлар қалбига сингдириш ҳам натижадор усуллардан бири бўла олади.

Бешинчидан, кўчаларда, таълим муассасалари, ташкилотлар, корхона ва идоралар ҳамда “Маънавият ва маърифат” хоналаридаги деворий лавҳаларда, интернет сайтларида ёзилаётган давлат рамзлари ҳақидаги маълумотларни хатоликлардан тозалаш ҳам муҳим вазифаларимиздан биридир.

Олтинчидан, миллий ғоя туркумига кирувчи фанлардан ўтиладиган ҳар бир дарс давомида давлатимиз рамзларига алоҳида тўхталиб ўтиш, уларни миллий ғоямизнинг энг бошланғич ва асос воситалари эканлигини ёшлар онги ва қалбига сингдириб боришимиз шарт.

Шундагина, юртимизнинг куч-қудрати, халқимизнинг ақлу заковати, маънавияти, меҳру оқибати, аجدодларимизнинг шон-шухрати ва авлодларимизнинг ёруғ келажагини шарафловчи бу тарона асрлар оша баралла янграйди.

Чунки Юртбошимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек, “Нега миллий онг, миллий ғурур, миллий мафкура ҳақида жон куйдириб гапирамиз? Бунинг сабаби шуки, биз Ўзбекистонимизни буюк давлатлар қаторига қўшишга аҳду паймон қилдик. Болаларимизни, йигит-қизларимизни шу ғояга қаттиқ ишонадиган буюк давлат фуқаролари, буюк давлатга муносиб фарзандлар этиб тарбиялашимиз лозим.

Миллий тимсоллар ва рамзларнинг ҳар бири ана шу буюк ғояга, миллий ғуруримизни юксалтиришга хизмат қилади. Уларнинг ҳар бири – катта бир дарслик, кучли тарбия воситасидир”³⁰.

Шу билан бирга бу ишларимиз билан Ватанимизга нисбатан ҳурмат-этиборимизни мустаҳкам сақлаб қолган бўламиз. Қолаверса, давлат рамзларига нисбатан ҳам безэтиборлик қилмаймиз. Қонунбузарликка йўл қўймаган бўламиз. Ана шу мақсадда 2010 йилнинг 24 декабрида “Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари ҳақида”ги айрим қонун ҳужжатларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди. Ушбу қонунга биноан “Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида”ги, “Ўзбекистон

³⁰ И.Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.: “Ўзбекистон”, 1996 йил. – 233-бет.

Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида”ги Қонунлари ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Мазкур қонунларнинг мос равишда 12- ва 7-моддаларида “Ушбу Қонуннинг Ўзбекистон Республикаси дипломатик ваколатхоналари, консуллик муассасалари, шунингдек, халқаро ташкилотлар ҳузуридаги ваколатхоналари томонидан ижро этилиши устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, бошқа давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан ижро этилиши устидан назорат эса ички ишлар органлари томонидан амалга оширилади”, деб кўрсатилганлиги қонунлар ижросининг талаб даражасида бўлишига хизмат қилади.

Энди ана шу қонунлар ижросини таъминлаб, юртимиз келажагига, болаларимизда ватанпарварлик туйғуларини янада ривожлантиришга ҳисса қўшиб, ҳар биримиз ўз дахлдорлигимизни ҳис қилсак, бас.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИЖТИМОЙ ТАРАҚҚИЁТИДА МИЛЛИЙ ҒОЯНИНГ АҲАМИЯТИ

Ш.Тўраев,

Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази

Жамиятда олиб борилаётган ислохотлар ва ўзгаришларнинг асосий мақсади бўлган демократик давлат, ҳуқуқий жамият, қонуннинг устуворлигини таъминлаш учун хизмат қилади. Шунга кўра, халқимиз ва мамлакатимизнинг бугунги ва келгуси тараққиётини таъминлашда мустақиллик йиллари шаклланиб, ривожланаётган миллий ғоя муҳим ўрин тутди.

Миллий ғоя тамойиллари демократик жамият қуриш тамойиллари билан уйғунликда мамлакатнинг ички ҳаётини бошқаришнинг асосий мезонларидан бири бўлиш билан бирга, ташқи сиёсатда давлатнинг салоҳиятини кўрсатадиган, унинг жаҳон ҳамжамияти ва халқаро майдондаги обрў-эътиборини намоён қиладиган маънавий қадрият мезонларини, инсон ҳуқуқлари, фуқароларнинг имкониятлари умумбашарий муаммоларни ҳал қилиш истиқболлари қай тарзда амалиётга айланаётганлигини билдирадиган омил бўлиб хизмат қила олиши мумкин.

Албатта, бу тамойиллар, ўз навбатида хилма-хил тарзда, турли шаклларда намоён бўлади. Ижтимоий жараёнларнинг талаби ва йўналишига кўра, уларнинг бири муайян муддатга ўз аҳамиятини яққолроқ намоён қилиши ҳам мумкин. Аммо, уларнинг уйғунлиги, уйғонишлар жараёнидаги серқирралигини умумлаштириш эҳтиёжи доимо сақланиб қолади.

Инсоният тарихининг кўп асрлик тажрибаси эзгу ғоялардан ва соғлом мафкурадан маҳрум бирон бир жамиятнинг ривожлана олмаслигини кўрсатди. Шу нуқтаи назардан, ижтимоий зарурият сифатида юзага келган миллий ғояда озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш,

ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олиш, демократик жамият қуриш каби эзгу мақсадлар акс этган.

Бу эса, келажакни яққол тасаввур этиш, барпо этилаётган ҳуқуқий демократик жамиятнинг ижтимоий-маънавий пойдеворини мустаҳкамлаш, ёт мафкуралар тажовузига қарши тура оладиган, ҳар томонлама баркамол инсонларни вояга етказиш ва ниҳоят юртнинг юксак тараққиётини таъминлаш учун миллий мафкурани шакллантириш эҳтиёжини юзага келтирди.

Яъни мустақилликка эришиши билан республикаимиздаги собиқ иттифок ҳаётининг сўнгги йилларида бўлиниб кетган ижтимоий кучлар, гуруҳлар, этник ва бошқа бирликларнинг ҳамжиҳатлигини таъминлаш зарурияти пайдо бўлди. Чунки масала фақатгина мустақилликка эришишдан иборат эмас эди. Бунда ҳаётнинг ҳамма соҳаларида туб ислохотлар ва ўзгаришларни амалга ошириш ниҳоятда муҳим вазифа ҳамда давр эҳтиёжига айланди. Ана шу сабабдан ҳам, Ўзбекистон мустақиллик эълон қилинганининг энг бошиданок ижтимоий масалаларни қамраб олувчи чуқур ўзгаришларни амалга ошириш, ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олиш, демократик жамият қуриш каби эзгу мақсадларни қўйдики, бу эса жамиятимизнинг ижтимоий маънавий пойдеворини мустаҳкамлаш, таъкидлаб ўтганимиздек, ёт мафкуралар тажовузига қарши тура оладиган, жамият аъзоларида мустаҳкам эътиқодни шакллантириб, уларни янада жипслаштириб, мамлакат фуқароларининг ўзаро тотув, дўст ва иноқ бўлиб яшашига, ўз манфаатларини Ватан манфаатлари билан уйғунлаштиришга чорлайдиган, ҳар томонлама баркамол инсонларни вояга етказиш, ғоявий бўшлиқ бўлишига йўл қўймаслик ва ниҳоят, юртнинг юксак тараққиётини таъминлаш учун миллий ғояни шакллантириш эҳтиёжини юзага келтирди.

Мустақилликни қўлга киритган мамлакатимиз халқи ва миллатида озод тафаккур шаклланиши, сиёсий маданиятнинг ўсиши учун энг, аввало, миллий онг ривожланган бўлиши керак. Миллий онг – миллий маданиятнинг таркибий қисмидир. У миллий маданият ривожланишининг чўққиси бўлиб, шахснинг ўз-ўзини англаши билан боғлиқ бўлади. Мазкур масалага профессор Ж.Бахронов қўйидагича ёндошиб, назаримизда зарур фикрни ўртага ташлайди. “Шахс миллий ўзлигини англашида рухий, мафкуравий жиҳатлар ҳам муҳим ўринни эгаллайди. Лекин, - деб таъкидлайди у, - бу шахс миллий ўзлигини англаши ботиний қонуниятларнинг моҳиятини тўла оча олмайди. Бу қонунларнинг моҳиятини тўла тушуниб етиш учун муаммонинг маънавий маърифий жиҳатларига ҳам эътиборни қаратиш керак! Ана шундагина, шахс миллий ўзлигини англашнинг ботиний қонуниятлари ҳақида муфассалроқ тасаввур ҳосил бўлади”³¹.

Шу маънода, миллий ғоянинг зиммасида турган асосий мақсад ва вазифалардан бири халқнинг миллий онги, сиёсий маданиятини юксалтириш, кишиларда миллий ғурурни ўстириш, миллий қадриятларни тиклаш ва ривожлантириш сингари мустақиллигимиз учун муҳим аҳамиятга

³¹ Бахронов Ж. Шахс миллий ўзлигини англаши қонуниятлари. –Самарқанд.: 1995.-Б. 88-89

эга бўлган масалалар ҳам киради. Биз миллий ғоянинг шу соҳа мутахассислари, файласуфлар ва кенг жамоатчилик томонидан эътироф этилган мақсад ва вазифалари, тамойиллари ҳақида яна бир бор тўхталиб ўтмоқчи эмасмиз, бевосита ишимиз билан боғлиқ бўлган миллий ғояни ҳуқуқий демократик жамият барпо этишнинг омили сифатида таҳлил қилишда унинг айрим жиҳатларига тўхталиб ўтиш заруриятини кўрсатмоқда.

Мустақилликнинг ўтган қисқа даври янги жамиятни барпо этиш, жараёнида, энг аввало, ғояларни бунёдкор ижобий салоҳиятини, уларнинг ҳақиқий ҳаётбахшлигини англаб олиш лозимлигини кўрсатади.

Миллий ғоя ҳақида гап борар экан, ишимизнинг моҳияти “миллий ғоя” ва “миллий истиқлол ғояси” тушунчаларига аниқлик киритиш заруриятини кўрсатади. “Миллий ғоя ҳар бир даврда аниқ бир мазмун касб этади, - дейди А.Очилдиев. – Хусусан миллий истиқлол ғоясини миллий ғоянинг мустақилликни қўлга киритиш ва мустаҳкамлаш даврини ўзига хосликларини яхлит тарзда характерлайдиган хусусий ҳолати, кўриниши сифатида баҳолаш мумкин. Шу нуқтаи назардан қараганда, “миллий ғоя” “миллий истиқлол ғоя”сига нисбатан кенгроқ мазмунга эгадир. Зеро, миллий истиқлол ғояси миллий ривожланишнинг муайян босқичигагина хос бўлган қарашлар тизимини ифодалайди”³².

Шу маънода, миллий истиқлол ғояси мустақилликка эришилгандан сунг ўзига хос характер касб этиб, асосан мустақилликни мустаҳкамлаш билан боғлиқ вазифаларни амалга оширишда, демократик жамият куриш учун унинг ижтимоий-иқтисодий заминларини яратиш, истиқлолнинг моҳиятини фаол тарзда ижтимоий онгга сингдириш, ўзлигимизни муқаддас анъаналаримизни англашга ёрдам бериш, ҳар томонлама ривожлантириш, истибод даврида юзага келган иллатларни ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларидан сиқиб чиқариш, шунингдек мустақиллик, озодлик, тенг ҳуқуқлилик туйғуларини сингдириш каби аниқ вазифаларни ўзига қамраб олади³³.

Демак, миллий истиқлол ғояси моҳиятан миллий ғояга хос бўлиб, унинг бирламчи дастури сифатида намоён бўлади.

Халқимизнинг маърифий-маънавий тараққиётида ўтмиш маданий мерос ва миллий маънавий қадриятлар муҳим ўрин тутди. Шунга кўра, миллий ғоянинг ривожланиш даражаси ва кўлами бой тарихий меросимизни кишиларимиз томонидан нечоғли ўрганиб ўзлаштиришига боғлиқ. Зеро, “Мадомики биз ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти кураётган эканмиз, маънавият соҳасидаги ХХІ асрга мўлжалланган ҳаракат дастуримиз шундан келиб чиқмоғи даркор, яъни эркин фуқаро – онгли яшайдиган, мустақил фикрга эга бўлган шахс маънавиятини камол топтишириш бизнинг бош миллий ғоямиз бўлиши зарур”³⁴.

³² Очилдиев А. Миллий ғоя ва миллатлараро муносабатлар. -Т.: Ўзбекистон, 2004.-Б. 15.

³³ Ўша асар.-Б. 15-17.

³⁴ Каримов И. А. Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз. Биз ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-жилд.-Т.: Ўзбекистон, 1999.-Б. 303.

Бу борадаги ишларда мамлакатимиздаги ғоявий таълим-тарбия, тарғибот ташвиқот соҳасида хизмат қилаётган кишиларнинг назарий ва амалий фаолиятлари ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шунинг учун юқорида айтилганлардан келиб чиқиб:

-Миллий ғояни шакллантиришда муҳим ўрин тутувчи ўтмиш маданий мерос ва миллий маънавий қадриятларимизни мустақил тараққиётимиз манфаатлари нуқтаи назаридан янгича илмий услуб ва тамойиллар асосида объектив ўрганиб, ёритиш зарур.

-Ғоявий-мафкуравий тараққиётимизда маънавий мероснинг ўрнини ва айти пайтда, мустақилликнинг аҳамиятини, жамиятимизнинг бугунги ва келгуси ривожланиш йўналишларини теран англаб етиш. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, юксак ривожланиш имкониятларига эга бўлган ушбу маънавий меросни, аввало ўзига хос бўлган томонларини кенг тараққий эттириб, унинг умумжаҳон маданиятидаги мавқиени тиклаш лозим.

-Бугунги кунда миллий ғояни ривожлантириш ва ғоявий тарбия самарадорлигини оширишда ўтмиш маънавий меросимизни ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, “Буюк давлат, буюк келажагимизга эришиш учун оқил, маърифатли, айти пайтда, ўзининг ўтмиши, улуғ қадриятлари, миллати билан фахрланадиган ва келажакка ишонадиган инсонларни тарбиялашимиз керак”³⁵. Шу нуқтаи назардан қараганда, бизнинг маънавий-маърифий тараққиётимизнинг асосий мақсади, ҳар томонлама етук-комил инсонни тарбиялашдир.

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ФУҚАРОЛАРДАГИ ДАХЛДОРЛИК ФАЗИЛАТИНИНГ ЎРНИ

**Элдор Шермонов,
ЖДПИ тадқиқотчиси**

Президентимиз Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясидаги “Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари” маърузасида ислохотларнинг бош йўналишини белгилаб берадиган қуйидаги устувор вазифаларни кўрсатиб ўтди: **“Фуқаролик жамияти асосларини барпо этишнинг энг муҳим таркибий қисми маънавият ва маърифат соҳасида, шахсни мунтазам камол топтириш борасида узлуксиз иш олиб боришдан иборат.**

Бу ҳаётий ҳақиқат биз ҳамиша амал қиладиган тамойилга, жамият ривожининг асоси ва шартига айланмоғи ҳамда ўзида яхлит бир

³⁵ Каримов И. А. Илму-фан мамлакат тараққиётига хизмат қилсин. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2.- Т.: Ўзбекистон, 1996.-Б. 261.

тизимни мужассам этмоғи лозим. Бу тизим марказида маънавият, ахлоқ-одоб, маърифат каби ўлмас қадриятлар турмоғи керак”¹.

Фуқаролик жамиятининг шаклланиши узок давом этадиган жараёндир. Фуқаролик жамиятини қарор топтириш халқимизнинг маънавий юксалишига боғлиқ. Бироқ глобаллашув шароитида маънавиятнинг саёзлашувидек улкан муаммо юзага келмоқда. Терроризм, миссонерлик, диний экстремизм, “оммавий маданият”, ахборот хуружи ва оиланинг глобал инқирози каби иллатларнинг пайдо бўлаётгани шулар жумласидандир. Уларнинг барчасига маънавиятнинг қашшоқлашуви сабаб бўлмоқда. Фуқаролик жамияти шаклланиши жараёнида ахлоқий тарбияга етарли даражада эътибор қаратилмаслиги оқибатида шундай жараён юз бермоқда.

Маънавий қашшоқлашув эса ўз-ўзидан мафкуравий иммунитетнинг заифлашувига олиб келади. Ахборот хуружига ва бузғунчи ғояларга қарши тура оладиган мафкуравий иммунитетнинг шаклланиши ҳам маънавиятнинг юксалишига бевосита боғлиқ. Чунки маънавиятли шахснинг мафкуравий иммунитетни кучли бўлади. Мафкуравий иммунитетга эга бўлган шахснинг эса маънавияти янада юксалиб боради. Сабаби, у маънавий таҳдид ва мафкуравий хуружлардан огоҳ бўла олади. Шу билан бирга ана шу хуружларга қарши курашишни ҳам ўзига касб қилиб олади. Лоқайд бўлмайди. Фуқаролик жамиятида маънавият масаласига алоҳида эътибор қаратилади. Юртбошимиз Ислом Каримовнинг қуйидаги фикрлари бизни фуқаролик жамиятининг шаклланиш жараёнида аҳоли, энг аввало, ёшларнинг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлашни таъминлайдиган ижтимоий ахлоқни ҳимоя қилиш ва маънавиятни юксалтириш муаммоларини таҳлил қилишга ундайди: “Ҳозирги кунда ахлоқсизликни маданият деб билиш ва аксинча, асл маънавий қадриятларни менсимасдан эскилик сарқити деб қараш билан боғлиқ ҳолатлар бугунги тараққиётга, инсон ҳаёти, оила муқаддаслиги ва ёшлар тарбиясига катта хавф солмоқда ва кўпчилик бутун жаҳонда бамисоли бало-қазодек тарқалиб бораётган бундай хуружларга қарши курашиш нақадар муҳим эканини англаб олмоқда”³⁶.

Ҳар қандай масаланинг муҳим ёки номуҳим эканлигини англаш, шунга мос равишда иш тутиш, масалага жиддий ёндашиш кераклигини англаб етиш бу дахлдорлик фазилатининг қай даражада шаклланишини билдиради. Жамият тараққиётига нисбатан дахлдор эканлигини тушуниб етган инсон эса, ана шу жамиятни фаровон қилишга, фуқаролик жамиятини шакллантиришга интилиб яшаши шубҳасиз. Фуқаролик жамиятини шакллантиришда яна бир нарсани эътибордан четда қолдирмаслик керакки, бундай жамиятда ҳуқуқ ва эркинликлар таъминланган бўлиши лозим. Ҳуқуқ ва эркинликларга эрк бериш эса маънавиятнинг издан чиқишига сабаб бўладиган омил бўлиб қолиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Шу маънода фуқаролик жамиятининг шаклланиши жараёнида ҳуқуқ ва эркинликларнинг ошиши оқибатида инсонийлик жамиятида тўғри йўлдан айрим оғиш

¹ И.А.Каримов. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. 1-жилд. Т.: Ўзбекистон, 2002, 81-бет

³⁶ Ислом Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент «Маънавият» 2008, 117-бет

ҳолатлари келиб чиқмоқда. Буни жаҳоннинг айрим ривожланган мамлакатларида яққол намоён бўлаётган оиланинг глобал инқирозида кўришимиз мумкин.

Ана шундай глобал инқирознинг бизнинг мамлакатимизга кириб келиш таҳдиди мавжуд ва буни ўз вақтида англаб олиш ўта муҳим. Мана шунинг учун инсонлар, айниқса ўқувчи-ёшлардан лоқайдликка қарши дахлдорлик талаб этилади. Шу ўринда, юртбошимиз Ислон Каримовнинг қуйидаги фикрларини эслаш лозим: “Бугунги кунда замонавий ахборот майдонидаги ҳаракатлар шу қадар тифиз, шу қадар тезкорки, энди илгаригидек, ҳа бу воқеа биздан жуда олисда юз берибди, унинг бизга алоқаси йўқ, деб бепарво қараб бўлмайди. Ана шундай кайфиятга берилган халқ ёки миллат тараққиётдан юз йиллаб орқага қолиб кетиши ҳеч гап эмас”³⁷.

Маънавиятнинг кадр топиши эса, шу соҳада ишлаётган одамларнинг кадри, мавқеи ва маоши юқори бўлишига боғлиқ. Маънавиятнинг кадрланиши маънавиятнинг юксалишини таъминлайди. Ўзбекистонда маънавиятни юксалтириш учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Ана шу шароитларга таянган ҳолда, ахлоқий тарбияни кучайтириб, маънавият юксалтирилса, ҳар бир инсонда юксак дахлдорлик туйғуси тарбияланса, албатта, фаровон фуқаролик жамиятини куриш имконияти янада кенгайди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, фуқаролик жамиятини шакллантиришда барча соҳада, жумладан, узлуксиз таълим тизимида қонунга риоя қилиш, ҳуқуқ ва эркинликни таъминлаш ҳамда тартиб-интизомни ўрнатиш, маънавий-маърифий ишларга эътиборни кучайтириш муҳим роль ўйнайди. Бу эса масъул шахсларда ва ёшларда дахлдорлик ҳисси бўлишини талаб қилади. Чунки, қайсики шахсда лоқайдлик кайфияти кучли бўлса, унда қонунга риоя қилишни таъминлаш мураккаблашади. Фуқароларимиздаги бефарқлик ҳиссини бартараф этиб, ўрнига дахлдорлик туйғусини шакллантириш улардаги маънавиятнинг юксалиши билан боғлиқ масаладир. Сабаби маънавияти юксак бўлган одамнинг иродаси ҳам кучли бўлади. У адолатсизликка бефарқ қараб тўра олмайди. Шу билан бирга жамият ривожига ўзидаги дахлдорлик ҳисси билан яшайди.

Маънавиятсиз одам лоқайд бўлади. Дахлдор инсон эса ўзининг маънавиятини, маънавий фазилатларини юксалтиришга ҳаракат қилади. Шунинг учун ҳар бир одам ўзидаги бефарқликдан халос бўлиб, дахлдорлик ҳисси билан яшаши учун маънавиятини юксалтириши лозим. Чунки маънавият инсон иродасини мустаҳкамлайди. Ирода эса кучли мафкуравий иммунитетни шакллантиради.

Мустақиллик йилларида чиндан ҳам онги, шуури, тақдири турли хил мафкуравий тазйиқлардан холи, миллий ва умумбашарий кадриятларга таянган ҳолда замон ва маконда ўзлигини топишга, иқтидори, истеъдоди ва салоҳиятини тўла-тўқис намоён қилиб, ўзбек йигит-қизларининг жаҳонда ҳеч кимдан кам эмас, балки кўпгина фазилатларда устун эканлигини исботлашга қодир авлод дунёга келди.

³⁷ Ўша ерда. 112-бет

Чунки, мамлакатимизда кейинги йилларда ёшларнинг ҳар томонлама мустақил, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий жиҳатдан эркин яшашлари, билим олишлари, касб-ҳунар ва мутахассисликларни эгаллашлари учун кўплаб шарт-шароитлар яратилди ва яратилмоқда. Аммо, ҳаёт шуни кўрсатмоқдаки, инсоний эркинлик ҳали тўлиқ маънодаги бахт эмас, балки бахт-саодатга эришишнинг бир воситаси экан, ҳалос.

Буни қалбан ҳис этган минг-минглаб ёшлар мактаблар, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар, олий таълим муассаларида билим асосларини, замонавий фан ютуқларини, ахборот технологияларни кунт билан ўрганиб, тарихи теран, келажаги буюк Ўзбекистонга муносиб фарзанд, келгусида элнинг юкига елкасини тутадиган комил инсон бўлиб етишишга интилаяпти. Бир қисм ёшлар эса тадбиркорлик ва ишбилармонлик билан шуғулланиб, ўзининг, оиласининг фаровонлигини таъминлаш билан бир қаторда юртнинг равнақига ҳисса қўшаяпти. Спортнинг ҳар хил турлари билан шуғулланаётган йигит ва қизлар халқаро майдонларда Ўзбекистоннинг шон-шарафини ҳимоя қилиб қолмасдан, ўзларининг юксак ғалабалари билан юртимиз, халқимизнинг обрўсига обрў қўшмоқда.

Буларнинг барчаси ёшларда дахлдорлик ҳисси ортиб бораётганининг бир кўринишидир. Фақат, яшаш эмас, яратиш, бунёдкорлик ҳисси билан яшаётган бу навқирон кучларга келажагига пиллапоя бўладиган бугуннинг ҳар лаҳзаси қадрлидир. Чунки, уларга улуғ мақсадлар, тоза ниятлар, покиза туйғулар куч-ғайрат бағишлайди, изланишга, интилишга даъват этади.

Маълумки, маънавият бир миллатга, мамлакатга эмас, бу бутун инсониятга дахлдор масаладир. Чунки маънавиятнинг саёзлашиб кетиши чегара билмайдиган муаммоларни, инсониятнинг қирилиши, фалокат ёқасига бориб қолиши хавфини келтириб чиқариши мумкин. Бундай хавфнинг олдини олиш глобал инсоният жамиятида тартиб ўрнатилишини тақозо этади. Бунинг учун давлат ҳам, фуқаролик жамияти ҳам асосий эътиборни жамиятда тартиб ўрнатишга қаратиб назорат тизимини такомиллаштириб бориши лозим. Улар ўртасидаги ижтимоий ҳамкорлик асосан назорат функциясини амалга оширишда ўрнатилиши мақсадга мувофиқдир.

Жамиятшунос олимларнинг таъкидлашларича, жамият ҳаётининг назорати икки хил: ички ва ташқига бўлинади. Ташқи назоратни қонун амалга оширса, ички назорат маънавият асосида амалга оширилади. Ички назорат шаклланиши учун ахлоқий тарбия кучайиб, маънавият юксалиб бориши керак. Ана шунда ҳар бир одам ўз хатти-ҳаракатини ўзи назорат қила бошлайди. Фуқаролик жамияти шаклланиши жараёнида ҳуқуқий таъсир нисбатан пасайиб бориши сабабли ахлоқий тарбия кучайиб, маънавият юксалиб бориши керак. Ана шунда қонун устуворлигини таъминлайдиган ички назорат кучаяди.

Бундан ташқари, назорат юқоридан ва қуйидан бўлиши мумкин. Юқоридан назоратни давлат амалга оширса, қуйидан фуқаролик жамияти амалга оширади. Бизда ҳозирги кунда назорат асосан юқоридан амалга оширилмоқда. Қуйидан назоратни амалга ошириш механизми эса етарли

даражада такомиллашмаган. Ички ва қуйидан назоратни самарали қилиш маънавиятни юксаклик даражасига боғлиқ бўлади.

Фуқаролик жамияти шаклланиши жараёнида маънавий тарбиянинг аҳамияти ортади. Бунда асосий эътибор фуқаролар ўртасидаги бефарқлик кайфиятини йўқотишга қаратилиши зарур, чунки фуқаролик жамиятининг моҳияти фуқаролар ўртасидаги жипслик, бирдамликдан иборат, яъни бир фуқаронинг иккинчи бир фуқаро тақдирига бефарқ бўлмаслигидан иборатдир. Бошқача қилиб айтганда, одамларда фуқаролик маънавияти, дахлдорлик фазилати шаклланган тақдирдагина фуқаролик жамиятини куриш мумкин бўлади. Зеро бир фуқаро бошқа бир фуқарога унинг тақдирига нисбатан бефарқ бўлса, ҳар қандай яхши қонунлар ҳам ишламайди.³⁸

Бугунги кунда ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий соҳада фаолият юритаётган ҳар бир фуқаронинг асосий вазифа ва бурчларидан бири – одамлардаги бефарқлик кайфиятини йўқотиб, дахлдорлик туйғусини ривож топтиришдан иборат. Бунинг учун эса бефарқликни келтириб чиқарадиган ҳолат ва сабабларни аниқлаш керак бўлади.

Хўш, лоқайдликнинг сабаби нимада? Лоқайдликни келтириб чиқарадиган сабаблардан бири бу масъулиятсизлик иллатининг авж олдирилиши ҳисобланади. Яъни дангаса одам ниманидир бажариш учун ўзида масъулият ҳис қилмайди. Буни мен эмас, бошқа одам бажариши керак, ёки умуман бажармаса ҳам бўлаверади, деб ҳисоблайди.

Бефарқликнинг сабабларидан яна бири эгоизм – худбинлик, ўз манфаатини жамият манфаатидан устун қўйиш иллати саналади. Яъни қачонки одам эгоизмни жиловлаб, ўз манфаатидан аввал жамият манфаатини қўйса, бефарқликдан халос бўлиб, дахлдорлик ҳисси билан яшай бошлайди.

Демак, ахлоқий тамойиллар киши онгида буйруқ шаклида пайдо бўлиб, ўша буйруқни бажариш учун ижтимоий зарурат борлигини англатади. Аммо биз бу заруратни бурч сифатида идрок этиб, шу ишдан кўзланган мақсадни қабул қиламиз ва маъқуллаймиз, унга етиш учун ҳаракат қилишга тайёрлигимизни билдирамыз. Шундай қилиб, ахлоқий меъёрлар одамнинг хатти-ҳаракатини фақат объектив қоидалар билангина эмас, балки бурч, виждон талаблари билан ҳам тартибга солиб туради.

Инсон жамиятдаги воқеаларга нисбатан бефарқ бўлмасдан дахлдорлик ҳисси билан яшаши учун унда ички назорат кучли бўлиши лозим. Ички назорат адолат ва разолат ўртасидаги курашда бефарқ бўлмасдан адолат тарафида бўлишни таъминлайди. Бунинг учун инсон ўзини ўзи англаб кимнинг измида юрганлигини билиши лозим. Юртбошимиз Ислом Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида одамларнинг дунёқарашига қараб икки гуруҳга булинишини таъкидлаб, кимдир раҳмон измида юрса, кимдир шайтон измида юради деб ёзади. Ҳар бир инсон ўзига мен кимнинг

³⁸ Набиев Ф. Фуқаролик жамияти шароитида мафкуравий иммунитетни кучайтиришда маънавиятнинг ўрни. Глобаллашув. Оммавий маданият миллий ғоя. /Илмий-амалий мақолалар тўплами. Т.: “Маънавият”, 2009.

измида юрибман деган саволни бериши ва унга жавоб беришда ўзига ёлгон гапирмаслиги лозим.³⁹

Фуқаролик жамияти шаклланишининг муҳим шарты – бу бефарқлик кайфиятидан халос бўлиб, дахлдорлик ҳисси билан яшашдир. Бефарқликни бартараф қиладиган ва дахлдорлик ҳиссини шакллантирадиган куч – бу миллий ғоядир. Ўзбекистон фуқаролари дини, ирки, миллатидан қатъий назар бир-бирига нисбатан бефарқ бўлмаслиги керак. Бир фуқаронинг бошқа фуқарога бефарқ бўлиши миллатга нисбатан бефарқликни англатиши мумкин. Бунинг учун миллий ғоя одамлар қалбидан жой олган бўлиши керак.

Хуллас, фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантиришда фуқаролардаги дахлдорлик фазилатининг ўрни бениҳоя каттадир. Қачонки, ҳар бир фуқаро ўзида мамлакатда фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги дахлдорликни ҳис қилмас экан, ахлоқий ва ҳуқуқий маданиятга эга бўлмас экан, фуқаролик жамиятини шакллантириш қийин. Шу маънода, мамлакат келажагини таъминлайдиган келажак авлодда – ёшларда дахлдорлик туйғусини шакллантириш бугунги куннинг энг муҳим масаласи ва бугунги катта авлоднинг асосий вазифаларидан биридир.

ЁШ АВЛОДНИ МАЪНАВИЙ ТАРБИЯЛАШДА ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАРНИНГ РОЛИ

**Аслонов И.Н. п.ф.н.
ТВПКҚТМОИ**

Шахс одам иштирок этадиган ижтимоий муносабатлар тизимининг таъсири остида ва унда ўзи бажарадиган фаолият таъсири остида таркиб топади. Ижтимоий муҳитнинг, жамоанинг шахсга таъсири тўғрисида гапирилар экан, ижтимоий психология ишлаб чиқаётган референт гуруҳ тушунчасига асосланиш зарур. Гап шундаки, ҳамма одамлар ҳам, ҳатто энг яқин теvarак-атрофдаги одамлар ҳам мактаб ўқувчисининг шахсига таъсир қилавермайди, кўпларнинг фикрларига у бефарқ қарайди. Ҳар бир одам учун бўлганидек, ҳар бир мактаб ўқувчиси учун ҳам айрим гуруҳлар (баъзан бундай гуруҳ бир кишидан таркиб топган булиши мумкин) мавжуд бўлади. У шахс сифатида бу гуруҳларнинг фикрлари, ўзи учун ниҳоятда аҳамиятли бўлган мулоҳазалари билан ҳисоблашади. Оила, синф, синфдаги айрим ўқувчилар, баъзи ўқитувчилар, ҳовлдидаги кўшнилари, яқин дўст ва ҳоказолар муайян мактаб ўқувчиси учун ана шундай референт гуруҳлар бўлиши мумкин. Мактаб ўқувчисининг тез-тез учраб турадиган тарбиявий таъсирларига бефарқ ёки ҳатто салбий муносабатда бўлиш ҳолларига кўпинча ўқувчининг тарбиячига маълум бўлмаган референт гуруҳ позициясида туриши сабаб бўлади.

³⁹ Набиев Ф. Фуқаролик жамияти шароитида мафкуравий иммунитетни кучайтиришда маънавиятнинг ўрни. Глобаллашув. Оммавий маданият миллий ғоя. /Илмий-амалий мақолалар тўплами. Т.: “Маънавият”, 2009.

Болалик ва мактаб ёшида шахс тарбиянинг ҳал қилувчи таъсири остида таркиб топади. Тарбия махсус фаолият сифатида муайян дастурнинг, англаб олинган мақсаднинг мавжудлиги билан, таъсир кўрсатишнинг махсус ишлаб чиқилган ва асослаб берилган воситалари, шакллари ҳамда услубларининг қўлланилиши билан тасодифий таъсирлардан ажралиб туради.

Мактаб ўқувчисининг муайян қоидалар ва меъёрларни билиши маънавий хулқ-атворнинг зарур шартидир. Бироқ ахлоқ меъёрларини шу тариқа билиш ўз-ўзидан ахлоқий хулқ-атворни тегишли даражага эриштирмайди. Бунинг устига, билимларни маънавий хулқ-атвор амалиётисиз ўзлаштириб олиш маънавий билимлар билан маънавий хулқ-атвор ўртасидаги ажралишда ифодаланадиган бўлади. Шунинг учун мактабгача тарбия муассасаси тарбияланувчиси, мактаб ўқувчисининг ҳаёти ва фаолиятини тўғри ташкил қилиш, ижодий ахлоқий, ижтимоий хулқ-атвор тажрибаси унинг шахсини таркиб топтиришда асосий нарса бўлиши керак. Ўқувчида бу нарса тарбиячи раҳбарлигида ҳосил бўлади. Бу нарса ўқувчиларда билимлар тизимини –табiiй, ахлоқий ва ғоявий-сиёсий билимлар тизимини, (бу билимлар муайян даражада етакчи рол уйнаган пайтда) таркиб топтириш билан юз бериши керак.

Психологлар бола ва мактаб ўқувчисининг шахсини таркиб топтиришда унинг фаолиятини тўғри ташкил қилиш, унинг тўғри хулқ-атвор тажрибасини орттиришигина эмас, балки унинг хулқ-атворининг (маълум ҳаракатга ундовчи фикрлари, хис-туйғулари, мақсадлари тизимини) тўғри мотивларини тарбиялаш ҳам ҳал қилувчи нарса эканлигини кўрсатиб берадилар.

Психологларнинг берган маълумотларига кўра, биргина фаолиятнинг ўзида (бу фаолиятнинг бола учун нима сабабдан юз беришига ҳам қараб) шахснинг ҳар хил (ва ҳатто бир – бирига қарама-қарши бўлган) сифатлари таркиб топиши мумкин. Масалан, биз тарбияланувчиларни бошқаларни очикдан-очиқ ва дадил танқид қилишга ўргатамиз. Ана шундай қилиш билан болада принципалик, жасурлик, софдиллик, танқидий фикрлаш фазилатлари таркиб топади деб ҳисоблайдилар. Аммо биз айтилганларни ҳисобга олмасак, ҳамиша ҳам ўзимиз кўзлаган мақсадга эришавермаймиз. Чунки хулқ-атворнинг ана шу тўғри шакли негизда мактаб ўқувчиси амал қиладиган мотивлар ётади. Бу хулқ-атвор шахсан ўқувчининг ўзи учун қандай маънога эга бўлишига қараб, унда ҳар хил сифатлар таркиб топиши мумкин. Агар ўқувчи ўз ўртоғини ўринли танқид қиладиган бўлса, бу танқид унинг ўртоғида характернинг қатъийлик, ҳалоллик сингари сифатларини таркиб топтиришга ёрдам беради; борди-ю, ўз айбини ўртоғининг бўйнига қўйиш истаги билан танқид қиладиган бўлса, бу худбинлик сифатини таркиб топишига ёрдам беради. Агар шахсий ғараз билан танқид қилинадиган бўлса, унда шу асосда қасоскорлик, маккорлик, инсофсизлик хислатлари таркиб топади. Агар бундай танқид қилишга, ниҳоят, ўқитувчидан кўрқиш ва унга ёқиш истаги сабаб бўлса, унда лаганбардорлик, икки юзламачилик сингари хислатлар таркиб топиши мумкин. Бинобарин, тўғри хулқ-атвор тажрибаси бу хатти-ҳаракат муайян мотивлар асосида амалга оширилган вақтдагина

кўзланган мақсадга олиб келади. Шунинг учун ҳуқ-атворнинг тўғри мотивларини тажрибада тарбиялаш ва мустаҳкамлаш муҳим аҳамият касб этади.

Ахлокий онгни таркиб топтиришнинг энг муҳим йули ўқувчиларнинг ўзларида тўғри ҳуқ-атвори юзага келтириш билан ахлокий тажрибани бойитиш ва умумлаштириш йулидир, албатта. Ўқувчилардаги ахлокий билимнинг турли-туман шакллари, уларнинг онги ҳис-туйғуларига жонли, ёркин оташин сўзнинг, жамоаларда уюштириладиган суҳбатлар, маърузалар, мунозараларнинг таъсири катта.

Мазкур тадбирларни ташкил этишда қуйидаги омилларни инобатга олиш лозим:

- Ахлоққа доир суҳбатлар мазмуни жиҳатидан тегишли ёшдаги аудиторияга тушунарли бўлиши лозим. Мавҳум тушунчалар, мураккаб мулоҳазалар билан аудиторияни толиқтириб қўймаслик керак;

- Одатда, суҳбат ўтказиладиган жамоани, унинг йуналишини, бу жамоа аъзоларининг ўзаро муносабатларини, ўқитувчига, ўқишга муносабатини яхши билиш зарур;

- Бундай суҳбатларни жуда тез ўтказиб турмаслик керак. Агар суҳбатлар муайян сабаблар билан, мамлакат ёки жамоа ҳаётидаги бирор воқеага тўғрилаб ўтказилса, жуда яхши натижа беради;

- Суҳбатни ёркин, яхшилаб танлаб олинган мисоллар, ҳаётий воқеалар ёки адабий асарлардаги фактларни ҳамда кузатишларни таҳлил қилишдан бошлаб, умумлаштириш ҳамда хулосалар чиқаришга ўтиш тавсия этилади.

- Эмоционал таъсирли тарзда келтирилган, ёркин образларга таяниш (нафис санъатдан, адабиёт асарларидан фойдаланиш, кинофильмлар ёки театр асарларига жамоа бўлиб бориш) зарур.

- Ўқувчиларнинг онгига сингдириладиган қоидаларнинг яхшилаб асослаб берилиши, исботланган бўлиши муҳим аҳамиятга эга.

- Ўқувчиларда максимал фаоллик уйғотиш, жонли равишда фикр алмашиш истагини уйғотиш, уларнинг фикрини авж олдириш ва ўзларини ахлоқ масалалари устида уйлаб кўришга мажбур қилиш зарур. Ўқувчиларга тайёр ҳақиқатни зўрлаб қабул қилдириш ярамайди, ахлоқ меъёрлари ҳақидаги хулосаларни уларнинг фаол иштирокида чиқартириш керак. Бунинг учун суҳбат жараёнида муҳокамага қўйилиши керак бўлган масалаларни олдиндан тайёрлаб қўйиш тавсия этилади.

- Ўқувчиларда чуқур ва таъсирчан эмоцияларни уйғотишга интилиш лозим. Бунда ўқитувчи суҳбатни бефарқ ва шавқ-завқсиз эмас, балки эмоционал тарзда жонли қилиб ўтказганидагина эришиш мумкин.

Ўқувчилар ва ота-оналар баъзан тарбиявий ишларда ўзларининг шахсан намуна кўрсатишларининг таъсирига етарлича баҳо бермайдилар. Ҳолбуки, уларнинг қилаётган ишлари, ўзларининг қандай тутишлари уларнинг айтган гапларига, ўргатган нарсаларига қараганда кўпроқ аҳамиятга эга бўлади.

Ўсмирлик ёшидан бошлаб, тарбиянинг янги омили – ўз-ўзини тарбиялаш вужудга келади. Ўқитувчи, тарбиячи ўқувчиларнинг ўз-ўзини тарбиялашига раҳбарлик қилишда 4 та вазифани кўзда тутиши керак.

Биринчи вазифа – ўқувчида ўзида шахснинг ижобий хислатларини тараққий эттиришга ва ўз хулқ-атворидаги ёмон томонлардан халос бўлишга интилиш истагини уйғотиш зарур.

Иккинчи вазифа – ўқувчига ўз шахсига танқидий муносабатда бўлишда, ўз хулқ-атворидаги хусусиятларни диққат билан ва одилонан тушуниб олишда, ўз камчиликларини яққол кўришда ёрдамлашиш лозим.

Учинчи вазифа – ўқитувчи тарбиячи ўз-ўзини тарбиялаш дастурини тузишда, шахс хулқ-атвори хислатларининг қайси хусусиятларини тараққий эттириш, қайсиларга (масалан, ўжарлик, ялқовлик, қўполликка) барҳам бериш кераклигини белгилаб, ҳамда ҳал қилиб олишда ўқувчига ёрдам беради.

Ниҳоят, туртинчи вазифа – ўқитувчи, тарбиячи ўз-ўзини тарбиялашнинг оқилона йулларини кўрсатиб беради, ўқувчини шахснинг ижобий хислатларини таркиб топтириш ва камчиликларга барҳам беришга оид энг мақсадга мувофиқ ва самарали йулларини кўрсатади.

ЁШЛАРНИ ЮКСАК МАЪНАВИЯТ РУҲИДА ТАРБИЯЛАШДА ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШНИНГ РОЛИ

**Ю.Ҳайдаров, т.ф.н., доцент
В.Садуллаева, ўқитувчи
Бухоро ВПКҚТМОИ**

Ёшларда юксак маънавият ҳиссини тарбиялашда хотира ва қадрлашнинг миллий қадрият сифатидаги аҳамияти катта. 9 май Хотира ва қадрлаш куни умумхалқ байрамида тарихдан сабоқ олиб, замон билан ҳамқадам бўлиб яшаш масалаларига ёшларнинг эътибори яна бир бор қаратилади.

Мустақиллигимиз сарчашмаларидаёқ мухтарам Президентимиз И.А.Каримов ёш авлодни тарихдан сабоқ олиб, замон билан ҳамқадам бўлиб яшашга даъват этдилар. Исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат–“ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади” шиори давлат сиёсати даражасига кўтарилиши зарурлигини уқтирдилар. “...жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз ўтмишини яхши билса, бундай одамларни йўлдан уриш, ҳар хил ақидалар таъсирига олиш мумкин эмас. Тарих сабоқлари инсонни ҳушёрликка ўргатади, иродасини мустаҳкамлайди”⁴⁰

Тарихдан сабоқ олиб замон билан ҳамқадам бўлиб яшашни-юксак маънавият мезони сифатида таҳлил қилар эканмиз, 9 майнинг “Хотира ва қадрлаш куни” умумхалқ байрами сифатида нишонланишининг мазмун-моҳиятини таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади:

⁴⁰ И.А.Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., 1998, 9-бет.

- Шўро йилларида 9 май Ғалаба байрами сифатида дабдабали нишонланар, қизил майдонда ҳарбий парад ўтказилиб, унинг кетидан пионер ва комсомоллар, ишчи ва деҳқон синфи вакиллари саф тортиб ўтарди, минбарларда эса шўро доҳийлари турарди. Бу ғалабани қўлга киритишга ўзбек жангчилари катта ҳисса қўшган бўлсалар ҳам намоёишларда бораётганлар сафида юртдошларимиз камдан-кам кўзга ташланар эди.

- “Номаълум солдат” деб ном олган, қандайдир мавҳум ғояни ифода этадиган ёдгорлик бўлиб, унинг тагида “Номинг номаълум, жасоратнинг ўчмас!” қабилдаги мавҳум сўзлар битилган эди.

Мустақиллик йилларида уруш ва у келтирган офатлар, халқимиз бошига тушган мусибатларни ҳар томонлама чуқур англаб етдик. Тарихда 1418 кечаю-кундуз давом этган машъум урушнинг сабаб ва оқибатларига ҳақиқат нуқтаи назаридан ҳолис нигоҳ билан қарай бошладик:

- Юртбошимиз Ислом Каримов ташаббуслари билан 1998-1999 йилларида Тошкент шаҳрида II жаҳон уруши йилларида фашизмга қарши курашда жон фидо этган халқимизнинг фарзандлари хотирасини абадийлаштириш мақсадида “Хотира майдони” мажмуаси барпо этилди. 1999 йил 9 Май куни унинг очилиш маросими бўлиб ўтди.

- Республика “Нуроний” жамғармаси ташаббуси билан жанглarda ҳалок бўлган 400 мингга яқин ватандошимиз ҳақида 34 жилдлик “Хотира” китоби тайёрланди ва нашр этилди. 9 Майни “Хотира ва қадрлаш куни-” умумхалқ байрами сифатида нишонлаш анъана тусига кирди.

- Пойтахтимизда ва вилоятларда халқимиз жасорати ҳамда сабр-бардоши тимсоли бўлган “Мотамсаро она” ҳайкали ўрнатилди.

- Пайтахт ва вилоятлар марказидаги “Хотира хиёбони”даги нақшинкор айвонлардан ўрин олган зар саҳифали китобларга урушда шахид бўлган жангчиларнинг табаррук номлари битилди.

- Эндиликда 9 май- мамлакатимизда иккинчи жаҳон урушида қурбон бўлганлар муқаддас хотираси олдида бош эгиб таъзим қилинадиган, уларнинг руҳи-покларига ҳурмат бажо келтириладиган, бугун ҳаёт бўлган уруш қатнашчилари юксак ҳурмат-эҳтиром билан қадрланадиган эзгу мазмунга эга умумхалқ байрами тусини олди.

- Бу кун уруш фахрийлари билан бир қаторда меҳнат фахрийлари, эл-юртимиз равнақи ва фаровонлиги йўлида фидокорона меҳнат қилган инсонлар ҳам хотираланади ҳамда бугунги кунда ҳаёт бўлганлари эъзозланади. Шу тариқа 9 май-“Хотира ва қадрлаш куни” умумхалқ байрами ўзбек халқининг миллий қадрият ва анъаналарини янада бойитишга хизмат қилмоқда.

Ҳар йили 9 май куни Президентимиз Ислом Каримовнинг пойтахтдаги “Хотира майдони”да бўлиб, зиёратгоҳдаги “Мотамсаро она” ҳайкали олдида гулчамбар қўйиш ҳамда II жаҳон урушида ҳалок бўлган юртдошларимиз хотирасига ҳурмат бажо келтиришлари қутлуғ бир анъанага айланди.

Зиёратгоҳга қилинган ушбу қутлуғ ташриф чоғида оммавий-ахборот воситалари (ОАВ) ходимлари билан учрашувда, уларнинг саволларига

берган жавобларида Юртбошимиз ҳозирги замоннинг долзарб масалаларга эътибор қаратадилар:

- Жаҳон тарихида энг қирғинбарот уруш иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлганларнинг муқаддас хотирасини эъзозлаш ва бугунги кунда ҳаёт бўлганларни қадрлаш;
- Уруш ва меҳнат фахрийларининг кадр-қимматини улуғлаш;
- Тарихдан сабоқ олиб, замон билан ҳамқадам бўлиб яшаш;
- Тинч замона шукронаси;
- Афғонистонда ўттиз йилдан кўпроқ давом этаётган урушнинг мамлакатимиз, бутун Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликка энг катта хавф-хатар эканлигига эътиборни қаратадилар.

Тарих ҳақиқати шундаки, тинч ва осойишта ҳаёт, барқарорлик ўз-ўзидан бўлмайди. Юртимиздаги тинчлик ва осойишталикни сақлаш ҳамда янада мустаҳкамлаш учун ҳамиша сезгир, огоҳ ва уйғоқ бўлишимиз, бепарволикка, беғамликка йўл қўймаслигимиз зарур.

Тарихдан сабоқ олиб, халқимиз бошидан кечирган мисли кўрилмаган синов ва суронли кунларни ёшларга эслатиб, уларда юрт тақдирига дахлдорлик ҳис-туйғуларини янада кучайтира оламиз.

Ёшларда тарихдан сабоқ олиб замон билан ҳамқадам бўлиб яшаш руҳини тарбиялашда Бухоро вилоятида ҳам ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда вилоятимизда яшаётган 217 нафар II жаҳон уруши қатнашчиси, жумладан 140 нафар уруш ногирони, фронт ортидаги мардонавор меҳнати билан ғалабага ҳисса қўшган 3800 дан зиёдфахрий, 142 та ҳалок бўлган жангчилар оиласи, ёши 100дан ошган 76 нафар қарияга давлатимиз ва маҳаллий ҳокимликларнинг ҳар томонлама эътибор ва ғамхўрлик кўрсатаётгани халқимизнинг Хотира ва қадрлашдек ноёб фазилатларини яққол кўрсатиб турибди.⁴¹

Ўз навбатида вилоятимиз фахрийларининг “Соғлом бола йили” Давлат дастурининг ижросини таъминлашда фаол иштирок этиш мақсадида 100 нафар нуроний отахон ва онахонлардан иборат “Шукроналик гуруҳлари”нинг шаҳар ва туманларда турли мавзуларда 1900га яқин учрашув, мулоқот ва суҳбатлари ҳам ёшларни тарихдан сабоқ олиб, замон билан ҳамқадам бўлиб яшашга ундамоқда.

МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИ – ЮКСАК ОНГЛИЛИК ВА КОМИЛЛИК МЕЗОНИ

**Мамаюсупов А.Қ. , Маманова Ю.А.
ТВПКҚТМОИ**

Миллий истиқлол ғоясининг, қолаверса, кадрлар тайёрлаш моделининг бош ғояси, аввало, комил инсон ва малакали мутахассисларни тарбиялаб вояга етказишдан иборатдир. Бу хусусида тўхталиб ўтар экан, Ўзбекистон

⁴¹ “Бухоронома”, 2014 йил 26 апрел сони

Республикаси Президенти, мухтарам юртбошимиз Ислом Каримов комил инсон тарбиясини давлат сиёсатининг устивор соҳаси деб, эълон қилганлиги, комил инсон деганда, аввало, онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, билимли, маънавиятли, маърифатли кишиларни тушунилишини бир неча бор таъкидлаб ўтганлар.

Дарҳақиқат, инсоният томонидан асрлар давомида кадрланиб келинаётган, ижобий мазмун-моҳият касб этган, ғоя, қараш ва назарияларнинг амалий фаолиятини ташкил этишда етакчи тамойиллар сифатида эътироф эта олувчи, ўй-фикрлари, мақсади ва ҳатти-ҳаракатларининг салбий хусусиятлардан холи бўлишига эриша оладиган, халқпарвар, элпарвар, ватанпарвар шахсина комиллик даражасига кўтарила олади. Шу боисдан ҳам, бугунги мураккаб ва таҳликали замонда ёшларни Тўмарис, Широқ, Темур Малик, Муқанна, Спитамен, Жалолиддин Мангуберди, Соҳибқирон Амир Темур каби миллий қаҳрамонлар руҳида тарбиялаш масаласи ўзига ҳар жиҳатдан хос бўлган, алоҳида аҳамият касб этмоқда. Айниқса, оилада, боғчаларда, мактабларда, олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида, шунингдек, малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимида болалар, тарбияланувчилар, талабалар, тингловчиларни ўз ватанини севиш, унинг миллий ва маданий қадриятларини қадрлаш, яъни уни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, маънан бой, юксак ахлоқий фазилатлар, мустақил ҳаётий позицияга эга бўлган, юртимиз мустақиллиги ва хавфсизлигини ҳимоя қилишга қодир бўлган, жисмонан етук кадрлар қилиб етиштириш, ушбу жараён моҳиятини методик жиҳатдан асослаш, тадқиқотлар муаммосининг долзарблигини ифода этади ҳамда бош ғоясини белгилайди. Ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш, уларда маънавий маданиятни шакллантириш, педагогик фикр тараққиётида комил инсон ғояси, ўқув муассасаларида таълим ва тарбия каби массалаларнинг илмий-назарий жиҳатлари кўплаб педагог-олимларнинг илмий тадқиқотларида тадқиқ этилган. Бироқ ўқув муассасаларида тарбияланаётган ёшларнинг комиллик даражаси кўпроқ унинг ватанпарварлик руҳида тарбияланиши масаласи билан боғлиқлиги нисбатан камроқ ўрганилган. Шу нуқтаи назардан қаралганда, ушбу мақолада танлаган мавзу мустақиллик шароитида амалга оширилаётган ислохотларнинг ривожини таъминловчи баркамол инсонни тарбиялаш борасида амалган оширилаётган муҳим долзарб масалалар сирасига киради.

Ўқув муассаларида бўлган, ундаги ўқув тарбиявий жараённинг асосий хусусияти бўлган тарбиявий вазифалар ва таъсирларни соф ўқув вазифаси деб ташлаш, яъни унинг тарбиявий хусусиятининг устунлигидир. Ёшларнинг билим олиш, маҳорат ва кўникмалар олиш жараёнига ва тарбиявий таъсирларга муносабатлари бир хил эмас. Биринчи ҳолатда бу муносабат, одатдагидек, таълим олишда таълим олувчининг мустаҳкам қизиқувчанлиги туфайли ижобий бўлади. Иккинчи ҳолатда эса, одамлар, қарашлар, эътиқоднинг ўзгариши, шахснинг сифатларини шаклланишига йўналтирилган ва уни қайта-қайта қуриши талаб этадиган тарбиявий таъсирлар ва шунинг учун салбий муносабат келтириб чиқариш, баъзан эса,

тарбиявий таъсирларга қарши ҳаракатни ҳам қелтириб чиқаради. Бунинг олдини олиш учун тарбиявий таъсирларнинг шакллари, уларни амалга ошириш технологиясини, педагогик усул ва йўллари намоён бўлишини танлашга ўқитувчиларнинг жуда яхши текширувдан ўтган ёндашувлари керак бўлади.

Зеро, бугунги кунда бизга, бизнинг тинчлик-осойишталигимизга қарши маънавий қўпуровчилик олиб бораётган мафкура полигонлари ўз мақсадларига эришиш учун ҳеч нарсадан қайтмаяпти, ҳеч нарсани аямаяпти, ҳамма воситаларни ишга солмоқдалар. Энг замонавий усул-услугаларни қўллаб, ўз «демократик модел»ларини зўрлаб жорий этиш, халқимиз, айниқса ёшларимизнинг ватанпарварлик туйғуларини кучсизлантирувчи «дунё фуқаролиги»ни тарғиб қилиб, ёшларимизни ўзига ром этадиган турли шоу-тамошалар, кўнгилочар кўрсатувлар, мусикий каналлар орқали бузғунчи ғояларни олиб кирмоқдалар.

Диний экстремистик ва террорчиларнинг интернет сайтларида террор ва қўпуровчилик ҳаракатларини маънавий ва ахлоқий жиҳатдан оқлашга, ўзларини «озодлик курашчилари», «партизанлар» деб атаган ҳолда, тинчлик тарафдорлари қилиб кўрсатишга интилиш кенг тарқалган. Шунингдек, мураккаб ва таҳликали мафкуравий тортишувлар шароитида, ўзларининг, ватанпарварлик ғояларига бутунлай ёт бўлган, - «маънолар комплекси» ёрдамида у ёки бу давлатга қарши кайфият уйғотишга зўр бераётирлар.

Мавжуд геосиёсий вазият, ёшларда ватанпарварлик тарбиясининг самарадорлигини оширишни, замон талаблари асосида янгичи усул ва услублар тизимини ярата олишликни, янгича илмий-педагогик тадқиқлар қилишликни ҳамда янгича самарадор хулосалар олишликни тақазо қилади.

II-ШЎБА

Умумий ўрта таълим мактабларида маънавий-маърифий ишлар изчиллигини таъминлаш ва самарадорлигини ошириш йўллари.

МАЪНАВИЙ- ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА МАЪРИФИЙ ТАРҒИБОТНИНГ АҲАМИЯТИ

**Нилуфар Юлдашева п.ф.н. доц.
ТВПКҚТМОИ**

**Маънавий-маърифий ва илмий
ишлар бўйича проректори**

Маълумки, жамоатчилик назорати мамлакатимизда тарихий илдизларга бориб тақалади. Чунончи, у азал-азалдан маҳаллалар, оқсоқоллар кенгаши кўринишларида амал қилиб келган. Жумладан, ҳар бир оилада ота-оналар томонидан фарзандлар тарбиясига бефарқ бўлмаслик, огоҳ бўлишлик каби фазилатлар сингдирилган ва жамоатчилик назоратини амалга оширишида фарзандларнинг масъулияти маълум бир меъёрлар билан белгилаб берилган. Ёши улуг кексаларимизнинг айтишича, азал-азалдан бирор бир маҳаллага нотаниш киши меҳмон кириб келса, унга "Кимсиз?", "Қаердансиз?", "Қандай юмуш билан маҳалламизда юрибсиз?" каби саволлар берилган ва бу ҳолат жамоат назорати ва инсонларнинг ҳуқуқий маданияти сифатида намоён бўлган.

Баркамол авлод, янги тафаккур соҳибларини биз ахборот хуружлари кучайган, ёт ғоялар, халқимиз менталитетига мос келмайдиган турмуш тарзи кўринишлари булутдай бостириб келаётган бир даврда амалга оширишимиз керак бўлган энг асосий ишимиз маънавий-маърифий барқарорликни ошириш зарурати эканлигини сингдиришдир. Таълим-тарбия уйғунлиги орқали сафимизни янада мустаҳкам қилишимиз, ҳар биримиз том маънода маънавиятчи, маърифатчи, энг муҳими – мафкурачи бўлишимиз кераклигини педагогларга тушунтириш. Бизнинг эзгу мақсадларимиз, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт, юрт тинчлиги – каби тамойилларни тарғиб қилишда сусткашлик қилмаслик. Шу ўринда ёшларимизнинг **маънавий дунёсини шакллантиришда кўхна тарихимизга, кадриятларимизга, қолаверса жонкуяр мураббийларимизга уларнинг соҳада олиб бораётган таълимий-маърифий, ҳуқуқий, маънавий тарғиботларига таянишимиз керак.**

Айни шу йўлда айниқса истиқлолга эришганимиздан кейинги йилларда, Конституциямизда мустаҳкамлаб қўйилган тамойил ва нормалар, шунингдек, биз танлаган ва бугун дунёда эътироф этилган, “ўзбек модели” деб ном олган тараққиёт модели мужассам топганлиги киши диққатини ўзига тортади.

Мазкур фикрлар тадрижий тараққиёт концепциясини амалга ошириш, иқтисодиётни мафкурадан холи бўлиши, демократик ислохотларни босқичма-босқич жорий қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш, давлатнинг бош ислохотчи сифатидаги ролини тан олиш ва ўтиш даврида

унинг таъсирини ошириш, мамлакатимизнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, кучли ижтимоий сиёсат юритиш каби тамойилларни кўзда тутди.

“Бу ҳақда сўз юритганда, таъкидлаш керакки, ҳар қандай демократик тизим негизида ётган — ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд-ҳуқуқ тармоқларининг вазифа ва ваколатларини аниқ белгилаб қўйиш, уларнинг манфаатлар мувозанатини ва бир-бирини тийиб туришини таъминлаш, сиёсий партиялар ролини кучайтириш тамойилларига асосланган сиёсий тизимни шакллантириш бўйича пухта ўйланган, замонавий демократик талабларга жавоб берадиган ислохотларнинг таъсирини кўрамиз”, — дея эътироф этади юртбошимиз ўзларининг “Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш — бизнинг бош мақсадимиздир” номли *Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида*.

Дарҳақиқат, Мустақил Ўзбекистоннинг ҳар томонлама ривожланиши ва амалга оширилаётган ислохотларнинг муваффақияти аҳолининг айниқса, ёш авлодининг ҳуқуқий билими, тарбияси ва маданиятининг қай даражада шаклланишига боғлиқдир. Бугунги кунда жамиятимизда ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш, энг аввало, ҳуқуқий тарбия тизими орқали амалга оширилмоқда. Тизимда умумий таълим мактабларида, олий ўқув юртларида “Давлат ва ҳуқуқ асослари”, “Инсон ҳуқуқлари” ҳамда бошланғич синфларда “Конституция” ўқув курсларини ўқитиш билан бир қаторда, оммавий ахборот воситалари орқали ҳуқуқий тушунтириш ва тарғиб қилиш фаолияти ва ҳуқуқий тарбиянинг бир қатор бошқа ташкилий шакл ва воситалари олиб кирилмоқда. Зеро ҳар томонлама етук комил инсонни тарбиялаш бугун жамиятимиз олдида турган масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Биз ҳуқуқий давлат кураётган эканмиз биринчи навбатда ёшларнинг ҳуқуқий маданияти тарбияланиши, ўз фикрини мустақил баён этиши ҳамда ҳар қандай шароитда асосли ҳулосалар чиқариш кўникмаси шаклланиши лозим. Бу борада ҳуқуқий онгни шакллантириш, ҳуқуқий маданиятни ривожлантириш аҳоли турли қатламлари, ижтимоий гуруҳларнинг даражаси ва хусусиятларини инобатга олган ҳолда амалга оширилиши табиий жараён бўлиб, унда ***Ислом Каримов таъбири билан айтганда: “Фарзандларимиз — бизнинг гуруримиздир. Биз ҳақиқатдан ҳам ўз фарзандларимиз ва набираларимиз билан фахрланишни истасак улар замонавий билим ва тажрибага эга, иймонли-эътиқодли бўлишларига, Ватанимиз тарихида ўчмас из қолдирган аجدодларимизнинг ишларини давом эттиришларига эришишимиз лозимдир.”***

Боланинг онги бир дафтар мисол — уни нима билан тўлдирсак, шу билан бойиб боради. У ноўрин нарсалар билан тўлдирилса, номақул нарсага тўлади. Демак, боланинг ичини — юрагини ва миясини китоб каби тўлдирайлик. Уни мукаммал фикрлар, ўтли сўзлар, чўғдай ғоялар билан тўлдирайлик. Агар биз ўқувчи қалби ва онгини шундай тўлдирмасак, уни бошқа биров — экстремист, космополит ёки яна бошқа бирор кимса

тўлдирмоқчи бўлади. Вақт ва имкониятни қўлдан бермаслик лозим. Доимий изланиб, янгиланиб бориш керак – бола қалбини ва онгини тоза, янги, шаффоф фикр ва туйғулар билан бойитиб боришимиз даркор.

Бунга эришиш учун биринчидан, Президентимиз таъкидлаганидек, **“ёшларимиз ўртасида китобхонлик маданиятини ошириш, ... ҳар қандай китобхонлик, мутолаа маданияти болалиқдан бошланишини доимо ёдда тутишимиз лозим”**. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, биз **“буюк ижодкорларни тарбиялашимиз керак”**. Биз камчиликларимизни аниқ билиб, уларни тез ва кескин тарзда ҳал этсаккина, кейинги қадамни қўя оламиз, яъни мавжуд муаммоларни ҳал этишга кириша оламиз. Зеро, инсон қалбига йўл аввало таълим-тарбиядан бошланади. Шу маънода ёш авлодни янги тафаккур соҳибалари сифатида тарбиялашда ўқитувчи ва мураббийларга таянган ҳолда мактабгача, мактаб ва мактабдан ташқари таълимнинг инсон ва жамият ривожига таъсирини янада ошириш, бунда эса ёш қалбларга эзгулик, яратувчилик руҳини сингдириш ишларига давр талаблари асосида ёндашишимиз зарурати.

Бугун шуни қатъий англашимиз лозимки, мафкурада тўхташ, танаффус бўлмайди.

Айни паллада юқоридаги фикрларни фақат орзу қилиш билан кифояланиш мумкин эмас, шу ўринда **биринчидан**, ота-оналарнинг билимдонлиги ва оиладаги мавқеи, фарзанд тарбиясидаги тажрибаси, **иккинчидан**, ўқитувчи мураббийнинг касб маҳорати, фаолият лаёқати каби омиллар баркамол авлодни тарбиялаш йўлидаги билим ва масъулиятини ошириши баробарида, оиладава ижтимоий ҳаётда маънавий муҳитни барқарорлаштириш ва оилани мустаҳкамлаш механизмининг фаолияти мазмун-моҳиятини ҳам тўлдиради.

Мамлакатимизда оилага юксак эътибор аввало, ушбу ўз-ўзини бошқариш институтларининг жамиятимизда юксак даражада қадрланиши билан изоҳланади. Зеро, юртимизда ижтимоий ҳаётни ислоҳ қилиш борасидаги барча саъй-ҳаракатлар, энг аввало, ёшларда оила институтига нисбатан тўғри муносабатни шакллантириш, мақбул ҳаётий фалсафа асосида маънавий жиҳатдан соғлом оилани барпо этишга ҳозирликни қарор топтиришдан иборат. Юртбошимиз Ислом Каримов ўзларининг **“Юксак маънавият – енгилмас куч”** номли китобларида таъкидлаганларидек, **“Инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади. Боланинг характери, табиати ва дунёқарашини белгилайдиган маънавий мезон ва қарашлар - яхшилик ва эзгулик, олижаноблик ва меҳр-оқибат, ор-номус ва андиша каби муқаддас тушунчаларнинг пойдевори оила шароитида қарор топиши табиийдир”**⁴².

Мустаҳкам ва бахтли оила қуришга йигит-қизларни илк мактаб ёшидан тайёрлаш, оила муҳитида ҳамда барча таълим бўғинларида бу ишларни босқичма-босқич изчил давом эттириш мамлакатимизда бу борада олиб борилаётган сиёсатнинг нақадар истиқболга қаратилганлигини кўрсатади.

⁴² Ислом Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008 - 57 б.

Мақсад пок ниятли, жисмонан бақувват, соғлом, интеллектуал салоҳияти юксак, ҳар томонлама етук, миллатпарвар, оилапарвар, ватанпарвар ёшларни вояга етказиш экан, бу борада оиланинг барча имкониятларидан тўла ва ўринли фойдаланишни билишимиз, бу йўлдаги самарали механизмларни қўллашимиз лозим бўлади.

Миллий қадриятларга муносабатнинг дастлабки ўчоғи ҳам оила бўлгани боис, айнан унинг муҳити инсон ўз ҳаётида ўзлаштирадиган ижтимоий тажрибанинг асоси ҳисобланади. Оила даврасида, ўз яқинларини кузатиш ва қизгин мулоқотлар чоғида инсонда бўлғуси оила тўғрисидаги муайян билимлар шаклланади. Шу сабабли ёшларда оила ҳақида тўғри тасаввурларни шакллантириш нафақат илмий, балки амалий аҳамият касб этадики, бу йўналишдаги тадбирларда ҳам анъанавийлик ва замонавийликка асосланган барча ишлар узвий боғлиқликда ва ўзаро уйғунлашган ҳолда олиб борилиши лозим.

Ҳозирги кунда ёшларга умумий юридик таълим беришни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Бунинг учун эса бир қатор масалаларга эътиборни қаратиш лозим. Жумладан: ёшлар билан ишлашда маънавий-ҳуқуқий тарбиянинг уларга хос хусусиятларини ҳисобга олиш, улар ўртасида ҳуқуқий савия хабардорликни кенгайтириш ва билимларни чуқурлаштириш, билим беришда фақат назарий жиҳатдан эмас, балки амалий жиҳатдан ҳам ёндашиш, ҳуқуққа ҳурмат билан муносабатда бўлиш ва қонунга итоаткорлик ҳиссини шакллантириш, адолатли фикр тарбиясини тарғиб қилиш шу масалалар қаторига киради.

Демократик ҳуқуқий давлатни шакллантириш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳурмат қилиш масалалари ёшлар тарбиясида муҳим аҳамият касб этишида оммавий ахборот воситалари, ҳуқуқ ҳақидаги маълумотларнинг асосий манбаи ҳисобланишига эътибор қаратиш. Шу сабабли ҳам уларда бу мавзуларни кўпроқ ёритиш, ёритиш асносида болаларнинг ҳаётий муаммоларга муносабатини ҳисобга олган тарзда тасвирлаш лозим бўлади. Қонунни ҳурмат қилмаслик, унга бўйсунмаслик эса ўз навбатида ёшлар ўртасида қонунбузарликларга олиб келмоқда. Вояга етмаган шахслар томонидан содир этилган жиноятларнинг тузилиши бўйича таҳлил этилганда манбаларда қуйидагича рақамлар келтирилади: унинг таркибида ўғирлик 61.1 %ни талончилик ва босқинчилик 7.6 %ни, безорилик 4.5 %ни, қасддан одам ўлдириш 1.3 %ни ва бошқа турдаги жиноятлар 25.5% ни ташкил этади. Жиноят содир этган ёшларнинг кўпчилиги тўлиқсиз ва носоғлом оила муҳитида тарбия кўрганлар бўлиб, булар 47.3 %ни ташкил этади. Бу эса вояга етаётган ёшларнинг назоратсиз қолаётганлигини кўрсатади.

Ёшларнинг жиноят содир этишига сабаб қилиб тахминан қуйидагиларни келтириш мумкин:

- ота-оналар томонидан ёшлар устидан етарлича назоратнинг йўқлиги;
- ўсмирларнинг ҳуқуқий тарбиясидаги камчиликлар, муаммолар, уларнинг ўз ҳуқуқини билмаслиги;

– вояга етмаганларнинг катта ёшдаги жиноятчилар, муқаддам судланганлар ёки жиноий тажрибага эга меҳнат тарбия муассасалари, махсус мактаблар шароитида жазони ўтаган вояга етмаганлар томонидан жиноий фаолиятга жалб этилиши, ҳамда қизиқтирилиши кабилардир.

Ёшлар ўртасида содир этилаётган жиноятларнинг олидини олиш ва бартараф этиш учун эса қуйидаги вазифаларни амалга ошириш лозим:

– оилада, мактабда, ўқув юртларида назоратни ўрнатиш, уларга ҳуқуқий билим бериш, қонунга бўйсунтиришга ва риоя этишга ўргатиш;

– уларнинг бўш вақтларини ташкил этишда мутасадди идораларнинг маъсулиятини кучайтириш;

– турли маънавий-маърифий тадбирларни уюштириш;

– ёшларнинг муқаддам судланганлар таъсири остига тушиб қолишини олдини олиш

– Уларни тўғаракларга жалб қилиш, бўш вақтини тўғри тақсимлаш ва бошқалар.

Ёшларнинг ҳуқуқбузарлиги – бу ижтимоий касаллик ҳисобланса, уни фақат жамиятни соғломлаштириш йўли билан даволаш мумкин. Ёшларга улар фаол иштирок этадиган муносиб турмуш шароитини яратиб бериш – ёшлар ҳуқуқбузарлигининг олдини олиш ва улар ҳуқуқий онгини оширишнинг асосий омилдир.

Амалга оширилиши лозим бўлган таълим-тарбиянинг ҳуқуқий-маърифий жиҳатлари:

- ёшлар онгига шарм-у ҳаё, одоб-андиша, ота-оналарга ҳурмат, катталарга иззат-эҳтиром, кичикларга шафқат каби олижаноб фазилатларни шакллантириш;

- шахснинг ривожланишида ўзаро муносабатлар ҳамкорлиги, буюк аجدодларимиз меросига улкан ғурур туйғуларини сингдириш, асрлар оша бизгача етиб келган қадриятлар ва урф одатларга бекиёс ҳурмат кўникмаларини шакллантириш;

- ўз дини ва ўзга динларга нисбатан бағрикенглик тамойилларини сингдириш;

- шахс камолоти ва маънавияти ижтимоий жамиятдаги муҳим омиллардан эканлигини англатиш;

- инсоний фазилатлар ва ғайри инсоний қарашларнинг ўзига хос хусусиятларини кўрсатиш;

- шахс маънавияти ва маданиятини белгиловчи омиллар;

- инсонпарварликка оид фазилатлар;

- виждон уйғоқлигига оид фазилатлар;

- меҳнатсеварликка оид фазилатлар;

- ахлоқлилиқка оид фазилатлар;

- шахс маънавий камолотида ўзбекларга хос эзгу фазилатларнинг илдизлари ҳақида таҳлилий маълумотлар бериш;

- ўзбек халқи менталитетидаги миллий ва умуминсоний қадриятлар муштараклиги ҳамда анъана ва қадриятларга чексиз ҳурмат каби хусусиятларни кенг ёритиб бериш;

- инсонларга хос самимийлик, ватанпарварлик, меҳр оқибат, имон эътиқод, ҳуқуқий-фидойилик каби фазилатларнинг жамият тараққиётидаги энг асосий омиллардан бири эканлигини англатиш;

- юртимиз мустақилликка эришгач маънавият, шахсга эътибор масалалари кун тартибидаги долзарблиги билан муҳим аҳамият касб этишини ёшлар онгига сингдириш;

- ёшларда мустақил, ижодий фикрлаш малакасини шакллантириш;

- мустақил Республикамизда шахс эҳтиёжларининг қондирилиш ва унинг ҳуқуқий маънавиятини юксалтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилганлиги, уларнинг асосий фаолият йўналиши давлатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, сиёсий-ижтимоий, ҳуқуқий барқарорликни таъминлашга хизмат қилишдан иборат эканлигини ёритиш;

- виждон уйғоқлиги ва эътиқодда собитлилик, миллий, маънавий қадриятларимизнинг тарихий илдизлари, шахс маънавиятида талқин этилишидан иборатдир.

Шунингдек, ёшларда инсоний ҳуқуқий-муносабатлар масаласида мунозарага киришга олиш малакасини шакллантириш;

- мустақил Ўзбекистонда шахс ва унинг маънавиятини ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор берилганлиги, улардаги асосий мезонлар ва қарашлар давлатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, сиёсий-ижтимоий, ҳуқуқий барқарорликни таъминлашга хизмат қилиш, бунинг учун эса, шахс маънавий камолотини ривожлантиришдан иборат эканлигини сингдиришдан иборатдир.

Ёшларнинг ҳуқуқий жиҳатдан ривожланишига бу йўналишдаги онги ва маданиятини шакллантирувчи жараён сифатида қаралса тўғри бўлади. Албатта, ҳуқуқий тарбия турли шакл, услуб ва воситалар ёрдамида амалга оширилади. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики ўз ҳуқуқини билмаслик кишининг ҳаётда учрайдиган турли муаммоларни вақтида, тўғри ҳал этилишига тўсқинлик қилади.

Бугунги кунда юксак ҳуқуқий маданиятни таркиб топтириш учун тарбиявий ишлар режа асосида, изчил, хилма-хил шакл ва усуллардан фойдаланилиб ўтказилса, яхши самара беради. Бу муаммога ҳар томонлама, чуқур ёндашиш эса ҳуқуқшунос, педагог, жамиятшунос ва психологлар томонидан ишлаб чиқилган услублардан унумли фойдаланишни талаб қилади.

Аҳоли ўртасида сиёсий, ҳуқуқий маданиятни ошириш фақат таълим муассасаларининг фаолияти бўлиб қолмасдан, ушбу масалада кенг жамоатчилик фикрини ривожлантириш мақсадида фуқаролар йиғини томонидан ҳам доимий равишда турли тадбирлар ўтказилиб борилмоқда.

Айниқса, фуқаролар йиғинларида ҳуқуқий тарғибот қуйидаги комиссиялар орқали амалга оширилмоқда.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясини тарғиб қилувчи ва Маънавит тарғибот комиссияси

2. Ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда барча маҳаллаларда ташкил этилган Яраштириш комиссияси

Бу комиссияга милиция ҳудудий инспектори ҳамда вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи милиция инспектори аъзо қилиб белгиланган. Улар кўпроқ ҳуқуқий тарғиботни юксалтириш билан шуғулланадилар.

3. Ҳар бир маҳалла фуқаролар йиғинларида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар фаолият кўрсатмоқдалар.

Улар асосан оилалар билан ишлайдилар. Маслаҳатчилар иш жараёнида асосий эътиборни мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларни тушунтиришга қаратмоқдалар. Маълумки бундан аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги, сиёсий маданиятини ошириш масалаларига алоҳида эътибор берилади.

4. Маҳалла фуқаролар йиғинларидаги “Маҳалла посбони” жамоат тузилмаси

“Маҳалла посбони” жамоат тузилмасида 50 мингдан ортиқ посбонлар фаолият юритмоқда. Посбон ўз фаолиятларини ҳуқуқ-тартибот органлари билан ҳамкорликда олиб бормоқдалар ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ислохотлардан фуқароларни хабардор этишда, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини, сиёсий маданиятини оширишда ўз ҳиссаларини қўшмоқда.

Маънавий-ҳуқуқий маданият - жамият тақдири билан боғлиқ масала. Бу, ўз навбатида оилада, биринчи навбатда, ота-онанинг билим ва кўникмаларини тўғри шакллантиришни тақозо этади. Оиладаги носоғлом муҳит, ички низо ва моддий етишмовчиликлар ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатади. Бу вазиятда маҳалла оилага энг яқин тузилма сифатида сирдош, ҳомий, тарбиячига айланиши лозим.

Чунки маънавий-ҳуқуқий маданият узоқ вақт мобайнида юзага келиб, аста-секинлик билан шаклланиб боради.

Хулоса қилсак, бугунги кунда мактаб, оила, маҳалла, ўқув юртлари умумий ҳамкорликда ёшлар ўртасида маънавий-ҳуқуқий билимларни ёйиши, ҳуқуқбузарлик ва жиноятларни олдини олиши юзасидан чора-тадбирларини тизимли амалга ошириши ҳамда умумий ҳамкорликда фаолият олиб боришлари лозим.

YOSHLARNING MA'NAVIY DUNYOSINI SHAKLLANTIRISHDA MILLIY GOYANING O'RNİ

**Sabirova Nasiba, Xorazm VPKQTMOI
“Til va adabiyoti ta'limi” kafedراسi o`qituvchisi**

Ma'naviyatli inson deganimizda ko`z oldimizga darrov har tomonlama yetuk bo`lgan komil inson gavdalanadi. Ma'naviy komil inson tushunchasi har bir xalqda o`zgacha ma'no kasb etadi, nazarimda. Hatto o`zimizning milliy an'analrimizni ham har kimo`zicha tasavvur qilishi mumkin. Alisher Navoiy Hazratlari yozganlaridek, Haqiqat yo`llari – hadiz-hududsiz. Qanday bo`lganda ham, milliy ma'naviyatimiz millatning o`tmishi, buguni va kelajagini qamraydi, ularni yaxlit tizimdatutib turadi. O`tmish ajdodlarimiz merosida aks etgan ma'naviy qadriyatlar

bugungi bashariyat erishgan ma'naviy kamolot darajasi bialn uyg'unlashtirilsa, mamlakatimizdagi barcha sohalarida tadbiq etilsa, undan kelajak kurtaklari unib chiqadi, kelajak unsurlari shklanadi.

Insoniyat tarixi shuni ko'rsatadiki, ma'lum bir yoshga etgan kishilarning dunyoqarashi, xarakteri, odatlarini o'zgartirish qanchalik qiyin bo'lsa, yoshlarni yangiliklarga o'rgatish shunchalik oson kechadi. Ular bu yangiliklarni hoh ijobiy bo'lsin, hoh salbiy bo'lsin juda tez ilg'ab oladilar, tez qabul qiladilar.

Milliy istiqlol g'oyasi Ona yurtimiz, xalqimizning buguni va kelajagiga qaratilgani uchun yoshlar ongiga bu g'oyani singdirish ushbu fanning asosiy, ustivor maqsadi qisoblanadi.

Ma'lumki, yosh bola hali ezgulik va yovuzlikning barcha jiqatlarini bilmaydi. Biz ularni tarbiyalaganda, dastlab bu yomon, **bu yaxshi, uvol, savob, gunoh** degan tushunchalardan foydalanamiz. Foydalanganda ham juda umumiy tarzda qo'llaymiz va bola ham shunday qabul qiladi. Masalan, 4-5 yoshdagi bolaga milliy istiqlol g'oyasining ezguligi, diniy ekstremizmning yovuzligi mohiyatini tushuntirish mumkin emas. Bu yoshda unga milliy istiqlol g'oyasi yaxshi, diniy ekstremizm yomon deyish kifoya. Biroq farzandlarimiz ulg'aya borgan sari ularga Vatan, imon, or- nomus, milliy g'urur, xalq, e'tiqod, milliy istiqlol g'oyasini kun sayin ongi va qalbiga singdirib borish bizning muqaddas burchimizga aylanadi.

Takidlaganimizdek, iymon buyuk fazilatlarining bosh qirralaridan biridir. E'tiqod tushunchasi ham dunyoviy, ham diniy talqinlarga ega. Iymonning dunyoviy talqini inson ma'naviy kamolatining o'zagi hisoblanadi va u diniy talqinga zid emas. Milliy istiqlol g'oyasining fazilatlaridan biri ham shundaki, u diniy va dunyoviy e'tiqodning uyqunligiga tayanadi va shuni targ'ib qiladi.

Dunyoviy e'tiqod, dunyodagi barcha o'zgarishlar, harakatlar bilan mushtarak bo'lgandagina, insoniy fazilatlarini, ma'naviy iymonni sermazmun – serjilo qiladi.

Iymonli, e'tiqodli bo'lishlilik natijasida kelajak uchun ulkan maqsadlar qo'yiladi, ya'ni kelajakni qalb ko'zi bilan ko'rib, aql bilan idrok etadi. Bu insonning ruhiy, ma'naviy barkamollikka intilishining natijasidir. Dunyoviy mazmundagi iymonning natijasi ham insonni ulug'laydi, uni olijanob shaxs sifatida ko'rsatadi.

O'zbekiston mustaqilligini yanada mustahkamlash uchun, e'tiqodli ma'naviy barkamol, komil insonlarni tarbiyalash zarur. Zero, haqiqiy kishilar o'zi yashaydigan uy, ko'cha, mhnqalla, tuman, mamlakat va davlatga mehr ko'zi bilan boqib uning kelajagi uchun qayg'uradigan oliyjanob insonlardir. Binobarin, I. Gyote aytganidek: "Jiddiy, teran, haqiqiy iroda, eng avvalo, maqsadga erishishga ishonch tasavvuri bilan uygunlikda ifodalanadi".

Insonlarda haqiqiy iroda, oliy fazilatlardir: e'tiqod, iqror va amal o'zaro bog'langanda, u kelajakka aql ko'zgusi bilan boqadi. Davlatiga, xalqiga mehr – muhabbat bilan qaraydi, kerak bo'lsa jonini ham fido qiladi.

Yuksak ma'naviyatli insonni shakllantirish, bu irodali insonni yetishtirish bilan bog'liq. Irodali, qat'iyatli inson jamiyat boyligidir. Jamiyat rohatidan bahramand bo'lgan inson o'z farzandlarida ham iymon, e'tiqod va diyonatlilikni qaror toptiradi. Bu degani, ota va bola o'rtasidagi meqr-oqibat

munosabatni takomillashtiradi. Ma'naviy kamolotga yetishishning asosiy mezoni imon, e'tiqod ekan, demak ularni shakllantirish ziyolilar irodasi va qat'iyatligiga ham bog'liq. Ammo, ushbu jarayon o'z-o'zidan bo'lmaydi. U ulkan ishontira bilish mehnatini talab qiladi. Chunki qar qanday e'tiqod asosida ishonch yotadi.

President I.A.Karimov "O'zbekistonning o'z istiqlol va taraqqiyot yo'li" nomli asarida: "O'zbek xalqining yuksak milliy qadr-qimmati, or-nomusi va shon-sharafi, uning o'ta mehribonligi va sof vijdonliligiga asoslangandir. Biz bundan keyin ham o'zbeklarning milliy g'ururini ma'naviy yuksaltiramiz, shu bilan birga umumiy Vatanimizda biz bilan birga yashovchi va O'zbekiston Respublikasiga sadoqatli bo'lgan barcha xalqlar bilan birodarlikka intilamiz", - deb ta'kidlagan edi.

Ayniqsa, hozirgi talabalarimiz milliy g'ururni, uning qirralarini bilish bilan birga, uning targ'ibotchilari ham bo'lishlari kerak. Talabalarni targ'ibotchilar qilib yetishtirishni esa maktabda o'quvchilik davridan boshlash zarur. Maktab o'quvchilari ko'pchiligi kelajak talabalardir. Mustahkam bilimni, ma'naviyat, qadriyat, urf – odatlar, udumlarni qamda allomalarimizning ta'limotlarini o'quvchilarga hozirdan keng dasturlar, puxta darslik va rejalar asosida tushuntirishni boshlash – davr talabi. Zero, o'quvchilar talaba bo'lganlarida bu bilimlar uchun puxta zamin vazifasini o'taydi. Aynan shu bilimlar kelajak uchun bebaho ekanligi va milliy g'ururni shakllantirishda ham o'ta muhim omil bo'lishi aniq.

Buning uchun ayniqsa, ijtimoiy fanlar o'qituvchilari, biz murabbiylar mas'uliyatni his qilishlarimiz, jonkuyar bo'lishlarimiz lozim. Farzandlarimizning salomlashishi, muloqot qilishi, mehmonxonada yashashi, kiyinishi, suhbat qilish, kishilarga munosabati, urf – odatlari barchasi hushyorlikni talab etadi. Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, milliy g'ururni aholiga yanada chuqurroq singdirish, yoshlarda or-nomus tuyg'usini yuksaltirish va ularni yuksak darajasiga ko'tarish uchun katta kuch-gayrat sarflash lozim bo'ladi.

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ИНТЕРАКТИВНОЙ ДОСКИ НА УРОКАХ РУССКОГО ЯЗЫКА

**Г.Аекеева - доцент Республиканского института
переподготовки и повышения квалификации
педагогических кадров Республики Каракалпакстан**

Современный ритм жизни вносит свои коррективы в методику преподавания, заставляет учителя менять свои подходы к организации уроков русского языка и литературы, осваивать современные образовательные технологии. Как никогда актуально звучат сегодня строки из стихотворения А.С.Пушкина «Чаадаеву» «и в просвещении быть с веком наравне». Сегодня, когда в нашу жизнь уже прочно вошло такое понятие, как информационные технологии, трудно представить себе урок без

использования компьютера, мультимедийных продуктов, ресурсов Интернет. Для этого, естественно, учитель сам должен владеть навыком общения с компьютером и в школе должна быть соответствующая материально-техническая база.

Учителя русского языка и литературы особенно осторожно относятся к применению компьютера на уроке, и это вполне обоснованно. Ведь задачи, стоящие перед учителем – словесником, во многом отличаются от целей и задач других учителей-предметников. По большому счету наша главная цель – это душа ребенка, это проблемы нравственности, это развитие творческой личности, а также проблема подготовки ученика как языковой личности. Задачи эти решаются в первую очередь через работу с текстом, с художественным словом, с книгой. Поэтому перед учителем – словесником, который собирается использовать возможности компьютера на своих уроках, всегда возникают вопросы о целесообразности его использования на уроках русского языка и литературы, о том, в какой степени компьютер может заменить учителя и на каких этапах урока, а также о том, какие дидактические функции можно возложить на компьютер.

В своей работе для оптимизации учебного процесса на базе новых информационных технологий каждый преподаватель института повышения квалификации по-разному применяет компьютер: на лекционных, практических занятиях для слушателей курсов русского языка и литературы, в исследовательской работе.

На наш взгляд, использование интерактивной доски не обязательно на каждом этапе занятия, что обусловлено спецификой предмета «русский язык». Преподаватель в зависимости от темы, типа занятия, поставленных целей может обратиться к возможностям интерактивной доски лишь тогда, когда эффективность и целесообразность такой работы очевидна и дает результат.

Эффективно применение интерактивной доски на этапе изучения нового материала. Это дает возможность слушателю быстрее и легче овладеть учебным материалом.

Широкие возможности открывает использование интерактивной доски при работе с текстом. Заранее готовится текст и используется для разностороннего анализа: лексического, орфографического, пунктуационного. В тексте могут быть пропущены буквы, знаки препинания, которые необходимо вставить, могут быть выделены цветом слова, словосочетания, предложения, на которые надо обратить особое внимание. Удобно выполнять виды грамматического разбора. Возможно, нестандартно представить текст: разный шрифт и цвет букв привлекает внимание обучающихся, развивает орфографическую зоркость.

На этапе закрепления изученного демонстрируются вопросы с правильными ответами, открываемыми поэтапно с помощью.

Использование интерактивной доски предоставляет преподавателю института довести до каждого слушателя, что современному учителю создаются новые возможности для оптимизации процесса обучения,

создания содержательных и наглядных заданий, развивающих познавательную активность учащихся, для структурирования урока и улучшения его темпа.

Интерактивные технологии доски TRACEBOARD позволяют создавать разнообразные игровые ситуации с использованием технологических возможностей программы, что имеет немаловажное значение при формировании положительной мотивации учащихся к урокам русского языка.

Сканер относительно считается инструментом интерактивной доски. Почему? Потому что с его помощью сканируется и выводится на экран работы учащихся из тетрадей. Обычно используется этот приём при проверке домашнего задания. Ученик объясняет выполнение упражнения. При необходимости ученики исправляют допущенные ошибки, комментируя выполнение задания. Преимущество данного приёма в том, что на сканирование работы затрачивается менее минуты, остальное время используется непосредственно на выполнение дополнительных заданий к домашнему упражнению, в работу сразу задействуется весь коллектив класса, развивается орфографическая зоркость у детей, умение увидеть орфографическую и пунктуационные ошибки.

Экран может закрываться-открываться шторкой; менять цвет; прятать и показывать объекты и прочее. Таких игровых возможностей много, вполне достаточно, чтобы ребенок увлекся работой на доске и чтобы у него возник свой мотив. Подобные приемы могут быть разработаны каждым педагогом к своему предмету и собраны в своеобразный методический электронный банк, который будет пополняться по мере использования найденных приемов и получения при их использовании определенных эффектов.

Таким образом, работа с интерактивной доской побуждает учителя к поиску новых подходов в обучении, что способствует его творческому и профессиональному росту. Использование современных образовательных технологий позволяет учителю на основе личностно-ориентированного подхода к каждому ученику, развивать его индивидуальные способности, обеспечивает информационную насыщенность урока и внеклассного мероприятия, делает его доступным и наглядным, помогает лучше понять и усвоить учебный материал.

**ХУЛҚИДА ОҒУВЧАНЛИГИ БЎЛГАН ЎҚУВЧИЛАР, УЛАРНИНГ
СИНФ РАЎБАРЛАРИ, ОТА-ОНАЛАРИ БИЛАН ИШЛАШ**

**Ш. Султонова - ТШПҚТМОИ,
“Педагогика, психология ва педагогик менежменти”
кафедрасининг катта ўқитувчиси**

Ўқувчилардаги психологик хусусиятлар, ривожланишида ўзига хос томонлар, улар ўртасида салбий одатларни олдини олиш ва бошқа масалалар доирасида умумтаълим мактаблари амалиётчи психологлари томонидан қатор тадбирлар, яъни психотренинг ва психокоррекция ишлари олиб

борилади. Мактабларда болаларга нисбатан баъзан “тарбияси қийин бола” жумласи ишлатилади. Асосан тарбияси қийин болалар деганда кўп ҳолатларда вояга етмаганлар билан ишлаш кузатилади.

Кузатишлардан маълум бўлишича, тарбияси қийин болалар тарбия жараёнида педагогик таъсирларга мактаб ички рўйхатида ҳисобга олинган, гиёҳвандлик ва спиртли ичимлик ичишга, безорчилик кўрсатади, уларнинг ҳулкида ўзини биз хоҳлагандай тутмаслик ҳолатлари чиқишининг асосий сабабларидан бири уларда ўқишга нисбатан салбий муносабатнинг пайдо бўлишидир. Одатда бундай муносабатнинг пайдо бўлишига бошқа сабаблар ҳам таъсир кўрсатиши мумкин. Жумладан ўқув фаолияти усули, малакалари тўла таркиб топмаганлиги сабабли нисбий билим олиш билан қаноат ҳосил қилиш, ўзлаштириш қобилиятининг суст ривожланганлиги, муайян вазиятларда ҳукм ва ҳулоса чиқаришда қийинчиликка дуч келиш, ўқитувчилар томонидан ўқувчига объектив баҳо берилмаслиги, ўқитувчи томонидан боланинг индивидуал-психологик ва интеллектуал имкониятига етарлича эътибор берилмаслиги, ўқитиш савиясининг пастлиги, дарсларнинг кизиқарсиз ўтилиши, ўқувчининг синф жамоаси билан яхши алоқада бўлмаслиги ва бошқалар. Ўқувчи билан жамоа фикрининг мос келмаслиги унинг жамоа ичида ўз ўрнини борган сари йўқотиб боришига сабаб бўлади. Жамоа аъзолари бундай ўқувчининг қарашларини вақти-вақти билан ҳисобга олишлари яхши натижа бериши мумкин. Ўқувчининг фикр ва кизиқишларини жамоанинг қўллаб қувватламаслиги ёки бепарволиги уни қонунбузарликка ундайди ва гиёҳвандлик каби салбий ҳолатларнинг келиб чиқиши учун имконият яратади. Натижада бола учун келажак режаларининг поймол бўлиш хавфи туғилиб, ўқишдан ва жамоадан юз ўгирган ўсмир ўз келажagini, орзу-умидларини мактаб ва тенгдошлари фаолиятига боғлашдан кўра, янги “дўстлари” билан алоқа қилишни афзал кўради ва бошқа кишилардан нажот излайди. Бунинг натижасида ўсмир носоғлом ҳулки болалар тўдасига тушиб қолади ва улар ҳулқ –атвориға хос бўлган характерға эға бўлади. Бундан ташқари, оилавий шароитнинг салбий таъсири ҳам тарбияси оғир ўсмирларнинг келиб чиқишиға сабаб бўлади. Айрим оилаларда бола учун зарурий имкониятлар мавжуд эмаслиги сабабли бола ноҳуш ҳолат билан ёлғиз кураш олиб бориш кечинмалари билан яшайди. Ўсмир дунёсида оилавий шароитға нисбатан пайдо бўлган норозилик ҳисси кундан кун авж олиб, ички қўзғолонға айланиб боради. Бундан ташқари, ота-она ўртасидаги муносабатларнинг носоғломлиги, баъзи ота-оналарнинг спиртли ичимликларға ружу қўйишлари ҳам боланинг руҳий дунёсига таъсир кўрсатади. Кўпинча, ўқувчилардаги тарбияси қийинлик оиладаги ва таълим тизимидаги педагогик қаровсизлик натижасида юзаға келади.. Педагогик қаровсизлик қуйидаги даражаларда тавсифланади:

1.Паст. Ҳатти-ҳаракат, ҳулқ-атвордаги беқарорлик. Ўз “мен”ига ортиқча баҳо бериш. Асосан ёшиға хос бўлган характер белгиларининг устунлик қилиши.

2.Ўрта. Катталар ва тенгқурлари билан алоқанинг бузилиши. Ўқиш ва меҳнатга қизиқмаслик, низолар эгоистик йўналишга асосланиши. Педагогик таъсир чоралари тўғри қабул қилинган ҳолда унга амал қилмаслик.

3.Юқори. Салбий характер хусусиятлари яққол намоён бўлади. Ҳуқуқбузарлик ошқора қилинади. Катталар билан ўзаро муносабатда тажовузкор бўлади. Ўзлари тўғри деб қабул қилган “ахлоқ нормалари”ни оклашга уринадилар. Улар ҳуқуқбузарлик чегараларини тушуниб етмайдилар.

4.Криминал. Вояга етмаган ҳуқуқбузарлар бўлиб, уларнинг ҳуқ-атворини бошқариб бўлмайди. Бундайлар ҳар қандай тарбия воситаларига қаршилиқ кўрсатадилар. Хатти-ҳаракатларида тажовузкорлик кўпроқ учрайди. Улар ўзларининг ҳуқуқбузарлик мотивларини ўзлари белгилаган “ахлоқий меъёрлар” билан ўлчайдилар, натижада жиноятга қўл урадилар.

Амалиётчи психолог аввало болаларнинг оилавий аҳволини ўрганиш, мактаб билан ота-она ўртасида узвий алоқани ўрнатиш, фан ўқитувчилари билан алоқани мустаҳкамлаш, ўқувчининг дарсга қатнашини кузатиш, дарсдан ташқари фаолиятини назорат қилиш, турли савол-жавоблар ўтказиш орқали тарбияси оғир болалар билан ишлаш дастури ва режаларини белгилаб олиши лозим. Бундан ташқари психолог мактаб шифокори, ташхис маркази шифокори билан ҳамкорликда боланинг тиббий варақаси билан ҳам танишиб чиқиши керак бўлади. Агар бола соғлом ривожланган бўлса-ю, мактаб ва оила тарбиясига бўйсунмаса, бундай вазиятларда психолог ёрдамга келиши ва. аввало бола билан суҳбатлашиб, нима учун унинг ҳуққида бундай ўзгаришнинг юзага келганлиги, кўча таъсирига берилиши, салбий норасмий гуруҳларга аъзо бўлиб қолиши, дарсни сабабсиз қолдириши, паст ўзлашириши, жамоат ишларида қатнашмаслик сабабларини аниқлайди.

Тарбияси оғир болалар билан ишлашда қуйидаги тамойилларга асосланиш лозим.

➤ Болаларда ижобий ҳуқ-атвор ва характер хислатларини шакллантиришга йўналтирилган тарбиявий жараёни ташкил этиш.

➤ Психолог боладаги энг яхши инсоний фазилатларни кўра олишга ва болаларда ўзига ишониш, ўз ҳуққини ўзи яхшилаш мотивларини шакллантириши зарур.

➤ Болаларнинг ўзларидаги ижобий характер хислатларини англашини рағбатлантириш.

➤ Болаларни ўз ҳуқ-атворини ўзи баҳолашга ўргатиш.

➤ Ўқувчиларнинг ижобий хатти-ҳаракат қилишларини мунтазам назоратга олиш.

➤ Ўқувчиларга ишониш.

➤ Ўқувчилар олдида қўйилган вазифаларни бажаришда эришган ютуқларини рағбатлантириш.

➤ Ўқувчиларни фанга, касбга бўлган қизиқишларини ошириш.

➤ Ўқувчиларни бўш вақтларини тўғри ташкил этишларини назорат қилиш.

➤ Тарбия беришнинг оптимал стратегиясини аниқлаш.

Тарбияси қийин болалар билан ишлашда индивидуаллаштирилган тарбия бериш.

➤ Ўқувчилардаги индивидуал сифатлардаги ўзгаришларни мониторинг қилиш.

➤ Ўқувчиларга индивидуал ёндашув ҳар бирига аниқ махсус педагогик таъсир ўтказиш.

➤ Тарбиявий таъсирни боланинг ҳар томонлама ривожлантиришга йўналганлиги.

➤ Дарсдан ташқари фаолиятларда ўқувчиларга мустақил фаолият (ўқиш, ўйин, меҳнат, хобби ва қизиқишлари)ни танлаш учун имконият бериш.

➤ Ҳар бир болага уларни ақлан ҳамда ахлоқан ривожланишига йўналтирилган тарбиявий ишларни ташкил этиш.

➤ Ўқувчиларга тарбиявий таъсир кўрсатаётганда бошқа болаларга салбий муносабатни билдирмаслик.

Мактабларда амалиётчи психологлар тарбияси оғир болалар билан ишлашда синф раҳбари маънавий ва маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари, ота-оналар кўмитаси, маҳалла фуқаролар йиғни, вояга етмаган ёшлар билан ишлаш инспектори, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, оила Марказлари, ҳудудий спорт ва маданият ташкилотлари билан ҳамкорликни амалга ошириш керак.

БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ МАЪНАВИЙ ДУНЁСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА “ОДОБНОМА” ДАРСЛАРИНИНГ ЎРНИ.

Б.Х.Жалилов

**ТВПКҚТМОИ “Мактабгача ва бошланғич таълим”
кафедраси катта ўқитувчиси**

Мамлакатимизда истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаронинг онгу-тафаккури соғлом бўлар экан, бундай юртда яшаётган кишиларнинг мулкка, маънавий қадриятларга, адабиётга, санъатга, мафкурага бўлган қарашлари ҳам ижобий томонга ўзгаради. Юртимиз аҳлининг маънавий қадриятларга бўлган эътибори янада юксалаётган бир даврда умумтаълим мактабларида маънавий қадриятларга муносабат масаласи тубдан ўзгарди.

Бугун халқимизнинг онгида, тафаккурида ўзгаришлар ҳосил қилмоқ, энг аввало, таълим тизимида туб бурилишлар, ислохотлар бўлишини тақозо қилади. Маънавий қадриятларни шакллантиришда мактаб таълимининг имкониятлари катта бўлганлиги учун ҳам истиқлолга эришилган кундан бошлаб асосий эътибор таълим-тарбиянинг самара берадиган усуллари, воситаларини ишга солишга қаратилди. Бугунги кунда бу масалага нафақат мутахассислар, балки жамият аъзоларининг катта қисми ҳам қизиқмоқда. Бу ишни амалга ошириш кўпроқ мактаб таълими ва ўқитувчиларнинг зиммасига тушади. Комил шахснинг маънавий дунёсини шакллантиришда ота-боболаримизнинг улкан маданий-маърифий меросларидан кенг фойдаланиш мақсадида ривоят, ҳикоя, эртак, мақол кабилардан фойдаланилар экан,

ўқувчи – ўқиб, ўрганиб, ўз-ўзини тарбиялаш воситаси орқали интеллектуал имкониятларини ишга солади.

Дунёда ташқи таъсирлар, ўгиту насихатларга қараганда, инсон калбининг ўзлигини англаши, ўз-ўзини поклаши ва тарбиялаши муҳимроқ ва самаралироқдир. Асрлар давомида миллатимизнинг эътиқоди бўлган ахлоқий мезонларининг тарғиботчилари иймон-эътиқод, ахлоқ-одоб, таълим-тарбия соҳасидаги бекиёс меросларини тарғиб қилиш бугунги куннинг амалга оширилиши зарур бўлган долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Бошланғич синф “Одобнома” дарслари дастуридан ўрин олган “Ватан туйғуси”, “Донолар ўғитлари”, “Ривоятлардаги ҳикматлар” каби мавзуларда бой маънавий меросимиз бўлган, башарият тафаккури хазинасига улкан ҳиссаларини қўшишган алломаларимиз асарлари, уларнинг ҳаёт йўлларини ўрганиб, улардан унумли ва ўринли фойдаланишлари тўғри йўлга қўйилган. Чунки уларнинг асарларида меҳр-оқибат, ахлоқ-одоб, ҳалоллик, поклик, дўстлик, ота-она ва фарзандларнинг ҳақ-ҳуқуқлари каби барча инсоний туйғулар, бурч ва вазифалар ўз ифодасини топган.

Мазкур фанни ўқитишда таълим шакллари, метод ва усулларнинг самарадорлиги, уларни ташкил этишда болаларнинг интеллектуал ва шахслик имкониятларини ҳисобга олишга, уларнинг фаоллигини оширишга қаратилган бўлиши лозим.

Бошланғич таълим ўзга таълим босқичларидан интегратив, ўйинга асосланган таълим технологияларига берилувчанлиги билан ажралиб туради. Аслида бу ҳолат бошланғич таълим ўқувчисининг характери, дунёқараши, оламни уйғун ва образли тарзда ифодалашга мойил тафаккур тарзидан келиб чиқади. Мактаб остонасига илк бор қадам қўйган ўқувчи унинг қатъий тартиб интизомни талаб этувчи муҳитига тезда мослашиб кета олмайди, ўзини ушбу муҳитда ёлғиз, якка ҳис этади. Бу даврда аксарият болаларда чуқур психологик кризис ҳолати кузатилади. Кўпинча ўқувчи ўқитувчи фаолиятини (унинг нутқи, синф хат тахтасига ёзган матни ва х.к ларни) айнан такрорлайди, яъни таълим мазмунини онгли эмас, онгсиз равишда қабул қилади. Мазкур ҳолатнинг олдини олиш учун бошланғич синф ўқувчисини онгли ўқув фаолиятга жалб этиш учун нима қилиш керак?

Ўйинга асосланган таълим ғояси айнан шу муаммони ҳал этишга қаратилади.

Барча даврда таълимнинг асосий муаммоси ўқувчини ўзига жалб эта олиш, уни қизиқтириш, ҳаяжонга солиш, фаолиятидаги муҳим ўринни эгаллаш ўқитувчи учун ўта муҳим. Бошланғич таълимда эса ушбу муаммо ҳал қилувчи масаладир. Шунинг учун баъзи ўқитувчилар ўқув фаолиятини кўпроқ ўйин фаолияти асосига қурадилар. Ўйин воситасида боланинг шахси шаклланади, унда келгусида ўқув ва меҳнат фаолиятини ташкил этиш ва инсонлар билан муносабатга киришишга оид руҳий хусусиятлар шаклланади. Ўқувчиларнинг ўйин фаолияти жуда кўп соҳа олимларини, яъни, файласуфлар, социологлар, биологлар, санъатшунослар, этнографлар, айниқса, педагоглар ва психологларни қизиқтириб келади.

Психологияда бола психикасининг ривожланишида ўйин ҳал қилувчи аҳамиятга эга, деб қаралади. Ўйин бола психикасида ривожланишнинг юқорироқ стадиясига ўтиш учун муҳим замин яратади. Рус методистлари Е.А.Бугрименкова Г.А.Цукерманлар бошланғич таълим жараёнида амалга ошириладиган ўйин-машғулотлари 2 турга бўладилар: 1) кўнгилочар ўйинлар; 2) дидактик ўйинлар. Олимларнинг ҳақли равишда уқтиришларича, таълим жараёнида кўпчилик ўқитувчилар томонидан қўлланилаётган ўйинлар доим ҳам фаол таълим –тарбия беришга йўналтиравермайди. Ўқитувчилар баъзан болаларга дам бериш, улардаги чарчоқнинг олдини олиш мақсадида хордиқ берувчи ўйинлардан фойдаланадилар. Албатта, кўнгилочар ўйинлар бола фаолиятида катта аҳамиятга эга. Улар болада ташкилотчилик, бирдамликка интилиш, дўстлик, ўзгаларга ёрдам беришга тайёр туриш каби ижобий туйғуларнинг ривожланишида асосий восита бўлиб хизмат қилади. “Одобнома” (3-синф) дастуридан ўрин олган “Ҳаракатли ўйинлар”, “Фикр бойитиш ўйинлари” мавзулари бунга ёрқин мисол бўлади.

Дидактик ўйинларга қўйиладиган талаб эса бир мунча жиддийроқ. Улар бевосита таълим-тарбия мақсадига хизмат қилади. Ўқувчида билимга иштиёқ, изланувчанлик топқирлик фаолиятини шакллантиради. Таълим-тарбия учун “хизмат қиладиган”, маълумотларни ўзлаштиришга қаратилган ўйинлар ўқувчида назарий билимларни шакллантириши билан бирга амалий кўникмаларни ҳам ҳосил қилиши керак. Янги абстракт (мавхум) тушунчаларни ўқувчи образли-ҳиссий қабул қилишга эришиши зарур. Бу муҳим вазифани амалга ошириш бошланғич синф “Одобнома” дарсларида ўқитишнинг анъанавий методларини илғор педагогик технологиялар билан қўшиб олиб боришни тақозо этади: булар- муаммолар қўйиш ва уларни ўқувчилар билан биргаликда ҳал этиш, изланиш, тадқиқот методи, ишчан ўйинлар, психологик тренинглар, баҳс-мунозаралар, давра суҳбатлари, “Кластер методи”, “Турухли баҳс”, “Ақлий ҳужум”, каби методлардан иборатдир.

Дидактик ўйин ўрганилаётган воқеа ва ҳодисаларнинг иммитацион модели яратилиши соҳасидаги фаол жараёндир. Ўйиннинг бошқа фаолият турларидан муҳим фарқи шундаки, унинг предмети инсон фаолиятидир. Дидактик ўйинда фаолиятнинг асосий тури ҳамкорликдаги ўқув фаолиятидир. Демак, ўқитувчи дарсда ўйинларни қўллар экан, унинг дидактик ва кўнгилочар турларидан қай даражада фойдаланишнинг меъёрини билиши лозим. Таълим-тарбия жараёнида дидактик ўйин унсурларини қўллаш ўқув материалларини ўзлаштиришдаги қийинчиликларни бартараф қилади. Кўриш ва эшитишга оид фаолият тури билан боғлиқ кўргазмали воситалар, қизиқарли саволлар, ҳазил-топшириқлар, муаммоли вазиятлар ўқувчи ақлий фаолияти самарадорлигини таъминлайди.

“Одобнома” дарсларида эртақлар, ривоятлар ва ҳикояларни “Саҳна дарс”лари асосида ташкил этиш эса ўқувчиларда мантиқий ва мустақил фикрлаш қобилияти ривожланибгина қолмай, ижобий фазилатларни ҳам шаклланиб боради.

Ўқувчиларда асардаги воқеа-ҳодисалар ва қаҳрамонларнинг ҳатти-ҳаракатларини таҳлил қилиш орқали яхши ва ёмон ҳислатларни ажратиш, ёмондан ҳазар қилиш, ожизларга ёрдам бериш каби ижобий ҳислатлар таркиб топади.

Бундай дарсларнинг тез тез ўтказилиши ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини ошириш билан бирга ўқитувчининг маҳоратини ҳам ошириб боради.

Бошланғич синф ўқувчилари сахна кўринишини жуда қизиқиб томошо қиладилар. Айниқса, улар ўзлари иштирокида роллар бажариш, ҳайвонлар тилида гапиришни севадилар. Бунда матннинг ҳажми унча катта бўлмаслиги, ортиқча сўзларни олиб ташлаш, қизиқарли сўз ва ибораларни кўшиб болалар ёшига мос ҳолда тайёрлаш мумкин.

“Одобнома” дарсларида ўрганилаётган ўқув материалларини инновацион педагогик технологиялар, дидактик ўйинлар, ролларга бўлиб ўқиш ёки шу асар мазмунини сахна кўриниши орқали намойиш этиш ўқувчиларнинг дарсларга қизиқишларини кучайтиради, дарс самарадорлигини оширади ва уларда меҳр-оқибат, ахлоқ-одоб, ҳалоллик, поклик, дўстлик, ота-она ва фарзандларнинг ҳақ-ҳуқуқлари каби барча инсоний туйғулар, бурч ва вазифалар онгли равишда ўзлаштириш кўникмаларини шакллантиради.

ОИЛА ОМИЛИНИНГ МАЪНАВИЙ ТАРБИЯДАГИ ЎРНИ

А.Турғунова

ТДПУ “Маънавият асослари”

мутахассислиги 1-курс магистранти

Ҳуқуқий давлатни барпо этишда оиланинг тутган ўрни бекиёсдир. Бу барча фуқароларимизга ўз оиласини мустаҳкамлаш, унинг ҳар бир аъзосини, шунингдек ёшларимизни юрти, Ватанига содиқ қилиб тарбиялашни тақозо этади. Келажак авлодни тарбиялашда миллий ғоя ва маънавий тарғиботни ёшлар онгига сингдиришда, уларни одобли, билимдон, ақлли, меҳнатсевар, ва иймон-эътиқодли фарзанд бўлиб камол топишида оиланинг вазифаси бекиёсдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ўзининг “Юксак маънавият енгилмас куч” асарида шундай деб ёзади: “Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз, оиланинг ўрни ва таъсири бекиёсдир. Чунки инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади... Шунинг учун ҳам айнан оила муҳитида пайдо бўладиган ота-онага ҳурмат. Уларнинг олдидаги умрбот қарздорлик бурчини чуқур англаш ҳар қайси инсонга хос бўлган одабийлик фазилатлари ва оилавий муносабатларнинг негизини, оиланинг маънавий омилини ташкил этади”.

Президент И.Каримов ўз китобида бу ҳақиқатларни, бу туйғуларни ёш авлод онгига сингдиришнинг уч табаррук маконига алоҳида эътибор қаратади: уларнинг биринчиси-оила, иккинчиси-махалла, учинчиси-таълим-

тарбия тизими. Агар шу уч маконда маънавий муҳит кўнгилдагидек бўлса, ҳамма иш кўнгилдагидек бўлади, агар улар таназзулга қараб кетса, бутун жамият ҳалокатга юз тутади. Ҳар бир жамиятнинг негизини унинг фуқаролари, оиласи ташкил этади. Ҳар бир фуқаронинг жамиятда тутган ўрни билан давлатнинг қудрати белгиланади. Ўсиб келаётган авлоднинг етуқлиги ҳам, инқироzi ҳам оиладан бошланади. Оилада олинган тарбия ва билим ўрнини ҳеч бир нарса боса олмайди. Оилада шахс ҳуқуқий маданиятини шакллантириш боланинг ёшлигидан бошланади. Шахс ҳуқуқий маданиятни шакллантиришда оиладаги тартиб интизомга бефарқ бўлмаслик лозим.

Афсуски, бугунги кунда ҳар уч маконда ҳам муаммолар анча. Биз оила унинг муқаддаслиги ҳақида газета, журнал, оммавий ахборот воситаларида жар соламиз, аммо бугунги кун ёшлари бундан етарлича ибрат олмоқдаларми? Ёки бу нарсалар шунчаки айтилган гаплар сифатида қолиб кетяпдими? Бугунги кунда оила қуришдан олдин ёшларимиз оиланинг қанчалар жиддий масала эканлигини англаб етмоқдаларми? Ота-оналар фарзандларимизни яхши ният қилиб, уйли-жойли қилади, уйлантиради нима хохласа ҳаммасини муҳайё қилади, ота-оналар бу ишлари билан фарзандларини дангаса қилиб қўймаёбдилармикан? Ҳамма нарсаси тўқис бўлган фарзанд рўзғор ташвишларидан йироқда, оила деб аталмиш буюк тушунчага маъсулият билан қарамай минталитетимизга ёт бўлган ғояларга ўралашиб турли хил диний оқимларга қўшилиб кетмаябдимикан? Масаланинг бу тарафига ҳам бугунги кунда жиддий аҳамият беришимиз лозим.

Шундай экан, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларни миллатимиз учун ёд ғоялар: гиёҳвандлик, ахлоқсизлик, четдан кириб келаётган ҳар хил зарарли таъсирлардан, “оммавий маданият” ниқоби остидаги таҳдид ва хатолардан асраш масалалари бир зум ҳам эътиборимиздан четда қолмаслиги даркор.

Биз оила бу жамиятнинг бир бўғини деб атаймиз, шундай экан оилаларнинг тинч, тотув ва осойишталиги жамиятимизнинг эркин ва фаровонлиги билан бевосита боғлиқдир. Президентимиз таъкидлаганларидек Оила деб аталган аравани тортиб бораётган ер ва хотиннинг бир-бирига елкадош бўлишини, ўзаро одобларини, бир-бирига бўлган меҳрибонликларини кўрган фарзандлар улардан ўрнатилган оладилар ва уларга ўхшашга ҳаракат қиладилар. Бежизга халқимизда “Қуш уясида кўрганини қилади” деган нақл айтилмаган, чунки фарзанд айтган нарсаларингизни эсидан чиқариши мумкин, аммо кўрганини ҳеч эсидан чиқармайди. Оилада фарзанд тарбиясининг бу жиҳатини ҳеч қачон эсдан чиқармаслик лозим.

Юртбошимиз томонидан 2014 йил “Соғлом бола” йили деб эълон қилинганлиги ҳам бежизга эмас. “Соғлом бола йили” Давлат дастурида “Соғлом боланинг дунёга келиши масаласига соғлом ва аҳил оиланинг меваси сифатида қараб оилада ўзаро ҳурмат ва меҳр-муҳаббат, юксак ахлоқий ва маънавий қадриятлар муҳитини шакллантириш, ёш оилаларнинг оёққа туриб олиши учун моддий ёрдам кўрсатиш, оналик ва болалик

химоясини таъминлаш, она ва боланинг саломатлигини мустаҳкамлаш, аёлларнинг ўз қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариши, уларнинг рўзгор ташвишларини енгиллаштириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш” белгиланган.

Оила ҳақида сўз борар экан ўз-ўзидан никоҳ ёши ҳақида ҳам тўхталмай иложимиз йўқ. Мамлакатимизда ёш оилаларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, эрта никоҳ ва ажралишлар сонини камайтириш мақсадида жойларда турли тадбир ва учрашувлар ўтказилиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 15-моддасида “Никоҳ ёши эркаклар учун ўн саккиз ёш, аёллар учун ўн етти ёш этиб белгиланади.

Узрли сабаблар бўлганида, алоҳида ҳолларда никоҳга киришни хоҳлавчиларнинг илтимосига кўра никоҳ давлат рўйхатидан ўтказиладиган жойдаги туман, шаҳар ҳокими никоҳ ёшини кўпи билан бир йилга камайтириши мумкин”. Ҳозирги глобаллашган жамиятда ёшларимиз никоҳ ёшига етмай туриб эрта оила қуришаётганини учратамиз, бунинг натижасида ёш оилаларнинг ажралишлар сони ортишига сабаб бўлмоқда.

Демак, оила бир қанча функцияларни бажарадиган ижтимоий институт ҳисобланади. Бу функциялар ичида муайян бир мафкура доирасида мустаҳкамланган ғоялар, қадриятлар, ғоялар тизими асосида дунёқарашни шакллантириш функцияси ҳам бор. Президентимиз таъкидлаганидек: “Бу ёруғ дунёда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор. Фарзанд бор экан, одамзот ҳамиша эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди”.

O‘QUVCHI YOSHLARNI MA’NAVIY – AXLOQIY TARBIYALASH MASALALARI

D.Karimova, L.Muhammadiyeva
Navoiy VPKQTMOI o‘qituvchilari

*Ma’naviyat qotib qolgan aqidalaryig‘indisi emas,
aksincha, doimiy harakatdagi uzluksiz jarayon
bo‘lib, taraqqiyot davom etar ekan, uning shiddatli
yurishi tufayli ma’naviy hayot oldiga qo‘yiladigan
talablar ham muttasil paydo bo‘laveradi.*

Islom Karimov

Ilm – fanimizning hozirgi zamondagi dolzarb vazifalaridan biri – yoshlarni ma’naviy – axloqiy jihatdan tarbiyalash, milliy g‘oyamizni nazariy jihatdan yanada takomillashtirishdan iborat. O‘quvchilar ongiga milliy g‘oyani singdirish orqali ularning dunyoqarashini, shaxsiyatini shakllantirish bugunning dolzarb masalasidir.

O‘quvchilar ongiga milliy g‘oyani singdirish bugungi kun ta’lim tizimida olib borilayotgan tarbiyaviy ishlarning markazida turibdi. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2006-yil 25-avgustdagi № PQ 451- sonli “Milliy g‘oya targ‘iboti va ma’naviy-ma’rifiy ishlar samaradorligini oshirish to‘g‘risida”gi qarorida, xalqaro maydonda mafkuraviy, g‘oyaviy va informatsion kurashlar

kuchayib borayotgan hozirgi murakkab va tahlikali davrda ma'naviy-ma'rifiy ishlarni zamon talablari asosida tashkil etish, yoshlarimizni turli mafkuraviy xurujlardan himoya qilish, yurtdoshlarimizning hayotga ongli munosabatini shakllantirish, yon-atrofdagi yuz berayotgan voqealarga daxldorlik hissini oshirish, mamlakatimiz mustaqilligi, tinch, osoyishta hayotimizga xavf tug'dirishi mumkin bo'lgan tajovuzkorlarga qarshi izchil kurash olib borish vazifasi qo'yildi.

Vatanimiz mustaqilligining ma'naviy asoslarini mustahkamlash, milliy an'ana va qadriyatlarimizni asrab-avaylashga, yosh avlod qalbi va ongiga ona-yurtga muhabbat, itsiqloqga sadoqat tuyg'ularini chuqur singdirish masalalariga, ma'naviyat va ma'rifat maskanlari, kutubxona, axborot-resurs markazlari hamda ta'lim dargohlarida alohida ahamiyat berilmoqda.

Axborot globallashuvi davrida bugunga kelib butunjahon internet axborot tarmog'i, mobil aloqa tizimi, kompyuter o'yinlari, video va kino mahsg'ulotlari orqali "ommaviy madaniyat" niqobi ostida milliy manfaatlarimiz, mafkuramiz, ma'naviy-axloqiy qarashlarimizga yot zararli g'oyalarni yoshlar ongiga singdirishga urinishlar ham kuzatilmoqda. Bunday sharoitda o'sib kelayotgan yosh avlodni turli zararli oqimlar, buzg'unchi mafkuralar ta'siridan saqlash, millatimizning ertasi bo'lgan aziz farzandlarimizni har tomonlama barkamol insonlar qilib tarbiyalash jamiyat oldida turgan muhim vazifalardan biri bo'lib qoladi. Buning uchun, eng avvalo, ma'naviyat targ'iboti ishini yanada kuchaytirish, uning samaradorligi va ta'sirchanligiga erishish, yoshlar qalbida milliy tafakkur va sog'lom dunyoqarash asoslarini mustahkamlash, o'z fikriga ega, turli ma'naviy xurujlarga qarshi sobit tura olishga qodir bo'lgan, irodali fidoyi insonlarni tarbiyalash talab etiladi.

Yosh avlodni ma'naviy tahdidlardan himoyalash, milliy qadriyatlarga hurmat ruhida tarbiyalash, bo'sh vaqtlarini mazmunli tashkil etish, qobiliyat va qiziqishlarini to'g'ri yo'naltirib borish bo'yicha kompleks chora-tadbirlarni ishlab chiqish, shuningdek, o'smir yoshlarni mafkuraviy tarbiyalash bugungu kunda dolzarb masalalardan biridir.

Ma'naviy- ma'rifiy tadbirlar yoshlarni ma'naviy - axloqiy, milliy –ma'naviy ruhda tarbiyalashda katta o'rin tutadi. Ta'lim tizimida ma'naviy-ma'rifiy tadbirlarni tashkil qilish va ularning ma'naviy – axloqiy tarbiyaga yo'naltirilganligini ta'minlash ta'lim muassasasi rahbarlarining asosiy vazifasidir.

Ma'naviy- ma'rifiy tadbirlarni tashkil etishda quyidagi jihatlariga rioya qilish maqsadga muvofiq:

- ma'naviy- ma'rifiy tadbirlarda yuqori interaktivlikka erishish;
- o'zini-o'zi tarbiyalash jarayonini tashkil etish;
- tadbirga kompleks yondashish;
- tadbirning ma'naviy – axloqiy, milliy, tarbiyaviy ruhda bo'lishi;
- inson va jamiyat manfaatlariga uyg'unligi kabi jihatlaridir.

Ta'lim muassasalarida dars jadvali asosida ijtimoiy gumanitar fanlar bo'yicha o'tilayotgan mashg'ulotlarda ma'ruza, seminar kabi shakllar bilan chegaralanib qolmasdan, dars jarayonida o'tilayotgan mavzularga oid ma'naviy – ma'rifiy tadbirlarning boshqa shakllaridan ham foydalanib, masalan mavzuli

kechalar, o'tkir zehnlilar bahslashuvlari, ilmiy bahslar, munozara, ijodiy uchrashuv kabi shakllarini ularning tarbiyaviy samaradorligi ham keskin oshadi. Bu usul o'quvchilarning qiziqishlarini o'stirish bilan birga mashg'ulotlarning interfaol bo'lishini ta'minlaydi. Ta'lim tizimida ma'naviy – ma'rifiy tadbirlarni tashkil etishda pedagogdan ilmiy ijodiy yondashuv, talabchanlik, ijodkorlik, tashkilotchilik, jonkuyarlikni talab etiladi. Shu bilan birga o'quvchilarda ham tashabbuskorlik, ijodkorlik, mas'uliyat, tashkilotchilik kabi fazilatlar shakllana boradi.

O'qituvchi ma'naviy-marifiy tadbirlar orqali o'quvchilarda xalqimizning quyidagi milliy xususiyatlarini shakllantirish va rivojlantirishni nazarda tutishi lozim.

- xalqimiz hayotida qadim- qadimdan jamoa bo'lib yashash ruhining ustunligi;
- jamoa timsoli bo'lgan oila, mahalla, el-yurt tushunchalarining muqaddasligi;
- ota-ona, mahalla-ko'y, umuman jamoatga yuksak hurmat etibor;
- millatning o'lmas ruhi bo'lgan ona tiliga muhabbat;
- kattaga hurmat va kichikka izzat;
- mehr-muhabbat, go'zallik va nafosat, hayot abadiyligining ramzi-ayol zotiga ehtirom;
- sabr-bardosh va mehnatsevarlik;
- halollik, mehr-oqibat;

Amalga oshiriladigan ma'naviy –ma'rifiy tadbirlar milliy g'oyamizning asosiy tushuncha va tamoyillari ruhida bo'lib, yoshlarimizda sog'lom dunyoqarash, yuksak vatanparvarlik tuyg'ularini tarbiyalashga, ularning barkamol bo'lib yetishishiga xizmat qilishi, xalqimizning o'z oldiga qo'ygan maqsadlarining to'g'riligiga ularni ishonitirishi kerak. Faqat shundagina har bir tadbir o'zining ma'naviy – mafkuraviy vazifasini bajargan bo'ladi.

БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШГА ДОИР МАЪНАВИЙ- МАЪРИФИЙ ТАДБИРЛАРНИ МАЗМУНАН ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**Ондаева Мавлуда Шомуродовна
Бухоро шаҳар 12 –умумтаълим мактаби директори**

***“Ёшларни тарбиялаш, уларнинг дунёқарашини, маънавий
фазилатларини ўстириш – жамият тараққиётининг негизидир”***

И.Каримов

Ёш авлодни ватанпарварлик, инсонпарварлик каби хислатлар билан бирга диний ва бағрикенглик, юксак маънавият эгаси бўлиш ҳамда бошқа миллатларга нисбатан хурмат билан қарайдиган, инсоний кадр-қимматини

эъзозлайдиган қилиб тарбиялаш биз қураётган буюк давлатчилигимиз пойдевори бўлиб хизмат қилишида, ушбу улкан шарафли, масъулиятли ишларни амалга оширишда ўзаро чамбарчас боғлиқ **уч омил – оила, маҳалла ва таълим муассасалари ҳамкорлиги** муҳим аҳамиятга эга эканлиги инобатга олиниши зарур.

Улар орасидаги самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш ўсмирлар орасида тартиббузарлик, ўғрилиқ, танга жароҳат етказиш, номусга тажоввуз қилиш, гиёҳвандлик ва шунга ўхшаш иллатларнинг олдини олишда, бугунги куннинг маънавий етук ёшларини тарбиялашда ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

1. “Бир болага етти қўшни ота-она” маънавий-маърифий тадбирларининг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб этиш мақсадида Жамоат кенгаши иштирокида таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёнига оид масалаларни муҳокама этишни йўлга қўйиш.

2. Маҳаллаларда жамоатчилик асосида “Ота-оналар университети”ни ташкил этиш. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти асосий йўналишлари бўйича илғор иш тажрибаларини оммалаштириш, ёшларга ибрат бўладиган анъана ва урф-одатларни кенг тарғиб этиш мақсадида оммавий ахборот воситаларида, телевидение ва радио орқали чиқишлар ташкил этиш.

3. Шаҳар ва туман Маънавият тарғибот марказлари, вилоят Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда “Ёшлар маънавий оламини бойитишда адабиёт ва санъатининг ўрни”, “Китоб - билим манбаи ” мавзуида туркум маънавий-маърифий тадбирлар уюштириш.

4. “Қудратимиз – бирлик ва ҳамжиҳатликда” мавзуида шаҳар Байналмилал маданият маркази билан ҳамкорликда маданий тадбирлар ташкил этиш.

КУТИЛАДИГАН НАТИЖА ҚУЙИДАГИЧА БЎЛИШИ МУМКИН:

Биринчидан, таълим муассасалари, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг кўпгина давлат ва жамоат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлиги мустаҳкамланади. Мамлакатимизда истиқомат қилаётган турли миллат вакиллариининг ибратли маданияти ва урф-одатлари билан аҳоли, айниқса ёшлар кенг таништирилади, миллатлараро тотувлик, бағрикенглик тушунчалари чуқурроқ сингдирилади.

Иккинчидан, “Ёшлар маънавий оламини бойитишда адабиёт ва санъатининг ўрни” мавзуида ўтказиладиган туркум маънавий-маърифий тадбирлар жараёнида ёшларда одоб-ахлоқ ва эстетик дид шакллантирилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Баркамол авлодни тарбиялашда оила институти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 175-сонли қарори билан Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги “Оила-маҳалла-таълим муассасаси” ҳамкорлиги Жамоат кенгашининг таркиби, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари ҳузуридаги “Оила-маҳалла-таълим

муассасаси” ҳамкорлиги ҳудудий жамоат кенгашларининг намунавий таркиби тасдиқланди. “Оила-маҳалла-таълим муассасаси” ҳамкорлиги Жамоат кенгашига Халқ таълими вазири раис, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази директори ҳамраис этиб тасдиқланганлиги барча таълим муассасаларининг бу борадаги ишларни изчил амалга оширишларини такоза килади.

Мазкур қарор билан қуйидаги муҳим вазифаларни амалга оширишга эришилади яъни:

- оила, умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ва маҳалла ҳамкорлигининг самарадорлиги ва натижадорлигини таъминлаш;

- оила, маҳалла, таълим муассасалари ҳамкорлигини янада кучайтиришга доир услубий асосларни яратишни ташкил этиш;

- ота-оналарнинг фарзандлар тарбиясидаги ўрни, мажбурияти, масъулияти ва фарзандлар билан ўзаро муносабатларини мустаҳкамлашга кўмаклашиш;

- таълим муассасаларидаги таълим-тарбия сифатини ўрганиш ва уларни янада такомиллаштиришга оид тадбирларни амалга ошириш;

- қонунчилик талабларидан келиб чиқиб, таълим муассасаларига яқин ҳудудларда алкоғолли ва тамаки маҳсулотлари сотилишига йўл қўймаслик бўйича жамоатчилик назоратини ўрнатиш;

- таълим тизимидаги ислохотлар ҳақида ота-оналар ва кенг жамоатчиликнинг узвий маълумотга эга бўлишларини таъминлаш;

- ўқувчи-ёшларнинг зарарли одатлар йўлига киришига сабаб бўлаётган омилларга қарши манзилли профилактик тадбирларни амалга ошириш;

- таълим-тарбия жараёнини ҳамда ушбу соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш юзасидан таклифларни белгиланган тартибда тегишли давлат органларига киритиш;

- ҳудудий жамоат кенгашлари фаолиятини мувофиқлаштириб бориш ишларига асосий эътибор қаратиш.

Мактабда “Оила-маҳалла-таълим муассасаси” ҳамкорлик кенгаши ишларини амалга ошириш механизми:

Ўзаро ҳамкорлик ишларини бошқариш учун жойларда ўз таркибига маҳалла фаоллари, бошқаларга намунали бўла оладиган ота-оналар, таълим муассасаларининг тажрибали ходимлари, маҳалла ҳудудида жойлашган турли ташкилотларнинг ходимларидан иборат ҳамкорлик кенгаши тузиш зарур. Кенгаш йиллик иш режасини тузади ва унда белгиланган масалалар асосида олиб борилган ишларни муҳокама этиб боради. У бир йилда бир марта ҳисобот-сайлов йиғилишини ўтказди. Ҳамкорлик кенгаши маълум бир муддатга мўлжалланган иш дастурини тузиб, уни биринчи йиғилишда тасдиқлатиб олади.

Ушбу режадан тадбирлар, давра суҳбатларида муҳокама этиладиган мавзулар ва шу даврдаги муаммолар ечимини топиш учун белгиланган йиғилиш, анжуманлар таълим муассасалари ҳамда маҳалла аҳлини бирлаштирувчи, уларни соғлом турмуш тарзига етакловчи кўрик-танловлар,

мусобақалар, беллашувлар, учрашувлар ва турли байрам ва тантаналарни ўтказиш тартиблари ўрин олиши мумкин.

Ҳамкорлик кенгаши юқорида кўрсатиб ўтилган барча вазифаларнинг бажарилишини ҳар чоракда таълим муассасаларида ўтказиладиган ота-оналар йиғилишларида вақти-вақти билан таҳлил қилиб боради.

Ҳамкорлик кенгаши раҳбари лавозимига юксак маънавиятли, ташаббускор, ижодкор, тadbиркор, маданиятли кенгаш аъзоларидан бири сайланади.

Муассасалардаги маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари ҳамкорлик кенгашининг ташкилий-педагогик ишлар бўйича ўринбосари ҳисобланади.

Шунингдек барча синф (гуруҳ) раҳбарлари, ота-оналар кўмитаси раислари, милиция таянч пунктлари профилактика инспектори, маҳалла посбонлари, маҳаллий тиббиёт марказининг шифокорлари, маҳалла оксоқоллари, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликнинг профилактика инспектори, йўл-патрул хизмати ходимлари, маҳалладаги диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари, ҳомийлар, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати етакчилари, хотин-қизлар кўмитаси раислари, касаба уюшма раислари, қариялар кенгаш таркибига киритилган. “Оила, маҳалла, таълим муассаса” маркази қошидаги 9 та бўлим раҳбарлари ҳам унга аъзо ҳисобланади, ҳужжатларини юритиш учун котиба сайланган бўлиб, қилинаётган ишларни баёнларини тайёрлаб боради:

- синфлар (гуруҳлар), маҳаллалар сони турлича бўлиши сабабли кенгаш аъзолари сони чегараланмайди;

- кенгашнинг биринчи йиғилишида аъзолар фаолияти, вазифалари тушунтирилади ва улар бажариладиган тadbирлар мазмуни билан таништирилади;

- кенгаш йиғилишининг иш режасида юқоридаги ишлар инобатга олинади ва “Ота-оналар университети”нинг иш режаси тасдиқланади.

“Ҳамкорлик ишларини ташкил этиш ва бошқариш” ҳужжатлари жамланмасида “Таълим тўғрисида”ги Қонун, кадрлар тайёрлаш миллий дастури, эълон қилинган йилларнинг Давлат дастурлари мазмун-моҳияти акс эттирилади, унда қуйидаги ҳужжатлар бўлиши керак:

- Президент фармонлари, фармойишлари, ҳукумат қарорлари, буйруқлар, низомлар, кўрсатмалар;

- таълим муассасаларини ташкил этиш ва бошқариш бўйича низомлар, муассаса низоми;

- ҳамкорлик кенгашининг тизими ;

- маҳаллани бошқаришнинг таркибий тузилмаси;

- ҳамкорлик кенгашининг иш режаси ва йиғилиш баённомалари;

- “ота-оналар университети” иш режаси ва машғулот баённомалари;

- турли хил тавсияномалар (ота-оналар, болалар ва педагоглар учун).

Кенгашда фақатгина таълим муассасаларида олиб борилган ишлар таҳлили, такомиллаштириш масалалари эмас, балки маҳалла миқёсидаги, туман (шаҳар), вилоят, республика миқёсида кўтарилаётган масалалар, зарурий ишлар ҳам муҳокамага қўйилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Фарзандларимизни маънан ва жисмонан баркамол инсонлар бўлиб етишиши, энг аввало, тарбияга, хусусан, ота-оналар тарбияси ва уларнинг саводхонлик даражасига боғлиқ.

Кундалик ҳаётда, ишда, ўқишда, кўчада, турли тадбирларда ўзимизни тўғри тутишни билишимиз айнан ана шу дастлабки тарбиядан ҳосил бўлади. Шундай нақл бор: “Ота-онанинг бурчи фақат фарзандни дунёга келтирганлиги билан эмас, балки яхши фарзанд тарбиялагани билан ҳам белгиланади”.

Бола тарбиясида унинг маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда оиланинг ўрни ва таъсири бекиёсдир. Айнан оилада миллий ифтихор туйғуси шаклланади. Миллий ифтихор эса инсондаги юксак маънавий фазилатларни ҳосил қилади. Ушбу инсоний фазилатлар эса Ватан, унинг истиқболи, миллий манфаатлари билан узвий боғлиқдир.

Катталарга иззат-икром, кичикларга меҳр, ота-оналарга эъзоз, фарзандларга меҳр-муҳаббат каби инсонни инсон сифатида улуғлайдиган, маънавий-ахлоқий жиҳатдан гўзал ва баркамол қиладиган қадриятларимиз ҳар бир фуқаро, айниқса, ёшлар қалбидан мустаҳкам ўрин олиши лозим.

Маълумки, халқимиз азал-азалдан ўзининг болажонлиги, оилапарварлиги билан ажралиб туради. Албатта, фарзандга меҳр қўйиш, унинг қорнини тўқ, устини бут қилиш билан бир қаторда, уларни ёшлик чоғидан бошлаб тарбия, ахлоқ-одоб, юксак маънавият, ўз юртига садоқат каби туйғуларни шакллантириш асосида вояга етказиш доимо долзарб аҳамият касб этиб келган. Бу масалага эътибор бермаслик нафақат оила, маҳалласи учун, балки бутун жамият ривожига тўсқинлик қилиши ва салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлигини ҳам кўпгина ҳаётий мисолларда кузатилган. Зеро, кишининг кундалик ҳаёти ва фаолиятида моддий ва маънавий асослар ҳар доим бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган.

Таълим муассасаларида оила ва никоҳнинг муқаддаслигини англаш, оилани ҳуқуқий асосда қуриш, турли ёт ғояларга берилиб кетмасликдан огоҳ бўлиш, ота-онанинг болалар олдидаги, фарзандларнинг ота-она олдидаги бурч ва вазифаларини сингдиришда ҳуқуқий тарбиянинг аҳамиятлилигини ҳар бир ота – оналар йиғилишларида таҳлил қилиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Таълим муассасасининг тарбиявий соатлар ҳамда маънавият ўқувларида Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексининг 73-моддасида қуйидаги қоидаларидан фойдаланиш самарали бўлади:

“Ота-она ўз болаларини тарбиялаш ҳуқуқига эга ва тарбиялаши шарт.

Ота-она ўз болаларининг тарбияси ва камолоти учун жавобгардир. Улар ўз болаларининг соғлиғи, жисмоний, руҳий, маънавий ва ахлоқий камолоти ҳақида ғамхўрлик қилишлари шарт.

Ота-она ўз болаларини тарбиялашда бошқа барча шахсларга нисбатан устун ҳуқуққа эга.

Ота-она болаларининг қонун ҳужжатларида белгиланган зарур даражада таълим олишини таъминлаши шарт.”

Шунингдек, ушбу Кодекснинг вояга етмаган болаларнинг қуйидаги шахсий номулкӣ ҳуқуқлари кўрсатилган:

- боланинг оилада яшаш ва тарбияланиш ҳуқуқи (65-модда);
- боланинг ота-онаси ва бошқа қариндошлари билан кўришиш ҳуқуқи (66-модда);
- боланинг ҳимояга бўлган ҳуқуқи (67-модда);
- боланинг ўз фикрини ифода этиш ҳуқуқи (68-модда);
- боланинг исм, ота исми ва фамилия олиш ҳуқуқи (69-модда);
- боланинг исми ва фамилиясини ўзгартириш (70-модда).

Ҳар бир бола оилада яшаш ва тарбияланиш, ўз ота-онасини билиш, уларнинг ғамхўрлигидан фойдаланиш, улар билан бирга яшаш ҳуқуқига эга, бола манфаатларига зид бўлган ҳолатлар бундан мустаснодир.

Биобарин, жисмонан соғлом, маънавий етук ва ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялашда оиланинг роли муҳим ҳисобланади. (Синф раҳбарлар мазкур дарсларни ташкил қилганлиги, ўқув режа ва иш юклама бандлари учун юқори самарага эришса, давлат бюджети ва тарбиявий ишлар учун директор жамғармаси томонидан рағбатлантириб борилади).

ТАРИХИЙ ХОТИРА –ЮКСАК МАЪНАВИЯТЛИ ИНСОННИ ТАРБИЯЛАШ ОМИЛИ.

**Ю.Х.Ҳайдаров, БухороВПКҚТМОИ,
“Ижтимоий фанлар ва маънавият асослари”
кафедраси мудири, т. ф.н., доцент**

***Маънавиятини тиклаши, тугилиб ўсган юртида
ўзини бошқалардан кам сезмай, бошини баланд
кўтариб юриши учун инсонга, албатта, тарихий
хотира керак.***

Ислом Каримов.

Мустақиллигимиз сарчашмаларидаёқ, мамлакатимизда тарих фанини ўқитиш масалалсига янгича тарихий тафаккур асосида ёндашувга алоҳида эътибор қаратилди. Собиқ шўро тузуми давридаги қолиплар ва чеклашлардан холи, мустақил юрт фуқароларининг орзу-истаклари ҳамда мақсадларини ўзида акс эттирадиган, тарихий воқеа-ҳодисаларнинг туб моҳиятини ҳаққоний мушоҳада қилишга имкон берадиган тарихий тафаккурни уйғотиш сари дадил қадам ташланди.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг Республика тарихчилари билан учрашуви (1998 йил 26 июнь)да тарих фанини ўрганишнинг концептуал методолигияси илгари сурилди. Юртбошимиз тарихчи олимларга.

“...Давлатимиз, миллатимизнинг ҳаққоний илмий тарихини яратиш кенг жамоатчилигимиз учун ғоят муҳим ва долзарб масалага айланиши лозим”⁴³ лигини уқтириб ўтдилар.

Тарихчи олимлар ўз илмий тадқиқотларини янгича тарихий тафаккур асосида яратишлари ёш авлод онгида маънавий жасорат туйғуларини ўстиришда муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун Юртбошимиз таъкидлаганларидек: “... Давлатчилик тарихимиз туб бурилиш палласига кирган бир пайтда ўзимизнинг замон ва макондаги ўрнимизни аниқ белгилаб олишимиз, насл-насабимиз, кимлигимизни билишимиз керакми-йўқми?”⁴⁴ - деган саволларга жавоб топишни тарихчи олимлар, тарих фани ўқитувчилари, барча зиёлилар ўзларининг долзарб вазифалари, деб билишлари лозим.

2014 йил мамлакатимизда “Соғлом бола йили” деб эълон қилиниши жисмонан тетик, маънавий етук ёш авлодни тарбиялашни ҳам талаб қилади. Фикримизча, ёш авлоднинг тарихий тафаккурини шакллантириш ҳам маънавий соғлом бола тарбиясининг муҳим омилларидан биридир. Бу мақсадга эришмоқ учун ёш авлодга “Биз ким эди-гу, ким бўлдик?” деган риторик саволни ўртага ташлаш ва унинг ечимини баён қилиш зарур бўлади.

Шу сабабли шўро давлатининг Ўзбекистонда амалга оширган иқтисодий сиёсатининг туб моҳиятини ёш авлодга янгича тарихий тафаккур асосида ўргатишнинг аҳамияти бекиёсдир.

Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари талабаларига шўро ҳукуматининг Ўзбекистоннинг табиий бойликларини ваҳшиёна талон-тарож қилганлигига оид мисолларни келтиришнинг ўзиёқ уларда мустақил юртимизда барча жабҳаларда амалга оширилаётган туб ислохотларга меҳр-муҳабатини оширади ҳамда уларни мустақилликни авайлаб-асрашда фидоийлик кўрсатишга ундайди. Негаки, ёш авлод қалбида мустақиллик шарофати билан ер ости ва ер усти бойликларимиз ўзимизники, халқимизники бўлганидан фахрланиш, ғурурланиш ҳис-туйғулари жўш уради.

Ўзбекистонда олтиннинг биринчи қўямаси 1969 йил июнь ойида Зарафшон олтин чиқариш заводида олинган эди.⁴⁵ Республикаимизда ҳар йили 50 тоннага етказиб “сарик металл” эритиларди. Республика олтин етказиб бериш бўйича собиқ Иттифоқда асосий ўринга чиқиб олган бўлиб, умумиттифоқ олтинининг қарийб 50%ини етказиб берарди.⁴⁶

Ўзбекистоннинг ер ости бойликлари (олтин, қимматбаҳо ва рангли металлар, стратегик материаллар, жаҳон бозорида харидоргир бўлган бошқа қимматбаҳо маҳсулотлар)ни сўриб олган Иттифоқ корхоналари нари борса олинган фойданинг бор-йўғи 1% ини маҳаллий бюджетга ўтказишарди⁴⁷. Бу

⁴³ Кримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т, “Шарқ” 1998, 31-бет

⁴⁴ Кримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т, “Шарқ” 1998, 5-бет

⁴⁵ “Правда Востока”, 23 января, 1999г

⁴⁶ “Известия”, 7 декабрь, 1991г

⁴⁷ Хидоятов Г.А. Национальный вопрос в СССР. Т, 1991, с.215

талончилик механизми миллий иқтисодий таг-туғи билан қуриб, ўзбек халқини хонавайрон қиларди. Олтин, нодир рангли металллар, уран ва бошқа стратегик хом ашё фавқуллоҳда махфийлик ниқоби остида ўлкамиздан ташқарига амалда текинга олиб кетиларди.

Биргина Навоий кон-металлургия комбинати кончилари қайноқ қумлар остидан қазиб оладиган бойликлар йилига миллиард долларлаб фойда келтирарди. Унинг қийматини бутун Ўзбекистон воҳасида етиштирилган жами пахта толаси билан қиёсласа бўларди”⁴⁸

Фақат шўро ҳокимиятининг сўнги 15 йили мобайнида “Марказ эҳтиёжлари учун энг кам деганда 35 миллиард долларлик миқдорда пахта ва олтин олиб кетилган.”⁴⁹

Умуман олганда, ана шу даврда марказий минтақаларга олиб кетилган табиий қазилма бойликлар қиймати 75 млрд доллардан ортиқ бўлган Ўзбекистон қишлоқ хўжалик хом ашёсини етказиб бериш ва уни қайта ишлашдан шўро давлатининг олган даромади қарийб 600 миллиард рублни ташкил этган. Фақат 80-йилларда Ўзбекистондан ташқарига ҳар йили 9 миллиард рубллик миқдорда маҳсулот юборилиб турилган. Республика Давлат бюджетига берилган Иттифок дотациялари миқдори эса ўрта ҳисобда 1,5 миллиард рублни ташкил этган.⁵⁰

Ана шундай улкан иқтисодий салоҳиятга эга бўлган Ўзбекистонда мустақиллик арафасида 1700 та мактаб вайрона ҳолатида,⁵¹ 60 фоиз соғлиқни сақлаш муассасалари нобоп биноларга жойлаштирилган, маънавий илдизлари қирқилиб, халқимиз “иккинчи сорт” одамлари саналган, халқимизнинг 50 фоиздан ортиғи ҳаётини ичимлик сувсиз, 83 фоизи табиий газсиз яшашга мажбур этилди. Оналар ўлими 2 баравардан кўпроқ, болалар ўлими эса 3 баравар ортиган мотамсаро туғуруқхоналар кўпайган эди.

Ёш авлод онгида янгича тарихий тафаккурни шакллантириш учун мустақиллик йилларида ўзбек халқининг ижтимоий, иқтисодий, маданий ҳаётида юз берган туб ўзгаришларни шўро даврига нисбатан қиёсий таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратмоқ зарур.

Маълумки, ҳар қандай ўзгариш, аввало, одамлар тафаккурида, онгида бошланиб, тилларига ва амалларига кўчади. Шунинг учун ҳам маънавий соғлом болани тарбиялашда тарихий тафаккурни уйғотиш муҳим ўрин эгаллайди.

Мустақиллик шарофати билан халқимиз ўзининг ер ости ва ер усти бойликларига эга бўлди. Уларни эркин тасарруф қилиш имкониятига эга бўлди. Халқимизнинг иқтисодий ҳаёти турмуш даражаси юкслади. Юксак маънавиятли ёш авлод тарбияланиб вояга етмоқда.

Бугунги кунга келиб Ўзбекистонда ҳар уч оиланинг биттасида шахсий енгил автомобил борлиги, ҳар 100 оилага ўртача 80 та холодильник, 146 та телевизор тўғри келаётганлиги, аҳолининг кир ювиш машинаси, пилесос,

⁴⁸ Кучерский Н. Концерн в пустыне “Звезда востока” 1992, №4 с.6-7

⁴⁹ Каримов И.А. Ўзбекистон: Миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. Т. “Ўзбекистон”, 1196, 271-бет

⁵⁰ “Правда Востока”, 30-ноября, 1989 года; “Экономика и жизнь”, 1990, №5, с.10

⁵¹ Каримов И.А. “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида”, Т. “Ўзбекистон” 2011, 138- бет

микротўлқинли печлар, шахсий компьютер ва бошқа зарур воситалар билан таминланиш даражаси кескин ортиб бораётганлиги ҳақида маълумот бериш ўқувчиларнинг тарихий тафаккурини ривожлантиришга ёрдам беради.

Британиянинг “New Economic Foundation” тадқиқот маркази дунё мамлакатлари аҳолисининг бахтиёрлик индекси кўрсаткичларини ишлаб чиққан. У “Жаҳон бахт индекси” (The Happy Planet Index) деб аталади ва ҳар икки-уч йилда бир марта эълон қилинади.

“Жаҳон бахт индекси” кўрсаткичлари “Friends of the Earth” экологик ташкилоти, World Development Movement” гуманитар ташкилоти ҳамда мустақил халқаро экспертлар гуруҳи билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган. Тадқиқот халқаро ташкилотлар ва миллий институтларнинг таҳлилий ишланмалари, статистикасига асосланган.

Ушбу индекс мамлакатлар аҳолисининг ҳаётдан қониқиши, ўртача умри ва ҳаёти давомида истеъмол қилган табиий ресурслар миқдори кўрсаткичларини умумлаштириш асосида ҳисоблаб чиқилган.

Индексни ҳисоблашда мамлакатнинг иқтисодий кўрсаткичлари инобатга олинмаган. Фонд 2012 йили 151 та мамлакатни ўрганиш натижаларини эълон қилди. Унга кўра, Жаҳон бахт индексининг энг юқори-биричи ўрнини Коста Рика, иккинчи ўринни Вьетнам ва учинчи ўринни Колумбия эгаллаган.

151 та мамлакат занжирида Буюк Британия -41, Япония-45, Германия-46, Франция-50, Швеция-52, Ўзбекистон эса 54-ўринда турибди. Жаҳон бахт индекси энг паст мамлакатлар қаторига Баҳрайн (146), Қатар (149) ва Ботсвана (151) киритилган. Юқоридаги маълумотлар Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида жадал ривожланаётганлигининг эътирофидир.

Ёш авлодни янгича тарихий тафаккур асосида юксак маънавиятли қилиб тарбиялашда шўро даври ва мустақиллик давридаги ижтимоий, иқтисодий ҳамда маданий тараққиёт кўрсаткичларини юқоридаги каби қиёсий таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Тарихий хотира ёшликдан сингдирилади. Ёшлар ўтмиш ҳақиқати-аждодларимизнинг улуғвор ишлари, уларнинг қувонч ва изтироблари, қудрати ва айрим заиф жаҳатлари ўртасидаги зиддиятлардан иборат бўлган яхлит тарихни ўрганиб боришлари зарур.

Тарих сабоқларини ёшлар халқимиз ўтмишининг барча давр ва босқичларидан олиши мумкин. Айниқса, қалбларда миллий ғурур, миллий ифтихор туйғуларини жунбушга келтирадиган бунёдкорлик ишлари, буюк салтанатларни, яратувчилик сиёсатини алоҳида қунт ва қизиқиш билан ўрганадилар.

ЎЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ИШТИРОКЧИЛАРИДА МИЛЛИЙ, МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ЭЪТИҚОД РУҲИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

**Ф.А.Акрамова, Г.Д.Кулдашева
ТВПКҚТМОИ**

Мамлакатимизда таълим ва тарбиямаслаларига катта эътибор берилиши асосида баркамол шахсни камол топтириш ётади. Шу туфайли Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”да: “Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат сиёсати инсонни интеллектуал ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш билан илмий узлуксиз таълим бериш орқали ҳар томонлама баркамол шахс – фуқарони шакллантиришни назарда тутди”⁵² - деб таъкидланади.

Президентимизнинг ҳар бир нутқлари, асарларида ўсиб келаётган ёш авлод давлат келажаги бўлиши ёшлар муаммоларига бағишланиши ва алоҳида ўрин берилиши мустақил Ўзбекистон фуқаролари шахсини шакллантириш, бозор муносабатларига ўтишда содир бўлиши мумкин бўлган маънавий таназзулнинг олдини олиш, юзага келиш эҳтимолини пасайтириш ва соғлом эътиқод, муносабат, дунёқарашига эга баркамол инсон шахсини шакллантиришдаги муҳим вазифалар сирасига киради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” китобларида: «Шуни унутмаслигимиз керакки, келажагимиз пойдевори билим даргоҳларида яратилади, бошқача айтганда, халқимизнинг эртанги куни қандай бўлиши фарзандларимизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишига боғлиқ» (61-бет.); “Фарзандларимизни мустақил ва кенг фикрлаш қобилиятига эга бўлган, онгли яшайдиган комил инсонлар этиб вояга етказиш – таълим-тарбия соҳасининг асосий мақсади ва вазифаси бўлиши лозим ” (61-бет) каби фикрларни келтирилиши мазкур масаланинг нақадар зарурлигини кўрсатади.

Узлуксиз таълим тизимида шахсни камол топтириш унинг маънавияти билан ўзаро боғлиқдир. И.Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” китобларида: “Маънавият – инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир” (19-б.) ва “Маънавиятни тушуниш, англаш учун инсонни тушуниш, англаш керак” (29-б.) каби фикрларининг ифодаланиши шахснинг камол топишида унинг маънавияти, миллий – ахлоқий кадриятларига эътибор кўрсатиш муҳимлиги, шу орқали шахсни жамиятнинг фаол шахсига айлантириш истиқболи белгилаб берилган.

Маънавият инсонга ҳаводек, сувдек зарур. Саҳродаги сайёҳ ҳар доим булоқдан чанқоғини босади. Худди шунингдек, инсон ҳам бетиним изланишлар билан маънавият чашмасини излайди. Оила, ота-она, қариндош-уруғлар, қўни-қўшнилар, халқ, мустақил давлатимизга садоқат ва муҳаббат инсонларга ҳурмат, ишонч, хотира, виждон, эркинлик – маънавиятнинг туб моҳиятини ташкил этади. Мазкур тажрибалар миллий ғурур тушунчаси авлод-аждодларимизнинг маънавий-ахлоқий тарбиясида муҳим ўрин тутганини англатади. Жамият тараққиётини келажагимиз бўлган ёшларни улкан вазифалар ва долзарб муаммоларни бажаришга руҳлантирадиган юксак маънавиятсиз тасаввур этиш мумкин эмас. Ёш авлоднинг фаоллиги, ўз ишига

⁵² Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. – Т.: «Ўзбекистон», 1997 йил. 29 август.

масъулият билан қарай билиши, жамият олдидаги бурчи ва масъулиятини қанчалик чуқур ҳис қила билиши, орзу-умидларини истиқлол мақсадлари ва манфаатлари билан боғлай олиши унинг юксак маънавий камолоти билан бевосита боғлиқ. Агар юксак маънавият бўлмаса мустақиллик ҳам, тараққиёт ҳам, келажак ҳам бўлмайди. “Халқнинг маънавий руҳиятини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, - дейди Республикамиз Президенти ўзининг “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли” асарида, - Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифасидир. Маънавият шундай қимматбаҳо меваки, у бизнинг қадимий ва навқирон халқимиз қалбида бутун инсониятнинг улкан оиласида ўз мустақиллигини тушуниб етиш ва озодликни севиш туйғуси билан биргаликда етилган”. Маънавият авлод-аждодларимиз, ота-боболаримиздан бизларга қолган энг катта, энг бебаҳо бойлик, битмас-туганмас хазиналар қонидир. Халқимизнинг маънавий пойдевори жуда қадимий ва мустаҳкамдир. У бир неча минг йилликларга бориб тақалади. Буни ҳеч ким инкор қила олмайди. “Асрлар давомида ақлу заковати ила бунёд этган бой маънавияти туфайли, - дейди Президентимиз, - халқимиз мағрур яшади, меҳнат қилди, доимо хуррият ва эрк сари интилди”.

Маънавий баркамоллик бўлган жойда тараққиёт бўлади, одамлар ўртасида тенглик, биродарлик, ҳамкорлик, адолатга асосланган муносабатлар қарор топади. Маънавият инсонда, энг аввало, она сути, она алласи, она меҳри ва таълим-тарбияси, ота намунаси, авлоду аждодлар ўғити, оқилу доно сўзлари, ҳаётнинг бой тарихий сабоқлари таъсирида шаклланиб, ривожланиб такомиллашиб боради. Юртбошимиз ана шуларнинг ҳаммасини назарда тутиб, “Маънавият инсонга она сути, ота намунаси, аждодлар ўғити билан бирга сингади”, - деган чуқур фалсафий фикрларни илгари суради. Ўз халқининг тарихи ва маданиятини, одоб-ахлоқини, миллий қадриятларини пухта билмаган кишида маънавият бўлмайди.

Ёш авлодни миллий истиқлол ғояси асосида ижтимоий-педагогик, маънавий-маърифий, маънавий-ахлоқий, маданий-эстетик тарбиялашда қуйидагиларга эътибор қаратиш зарур деб ҳисоблаймиз:

1. Узлуксиз таълим тизимининг барча бўғинларида таълим мазмуни ва тўпланган бой илмий ахборотлар орасида узилиш вужудга келмоқда. Шунинг учун замонавий таълим тизими ўқувчи шахсининг шахслик сифатиغا, биринчи навбатда, маънавияти юксалишига алоҳида эътибор қаратиши талаб қилинади.

2. Ҳозирги вақтда ахборот ва коммуникация технологияларини ривожлантириш ҳамда кенг кўламда қўллаш жаҳон тараққиётининг глобал тенденцияси ҳисобланади. Янги технологиялар, ахборотлаштириш жараёни тез суръатлар билан ривожланаётган айни даврда таълим соҳасида, хусусан, ўсиб келаётган ёш авлод тарбиясида илгор педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланиш ижобий самара беришига имкон яратиш зарур бўлади.

Шундай экан, биз педагог ва ўқитувчилар таълим олувчи шахсида маънавий-ахлоқий эътиқод руҳини шакллантиришда халқимизнинг миллий хусусиятлари: ахлоқийлик, ўз-ўзини англаш, миллий туйғу, миллий

маданият, миллий ғоя, миллий кийиниш ва юриш-туришдаги хусусиятлари каби кўринишлари асосий ўрин тутишини ёшларимиз онгига сингдиришимиз лозим.

Миллий маънавият миллатнинг ўтмиши, бугуни ва келажагини камрайди, уларни яхлит тизимда тутиб туради. Ўтмиш аجدодларимиз мероси бугунги жаҳон даражаси билан уйғунлаштирилса, мамлакатимиз келажаги куртаклари униб чиқади, келажак сиймоси шаклланади.

Узлуксиз таълим тизими иштирокчиси шахсида маънавий-ахлоқий эътиқод руҳини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади, бу ўз навбатида уларнинг хулқ-атворида, эътиқод-иймонида, фикр-мулоҳазасида, мушоҳада – мулоқатида намоён бўлади.

АБДУЛЛА АВЛОНИЙ БОЛА ТАРБИЯСИ ҲАҚИДА

**Ш.Усанов, “Педагогика, психология ва педагогик менежмент” кафедраси мудири
Анорхол Бойматова, катта ўқитувчи
ТШПКҚТМОИ**

Буюк педагог – олим, маърифатпарвар шоир Абдулла Авлониёв ҳам тарбияга бағишлаб кўплаб асарлар ёзган. Жумладан, унинг “Жаҳолат курбони” номли шеърӣ ҳикоясида тарбияга алоҳида эътибор берилган. Айниқса, мактабгача ёшдаги болаларнинг келажакда қандай инсон бўлиб етишишига таъсир этадиган омиллар кўрсатиб ўтилган.

Абдулла Авлониёвнинг таъкидлашича, атроф-муҳит, оилавий шароит, теъарак- атрофдаги кишиларнинг таъсири кичик мактаб ёшдаги болаларнинг одобли ва одобсиз бўлиб ўсишига сабаб бўлади. Мактабгача ёшдаги болаларга нисбатан талабчан бўлмаслик, уларнинг хатти-ҳаракатларини ўз вақтида назорат қилмаслик кўнгилсиз воқеаларга сабаб бўлади.

Абдулла Авлониёвнинг таълим ва тарбия ҳақидаги “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” номли асари катта тарбиявий аҳамиятга эга.

Авлониёв мактабгача тарбия ёшидаги болаларга уларнинг кичиклигидан бошлаб ахлоқ ва одобга оид тарбия бериш кераклигини таъкидлайди. Унинг фикрича, мактабгача ёшдаги болаларда ахлоқий сифатларининг таркиб топишида муҳит, шароит ҳамда атрофдаги кишилар ғоятда катта роль ўйнайди. Ахлоқли кишилар болаларга илк ёшлиқдан ижобий таъсир кўрсатиб, уларнинг меҳр-шафқатли, софдил, камтарин, хушмуомалали, одобли бўлиб ўсишларига сабаб бўладилар. Авлониёв “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” асарида тарбияга таъриф бериб, унинг моҳиятини очиб беради: “Тарбия”, “педагогия”, яъни “бола тарбиясининг фани демакдур. Боланинг саломати ва саодати учун яхши тарбия қилмоқ, танни пок тутмоқ, ёш вақтидан маслакни тузатмоқ, яхши хулқларни ўргатмоқ, ёмон хулқлардан асраб ўстирмоқдур. Тарбия қилувчилар табиб кабиларки, тарбияни боланинг вужудидаги жаҳл маразига яхши хулқ деган давони ичидан, поклик довони устидан беруш, катта қилмоқ лозимдур”.

Халқимизда бола тарбиясида оиланинг бекиёс ролини кўрсатувчи нақллар бор. Атоқли педагог, маърифатпарвар Авлоний бу нақллардан ўринли фойдаланган ҳолда, боланинг келгусида қандай одам бўлиб етишуви, биринчи галда, оилада унга бериладиган тарбияга боғлиқлигини қайд этади. Айниқса, бунда тарбиявий таъсир этувчи оила муҳити, ота-оналарнинг ибратли намунаси ҳал қилувчи аҳамиятга эга деб уқтиради. Чунончи, у яхши ва ёмон хулқ ҳақида гапириб, шундай дейди: Агар нафаси тарбият топиб, яхши ишларни қилурга одат қилса, яхшиликка таъсир бериб “яхши хулқ” агар тарбиясиз ўсиб, ёмон ишлар ишлайдурган бўлиб кетса, ёмонликка тавсиф бўлиб “ёмон хулқ” деб аталур. Инсондаги қобилиятни камолотга еткурмак тарбия ила бўладур.... “Қуш уясида кўрғонини қиладур”. Инсон жавҳари қобилдур. Агар яхши тарбия топиб, бузук хулқлардан сақланиб, гўзал хулқларга одатлануб катта бўлса, ҳам ким қошида мақбул, бахтиёр бир инсон бўлиб чиқар. Агар тарбиятсиз, ахлоқи бузилиб ўсса ҳар хил бузук ишларни қиладурган, нодон, жоҳил бир расвой олам бўлиб қолур.....

Авлоний кишилар ўртасидаги чин дўстлик, меҳр-оқибат ва садоқатни улуғлайди. Зотан, бу улуғ сифатларга эга бўлган кишиларга ҳаёт доимо кулиб боқади; ўзаро иттифоқлик, оғир ишларда бир-бирига мададкорлик, ўзаро ҳурмат, меҳр-шафқат; мусибатли дамларда руҳан ҳамдардлик – буларнинг ҳаммаси яшамокдан маъно, яхшиликка олиб боровчи мурод-мақсаддир. Бу тўғрида Авлоний ёзади: “Дунёдаги инсонлар меҳр ва мурувват соясида яшарлар. Ҳар бир ишни муҳаббат орқасида ишларлар. Муҳаббатсиз киши ҳеч бир ишни ишламакга на ғайрат ва жасорат қилолмас, дунё неъматларидан лаззат ололмас.... Ер юзасидаги инсонларни қовушдурғон нарса миллатларнинг, ватан ва давлатларнинг муҳаббатидир”.

Авлоний болаларни кичиклигидан одамларга меҳр-муҳаббатли қилиб ўстириш, уларнинг қалбида, ҳисси-онгида ватанпарварлик, инсонийлик, меҳр-шафқат туйғуларини ҳосил қилиш лозимлигини таъкидлайди.

Авлоний камтарликни инсон фазилатининг кўрки деб баҳолайди ва бундай фазилат эгалари элу юрт орасида доимо ардоқли ва ҳурматга сазовор бўлишларини қайд қиладди. Педагог олим камтарликни виқор маъносида қўллар экан, бу фазилатнинг улуғлигини қуйидагича таърифлайди: “Виқор деб, кибр ва ғурурдан, манманликдан ўз нафсини сақламакни айтилур. Виқор киши ёмон хулқлардан пок бўлишида, адолатли, ишда, сўзида, тўғри, шафқат ва марҳаматли соф қалбли, арслон юракли бўлишида муҳимдир. Виқор одамгарчиликнинг мадори, ифтихори, инсониятнинг ҳомийи эътиборидур”.

Манманлик, ўзини бошқалардан катта тутиш, ўзгаларни менсимаслик, кеккайиш камтарликнинг акси бўлиб, халқнинг ғазаб ва нафратини уйғотувчи иллат ва қусурдан бўлак нарса эмас. Манманлик – худбинликнинг ўзгинасидир.

Авлоний кишилар ўртасидаги дўстликни, садоқатни улуғлайди; ҳақиқий мунис – меҳрибонлик, аҳдига вафодорлик, зарур пайтда эътиборлилик, чин садоқат, ростгўйлик ва ҳаққонийлик дўстлик ишларини мустаҳкам боғловчи, дўстлик - биродарлик туйғуларини оширувчи яхши

сифатлар эканлигини таъкидлайди: “.... Дунёнинг лаззати содиқ дўстлар ила суҳбат қилмоқдан иборатдур... Чин дўст бўлган киши бошинга кулфат ва қайғу келган вақтларда сен билан баробар қайғурур, хотирангдаги қайғуни бўлушиб олур. Сирингни баҳл ва нодон кишиларга айтма, ҳақиқий дўст айбингни орқангдан сўйламасдан юзинга айтур. Ёлғон дўст сендан бир фойда умидида ёки бошига келган зарарни қайтармак учун мунофиқона дўстлик қилур”.

Абдулла Авлоний инсонпарварлик ғояларини илгари суради; вафо, ақл, ахлоқ, эзгулик ва муҳаббатнинг улуғ қудрат деб билади. Авлоний “Яхши хулқли кишилар” деб атаган инсонлар Ватанига хизмат қилувчи, меҳнатсевар, виждонли, софдил, тўғри сўз ва мурувватли кишилардир.

Абдулла Авлоний каби улуғ сиймоларнинг ахлоқий таълимоти мактабгача ёшдаги болаларни меҳнатсеварлик, камтарлик, ростгўйлик, хушмуомалалик, дўстлик-ўртоқлик, чинакам инсонпарварлик, кишиларга меҳр-шавқатлик руҳида тарбиялашда дастуруламал бўлиб хизмат қилади.

ЁШЛАРНИНГ ЖАМИЯТДА МУНОСИБ ЎРИНГА ЭГА БЎЛИШ МАСЪУЛИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

**Тошкент ВПКҚТМОИ,
катта ўқитувчиси Б.Саломова,
Сурхондарё ВПКҚТМОИ
катта ўқитувчиси Г.Саломова**

Мустақиллик йилларида мамалакатимиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-мафкуравий ҳаётида мисли кўрилмаган катта ютуқларга эришилди. Ижтимоий ҳаётда рўй бераётган ва кучли илмий асосда олиб, борилаётган ислохотлар миллат, мамалакат ва Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқароси манфаатларини кўзлаб олиб борилаётганлиги учун ҳам эътиборли бўлмоқда.

Халқимиз, айниқса ёшларимиз мамалакатимизда барпо этилаётган жамият –хукуқий, инсонпарвар, демократик давлат талабларига мутаносиб равишда ўзларини ривожлантиришга устувор аҳамият бермоқдалар. Бундай жараёнда, айниқса, маънавият масаласига кенг эътибор қаратилмоқда. Маънавият жамият фуқаролари, айниқса, ёшларни эски тузум асоратларидан халос этувчи, шахсни тарбияловчи, уни уюштирувчи, мақсад йўлида бирлаштирувчи буюк кучга айланиб бормоқда.

“Менинг назаримда,- дейди И.Каримов,- “маънавият” тушунчаси жамият ҳаётидаги ғоявий, мафкуравий, маърифий, маданий, диний ва ахлоқий қарашларни ўзида тўла мужассам этади. Шунинг учун ҳам бу мавзуда фикр юритганда, мазкур қарашларнинг барчасини умумлаштириб, кенг маънодаги “маънавият” тушунчаси орқали ифода этиш мумкин”

Мамлакатимиз ижтимоий ҳаётининг ҳозирги даврида ёшлар тарбиясига эътибор тобора кучайиб бормоқда. Бунинг қатор сабаблари борки, уларни

маънавий-маърифий, ахлоқий-мафкуравий ишда эътиборга олмаслик мумкин эмас.

Биринчидан, мамалакатимиз том маънода ёшлар мамалакати ҳисобланади. Ёшларнинг ижтимоий-маданий эҳтиёжини қондириш, юксак маънавий-мафкуравий билимини шакллантириш ҳозирда жуда зарур бўлиб қолмоқда.

Иккинчидан, дунё тобора глобллашиб бормоқда. Дунёнинг турли бурчакларидан “оммавий маданият” деб номланган ҳодиса бизнинг юртимизга ҳам кириб келмоқда. Президентимиз И.Каримов таъкидлаганидек, “оммавий маданият” деган никоб остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни қўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлар одамни ташвишга солмай қўймайди”

Айрим ёшларимизда бундай “маданият”га берилувчанлик кайфиятлари йўқ эмас. Қолаверса, дунё глобллашуви табиий жараён. Унинг яхши, ибратли томонлари ҳам йўқ эмас. Кучли ахборотлашув, маълумотлар оқими зўрайган ҳозирги даврда фақат ҳиссиётга эмас, балки, ақлга суяанган ҳолда иш тутишгина ёшларимизнинг адашмасдан ўз йўлини топишга имкон бериши мумкин.

Учинчидан, мамлакатимиз мустақиллик йилларида жудда катта, залворли ютуқларга эришганига қарамасдан айрим фуқароларда, асосан, аҳолининг катта ёшдаги маълум қисмида ўтмишни қўмсаш ҳолатлари ҳам йўқ эмас. Бу нарса ёшларимиз маънавий қиёфасини шакллантиришга халақит қилмоқда. Демак, ёшлар тарбияси айти пайтда ўзини ривожлантиришга эҳтиёж сезмаган айрим катта ёшдагилар тарбияси билан ҳам ҳамоҳангдир.

Тўртинчидан, ёшлар маънавиятини шакллантириш уларнинг тафаккур тарзини бойитиш билан бевосита боғлиқдир. Ҳар бир ёш йигит-қиз ўз шахсий режасини жамият ижтимоий мўлжали билан ўйғунлаштирмас, ижтимоий фаоллик даражасини оширмас экан, бундай ҳолда тафаккур эврилиши ҳақида гапиришнинг фойдаси йўқ. Қолаверса, ёшлар ҳуқуқий саводхонлигини оширмасдан туриб, уларнинг маънавий дунёсини бойитиш ҳам мумкин эмас.

Бешинчидан, ҳозирги дунёда қадриятлар трансформацияси содир бўлмоқда. Илгари биз учун муқаддас ҳисобланган айрим қадриятлар ўз умрини яшаб бўлаяпти. Янги замонавий қадриятлар юзага келмоқда. Уларни эътиборга олмаслик ҳозирги мураккаб мафкуравий муҳитда ёш йигит-қизда ўзининг “мен”ини йўқотишга олиб келиши мумкин. Айти пайтда айрим ёшлардаги конформастик, яъни эргашувчанликдан иборат дунёқарашни ислоҳ қилиш зарурати туғилмоқда. Билиб-билмасдан, кўр-кўрона эргашувчанлик, масаланинг мазмун-моҳиятига эмас, шаклига эътибор-буларнинг бари ёшлар маънавиятининг шаклланишидаги тўсиқлардир.

Олтинчидан, ёшлар маънавиятининг шаклланиши уларнинг дунёда ва мамалакатимизда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни экспертизадан ўтказиш

салоҳияти ҳамда мамалакат ва миллат тақдирига ўзининг қай даражада дахлдорлигини ҳис этишга боғлиқдир. Бу борада сўнгги йилларда жуда кўп ишлар бажарилди, ёшларимиз дунёқарашида сифат ўзгаришлари юз берди.

Айни ҳолда бажарилиши лозим бўлган ишлар ҳам кўп. Буларнинг бари 2014 йилнинг “Соғлом бола йили” деб эълон қилиниши билан ҳам бевосита боғлиқдир.

ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ЭКОЛОГИК МАЪНАВИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

**Р.Алматова
ТШПКҚТМОИ**

Атроф муҳитнинг мусавффолигини сақлаш, табиатга нисбатан масъулият билан муносабатда бўлиш бутун инсоният олдида турган ҳаётий масалалардан бирига айланди. Бизнинг давримизда инсон қудратли ижтимоий ва иқтисодий куч бўлиб, табиий жараёнларнинг бориш тартиби ҳамда табиий бойликларнинг миқдори ва сифатига таъсир қилувчи, уларни ҳам сифат, ҳам миқдор жиҳатдан ўзгартирувчи омил бўлиб қолди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ушбу масалани умумбашарий аҳамиятини эътироф этган ҳолда қуйидаги фикрларни билдирди: “Экологик хавфсизлик муаммоси аллақачонлар миллий ва минтақавий доирадан чиқиб, бутун инсониятнинг умумий муаммосига айланди. Табиат ва инсон ўзаро муайян қонуниятлар асосида муносабатда бўлади. Бу қонуниятларни бузиш ўнглаб бўлмас экологик фалокатларга олиб келади”. Ўзбекистонда экологик ҳаракатни ташкил этилиши 2009 йил ва ушбу ҳаракатдан ўзбекистон парламенти қуйи палатасига 15 нафар депутатнинг сайланиши, сайланган депутатлар қонунчилик палатасида қабул қилинаётган қарорлар муҳокамасида фаол қатнашаётганлиги экологик таълим –тарбиянинг ўта долзарблигидан далолат беради.

Ўқувчиларга атроф –муҳит муҳофазаси ҳақида билим бериш, уларнинг экологик маънавиятини шакллантиришда узлуксиз экологик тизимнинг яратилиши, ўқув жараёнини маълум мақсад сари йўналтиришни таъминлайди ҳамда ўқувчи шахсини баркамол инсон сифатида вояга етишига ижобий таъсир кўрсатади. Умумий ўрта таълим, дейилади Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида ўқувчиларнинг фан асослари бўйича мунтазам билим олишларини, уларда билимларни, миллий ва умумбашарий қадриятларга асосланган маънавий–ахлоқий фазилатларни, меҳнат кўникмаларини, ижодий фикрлаш ва атроф–муҳитга онгли муносабатда бўлишни ва касб танлашни шакллантиради. Шу муносабат билан республикамиз барча таълим–тарбия муассасаларида ёш авлодни экологик маънавиятини шакллантиришда дарс машғулотларида ҳамда синфдан ва мактабдан ташқари машғулотларда экологик таълим–тарбияга катта аҳамият берилган. Синф ва мактабдан ташқари олиб бориладиган экологияга оид тадбирлар ўқувчиларни бўш вақтларидан унумли фойдаланишларига, айниқса уларни бошқа салбий йўлларга кетмасликларига ёрдам беради. Синфдан ва мактабдан ташқари

тадбирлар ўқувчиларнинг билимларини чуқурлаштириш, уларда экологик фаол кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш, уларнинг экологик маънавиятини қарор топтириш, умумий эътиқод ва дунёқарашларини шакллантиришда катта имкониятларга эга. Мактабларда ўқувчиларнинг экологик маънавиятини шакллантиришда синфдан ва мактабдан ташқари ўтказилаётган турли шакллардаги ўтказилаётган тадбирларнинг ўрни бекиёс. Масалан: табиатни кузатиш, экобинго ўйини, суҳбатлар, учрашув, мусобақа, викторина, экологик ҳафталиклар, ойликлар, давра суҳбатлари, “Биоэкосан” клублари ишлари, “Ёш эколог” тўгараги, “Экология ва инсон” клуби иши, саёҳатлар, экспедициялар, экологик илмий тадқиқот ишлари, деворий газеталар, рефератлар тайёрлаш, расмлар кўргазмалари ва ҳ.к.

Экологиядан синфдан ташқари тадқиқот ишларини олиб бориш мобайнида ўқувчилар инсоннинг табиатга бўлган таъсир меъёри, уларнинг ўзаро таъсири, табиатдан фойдаланишдаги хатоларни тузатиш йўллари билиб олишлари мумкин.

Экологиядан ўқувчилар билан тадқиқот ишларини олиб боришдан мақсад:

- биологик ва экологик қонуниятларни, тирик организмлар ўртасидаги боғланишларни, эволюцияни, турларнинг турли-туманлик сабабларини, турли табиий жараёнларни кечишидаги сабаб-оқибат қонуниятларини тушунадиган, экологик билимли инсонларни шакллантириш;

- табиат, жамият ва ер юзидаги асосий бойлик бўлган барча тирик нарсалар билан уйғун муносабатда бўладиган ёшларни тарбиялашдан иборат.

Экологиядан синфдан ташқари ташкил қилинадиган тадқиқот ишларининг шакллари турли-туман бўлиб, улардан бири илмий-тадқиқот лойиҳаларини тузиш. “Лойиҳа” сўзини “ижодий текшириш топшириқлари”, “тадқиқот муаммолари ечими” деб тушуниш мумкин. Илмий-тадқиқот лойиҳалари гуруҳларда ишлаш ҳамда яқин тартибда ишлашга мослаб тузилиши керак.

Экология бўйича ҳар қандай лойиҳанинг бошқалардан фарқ қилувчи хусусияти унинг амалий йўналганидир. Лойиҳага кўра, ўқувчилар кузатиш ва табиий экологик қонуниятларни текширишдан ташқари юзага келган муаммоларни ечиш йўллари бўйича таклифлар қилиш, экологик вазиятни яхшилашга оид тавсиялар бериш ва уларни амалиётда қўллаб кўриш имкониятига эга бўладилар. Бундай ёндоқиш ўқувчиларнинг экологик муаммолар ечимини топишга бўлган қизиқишларини оширади ва атрофдаги нарсаларга нисбатан жавобгарлик ҳиссини тарбиялайди.

Ўқувчилар билан ўсимликлар устида тажрибалар олиб бориш, иссиқхона ва мактаб тажриба майдонларида тажриба ишларини олиб бориш ўқувчиларда амалий ҳўжалик фаолияти кўникмаларини таркиб топтиради. Улар ўз қўллари билан ишни бажариб, меҳнат натижаларини ўзлари баҳолайдилар. Шу билан бирга ўқувчиларнинг ўзлари экиб ўстирган ўсимликларга нисбатан эҳтиёткорона муносабатлари тарбияланади.

Агар ўқитувчи ижодкор ва изланувчан бўлса, ўқувчининг билим даражаси ҳам баланд бўлади. Ўқитувчиларимиз бугунги замон талабларига

мос билимлар соҳиби, янгиланган таълим мазмунини эгаллаган бўлишлари керак.

«Педагог ходимлар ўзларининг касб кўникмалари ва муаллимлик маҳоратларини доимо такомиллаштириб боришлари шарт», - деб таъкидланади «Таълим тўғрисида»ги қонунда.

Педагог ходимлар ўзларини касб кўникмалари ва касбий маҳоратларини малака ошириш институтида оширадilar. Умумкасбий фанлар, ижтимоий фанлар, мутахассислик курслари қатори долзарб мавзулар, муаммолар курс тингловчилари учун давра суҳбатлари, конференция, баҳс мунозара ва амалий машғулотлар тарзида ўтказилади.

Педагогик ижодкорлик манбаи педагогик тажрибадир. Педагогик тажриба муаммоларга, муаммоли вазиятга жуда бойдир. Илғор педагогик тажриба деганда ўқитувчининг ўз вазифасига ижодий янгича ёндошиши, ўқувчиларнинг таълим тарбиясида янги самарали йўл ва воситаларни қидириб топа билиш тушунилади. Ижодий ишлайдиган ўқитувчи тадқиқотчилик кўникма ва малакаларга ҳам эга бўлиши зарур, чунки ҳозирги замон фан ва техника тараққиёти ўқитувчининг ижодкор бўлишини, фаннинг муҳим муаммолари юзасидан эркин фикр юрита олиши ва ниҳоят ўқувчиларни ҳам ижодий фикрлашга, тадқиқот ишларига ўргатиш ва жалб этишни талаб қилади.

БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ: ЎҚУВЧИ МАЪНАВИЯТИНИ ШАКИЛЛАНТИРИВЧИ ОМИЛ

Дилдора Пулатова
“Мактабгача ва бошланғич таълим”
кафедраси катта ўқитувчиси

Ўзбекистон Республикасида тараққиётнинг бош мезони сифатида баркамол авлод тарбиясига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўсиб келаётган ёш авлодни жамият манфаатлари ва эҳтиёжлари билан яшаш руҳида тарбиялаш - ҳар бир педагогнинг вазифасидир. Мактаб ўқувчиларининг Камалак ва Камолот ташкилотларидаги ижтимоий ҳаётини такомиллаштириш тажрибаси босқичлари тўғрисида гапириб, биз жамоатчиликни тарбиялашда асосий ғояларимизнинг туғилиши ва ривожланишини кўрсатамиз, бу муносабатларни шакллантиришнинг аниқ методикасини очиб берамиз.

Биз аминмизки, бу муносабатларнинг моҳияти – яқин ва узоқ кишилар тўғрисида, ўраб турган муҳитни, интилишни ва қобилиятни яхшилаш тўғрисида ўртоқларча ғамхўрлик қилиш, ўзини камолга етказиб, билим ва малакаларини бойитиб, уларни умум ишига сарфлашдан ва бунда киши ҳаётининг мазмунини, бахт саодатнинг ҳал қилувчи омилини кўришдан иборатдир.

Бизнинг кўп йиллик тажрибамиз шуни кўрсатадики, инсонларга қувонч ва фойда келтирувчи умумий ишгина ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро

хамкорлигини мустаҳкамлайди, бунда уларнинг ҳар бири ўзидаги энг яхши жиҳатларини намоён қилади ва ўстириб боради. Бироқ бу ўз-ўзидан эмас, балки педагогларнинг жамоатчилик, ахлоқий ва тарбиявий муносабатларни яратиш ва ривожлантириш тўғрисида махсус ташкил қилинган ғамхўрликлари туфайли вужудга келади. Шунинг учун ўқитувчининг ўз фаолиятида болаларга дўстона муносабати, яъни катта ўртоғи бўлиши жуда муҳимдир.

“Таълим тўғрисида”ги қонуннинг ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг такомиллашган, жаҳон андозаларига мос келадиган вариантлари яратилди ва жуда кўплаб давлатларнинг таълим соҳаси ходимлари томонидан эътироф этилмоқда. Бу қонун ва дастурлар мамлакатимизда босқичма-босқич ҳаётга тадбиқ этилмоқда.

Ўқувчиларда уларнинг бир-бирларига ғамхўрлик, инсонпарварлик, иймон ва инсоф, меҳр-оқибат, шафқат ва раҳмдиллик, уят ва андиша, орномус, ўзаро ҳурмат каби олийжаноб сифатларни тарбиялаш педагог зиммасидаги масъулиятли вазифалардан биридир. Ўқитувчи боланинг ижтимоий аҳволи, оилавий муҳити, оиласида қандай тарбия олиши ҳақидаги масалалар бўйича ҳар бир бола хусусида атрофлича маълумотга эга бўлади. У юқорида санаб ўтилган олийжаноб сифатларни ўқувчи онгига, тарбиясига сингдиришда албатта ана шу томонга эътиборни қаратмоғи лозим.

Келажак маънавиятли инсонлар кўлида бўлмоғи керак. Инсон маънавиятини юксалтирмасдан туриб, халқимиз ҳаёти ва турмушини юксалтиришда, ҳамда мамлакатимиз тараққиётида муваффақиятларга эришиш қийин. Ҳаёт ўз варақларини саҳифалагани сайин маънавият, маданият, маърифат. Қадрият каби миллий бойликлар ўз ҳажмини кенгайтириб бораверади. Ўз мазмун моҳиятини сақлаб қолиш эса ёш авлод кўлидадир. Биз педагоглар ана шундай маънавияти соғлом авлодни тарбияламоғимиз лозим. Муҳтарам президентимиз И.Каримов «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» асарида таъкидлаганидек «Халқнинг маънавияти ва маданияти, унинг ҳақиқий тарихи ва ўзига хослиги қайта тикланаётганлиги жамиятимизни янгилашиш ва тараққий эттириш йўлидан муваффақиятли олға силжишида хал қилувчи, таъбир жоиз бўлса, белгиловчи аҳамиятга эгадир...». Ҳақиқатан фақат маънавий эркин ва озод халқ теран ва комил тафаккур туфайли ҳар соҳада катта ютуқларга эришиши мумкин. Маънавияти соғлом авлод деганда фақатгина жисмонан бақувват фарзандларимизни эмас, балки маънавий бой авлодни, аклий ривожланган, ахлоқий пок, маърифатли фарзандларни, авлодни тушунмоғимиз керак. Юксак ватанпарварлик, элига ва халқига садоқат каби қадриятларни ва ғояларни мужассамлаштирган бўлиши лозим. Юртбошимиз ўз маърузаларида эркин фуқаро, озод шахс, баркамол инсон ҳақида тўхталиб, куйидаги тўрт жиҳатга эътиборни қаратди, яъни ҳар бир фуқаро:

- ўз ҳақ-ҳуқуқларини танийдиган бўлиши, бунинг учун курашиши;

- ўз кучи ва имкониятларига таянадиган ҳамда имкониятларини ишга солиб, самарасини кўриши;

- атрофида содир бўлаётган воқеа-ходисаларга мустақил муносабат билдира олиши;

- шахсий манфаатини мамлакат ва халқ манфаати билан уйғун холда кўриб, фаолият юритиши;

Булар баркамол инсон фазилатлари ҳақидаги аниқ ва тўлиқ таърифдир.

Маънавий баркамол инсон шон-шухрат, мансаб, моддий бойлик кетидан қувмайди, моддий қийинчиликларга дуч келганда қадди букилмайди, ҳар хил оқимларга заифлик қилмайди. Юксак даражадаги маънавиятга эга инсон-фидойилик, жасорат, мардлик, ўз халқини севиш, Ватанни қадрлаш, аجدодларидан фахрланиш каби олийжаноб фазилатлари билан ажралиб туради. Инсоннинг инсонлиги, биринчи навбатда унинг маънавий-ахлоқий жихатдан баркамоллиги, поклиги билан белгиланади. Маънавий-ахлоқий баркамолликнинг асосий қирраларига юқорида билдирилган фикрлардан келиб чиқиб, қуйидагиларни киритиш мумкин:

-ота-онаси, фарзандлари, кариндошлари, хуллас, бутун оила аъзолари, кўни-кўшнилари, маҳалла-қуй, қишлоқдошлари ва бутун мамлакат халқ фаровонлиги ҳақида қайғуради;

-теварақ-атрофдаги инсонлар унга керак бўлганлиги сингари, ўзи ҳам уларга керакли бўлишга интилиши, одоб-ахлоқи, феъл-атворини ёқимли қилишни инсоний бурч деб ҳисоблаши;

-ота-боболаридан, аجدодларидан ёдгор бўлиб қолган маданий меросни қадрлаши;

- етти авлодини таниши;

-миллий қадриятларни эъозлаш ва уларга содиқ бўлиб қолиш, ватанпарварлик, халқпарварлик, инсонпарварлик туйғуларининг барқарор бўлиши;

-ўзаро муомала-муносабатда ўрнак бўлишга мойиллик, бировнинг оғирини енгил қилишни одат қилиши;

-Ватанни ҳимоя қилиши.

Ана шу сифатлар қаторида, яъни маънавий-маърифий баркамолликнинг қирралари ва мезонлари қаторида мустақиллик тафаккури ва миллий ифтихор ҳам киради.

Мустақиллик тафаккури инсоннинг ватан истиқболи ва истиклоли ҳақида қайғуриши, халқи, юрти, кадр-қиммати, ор-номусини англаш ва ҳимоя қилиши, бутун меҳнати, истеъдоди, имкониятини, зарур бўлса жонини ҳам халқ бахти учун баҳшида этиш ва бошқалардир. Миллий ифтихор барча қадриятларимиз мажмуасидир. Аجدодларимиз босиб ўтган йўл, ватан учун қилган меҳнатлари, авлод учун қолдирган маънавий қадриятлари, миллий анъаналар ҳар қандай ёш авлодни ифтихор билан фахрланишига арзийдиган намунадир.

Бизнингча, айти шу хислат ва фазилатларни ўқувчилар онгига сингдира борилиши уларнинг баркамол, соғлом ва комил инсон руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб хулоса ўрнида шундай дейиш мумкин. Мактабларда ташкил этилган маънавий соатлари педагоглар учун катта масъулият талаб этиладиган машғулоти. Ҳар бир маънавий соатларида ўқувчиларнинг онги ва шуурида миллат маънавияти, қадрияти, маданияти каби тушунчалар кенг ва чуқур бўлиши керак.

АДАБИЁТ ЯШАСА – МИЛЛАТ ЯШАР

**ТВПКҚТМОИ, “Тил ва адабиёт таълими”
кафедраси мудири, доцент - Саодат Тўйчиева
кафедра доценти - Омонулла Мадаев**

Халқнинг, жамиятнинг маънавий қиёфасини ҳавас қиларлик даражада комил бўлиши, ҳаёт тажрибаси кўрсатишига кўра, асосан, битта масалага келиб тақалади. Бу масала ёш авлодни нозик табиатли китобхон қилиб тарбиялашдир. Абдулҳамид Чўлпон 1914 йилда – 16 ёшида ёзган “Адабиёт надир” мақоласида шундай дейди: “Ҳеч тўхтамасдан ҳаракат қилиб турғон вужудимизга, танзимизга сув-ҳаво не қадар зарур бўлса, маишат йўлида ҳар хил қора қирлар ила қирланган руҳимиз учун ҳам шул қадар адабиёт керакдир”. Эътибор берайлик, ёш Чўлпон бу жумлада одамнинг тирик жонзот эканини “сув-ҳаво не қадар зарур бўлса” жумласи билан қайд этган. Аммо шу билан бирга одамнинг инсон эканлигини “маишат йўлида ҳар хил қора қирлар ила қирланган руҳимиз учун ҳам шул қадар адабиёт керакдир”, - деб алоҳида таъкидламоқда. Ўқувчини ўйлашга мажбур қиладиган мулоҳаза ҳам жумланинг ана шу қисмига сингдирилган. Яъни инсон ўзининг бу дунёга ер юзидаги энг олий насаб эгаси сифатида келганини унутмаслиги лозим. Бунинг учун қалбидаги ғубордан тозаланиб туриши керак.

Ўтган асрнинг 80-йиллари ўрта мактабларда “Ўзбек адабиёти” фанининг ўқитилишида “депсиниш” жараёнига тўғри келди. Фан дастурлари, дарсликларида чалкашликлар рўй берди. Тажрибали мутахассислар фикрлари четга суриб қўйилди. Устига устак олий ўқув юртларидаги ўзбек тили ва адабиёти факультетларига, айниқса, сиртқи бўлимларига юзлаб студентлар қабул қилинди. Натижада мактаб ўқувчиси ҳар томонлама ночор аҳволда қолди. Бир томондан стабил дарслик йўқ бўлса, иккинчи томондан чала етишган ўқитувчилар қўлида ўқиди. Ожизона фикримизча, ҳозирги вазиятдаги адабиёт таълимидаги нуқсонлар кўп жиҳатдан ўша даврда йўл қўйилган хатолар маҳсули бўлса ажаб эмас.

Фан ўқитувчиси халқ, миллат, давлат олдида ўзининг келажак учун масъул эканини ҳис қилиши лозим. Бу масъулият кўп жиҳатдан замонамиз китобхонини тарбиялаш билан уйғунлашади. Кейинги йилларда ўнлаб умумтаълим мактаблари ўқувчилари, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юрти студентлари, турли корхоналардаги ходимлар

билан учрашар эканмиз, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Худойберди Тўхтабоев, Анвар Обиджон, Шавкат Раҳмон ва бошқа таниқли адиблар асарларидан қанчалик хабардор эканликлари билан қизиқдик. Афсуски, йиғин иштирокчиларидан ўн фоизга етар-етмас ижобий жавоб олишга тўғри келди. Кўпчилик “Алпомиш”, “Равшан” каби дostonлар, Улуғбек Ҳамдам, Исажон Султон, Муҳаммад Исмоил, Рисолат Ҳайдарова, Гулжамол Асқарова каби шоир ва ёзувчиларимизнинг исмларини ҳам аниқ билмайди. Дostonларнинг эса номи таниш, аммо ўқиш масаласи йўқ даражада. Ахир Чўлпон ўз мақоласида бежиз жон куйдириб: “Адабиёт яшаса-миллат яшар. Адабиёт ўлмоғон ва адабиётининг тараққийсига чалишмаган ва адабийлар етишдирмағон миллат охири бир кун ҳиссиётдан, ўйдан, фикрдан маҳрум қолуб, секин-секин инқироз бўлур. Муни инкор қилиб бўлмас. Инкор қилғон миллат ўзини инқирозда эканун билдирур” – демаган эди. Тўғри, ўзбеклар сон жиҳатдан дунёда катта миллатлар қаторига киради. Шубҳасиз, миллионлаб фарзандларимиз орасида фақат Алишер Навоийни эмас, Пушкинни, Виктор Гюголарни ўқиётган булбулларимиз йўқ эмас. Лекин бу ўринда гап оммавий китобхон ҳақида кетмоқда.

Яқинда Тошкент вилояти Зангиота туманида ҳокимият ташаббуси билан тумандаги ҳамма ўрта таълим мактабларида оммавий равишда ўқувчилар ижодий иншо ёздилар. Олимларимиз юртимиздаги юзлаб ўқув муассасаларида Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур, Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллуд кунлари, Наврўз айёми муносабати билан суҳбатлар уюштиришди, оммавий ахборот воситаларида, хусусан, радио ва телевидениеда тинимсиз равишда бадиий адабиётни оммага етказиш ҳаракатлари давом этмоқда. Булар яхши. Аммо умуммиллат тушунчасидаги вазият қанақа, деган савол аниқ ижобий жавобини топяпти деб бўлмайди.

Айнан шунинг учун ҳам Президентимиз Ислom Каримовнинг 2009 йил 24 июнь куни Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасига “Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор” мавзусига бағишланган суҳбатлари билан мурожаат қилишлари жуда ўринли бўлди. Суҳбатда шундай фикр бор: “Тўғриси айтидиган бўлсак, ёшлар бугун ахборот ва маълумотларни асосан Интернет орқали оляпти, дунёни телевидение, компьютер орқали танияпти. Ота-онаси, ўқитувчилари минг тарғиб-ташвиқ қилмасин, бугунги ёшлар “Ўткан кунлар”, “Уруш ва тинчлик” каби мумтоз романларни ёппасига ўқияпти, деб айта оламизми?”

Модомики, шундай экан, энди одамлар, ёшлар китоб ўқимай қўйди, деб фақат нолиб ўтирмасдан, ана шу таъсирчан замонавий ахборот воситалари орқали адабиётимизни кенг тарғиб этиш, хусусан, Интернет имкониятларидан фойдаланиб, етук бадиий асарларни ёшларга етказиш устида ҳам жиддий бош қотириш зарур, деб ўйлаймиз. Юқорида келтирилган иқтибосда учта муҳим нуктага диққат қиламиз. Биринчидан, ёшларимизнинг бадиий асарларни ўқишлари талаб даражасида эмас. Иккинчидан, ёшлар китоб ўқимай қўйди, деб нолишга барҳам бериш керак. Учунчидан, ёшларга етук бадиий асарларни ўқитиш чораларини топиш керак.

Юртбошимизнинг куюнчаклик билан ёшларимизда китобхонлик маданиятига қизиқиш уйғотиш йўлидаги ниятларини биз – таълим ходимлари, хусусан, адабиёт ўқитувчилари тўлиқ қувватлаймиз. Бунда биринчи навбатда, шогирдларимизни китобга, жумладан, бадий китобларга яқинлаштириш мақсадига эришишимиз зарур. Устозимиз Озод Шарофиддинов ўз вақтида оламда етти мўъжиза борлигини айта туриб: “Бироқ шундай бўлса-да, оламда яна бир мўъжиза борки, унинг буюклиги, муқаддаслиги етти мўъжизанинг жамики улуғворлиги, гўзаллигидан камлик қилмайди. XX аср одамнинг ҳаётига у нондек, ҳаводек, радиодек сингиб кетган, шунинг учун уни қўлга олганимизда, мўъжиза билан учрашгандай ларзага тушмаймиз, унинг муқаддаслигидан орзиқиб-энтиқиб кетмаймиз, тилимиз лол бўлмайди. Бу мўъжиза – китоб. Китобнинг мўъжиза, мўъжиза бўлганда ҳам биринчи мўъжиза эканини кўпчилик буюк одамлар қайд қилган”,- дейди. Олимнинг таъкидлашича: “Китоб шаклида яшайдиган адабиёт бугунги инсонни унинг узоқ авлод-аждоди билан, ота-боболари билан боғлайди”.

Озод Шарафиддинов ўзининг меҳнат фаолиятини Тошкентдаги 59 мактабдан бошлаган. Халқ маорифи, таълими билан алоқани умрининг охиригача узмаган. Устоз жуда кўп мактабларда бўлиб, китобнинг инсон эҳтиёжларидан бири эканини ёшларга тушунтиришдан эринмас эди. Ҳатто адабиёт ўқитувчиси китобхонни тарбиялаши лозимлигини васият ҳам қилган.

“Биринчи мўъжиза” мақоласида адабиёт ўқитувчиларига аниқ маслаҳатлар берган. Унинг фикрича, ўқувчи адабиётни ҳаётни ўрганишда энг муҳим восита, энг ёрқин ёрдамчи сифатида севиб қолиши лозим. Ўқувчи адабиётнинг гўзаллигини ҳис қила олиши, адабий асар берадиган барча маънавий бойликларни сиғдира оладиган кучга эга бўлиши керак, “адабиёт унинг ҳаётида шундай ўрин олиб қолсинки, мактаб кучоғидан чиқиб кетгандан кейин ҳам у бирор кунини бадий асарсиз тасаввур қилолмасин. Китоб унинг учун сув ва ҳаводек зарур, нондек азиз бўлиб қолсин. Фақат шундагина адабиётнинг янги одамни тарбиялаш курали сифатида ҳамма кудратидан тўла фойдаланишимиз мумкин”. Устозимиз бадий адабиётни булоққа ўхшатади. Булоқ бўлганда ҳам “кўз ёшининг мусаффолиги, қизлар хандасининг кўнғирокдек оҳангдор жаранги, камалак нурларидек ранг-баранг товланиши бор” булоқ. Мақола якунида муаллиф: “Бу масаффо булоқдан тўйиб-тўйиб ичишга, ота-боболармиз, авлод-аждодларимиз бизга мерос қолдириб кетган асрий ташналикни – зиё, нур, фикр ташналигини қондиришга шошилинг, одамлар!”-деб хитоб қилади.

Энди ўз-ўзидан савол туғилади. Биз – Озод Шарафиддинов шогирдлари –устозимизнинг васиятларига амал қиляпмизми? Халқимиз, миллатимиз келажаги олдидаги бурчимизни бажаряпмизми? Афсус, бу саволларга қалбимиздан ишонган ҳолда: “Ҳа, бажаряпмиз”, -деб жавоб беришга ожизмиз. Муҳими, бу саволларга ҳар бир касбдошимиз, юртимиз вилоятларида фаолият кўрсатаётган ҳар бир ўқитувчи, айниқса, ўзбек тили ва адабиёт ўқитувчиси ижобий жавоб топишга уриниши лозим.

Қўйилаётган вазифанинг оғирлиги шундаки, бирорта касбдошимиз “Мендан бошқа ўқитувчилар ҳам борку!”-дегани заҳоти бутун ҳаракат тўхтади. Шунинг учун “вазифани мен, фақат мен бажараман,”-дейишгина мушкуллимизни осон қилишга олиб боради. Бинобарин, бизнинг Тошкент вилояти педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти “Тил ва адабиёт таълими” кафедраси аъзолари Ўзбекистондаги ҳамма ўқитувчиларга мурожаат қилиб халқ таълими ходимларининг юқорида қайд этилган, бизнинг назаримизда бугунги кундаги энг долзарб, муҳим муаммони –ёш авлодни китобхонлик руҳида тарбиялаш вазифасини ҳал қилишда фаол иштирок этишга чақирамиз.

Яқинда Алишер Навоий номидаги кино саройида Ўзбекистон халқ таълими вазири Улуғбек Илёсович Иноятлов ва Тошкент вилояти ҳокими Аҳмаджон Тугулович Усмонов вилоят халқ таълими муассасалари раҳбарлари йиғилишида умумтаълим мактаблари олдида турган вазифалар ҳақида фикр билдириб, ёш авлодни тарбиялашда китобхонликнинг замонавий аҳамиятга эга эканига алоҳида урғу бердилар. “Адабиёт яшасамиллат яшар” шиорига амал қилиш миллатимиз келажagini таъминлашга замин яратишини таъкидладилар. Ана шу мантикий мулоҳазага асосланган ҳолда институтимизда бевосита ўқитувчи-устозлар орасида китобхонликни тарғиб қилиш йўлида бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, ҳар ойда “Китобсеварлар байрами”ни ўтказиш ва унда китоб ярмаркаларини ташкил этиб таниқли шоир ва олимларни таклиф этиш анъанага айланди. Малака оширишга келган ҳамма фан ўқитувчилари иштирокида махсус “Китобхонлик соатлари” жорий қилинди. Бу машғулотларда тажрибали устозлар, умуман санъатнинг фазилатлари, бадиий адабиётнинг сўз санъати сифатида қандай талабларга жавоб бериши лозимлиги, ўқувчиларда бадиий асарларни ўқишга ҳавас уйғотиш усуллари, оилавий китобхонликларни уюштириш йўллари ҳақида аниқ маълумот бермоқдалар. Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор, Худойберди Тўхтабоев асарларидан ёшлар эътиборини жалб қилувчи матн намуналарини ўқиб эшиттирмоқдалар. Савол-жавоблар воситасида ёш китобхонни тарбиялаш юзасидан фикр алмашмоқдалар. Дарс жараёнида китоб фикр ва нутқ манбаи экани алоҳида уқтирилмоқда. Шу кунгача Абдулла Орипов, Омон Матжон, Абдуқаҳҳор Иброҳимов, Муҳаммад Исмоил, Суннатилла Аҳмедов, Низомиддин Маҳмудов, Шухрат Ризаев, Тўлқин Эшбек каби таниқли адабиёт соҳиблари билан учрашувлар бўлиб ўтди. Уларда Бобомурод Ҳамдамов, Каримбой Раҳмонов, Бахтиёр Султонов каби хонандалар жамоани гўзал ашула ва кўшиқ намуналари билан хушнуд қилдилар. Бундай китобхонлик анжуманларида “Маънавият”, “Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат” нашриётлари нашрлари ярмаркаси уюштирилди ва минглаб китоблар сотилди.

Маъмуриятимиз ташаббуси билан малака оширишга келган ҳар бир тингловчи мутахассислик фанидан қатъи назар малака ишини ҳимоя қилиш пайтида албатта битта бадиий асарни ўқиганлиги ҳақида маълумот беради. Ўқилган китоб ҳайъатга тақдим этилади. Маълумотнинг ҳақиқат эканлиги эса асар мазмуни асосида тузилган саволлар воситасида тасдиқдан ўтади.

Айни пайтда танишилган адабиётнинг сўз санъати намунаси экани билан боғлиқ қисқа муддатли китобхонлик суҳбати ҳам уюштирилмоқда.

Айтмоқчимизки, халқ таълимида фаолият кўрсатаётган ҳар бир ходимнинг ўзи китобхон бўлмагунича ўқувчида китоб ўқиш ҳавасини уйғотиш мумкин эмас. Шунинг учун китобхон тарбиялаш вазифасини амалга ошириш учун ҳаракатни ўқитувчидан бошлаш керак. Айниқса, адабиёт ўқитувчисининг ўзи бадиий асар ўқишни кундалик одатига айлантирмас экан, у дарс берган ўқувчи китобхон бўлиши ўта мушкул. Вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтлари эса бу жиҳатдан китобхонлик марказига айланса, фикримизча, юртимизда китобхон тарбиялашга муносиб ҳисса қўшилади. Бундан ташқари мақсадга эришиш йўлида турли-турли амалий чораларни кўриш керак.

Масалан, Ўзбекистон ички ишлар вазирлиги бир неча йил аввал шахсий таркибнинг ўз устида ишлаши, оммавий ахборот воситалари билан таниш бўлиши, бир чорак давомида албатта битта китоб ўқиши ҳақида махсус буйруқ чиқарган. Қайд этилган вазифаларнинг бажарилиши унвон беришда, юқори лавозимга тавсия этишда ҳатто кўшимча моддий мукофот белгилашда инобатга олинади.

Табиий савол туғилади, Ички ишлар вазирлигида ходимнинг бадиий асар ўқишига шунчалар эътибор берилганда, нега Халқ таълими тизимида бундай қоида жорий қилиш мумкин эмас. Жумладан, йил ўқитувчиси танловига тавсия қилишда, Халқ таълими аълочиси номзодини белгилашда ёки бошқа мукофотларни беришда ўқитувчининг китобхонлик даражасига, тарбиялаган китобхонлар сонига ва албатта, сифатига алоҳида эътибор бериш мумкин-ку.

Хуллас, она Ватанимизнинг келажаги фарзандларнинг қай даражада китобхонлик савиясига эга бўлиши билан боғлиқ экан, бу вазифани бажаришда вақт ўтказмамлигимиз лозим.

Бугунги имкониятдан фойдаланишга ошиқайлик. Мазкур чиқишимиз билан юртимиз адабиёт ўқитувчиларини “Мен китобхон тарбиялашга қандай эришдим?” саволига жавоб берувчи маслаҳатлари билан бизнинг мунозарамизга қўшилишларига чорлаймиз. Умид қиламизки, бизнинг ташаббусимизни ҳаётга татбиқ қилишда ҳамма вилоятлардаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтлари ходимлари, тажрибали устоз-ўқитувчилар четда қолмаслар.

ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА АДАБИЁТНИНГ ЎРНИ

Андижон ВПККТМОИ

**Она тили ва хорижий тиллар
кафедраси ўқитувчиси Б.Рахмонова**

Адабиёт сўзининг маънодоши маънавият десак муболаға бўлмайди. Ҳурматли Президентимиз И.А.Каримов ўзининг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида “Адабиёт бу маънавиятдир” деганларида нақадар

ҳақли эдилар. Ёшларимизни маънавий етук, баркамол, комил инсон қилиб тарбиялашда адабиётнинг ўрни беқиёсдир. Шу ўринда маънавият хусусидаги фикрларимизни сеvimли шоиримиз, истеъдодли адиб Муҳаммад Юсуфнингижодига тўхталамиз.

Бизга маълумки, қадимдан Шарқ мамлакатларида бадиий адабиётга тарбия воситаси сифатида қараб келинган. Шундан бўлса керак ўзбек мумтоз адабиётимиз дидактик асарлари блан машҳурдир.

Бугунги кунда ҳам ўзбек адабиётида ана шундай асарлар талайгина.

Миллий адабиётимиз ва маданиятимиз ривожига, халқимиз маънавиятининг юксалишига муносиб ҳисса қўшган адиб Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуфдир. Ҳар гулнинг ифори ўзгача бўлгани каби, Муҳаммад Юсуф ҳам ўзбек шеърояти гулшанига ўз овози билан кириб келди. Бу ёқимли овоз тез орада халқ қалбидан муносиб ўрин олди.

Муҳаммад Юсуф ижоди ҳақида мушоҳада қилар эканмиз, шоир шеърлари ўзининг тарбиявий аҳамиятга эга эканлиги билан ажралиб туради. Айниқса, уларда шоирнинг Ватанга бўлган муҳаббати акс этади.

Заҳирриддин Муҳаммад Бобур таъбири билан айтганда М.Юсуф ватан, юрт, миллат ҳақида “кўп” ва “хўб” ёзган шоир десак муболаға бўлмайди.

Ватанни севиш, уни қадрлаш – бизнинг миллатимизга хос бўлган фазилат. Бу бизнинг буюк боболаримиздан мерос бўлиб ўтган бўлса ажаб эмас. Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик, Нажмиддин Кубро, Амир Теммурдек мард, жасур боболаримиз фидоийлиги М.Юсуф ижодида ўзгача талқин этилганки, шоирнинг бундай шеърларини ўқиган ёш авлод қалбида ғурур, ифтихор ва уларга муносиб фарзанд бўлиш истаги уйғонади.

*Қаданг юракларга миллат байрогин,
Ватанни Нажмиддин Кубродек сеving.*

“Иқрор”, “Изхори дил”, “Ўзбекистон”, “Ватанни сеving”, “Қуёшистоним”, “Ҳур ўлкам”, “Улуғимсан Ватаним”, “Ватан”, “Халқ бўл, элим” каби қатор шеърлари шоирнинг қалб ойнаси. Бу шеърлар ўзининг бетакрорлиги, самимийлиги, М.Юсуфнинг юртига бўлган муҳаббатининг буюклигидан куйлайди.

Шоир ижодини ўрганар эканмиз, шеърларининг содда ва равонлиги, жўшқинлиги, ташбеҳларнинг бетакрорлиги-ю, мисраларнинг жозибасини ҳис этамиз. Бу эса мурғак қалбларда шеърятга ошуфталик туйғусини шакллантиради, ёшларнинг бадиий адабиётга бўлган дидини ўстиради.

Шеърлар мазмун-моҳиятидаги шонли тарихимиз, бой илмий адабий меросимиз, буюк аждодларимиздан фахрланиш каби қадриятларимизни асраб-авайлашга чақиради.

Ўғил болаларни ғурурли, мард, жасур бўлиб, юрт тинчлиги ва осойишталиги йўлида ҳамжихат бўлиб, улғайишларида, улардаги ўзига бўлган ишончни янада камол топишида шоирнинг ватанпарварлик руҳида ёзилган шеърлари, айниқса аҳамиятли.

Ватанни севиш ўз йўлига, чунки уни ҳамма севади, бироқ керак бўлганда юрт, миллат учун жонини фидо қилиш, унга таянч бўлиш ҳар бир эр йигитнинг бурчи. М.Юсуф шеърлари йигитлардаги ана шундай шижоатни шаклланишига хизмат қилади.

*Чорласа сиз қўрғон бўлинг, тош бўлинг,
Суянг бир-бирингиз елкадош бўлинг.
Қани ким ботиниб бир сўз айтолгай
Битта жон, битта тн, битта бош бўлинг.*

Ватанни севмаган, уни куйламаган ижодкор йўқ. Муҳаммад Юсуф ижодининг энг муҳим ўзига хослиги соддалиги, дилга яқинлигидадир. Ватан шоир тасаввурида онадек мўътабар, сингилдек ароқли.

*Чўксанг,
Тур, синглим деб
Сочинг силайман
Сўксанг
Онам дейман
Умринг тилайман,
Сендан ранжисайман,
Гина қилмайман...*

Бундай самимий сатрлар ёшларни фикрлашга ундайди, улар Ватанни меҳрибон онасидек, опа ёки синглисидек ардоқлаши кераклигини англаб етади.

Шоир М.Юсуф Ватан мавзусига қайта-қайта мурожаат этади ва бу шеърлар бири бошқасини такрорламайди. Китобхон шеърларни ўқир экан, тасаввури ва тафаккури ошади, оламни мушоҳад этишга интилади, тарихий, илмий билимларга ҳам эга бўлади.

*Кўҳинурдан кўҳлигим
Онам – Ўзбекистоним,
Ўзбекман, ўзбеклигим,
Менинг олий унвоним.*

Втан ҳар қандай қимматбаҳо бойликдан-да гўзал, бебаҳо. М.Юсуф шеърлари ана шундай кўтаринки руҳда битилган. Ва бу шеърлар ёшлардаги ўзига бўлган ишончни янада оширади.

Мен шоир ижодини ўрганар эканман, Муҳаммад Юсуфни борлиқни ёритган шамга қиёслагим келади. Шеърларида шоирнинг қалб тафтини ҳис этиш мумкин.

*Юрт ишиқида ёнмас юрак-юрак эмас,
Юрт қадрини билмаганлар керак эмас.*

*Эрка сажда қилмаганлар керак эмас,
Фидоийлар керак бизга, фидоийлар.*

Ҳа, бу мисралар ёшларга қарата, бтун Ўзбекистонда яшовчиларга қарата чакириқ десак янглишмаймиз. Бугун шу юртда яшаб, шу замин фарзандиман деган инсонларни ёниб яшашга ундовчи қўшиқдир - бу.

Шоир шеърларининг ҳар мисраси унинг юрак кўри билан битилган. Эрк, озодлик тушунчалари улуғланган.

*Эрк дегани ўзи келиб эшик қоқмас,
Жон чекмасанг осмонлардан омад ёғмас.*

Машаққатлар эвазига эришилган хурликни асраш учун керак бўлса жондан ҳам кечилади.

Чунки инсонга берилган неъматларнинг энг олийси озодлик, эрк, осойишталикдир. Бунга шукрона келтириш асраб-авайлаш эса ёшлар кўлида.

Миллий ғурур, ўзликни англаш, юрт тинчлиги ва осойишталигидек юксак тушунчалар М.Юсуф ижодида салмоқли ўринни эгаллайди. Ўзбек миллатининг буюк алломалари бугунги захматкаш инсонлари, уларга бўлган ишонч, эҳтиром шоир шеърларида ўз аксини топган.

*Эҳтиром этганга эҳромлари бор,
Кеккайганга бўйин эзмагай зинҳор.*

Дарҳақиқат, халқимизга хос бўлган хислатлар ёшларни шу миллатга муносиб бўлиш туйғусини ривожлантиради.

Шоир ижодида набодот оламига, хайвонот дунёсига самимий муносабат акс этган ва бу ёшларни бизни ўраб турган оламга бефарқ бўлмасликка ўргатади.

“Қизғалдоқ”, “Капалаклар одамлардан меҳрибон”, “Эрка кийик” каби шеърлар шундай шеърлар сирасига киради.

Муҳаммад Юсуф ижодида инсон, инсоний фазилятлар, севги-муҳаббат, дўстлик, ота-она меҳри, камтарлик, меҳр-оқибат, вафо, садоқат каби олий тушунчалар гўзал сатрларда жилоланади.

*Ўтар қанча йиллар тўзони,
Юлдузлар кўз ёши самони.
Ўтар инсон яхши ёмони,
Меҳр қолур, муҳаббат қолур.*

Шоир бу туйғуларни халқнинг ўзидан олиб, содда, равон, жўшқин тил билан яна халққа тутди. Шунинг учун шоирнинг шеърлари қўшиқларга айланиб, нафақат ўзбек шеърятини, балки ўзбек муסיқасининг ривожланишига ҳам туртки бўлди. Шоирнинг шеърларининг аксарияти қўшиқларга айланиб улгурди.

Муҳаммад Юсуф ижоди келажак авлодни маънавий етк, баркамол бўлиб улғайишида, юрт ва миллат учун фидоий инсон бўлиб камол топишида дастурул амал бўлиб хизмат қилади.

Она тимсоли шоир ижодида алоҳида ўрин эгаллаган ўзбек аёлларигагина хос бўлган фазилатлар М.Юсуф ижодида ўзгача меҳр ила тасвирланади.

*Қирқ йил қирғин бўлса ҳам,
Ўз аҳдида туролган.
Ўзбекнинг хотинлари,
Тоқат учун яралган.*

Ўзбек аёлининг садоқати ёш авлод қалбида аёлни эъзозлаш асраш туйғусини ривожлантиради.

Оналардаги фарзандга муҳаббат шоир ижодида ўзгача талқин этилган.

*Дейсан олисларда омон юрсанг бас,
Ёдингга тушсам гоҳ йўқлаб турсанг бас.*

Ҳа, оналар учун фарзанд қайда бўлса ҳам омон бўлса, она учун шуни ўзи етарли.

Барчани дилидаги сўзларини топиб, халқига тухфа этолган шоир М.Юсуф шеърлари ўзбек халқининг маънавий хазинасига айланиб улгурди. Мана шу маънавий бойлик асрлар оша Ҳазрат Мир Алишер Навоий, З.М. Бобур асарлари каби севимли бўлиб, ёшларни ватанпарварлик байроғи остида бирлаштиради.

АДАБИЁТ ДАРСЛАРИДА ПЕЙЗАЖ ЛИРИКАСИ ОРҚАЛИ ЎҚУВЧИЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

**Ханифахон АБДУРАҲМОНОВА
АВПКҚТМОИ**

Тил ва адабиёт кафедраси ўқитувчиси

Ўқувчи маънавияти бевосита дарс мазмуни ва моҳияти орқали шакллантирилади. Адабиёт дарсларида шоир ҳаётининг муайян бир даври, шу даврдаги руҳий ҳолати, ички кечинмаларини тасвирлар, тасвир жараёнида ўзининг фикр-ғояларини илгари сураб экан, албатта, поэтик материални табиат ва жамият ҳаётидан олади⁵³. Табиатнинг маълум бир лавҳаси, ижтимоий ҳаётдаги бирор ҳодиса ёки воқеа адиб қаламида поэтик образ қиёфасига киради ва унинг бадиий мақсадлари билан бир қаторда ўқувчи маънавиятини ривожлантириш йўлида хизмат қилади. «Бинобарин, поэтик образларнинг шаклланишида ижодкорнинг табиат ва жамият билан алоқаси, унга муносабати ҳам муҳим роль ўйнайди. Шу жиҳатдан, бадиий

⁵³ Жумаев Н. Мунис ғазалиёти. Т., Ғ. Ғулом нашр., 1991 й., 14-бет.

тафаккур асосида шаклланиб етиб, барқарор эстетик функция касб этган шеърӣй образларни шартли равишда икки гуруҳга ажратиш мумкин: 1. Жамият ҳаёти билан боғлиқ образлар ёки ифодалар; 2. Табиат ҳодисалари билан алоқадор поэтик образлар».⁵⁴

Кейинги йилларда нашр этилган мактаб дарсликлариға табиат ҳодисалари билан алоқадор образ ва поэтик образлар тасвир объекти марказига олиниб талқин этилган бир қатор лирик асарлар мазмуни ўқувчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш омилидир. Уларни ўрганишнинг бошқа мавзулардаги, айтишлик, ишқий ёки дидактик шеърларни таҳлиллашга қараганда ўзига хос жиҳатлари борки, ушбу мақолада Огаҳийнинг 9-синф дарслик-мажмуасига киритилган пейзаж лирикаси мисолида маънавий- маърифий тарбияни шакллантириш йўллари ҳамда бу борадаги тажрибаларимиз билан ўртоқлашамиз.

Бу синфда Огаҳийнинг тўртта жанрдаги тўққизта шеъри ўрганилади. Дарсликда дастурга кўра олдин шоирнинг табиат лирикасига оид ғазаллари қирилган. Бу мавзудаги шеърларда шоирнинг ўзига хос маҳорати намоён бўлади. Айтиқса, ташхис шеърӣй санъати алоҳида ўрин тутати. Шунинг учун таҳлилдан олдин бу шеърӣй санъат тўғрисидаги назарӣй маълумот билан таништириш мақсадга мувофиқдир. Баҳор тасвирида Огаҳӣй сўз воситасида табиатнинг рангин кўринишини, турфа гўзаллигини маҳорат билан чизган мусаввир намоён бўлади.

“Илоҳи, ҳар кунинг наврўз бўлсин” ғазалида бу шеър яратилгандан буён барчанинг дилига жо бўлган оҳорли янги йил тилаклари изҳор этилган:

Илоҳи, ҳар кунинг наврўз бўлсун,
Ҳамиша толеъинг феруз бўлсун.

Бўлуб айёми наврўзинг муборак,
Замиринг инбисотандуз бўлсун.

Ғазалнинг мақтаъси Алишер Навоийнинг машҳур “Ҳар тунинг қадр ўлубон, ҳар кунинг наврўз ўлсун” мисрасига ҳамоҳанг равишда яратилганлигига болалар эътибори қаратилиши лозим бўлади. Ўқувчилар Огаҳийнинг “ҳар кунинг наврўз бўлсин” жумласини ҳар кунинг доим байрам, ўйин-кулгу иборат бўлсин деган маънода тушуниб қолмасликлари керак. Шоир бу тилаги билан худди Навоӣйга ўхшаб ўтаётган ҳар бир кунинг ва унинг дақиқалари Наврўз моҳиятига мос равишда тоза ниятлар, покиза орзулар, янги эзгу интилишлар билан мазмунли ва иқболли бўлишини тиламоқда. Таҳлил давомида шеърда айтилаётган тилақлар хонга қаратилгани маълум бўлади. Чунки учинчи байтдан бошлаб билдирилаётган

⁵⁴ И с х о қ о в Ё. Поэтик анъана ва индивидуал услуб. «Ўзбек тили ва адабиёти» журн., 1978 й., 1-сон, 56-б.

фикрлар, қўлланаётган сўзлар ўзининг мазмун-моҳиятига кўра фақат ҳукмдорга айтилиши мумкинлиги англашилиб турибди. “Қилиб партавфиканлик айни адлинг” (учинчи байт), “Санго дойим бўлуб давлат куши ром” (тўртинчи байт), “Аду ваҳшиларини сайд етарға Ўқу тийгинг уқобу юз бўлсун” (бешинчи байт), “Кишиким, истаса саркашлик етмак, Боши йўлингда онинг туз бўлсун” (олтинчи байт) ва бошқа мисралар бу эзгу ниятлар Муҳаммад Раҳимхон Соний – Феруз учун айтилганлигини ойдинлаштиради. Огаҳий мазкур сўзларни шунчаки хонга ёқиш мақсадида хушомад учун айтмаган. Кейинги хонлар ичида энг фозили ва оқили, адолатпеша Феруз бу каби алқовларга муносиб ҳукмдор эди. Унинг даврида адабиёт ва санъат камол топди, тарихнавислик ривожланди, таржимачилик Хоразмда ўзига хос мактаб бўлиб шаклланди. Шунинг учун шеърдаги барча мисралар шоирнинг кўнглидан чиққан самимий тилаклар эканлигига шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Бу ғазални таҳлил қилиб бўлгач, ўқувчиларга “Нима деб ўйлайсиз, ғазалда шоирнинг асосий мақсади табиат тасвирлашни ёки табиат бошқа бир мақсад учун восита бўлганми?” қабалидаги муаммоли саволни ўртага ташлаш ўринли бўлади. Айнан шу саволга берилган жавоб ўқувчиларнинг шеърни қай даражада тўғри идрок этганликлари ойдинлашади.

“Баланд айлаб қуёшга поя наврўз” ғазалида ташхис санъатидан фойдаланган ҳолда шоир бу баҳорий айёмни мадҳ этишда давом этади. Дарсликда “баҳор” радифли ғазал байтларининг таҳлили муносабати билан ташхис бадий воситаси эслатилган. Ўқитувчи бу тасвир воситаси ҳақида тушунча бериб ўқувчилар дафтарига ёздириб қўйиши ўринли бўлади. Ташхис жонлаштириш санъати бўлиб, инсонга хос бўлган хусусиятларни табиат ёки предметларга кўчиришдан иборатдир.

Баланд айлаб қуёшга поя наврўз,
Кўтарди ер юзидин соя наврўз.
Келиб файзу нишоту айш бирла,
Муҳайё қилди элга воя наврўз.

Мақтаъда наврўз айёмини жонлантирилиб, у қуёшни баланд кадр ва мартабага юксалтирди ва бу билан ер юзидан сояни кўтарди, деб тасвирланади. У юртга уч нарса: файз, шодлик (нишот) ва айш билан кириб келдида, бу уч хушбахтликни муҳайё қилиб, улардан элни баҳраманд қилди. Мазкур байтларда наврўз ўзидаги бор яхши нарсаларни бошқаларга чин кўнгилдан улашаётган ва бундан ўзи ҳам ғоят завқланаётган танти ва сахий кишига қиёсланган. Кейинги байтдаги ташхис ҳам янада ўзига хосдир:

Тараб тифлин туғурди даҳр золи,
Анго бўлди магарким доя наврўз.

Тушунилиши қийин бўлган сўзлар маъноси аниқлаб олинади: тараб – шодлик; тифл – бола, гўдак; туғурди – туғди, дунёга келтирди; даҳр – дунё;

зол – кампир. Демак, ўқувчилар мисралардан шундай маънони англашлари керак: Даҳр (дунё) кампири шодлик чақалоғини туғаркан (дунёга келтирар экан), наврўз унга доялик қилди. Ташхис учун табиатдаги ўзгаришлар асос қилиб олинган: дунё отлик кампирнинг туғиши ва унга наврўзнинг доялиги. Шунингдек, ташбих бу санъат билан бақамти қўлланган. Шодлик – чақалоқ, чунки у бошланаётган баҳор туфайли кишилар кўнглида туғилиб келаётибди. Дунё – кампир, чунки у яратилиш жиҳатдан энг қадимий. Навбатдаги байтда кўклам гўзаллиги исломий тушунчалар воситасида очилади:

Қилибдур маҳлиқоларнинг юзини
Латофат мусҳафига оя наврўз.

“Мусҳаф” Қуръонга ишора бўлиб, бу муқаддас китобнинг сифатларидан бири эканлигини, “оя” эса Қурон **оя**тининг талаффуздаги шакли ўлароқ қўлланганлигини тушунтириш лозим бўлади. Шоир наврўзий латофатни Мусҳафга тенглаштиради. Бу – ташбих, лекин уни муболаға деб қабул қилиш тўғри бўлмайди. Чунки Қуръон ҳам, табиат гўзаллиги, жумладан, баҳор латофати ҳам Яратганнинг ижодидир. Уларнинг ҳар иккиси бирдай гўзал ва муқаддас. Бир хил қимматдаги воқеликни қиёслашда бўрттириш бўлмайди. Шундай қилиб, наврўз латофати Мусҳаф бўлса, маҳлиқоларнинг юзи ундаги оятлардир. Тасаввуфга кўра инсон гўзаллиги илоҳий хусннинг жилваси ёки сояси экан, маҳлиқоларни оятга менгашда ҳеч қандай шаккоклик йўқ.

Кейинга байтларда бадавлат одамлар (аҳли ғино)нинг бу кўнгилли айёмда “юз ранг хилъат” кийиши, бошдан оёқ зийнатланишлари, турли кўнгилочарликлар билан завқланишлари баён этилади. Ишрат учун моя бўлган дирҳам уларнинг қўлида ўйнаса, шоирнинг қўлида бу моя йўқ. Шу боис ўтинч билан шоҳ ҳузурига келиши муболаға билан тасвирланади.

Жаноби шаҳға келдим бу жиҳатдин,
Кўзим ёшиға тоя-тоя наврўз.

Моддий ёрдам сўраб шоҳ ҳузурига келаётган лирик қаҳрамон ўз забун аҳволига шунчалар йиғлайдики, ҳатто ўзининг кўз ёшларига тойиб-тойиб кетади. Шу ўринда савол пайдо бўлиши мумкин: бир вақтлари юқори давлат вазифаларида ишлаган, хонга яқин бўлган шоир шу қадар қашшоқлашиб, кўз ёшларига тойиб кетадиган даражада нотавон бўлиб кетганми? Давлат ишларидан кетгач, Огаҳийнинг моддий аҳволи олдингидай бўлмаганлиги табиий. Лекин унинг ғазалда айтилганидай қашшоқ, нотавонлиги бу шоирона муболағадир. Шу ўринда ўқитувчи болаларга лирик қаҳрамон тушунчасини англашиб ўтиши ўринли бўлади. Баъзан лирик қаҳрамон шоирнинг ўзи бўлади. Масалан, Бобурнинг ҳасби ҳол характеридаги шеърларида бўлгани каби. Лекин кўп ҳолларда лирик қаҳрамон шоирнинг ўзи бўлмай, балки кечинмалари, руҳий ҳолати тасаввур қилиниб, шоирнинг “мен”и орқали тасвирланаётган ижодкор фантазиясидаги қаҳрамон бўлади. Ушбу шеърдаги

ночор аҳволдаги лирик қаҳрамон ҳам Огаҳийнинг ўзи бўлмай, жамиятдаги камбағаллиги туфайли ҳамдардликка лойиқ бўлган одамлардир. Бундай тасвирдан шоир икки мақсадни кўзлаган бўлиши мумкин. Биринчиси, муболаға билан ўз ҳолини баён этиб, хондан ёрдам олиш бўлса, иккинчиси, хоннинг эътиборини жамиятдаги ночор қатламга қаратиш, уларга кўмак беришни уюштириш.

“Қотиғроқ келмади ҳаргиз жаҳонға ушбу қишдин қиш” ғазалида ҳам худди шу ҳолатни кўрамиз. Қишнинг ҳар йилдагидан қаттиқроқ келганлиги, совуқнинг шиддати ҳатто ақлу ҳисга бошдан оёқ монёв бўлганлиги, қат-қат либос ичида ҳам одамни худди қамиш сингари қалтиратиши, бу фасл киришиданок қадларни ёйдек қилиб, заифу нотавону нозик этганлиги баён этилади. Айниқса, қуйидаги байтда муболаға орқали қишнинг кўнгилсизликлари, совуқнинг берган азоблари бўрттириб тасвирланган:

Чиқорға ҳар нечаким кўргузуб кўб саъи тиш қисдим,
Ушотиб санги шиддатидин айирди борча тишдин қиш.

Қуйидаги сўзларнинг маънолари эслатиб ўтилади: саъи – ҳаракат; ушотмоқ – синдирмоқ; санг – тош. Ўқувчилардан ушбу тасвир орқали лирик қаҳрамоннинг ҳолатини англаш, у тушиб қолган вазиятни ҳис қилиш талаб қилинади. Чиқиш учун неча бор ҳаракат қилиб, тиш қисдим, дейилади биринчи мисрада. Нима учун тиш қисилади? Совуқ жон-жонига ўтиб кетган ёки қаттиқ оғриқни ҳис қилган одам беихтиёр тишларини бир-бирига босади. Иккинчи мисрада совуқнинг шиддати тошга ўхшатилади. Тишларни қаттиқ қисганлигидан улар синиб кетдики, гўё совуқ ўзининг шиддат тошлари билан уларни уриб синдиргандай бўлди. Бу каби қишнинг ғоят таъсирли ва ўта маҳорат билан чизилган тасвирини яна бошқа шоирларда топиш қийин. Огаҳий жамиятдаги нотенгликка, ҳаётдаги адолатсизликка, умуман, бу дунёнинг носозлигига урғу бериш мақсадида бу ғазалда ҳам қиёсга мурожаат қилади: “Манга мушқилдурур топмоқ иложинким, ғино аҳли, Илож айлар совуққа қоқим-у санжоб қишдин қиш”. Мақтадан Огаҳийнинг зорланиши, шикоятлари фақат ўзи учун емас, ожиз эл учун эканлиги ойдинлашади:

Етишди, Огаҳий, қиш мавсуми, ваҳ, эмди найларсан,
Ки қоттиғдур қарию ожиз элга борча ишдин қиш.

Кейинги икки ғазал таҳлилининг охирида ҳам дастлабки ғазал таҳлили сўнгида берилган саволни бериш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки ўқувчилар табиат тасвири у ёки бу шеърда қандай бадиий-эстетик, мазмуний, ғоявий моҳият касб этаётганлигини кузатиб боришлари лозим. Шеъриятимизда табиат тасвири қандай вазифа бажараётганлигини адабиёт муаллими таҳлилдан – дарс машғулотидан олдин аниқлаб олиши ғоят муҳим. Кузатишлардан маълум бўлмоқдаки, шоирнинг мақсадидан келиб чиқиб, шеърятдаги пейзажни қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

1. Пейзаж шоир учун **мақсад** бўлган шеърлар. Бунда шоир эътиборини фақат табиат манзарисини тасвирлашга қаратади. Н. Жумаев бу хил шеърларни қуйидагича таърифлайди: «Пейзаж асар, аввало, мавзу эътибори билан батамом пейзажга бағишланган бўлиши лозим. Иккинчидан, асарда муайян манзара тасвир этилади. Учинчидан, бу поэтик манзара шоир ёки лирик қаҳрамон кечинмалари орқали баён этилади. Тўртинчидан, пейзаж асарда муаллифнинг ғоявий муддаоси табиат гўзалликларини мадҳ этиш (баъзан эса, табиатдаги оғир дамларнинг изтиробли тасвири ҳам учрайди) ва кишиларни табиатдан завқ олишга чорлашдан иборатдир»⁵⁵. Мисол тариқасида шу синф дарслигидаги Рабғузийининг наврўзга бағишланган ғазали, Огаҳийнинг “**баҳор**” радибли ғазалини (бу ғазал дарслик-мажмуада тўлиқ берилмаган бўлса-да, шоир ҳаёти ва ижодига бағишланган мақолада таҳлилга тортилган), 7-синф дарслигига киритилган Миртемирнинг “Шудринг”, Шавкат Раҳмоннинг “Ҳамал”, “Тонг очар кўзларин” ва бошқалар.

2. Пейзаж **восита** бўлган шеърлар. Бунда шоир табиат воситасида ўзининг руҳий қийноқларини, ишқий кечинмаларини, фалсафий мулоҳазаларини, ижтимоий-сиёсий қарашларини очиқ ёки рамзий шаклда баён этади. Огаҳийнинг “Илоҳи, ҳар кунинг наврўз бўлсин”, “Қотиғрок келмади ҳаргиз жаҳонга ушбу қишдин қиш”, Атоийнинг “Кел, эй дилбарки, бўстон вақти бўлди” ғазаллари, Чўлпоннинг “Бинафша”, Омон Матчоннинг “Қайси йил кўкдамда Жайхун бўйида...”, Абдулла Ориповнинг “Баҳор”, “Баҳор кунлари кузнинг ҳавоси” шеърлари каби.

3. Табиат тасвири мақсад сифатида олинган бўлса-да, у орқали жамиятга ишора ҳам қилинган асарлар. Кўп ҳолларда пейзаж мавзусидаги ғазалларнинг мақтаъси ёки ундан олдинги байтларида, бармоқдаги шеърларда охириги бандларнинг бирида шоир ўзининг ижтимоий-сиёсий, фалсафий муносабати, қарашларини ҳам изҳор этиб кетади. Фурқатнинг “Фасли навбаҳор ўлди”, Рауф Парфининг “Тонг отмоқда” шеърлари каби.

Пейзаж шеърларни ўрганишда ўқитувчи уларнинг қайси гуруҳга мансублигини аниқлаб, буни инобатга олиши, шунга кўра таҳлил йўсинини белгилаши, тарбияланувчилар олдига мақсадга йўналтирувчи савол ва топшириқларни қўйиши керак бўлади. Бу мазкур мавзудаги шеърларни ўрганишда мақсадга эришишнинг етакчи омили бўлиб хизмат қилади.

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ВА АЁЛЛАР ОМИЛИ

**У.Темирова п.ф.н.
ТВПКҚТМОИ**

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда бозор муносабатларига асосланган ҳуқуқий-демократик давлат куриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида улкан ютуқлар қўлга киритилди. Бу натижалар мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ барча ўзгариш ва

⁵⁵ Жумаев Н. Мунис ғазалиёти. 104- бет.

янгиланишлар ана шу мақсадни амалга оширишга қаратилгани билан белгиланади.

Бугунги кунда ҳам ўзгаришлар жараёнининг моҳиятида ислоҳот – ислоҳот учун эмас, аввало, инсон учун, унинг фаровон ҳаёти учун, деган тамойил мужассамдир. Мазкур жараёнда инсонга олий қадрият сифатида муносабатда бўлиш алоҳида аҳамият касб этди. Президент Ислам Каримов алоҳида таъкидлаганидек: “Аслида, ҳар қандай ислоҳотнинг энг муҳим самараси аввало халқнинг маънавий-руҳий қарашларидаги янгиланиш жараёнлари, унинг онгу тафаккурининг юксалиши, мамлакатда юз бераётган ўзгаришлар унинг ҳаётига, тақдирига дахлдор бўлганини чуқур ҳис қилиши ва шундан хулоса чиқариши билан белгиланади. Биз амалга ошираётган ислоҳотларимизда ана шундай натижаларга эришиш учун барча ўзгариш ва янгиланишларнинг марказига инсон ва унинг манфаатларини қўйдик. Шунинг учун ҳам бугунги кунда ана шу жараёнларнинг моҳиятида ислоҳот – ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун, унинг фаровон ҳаёти учун хизмат қилиши керак, деган мақсад мужассам эканини ва унинг амалий ифодасини барча соҳаларда кўриш, кузатиш қийин эмас”⁵⁶.

Юртимиздаги бугунги тинч ва осойишта, бунёдкор ҳаёт, барқарор тараққиёт бундай ёндашувнинг нақадар тўғри бўлгани ва узоқни кўзлаганини тасдиқлаб бермоқда. Ўша масъулиятли пайтларда, кескин ижтимоий ларзаларга олиб келадиган ҳар қандай инқилобий ҳаракатларга қарши, тадрижий ривожланиш, демократия тамойилларига асосланган ўз йўлимиз бор ва бу йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз, деб айтилган қатъий сўз ва мустаҳкам сиёсат бугун ҳам изчил амалга оширилмоқда. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, демократия, авваламбор, маънавий мезонлар асосида бошқариладиган, кучли ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамияти демакдир. Айтиш мумкинки, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти демократиянинг ўзаро узвий боғлиқ бўлган икки жиҳати, икки қанотидир.

Мамлакатимиз Конституциясида белгилаб қўйилганидек, жамият ҳаётида қонунийлик мезонларининг тўлиқ жорий этиб борилиши уларнинг давлат фаолиятида ўз аксини топиши ва доимо мустаҳкамланиб борилишини тақозо этади.⁵⁷ Айнан шу мақсадларга мос ҳолда жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларида **«Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари»** ғояси асосида ижобий натижаларга эришилмоқда. Бу ўз навбатида, жамиятнинг турли қатламлари, хусусан аёллар фаоллигини талаб қилмоқда, уларнинг фаолият мезонларини мустаҳкамлаш масаласини кун тартибига қўймоқда.

Мамлакатда фуқаролик жамияти қуриш Ўзбекистон давлатининг асосий стратегик пировард мақсадларидан бири сифатида амалга оширилмоқда. Икки палатали парламент ислоҳотлари билан узвий боғлиқликда нодавлат ташкилотларни ижтимоий қатламлар, гуруҳлар манфаатлари ҳамда иродаларини ифодаловчи ташкилотлар даражасига

⁵⁶ Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. 105 - б.

⁵⁷ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: “Ўзбекистон”, 2008.

кўтариш, жамиятдаги турли ижтимоий қатламларнинг манфаатларини мувофиқлаштириш, жамиятнинг доимий барқарор бўлишига замин яратиш, шунингдек, фуқароларнинг, жумладан аёлларнинг ҳам жамият ва давлат органларини бошқаришдаги иштирокининг кенгайиши учун қулай шарт-шароитлар ҳозирланди.⁵⁸

Бу масалада Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳар икки палатаси кенгашларининг «Нодавлат нотижорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қўшма Қарори қабул қилинди. Бу ҳужжат нодавлат нотижорат ташкилотларнинг, фуқаролик жамияти институтларининг мустақил ривожланишини босқичма-босқич таъминлаш, мамлакатимизни демократик янгилаш жараёнида уларнинг роли ва аҳамиятини кучайтириш йўлида яна бир муҳим кадам бўлди.

Президент И.А.Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» номли маърузасидаги қуйидаги фикрлар нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ҳозирги даврдаги ўрнини ҳаққоний равишда баҳолаб берди: «Юртимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа фуқаролик институтлари ролини янада кучайтириш фуқаролик жамиятини шакллантириш, демократлаштириш ва мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви бўйича ўз олдимизга қўйган мақсадимизни рўёбга чиқаришда ҳеч бир муболағасиз ҳал қилувчи омил эканини, ўйлайманки, кимгадир уқтириб ўтиришга зарурат бўлмаса керак»⁵⁹.

Дарҳақиқат, юртимизда нодавлат-нотижорат ташкилотлари кучли фуқаролик жамияти куришда, аҳоли, айниқса аёллар ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда муҳим ўрин тутмоқда. Фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш жараёнларига доир ислохотлар тобора чуқурлашиб бормоқда. Ҳозирга келиб, республика аҳамиятига молик, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда давлат рўйхатида олинган 5100 дан ортиқ нодавлат-нотижорат ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда 402 та республика аҳамиятига молик нодавлат жамоат бирлашмалари фаолият олиб бормоқда. Улардан 81 таси халқаро ташкилотлар мақомига эга. Нодавлат ташкилотларнинг 48 таси жамғарма, 78 таси жамият, 4 таси сиёсий партия, 42 таси федерация, 16 таси қасаба уюшмалари, 2 таси ҳаракат, 20 таси марказ, 48 таси ассоциация, 20 таси уюшма, 5 таси кўмита, яна 37 таси бошқа номларда расмий рўйхатдан ўтган.

⁵⁸ Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги Фармони\ “Халқ сўзи” газетаси. – 2004 йил 26 май.

⁵⁹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. – Т.: Ўзбекистон, 2010, 44-б.

Шундай қилиб, демократик давлат қуриш, фуқаролик жамияти барпо этиш борасидаги ишлар самараси, фуқароларимиз, жумладан аёлларимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигига, уларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятининг юксаклигига боғлиқ. Бинобарин, давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган вазифаларнинг амалга оширилиши юртимизда барпо этилаётган фуқаролик жамияти пойдеворини янада мустаҳкамлаш, «учинчи сектор» билан давлат ҳамкорлиги натижасида мамлакатда нодавлат-нотижорат ташкилотларнинг мустақил фаолият юритиши, давлат ва жамият ишларини бошқариши учун кенг имкониятлар очади.

Маълумки фуқаролик жамиятида халқ ҳокимиятчилиги янада мустаҳкамланиши билан бирга, плюрализм, маданий ранг-баранглик, мусобақа ва ижобий рақобат, янгилик яратиш иштиёқи, бир-бирини маънавий бойитиш ва бир-бирини қўллаб-қувватлаш, гўзалликка интилиб, бетакрор маданий бойликлар яратиш, уларни халқ мулкига айлантириш ўй-нияти билан меҳнат қилиш ҳаёт тарзига айланади.

Бундай ўзгаришларни жамиятнинг барча қатламлари айниқса, аёллар фаоллигисиз амалга ошириб бўлмайди. Айнан аёллар омили, фикрлар, ёндашувлар, эркин мулоқот, ҳар кимнинг ўзи истаган онгли фаолият билан шуғулланиши, давлат ва жамият ҳаётига оид масалаларга ўз қарашларини билдириши, меҳнатга яраша ҳақ олиб, тақдирланиб, ўзини намоён қилиши ва фаровон турмуш кечириши, дунё халқлари билан мулоқотга киришиб, ахборот алмашиши ҳар кимнинг табиий ҳолати, табиий ҳуқуқи, табиий ҳаёт тарзи бўлиши учун имкон яратади.

Буюк аجدодларимиз оналар, аёллар улуғланадиган юксак маърифатли ва маънавиятли жамият қуришни орзу қилганлар. Ушбу шарқона орзу-истаклар идеал фуқаролик жамияти қуришнинг асосий парадигмаси, фундаментал асоси эканини унутиб бўлмайди. Ислоҳ Каримов таъкидлаб ўтганидек, фуқаролик жамияти асосларини барпо этишнинг энг муҳим таркибий қисми маънавият ва маърифат соҳасида, шахсни мунтазам камол топтириш борасида узлуксиз иш олиб боришдан иборат.

Бу ҳаётий ҳақиқат биз ҳамиша амал қиладиган тамойилга, жамият ривожининг асоси ва шартига айланмоғи ҳамда она ва аёлни муқаррам этадиган яхлит бир тизимни мужассам этмоғи лозим. Бу тизим марказида маънавият, ахлоқ-одоб, маърифат каби аёллар омилининг аҳамиятини янада оширадиган ўлмас қадриятлар турмоғи керак. Зеро, аёл фақатгина “оила отлиғ ҳаёт иморатининг иккинчи устуни”гина эмас,⁶⁰ балки жамиятнинг мустаҳкам таянчи, инсоният ҳаётининг энг асосий ҳаракатлантирувчи кучларидан биридир.

Маърифат, маънавият, тарбия орқали аёллар омилининг кадр-қимматини кўтариш ва шу орқали миллий демократик тараққиётга эришиш йўлида бугун мамлакатимизда улкан ишлар амалга оширилмоқда. Бу халқимиз асрлар давомида орзу қилиб келган, мустақиллик туфайли қўлга киритилган беназир имкониятдир, ушбу имкониятдан тўла ва оқилона

⁶⁰ Сафаров А., Маҳмудов М. Оила маънавияти. –Т.: Маънавият, 2009. -54 бет.

фойдаланиш учун ҳар бир фуқаро, ҳар бир ҳуффикр, онгли, виждонли, имонли ва эркин, демократияда яшашни истовчи киши масъулдир.

ЎҚУВЧИЛАР ТАРБИЯСИДА МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА МАЪНАВИЙ ҲАЁТ УЙҒУНЛИГИ МАСАЛАЛАРИ

Д.Хаитова, Н.Умарова
Сам ВПКҚТМОИ ўқитувчилари

Ўқувчининг маънавий дунёсини бойитиш, уларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, қолаверса, ўзимизга хос бўлган миллий урф-одатларни, анъаналарни ёшлар онгига сингдириш орқали маънавий жиҳатдан етук инсонни тарбиялаш, таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш, миллий уйғониш ғоясини рўёбга чиқарадиган янги авлодни вояга етказиш – шу куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Шу жиҳатдан миллий ғоя ўзлигимизни англаб ижтимоий тараққиёт ва барқарорлигимизни таъминлашимиз йўлида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Миллий ғоя – миллатнинг ўтмиши, бугуни ва истикболини ўзида мужассамлаштирган, унинг туб манфаатлари ва мақсадларини ифодалаб, тараққиётга хизмат қиладиган ижтимоий ғоя шакли сифатида мустақиллик йилларида шаклланди.

Президент И.Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида: “Миллий ғоя деганда, аجدодлардан авлодларга ўтиб, асрлар давомида эзозлаб келинаётган, шу юртда яшаётган ҳар бир инсон ва бутун халқнинг қалбида чуқур илдиз отиб, унинг маънавий эҳтиёжи ва ҳаёт талабига айланиб кетган, таъбир жоиз бўлса, ҳар қайси миллатнинг энг эзгу орзу-интилиш ва умид мақсадларини ўзимизга тасаввур қиладиган бўлсак, ўйлайманки, бундай кенг маъноли тушунчанинг мазмун-моҳиятини ифода этган бўламиз”⁶¹ деб таъкидлайдилар.

Миллий ғоя ҳақидаги масаланинг бугунги амалий аҳамияти шундаки, биз фуқаролик жамияти қуриш даврини бошдан кечирмоқдамиз. Миллий ғояда устувор йўналишлар сифатида белгилаб берилган қадриятлар тарғиботига эътибор қаратиш, ушбу жиҳат халқимизнинг миллий ўзлигини, англаб, мустақилликни мустаҳкамлаш ишига камарбаста бўлишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Маълумки, ғоя, яъни мақсад кўп ҳолларда амалиётдан илгари юради. Аввал муайян ғоя жамият аъзоларининг умумий мақсади сифатида илгари сурилиб, сўнг ушбу мақсадни бажариш учун амалий фаолият бошланади. Шу жиҳатдан ҳам миллий ғоя ўзлигимизни англаб ижтимоий тараққиёт ва барқарорликни таъминлашимиз йўлида муҳим омил бўлиб хизмат қиладигани, ушбу ишларни амалга ошириш маънавий соҳада намоён бўлади.

⁶¹ Каримов И. “Юксак маънавият – енгилмас куч”. Т.: “Маънавият”, 2008, 71-бет

Маънавий ҳаёт - шахс, миллат ва жамиятнинг маънавий муносабатлар, жараёнлар, алоқа ва мулоқотлари мажмуи бўлиб, ижтимоий ҳаётнинг муҳим кўринишини ифода этади. Маънавий ҳаётга бўлган жиддий эътибор ва уни ўрганиш фақат мамлакатимиз мустақиллигини қўлга киритгандан кейингина бошланди. Ҳар қайси халқ ёки миллатнинг тафаккури, турмуш тарзи, маънавий қарашлари ўз-ўзидан, бўш жойда шаклланиб қолмайди. Уларнинг вужудга келиши ва ривожланишида аниқ тарихий, табиий ва ижтимоий омиллар асос бўлиб, маънавият мезонлари, ахлоқ-одоб қоидалари инсонларга куч-қувват бағишлайди. Аниқроғи, маънавий ҳаёт орқали инсон ва миллат қилинаётган ишларнинг мазмун-моҳиятини аниқ тушуниб этади, ўз меҳнатини фаровонлик ҳамда тараққиёт омилига айлантиришга ҳаракат қилади. Маънавий ҳаёт жамиятда амал қилувчи ижтимоий меъёрларга асосланади. Лекин бу меъёрлар ўз-ўзидан вужудга келиб ривожланмайди, балки шу жамият фуқаролари, фаол шахслар иштирокида амалга ошади. Демак, маънавий ҳаётнинг шаклланиб бориши ва яшовчанлиги, авваламбор, шу жамият ёшлари зиммасига юклатадиган асосий масъулиятдир. Маънавий юксалиш инсон ҳаёт мазмунининг янада бойишига, унинг шахс сифатида янада комилликка эришишига асос бўлади. Шахснинг маънавий дунёси унинг қадриятлари тизими, эътиқоди ва дунёқарашининг мазкур жамиятда амал қилувчи қадриятлар ва анъаналарга қанчалик мос келиши билан белгиланади. Қадриятларнинг бундай ўзаро мутаносиблиги маънавий ҳаётнинг янада мукаммаллашиб бориши учун асос бўлиб хизмат қилади. Шахс маънавий ҳаётининг етакчи ўринга чиқиши, авваламбор, жамият ва давлат бошқарувини инсонлар манфаатига кўпроқ қаратишда, жамият ижтимоий ҳаётининг янгича мазмун касб этишида ўз аксини топади.

Юртбошимиз, ”Биз таянчимиз ва суянчимиз, ғуруримиз ва ифтихоримиз бўлмиш болаларимизга, фарзандларимизга ишонч билан, ҳурмат-эътибор билан қарашни келажакимизга бўлган ишонч, миллатимизга, халқимизга бўлган ҳурмат-эҳтиром ифодаси, деб биламиз”⁶² деб таъкидлайдилар.

Баркамол авлодни тарбиялашда миллий ғоя тамойилларининг маънавий ҳаёт билан уйғунлигини шакллантиришда маънавият соҳаси ходимлари зиммасига катта масъулият юклатилади.

Ўқувчиларнинг фалсафий дунёқарашини шакллантиришда шарқона анъаналар, урф-одат, маросимлар, шунингдек, уларнинг келиб чиқиш тарихи ва тарбиявий ишлардаги аҳамияти катта эканлигига гувоҳ бўламиз.

Ўқувчиларнинг ўзлигини чуқур англашини, мустақилликнинг қадрини тобора теран тушунишини, миллий тафаккурининг кенгайиши ва такомиллашувини, тарихий хурлик, мустақиллик руҳининг уйғонишини таъминлаш маънавият соҳасидаги сиёсатимизнинг асосий мақсадига айланиши лозим.

⁶² Каримов И. “Амалга ошираётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш – ёруғ келажакимизнинг асосий омилидир”. 2013-йил 7-декабр/ -Т.: “Ўзбекистон”, 2013.-48-б.

Ўқувчиларни тарбиялашда миллий ғоя ва маънавий ҳаёт уйғунлигига эришиш, ёшларда юксак маънавий фазилатларни камол топтириш, миллий мафкурани шакллантириш, умуминсоний қадриятларга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислохотларнинг ҳал қилувчи омилидир.

ЎҚУВЧИЛАРДА МАЪНАВИЙ ВА КАСБИЙ СИФАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК ОМИЛЛАРИ

**Умида Бекматова
Сирдарё ВПКҚТМОИ**

Тиллар ва педагогика, психология кафедраси мудири

"Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"да белгилаб берилган шахс камолоти узлуксиз таълим тизимининг ҳар бир босқичида ўз ифодасини топиши ўқитувчининг ўқувчига нисбатан бўладиган замонавий касбий сифатлари мувозанатидан келиб чиқади. Ушбу мувозанат "субъект - субъект" мувозанати асосида ташкил этилган бўлса, таълим ва тарбияда қафолатланган натижани олиш мумкин.

Замонавий касбий сифат жараёни шахснинг билими, маънавий дунёқараши, бой маданий меросга бўлган муносабатидан келиб чиқади. Шу билан бир қаторда, шахс ўз фаолияти давомида фуқаролик бурчи, виждон амри билан маънавий ва моддий бойликларни: авайлаб асрайди ва кўпайтиради. Демак, замонавий касбий сифат жараёнида шахснинг билимдонлиги, умуминсоний маданияти, маънавий дунёқараши ва тарбияланганлик даражаси ҳам юзага чиқади.

"Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш" бош ғоя экан, шу ғоянинг етакчи тарғиботчиси, шу ғоянинг тарбиячиси ўқитувчиси ҳисобланади. Эркин фуқаролик, ҳуқуқий демократик жамият қуришда таълим-тарбия ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шундай экан, бўлажак ўқитувчининг замонавий касбий сифати заминиде ёш авлод тарбияси, комил инсон тақдири турибди. Президент И.А.Каримов "Тафаккур" журнали бош муҳаррири Э.Аъзамов билан суҳбатида улуғ аллома Абдулла Авлонийнинг "Тарбия - биз учун ё ҳаёт - ё момот, ё нажот - ё ҳалокат, ё саодат - ё фалокат масаласи, жамиятимизнинг эртанги тақдири фарзандларимиз тарбияси билан боғлиқ" деган фикрини алоҳида таъкидлаб ўтган эди.

Маълумки, мустақил фикрлаш маданиятига эга бўлган шахс, аввало, ўзининг "Мен"ини тўғри англайди. Ўзининг тили, дини, ватани ҳақида тушунчага эга бўлади. Ҳар қандай муносабат жараёнида миллий ғурур, ватанпарварлик хисси, фуқаролик бурчи бундай шахсни тарқ этмайди. Шундай экан, замонавий касбий сифатлар жараёнида шахснинг маънавий, моддий эҳтиёжлари қондирилади. Шахс эҳтиёжи - халқ эҳтиёжи, мамлакат эҳтиёжи ва манфаатига айланади. Эркин фикрловчи, янгича тафаккурга эга

бўлган шахс мамлакатнинг, қудратини, салоҳиятини барпо этади ва ривожлантиради.

Бўлажак ўқитувчига замонавий касбий сифатлар шаклланишининг самарали йўллари топишга оид изланишларга кўра:

1. Ҳар бир шакс аниқ тарихий даврнинг, аниқ инсонлар ҳамжамиятининг вакили сифатида ўзига хос шахсий — замонавий касбий сифатларга эга бўлади ва айнан жамиятнинг барча аъзолари билан ўзаро муносабат ва касб фаолиятига хос фаолликка киришади.

2. Касбий фаолиятнинг ранг ~ баранг ва хилма - хиллиги шахслараро сифатларидаги эзгулик ва ёвузлик, ҳақиқат ва ёлғон, адолат ва адолатсизлик, гўзаллик ва хунуклик категорияларида ифодаланади. Маънавий — ахлоқий тушунчалар даражасида ўз аксини топган бундай сифатларнинг меъзонлари ижтимоий онгда "субъектив қарашлар" - кўрсатма, баҳо, йўналтириш ва тақиқлаш сифатида юзага чиқади.

3. Мутахассиснинг замонавий касбий сифатлари оила, ижтимоий гуруҳ фаолияти ва маънавий - ахлоқий қарашлардан айрича тушуниш мумкин эмас. Инсоннинг ижтимоийлашуви жараёни асосида индивидлар орасидаги алоқалар ва ижтимоий кўникмаларни эгаллаш ётади. Қисман ушбу жараён марказий нерв системасининг, айниқса, ярим шарлар пўстлогининг туғма механизмларининг шаклланиши билан ҳам боғлиқ бўлади, бироқ энг аввало, бу жараён шахс ҳаёти давомидаги замонавий касбий сифатлари тизимида орттирилган тажрибаси билан белгиланади.

4. Шахснинг ҳақ - ҳуқуқи ва эркинлигининг қонуний ҳимоя этилиши демократик жараёнларнинг ривожланишига олиб келади, бунинг замирида замонавий касбий сифатлар янада такомиллашиб боради.

5. "Ўқувчи, талаба ва ўқитувчи" муносабатидаги инсонпарварлик, бир-бирини тушуниш, ўзаро ёрдам за ҳамкорлик замонавий касбий сифатлар асосини ташкил этади.

Бўлажак ўқитувчилар ўз мутахассислик фанларидан чуқур билимга, педагогик маҳоратга, миллий ғоя асосида шаклланган маънавиятга эга бўлишлари кераклигини англаб етади.

Демак, баркамол авлодларда маънавий, ахлоқий кадрият, бағрикенгликни шакллантиришда педагогик фаолиятнинг мувоффақияти ўқувчилар жамоаси, ҳамкасблари жамоаси ва кенг жамоатчилик вакиллари билан ташкил этиладиган муносабат жараёнида ва бу жараён иштирокчиларининг ёши, мавқеи, ҳаётий тажрибаси ҳамда муносабатининг ўрни, ҳолати, кўлами, йўналиши каби омиллар ҳам инобатга олиншини тақозо этади.

Президентимиз И. Каримовнинг " Бугун олдимизга қандай вазифалар қўймайлик, қандай муаммоларни ҳал этишимизга тўғри келмасин, ҳаммаси кадрларга бориб тақалади. Хеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, келажагимиз. мамлакатимизнинг келажаги бизнинг ўрнимизга ким келишига, қандай кадрлар тайёрлашимизга бутунлай боғлиқ" деб айтган теран фикри тўлалигича умумий ўрта таълим тизимида ҳам таъаллуқлидир, Чунки, мамлакатимизнинг келажаги, унинг ҳар томонлама раванқ топишига хизмат

киладиган миллий кадрларнинг шаклланиши ана шу тизим асосида амалга ошади ва ривожланади. Шунинг учун ҳам умумий ўрта таълим тизимидаги назарий муаммоларни Республикамизнинг илмий салоҳиятли олимлари томонидан ва кўп минг сонли назариялар амалиётда синовдан ўтказадиган илғор педагог кадрлар томонидан ўз вақтида илғаб олиниб, чуқур таҳлил қилиниб, тўғри ва яхши натижа берадиган ҳолда замон талаби даражасида ҳал қилиш талаб қилинади.

Бу вазифаларнинг тўлақонли ва тўғри амалга ошиши эса педагог кадрларнинг малакасини ошириш институтлари кафедраларидаги педагог ходимларнинг малакасини ошириш бўйича олиб борилаётган назарий ва амалий ишларнинг сифати ва самарадорлигига, жумладан, малака ошириш курсида ўқитиш давомида, институт профессор — ўқитувчиларининг умумий ўрта таълим тизимида ўқитиладиган фанлар кесимида юзага келган энг сўнгги замонавий билимларни, ҳар бир малака оширишга келган фан ўқитувчисига бериши ва бу билимларни амалиётда қўллашнинг замонавий технологиялари, инновацион усуллари билан ишлай олиш малакасини шакллантириши зарур.

БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ ОНА ТИЛИ МАШҒУЛОТЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАР ОНГИДА МИЛЛИЙ ҒОЯНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

**Қ.А. Юнусов п.ф.н.
Андижон (вилояти)**

Ўзбекистонда таълим тизимида амалга оширилаётган туб ислохотларнинг асосий талабларидан бири – ўқувчи ёшларда юксак ахлоқий фазилатларни шакллантиришдан иборат. Муҳтарам Юртбошимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 21 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанали анжумандаги маърузасида кўрсатиб ўтдики: “Боланинг жисмоний ва психологик ривожланишидаги энг асосий давр - бу бошланғич синф давридир”.⁶³

Бошланғич синф ўқувчилари онги ва қалбига миллий ғояни сингдириб бориш эса асосан дарс жараёнида амалга ошириб борилади. “Ўқиш китоби” ва “Она тили” дарслигидаги ҳар бир мавзу ғоясини тушуниш, ҳар бир машқ матнини ўз шартига биноан бажариш давомида унинг мазмунини таҳлил қилиб бориш ўқувчида мантиқий фикрлаш, мантиқий хулоса чиқаришни талаб этади.

⁶³ Ислон Каримов. “Амалга ошираётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш - ёруғ келажагимизнинг асосий омилидир”. Ўзб. Респ. Конституцияси қабул қилинганлигининг 21 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанали анжумандаги маърузаси. Т.: “Ўзбекистон”. 2013 йил. 43 бет.

4-синф “Она тили” дарслигида ўттизга яқин шеър, шеърӣй парчада она-Ватанга муҳаббат, она тилини севиш, меҳнатсеварлик, она табиатни асраш, гўзаликка интилиш каби ғояларни ифодаловчи мазмун берилган. Бу шеърлар матнлари асосида ўқувчилар турли грамматик, орфографик топшириқларни бажарадилар. Шунинг билан бирга шеърлар мазмуни бўйича шундай суҳбат ташкил этилиши лозимки, ўқувчи суҳбатдаги муаммони ечиш давомида кучли маънавий озукани ўзлаштириш имкониятига эга бўлиши зарур.

Дарсликдаги 19-машқ матни устида қуйидаги ишлар амалга оширилиши мумкин:

**1. Грамматик
тушунча устида
ишлаш:**

- *эга устида ишлаш;*
- *кесим устида ишлаш;*
- *гап устида ишлаш;*

**2. Луғат устида
ишлаш:**

- *кўчма маънодаги
сўзлар устида
ишлаш;*

**3.Тарбиявий
мақсад (миллий ғояни
шакллантириш):**

- *Ватан, юрт, ўлка
тушунчаларини кенгай-
тириш;*
- *миллий гурур элемент-
ларини ҳосил қилиш.*

Шеър матни:

(Ҳ.Олимжоннинг “Ўзбекистон” шеъридан парча)

Бунда **булбул** китоб **ўқийди**,
Бунда **қушлар** ипак **тўқийди**.
Бунда **ари** келтиради бол,
Бунда **қушлар** топади иқбол.
Бунда қорлар тагларида **қиш**
Баҳор учун **сўйлайди** олқиш.

Суҳбат таҳминан қуйидагича ташкил қилиниши мумкин:

- *Булбул аслида нима қилади? (Сайрайди);*
- *Бу мисрада нима дейилган? (Китоб ўқийди, дейилган;)*
- *Бу иборан қандай тушунасиз? (Булбул озод қуш, у бундай юртда сайрагани – қувонгани, деб тушунамиз);*
- *“Қуртлар ипак тўқийди” иборасини қандай тушундингиз? (Қуртлар тилла ўрайди, тилла ўраш-ипак тўқиш, дегани);*
- *Қиш фасли баҳор учун нега олқиш сўзлар экан? (Қишда деҳқонлар дала ишларига тайёргарлик кўришади).*

Юқоридаги суҳбат якунида ўқитувчи тайёр хулосани ўзи айтмай, ўқувчиларга мурожат қилиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришга даъват этади.

“Она тили” дарсликларида тарли-туман шеърӣй ва насрий мантлар киритилган. Грамматик машқларнинг аналитик ва синтетик турлари ҳам турли вариантларда берилган. Ўқувчилар бу матнларнинг мазмунини, айниқса, шеърӣй матнлар ғоясини онгли тушунмас экан, улар грамматик топшириқларни ҳам тушунган ҳолда бажаришлари мушкул.

4-синф “она тили” дарслигидаги 61-машқда тўрт мисра шеърий парча берилган (*Дўстижон Матжон*):

Бир буғдой бошоғи
Ховуч-ховуч дон.
У менга ва сенга
Ширин, тотли нон.

Грамматик топшириқ- қайси бўлак уюшиб келаётганини топиш. Лекин бу топшириқни бажаришдан аввал ўқувчи қуйидаги муаммони ечиши шарт:

- *Нега бир буғдой бошоғи ховуч-ховуч дон бўлади? (Хосил мўл);*
- *У нега менга ва сенга ширин, тотли нон бўлади? (У меҳнатдан ҳосил бўлган).*

Мана шу муаммонинг ечилиши – ўқувчининг мустақил берган жавоби унинг миллий ғоя элементини ўзлаштирганини, мантикий хулоса чиқара олиш - Ватанимиз буғдой мустақиллигига эришганини тушунишини кўрсатади. Шунинг билан бирга ўқувчида нонга ҳурмат орқали деҳқон меҳнатига, умуман эса, меҳнатга ҳурмат руҳи пайдо бўлади.

Дарсликдаги 180-машқ матнида берилган шеърий парчанинг уч мисраси охирида тушириб қолдирилган эгалик қўшимчаларини қўшиб ёзиш орқали ўқувчилар **ўртоқ, булоқ** сўзлари охиридаги **қ** ундоши **ғ** га айланишини амадда мустаҳкамлайдилар. Лекин шеърий мисраларнинг мазмуни устида муайян тарзда суҳбат уюштирилмаса, ўқувчи юқоридаги имловий ҳодисани ёддан чиқариш табиий.

Шеърий парча:

Турар бойликка кон тоғ...

Қуёш эрур чин ўртоқ...

Ўйнаб оқар шўх булоқ...

Менинг юртим, Ўзбекистон. (**З.Аҳмедова**)

Ўқувчилар асосий орфографик ҳодисани - **ўртоқ, булоқ** сўзларидаги товуш ўзгариши юз берганини айтиб берганларидан сўнг, машқни ёзма равишда бажаришдан аввал қуйидаги муаммоли саволларга жавоб беришлари шарт:

- *Тоғлар нимага кон экан?*
- *Қуёш нима учун ўртоқ?*
- *Нега булоқ ўйнаб оқар экан?*

(*тоғларимизда олтин, мис, темир конларимиз бор, юртимиз қуёшли, булоқларнинг ўйнаб оқиши деганда табиатимизнинг гўзал эканлиги айтиляпти*).

Шеърий парадаги миллий ғоя – она-Ватанни севиш, юртни, унинг бойликларини ғурур туйғуси билан сўзлаш мана шундай суҳбат орқали шаклланади.

Юқоридаги фикрларимиз асосида қуйидаги хулосаларни келтирамиз:

- таълим – маънавий-маърифий жиҳатдан юксак бўлган комил инсонни шакллантирувчи асосий соҳа;
- таълимдаги ҳар қандай фан асосида миллий ғояни шакллантирувчи турли дидактик воситалардан унумли фойдаланиш бекиёс самара беради;

- ҳар бир фаннинг ўз мавзуси устида ишланар экан, ўқувчилар онги ва қалбида миллий ғояни шакллантириш усуллари ва машқларнинг турли вариантларини излаб топиш, уларни амалда қўллаб оммалаштириш шу куннинг долзарб масалаларидан биридир;

- ҳар бир мавзу устида ишлашда ўқувчиларнинг мустақил фикр билдириши учун имконият яратилиши, мантиқий ҳулосани мустақил равишда чиқариш учун эса турли муаммоли саволлар билан мурожаат қилиб бориш ҳам яхши натижалар беради.

III-ШЎБА

Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини кучайтиришда замонавий усул ва воситалардан фойдаланишни такомиллаштириш масаласи

ЁШЛАР ТАРБИЯСИДА СПОРТНИНГ АҲАМИЯТИ

**К. Синдаров, ю.ф.д
ТВПКҚТМОИ**

Бир пайтлар маҳалла-қуйда битта ёмон бола бўлса, “болам ёмонга қўшилиб кетмасин” дея ота-оналарнинг жони ҳалак эди. Бугун фарзандларимиз уйдан чиқмай “однокласники”, “дўстлар орттириш” ва бошқа қўплаб сайтлар орқали санг бир “ёмон”га қўшилиб кетиш, дўстлашиш имконига эга. Биз уларни кўрмай ҳам, сезмай ҳам қоламиз. Боламиз кимлар билан дўст тутунган, кимлар билан, нималар ҳақида гаплашмоқда, нималарни эшитиб, нималарни кўрмоқда, ўй ҳаёлида нималар бор – бизга қаронғи. Айрим “тушунган” ота-оналар мактабдан келибоқ, телефонида кўзини узолмаётган, ҳатто овқат маҳали унга “ёпишиб олган”, баъзида кечалари бедор телефони “ковлаётган” боласига танбех бериш билан чекланишади. Бошқалар эса кўча-қуйда санғиб юрмасдан, уйгинасида, тўполон кўтармай, жимгина бир бурчакда телефонда “ўйин” ўйнаб ўтирган боласига эътироз билдирмайди. Бошқалари эса меҳмон келганда, катталарнинг гапи қизиб кетганда, ҳалақт қилиб, уйни бошига кўтараётган болаларини компьютер ёки “галакс” билан “тинчитади”...

Узоғимизни яқин, оғиримизни енгил қилган, ҳаётимизга анчагина қулайликлар олиб келган уяли телефон ҳозирда ақлини таниган одамда бор. Кимларда икки, учтадан... Унинг интернет тармоғига улана оладиган, камера ва бошқа қулайликларга эга бўлган “Galacs” 3, 4, 5 ва ҳ.к турлари ёшларни ўзига тобора кўпроқ ром этмоқда. Ўқишда, ишда, уйда, кўчада – кечаю кундуз телефонни қўлдан қўймайдиган, интернет титиб, турли хил бемаъни ўйинлар, беҳаё фильмлар, бетайин томошалар кўришдан чарчамайдиган, энг асосийси

олтинга тенг вақтини бекорга сарфлаётган, қимматли соғлиғини йўқотаётган ёшларнинг янги авлоди кўз олдимизда шаклланиб келмоқда. Бу мудҳиш “телефон касаллиги” кундан-кунга томир отиб, тобора кўпроқ ёшларни ўз домига тортиб бормоқда. Ҳаёлимда “касаллик” кундан-кунга “яшариб” кетаётгандай... Мактаб ўқувчиларини қўя тулинг, боғча тарбияланувчилари, ҳатто икки, бир ва ундан кичик болажонлар ҳам бу “тамошалар”дан завқ олмоқда...

Яқинда бир ажойиб воқеанинг гувоҳи бўлдим. Хизмат сафаридан қайтаётгандим. Самолётга бир жувон қўлида чамаси олти ойлик чақолоғи билан чиқиб келиб, қаршимдаги жойга ўтирди. Бола тинмай йиғларди. Она боласини ўриндиққа қўйиб, шоша-пиша қўлидаги сумкаларни титкилай бошлади. Мен “аёл боласини овутиш мақсадида егуликми ёки бирор ўйинчоқми берса керак” деган ҳаёлга бордим. У эса сумкасидан планшет чиқарди! Ғазабим кўзгади... “Наҳотки, гўдак чирқиллаб турган пайтда бу аёл компьютер ўйнаса!!! Жувон планшетни очиб, ниманидир қўйди... Ё алҳазар, замонингдан ўргилай... чақолоқ шарттга йиғидан тўхтади. Кўзидан шашқатор оқаётган ёши билан компьютерга тикилиб қолди...

- Шу қурғурга ўрганиб қолган, бермаса, жанжал қилади, - деди аёл менинг ҳайратланиб турганимни сезиб.

Самолёт Тошкентгача уч ярим соат учди. Болақайнинг йиғлашга “қўли тегмади”... Мен эса батомам ҳаёллар оғушида қолдим...

Ахир ёшлармизни ўзига махлиё этаётган ўша бемаза фильмлар, бетайин мусиқаю томошалар, қирғинборат ўйинларнинг асл мақсади уларнинг қалбидан меҳру-муҳаббат, раҳм-шавқат, иймон-этикод, диёнат, садоқат, вафо, фидоийлик, эзгулик каби олий қадриятларни сидириб чиқариш ва аксинча бу мурғак юракларга қаҳр-ғазаб, ҳиёнат, худбинлик, ёвузлик уруғини сепишдан иборат эмасми?

Бу бозорбоп маҳсулотларни ишлаб чиқувчи, тарқатувчи маҳсус идоралар, ғоявий йўлбошчилар, давлатманд хомийлар, маънавий раҳномалар борки, улар кўзлаган қабих ва разил мақсад ёшларимизга аён эмас. Улар ўз ғояларини аста секинлик билан фарзандларимиз шуурига сингдирадилар. Болаларимиз билиб-билмасдан ана шу “аждар” домига илинадилар. Бугун ғарбдан шарққа илдам одимлаётган “оммавий маданият” деб аталмиш “маданият”нинг энг жирканч унсурлари ёшларимизни ўз тўрига илдириши ҳеч гап эмас.

Франция ёшларининг ҳар учтасидан биттаси оила, турмуш қуришни инкор этаётгани, Оврупанинг мана-ман деган давлатларида бир жинсли нигоҳга рухсат берувчи шармандали қонуннинг қонун қилинганлиги бизни бу хусусда жиддийроқ бош қотиришга ундайди.

Хўш нима қилмоқ керак? Ёшларни бу сиртмоқдан қандай қутқариш мумкин? Бугун ҳар бир ота-она, ҳар бир мураббий ана шу масала хусусида ўйламоғи, чора изламоғи шарт! Зеро, бу жараён бошланганига ҳали унча кўп вақт бўлгани йўқ. Демак олдини олса бўлади. Яна беш-ўн йилдан сўнг эса кеч бўлади. Суюкли болаларимиз, шириндан шакар набираларимиз “бизники” бўлмай қолади. Дунёқарашларимиздаги фарқ бизни бегонага айлантиради...

Мен бир ота-она, бува сифатида ана шу масала хусусида кўп бош котирдим... Неварам Жавохир 2 ёшида компьютерга қизиқиб қолди. Бошида кичкинагина гўдакнинг турли хил мураккаб ўйинларни маҳорат билан ўйнаши бизни ғурурлантирди. Ундаги қизиқиш кундан-кунга ортар, маҳорати ошиб борар эди. Кейинчалик эса компьютерсиз туролмайдиган, жанжал кўтарадиган, ҳарҳаша қиладиган, тажанг ва асабий бўлиб қолди. Тақиқлашлар, чеклашлар кор қилмасди. 3 ёшида кара-кара жадвалини тўлиқ ёдлаб олган бу иқтидорли боланинг келажаги мени кўпроқ ташвишга сола бошлади...

Нихоят бир фикрга келдим. Боладаги хотиранинг кучлилиги менга йўл кўрсатди. Бир куни уни спорт дўконига олиб чиқиб, яхши шахмат доскаси олиб бердим. Сипоҳларни тизиб, қандай юриши лозимлигини ўргатдим. Бир-икки кунда ўйинни ўрганиб олди. Қарасам, қизиқиши ҳам ёмон эмас. Кейин уни етаклаб, устози Собоҳат Зайнидиднованинг олдига олдиб бордим... Шундай қилиб, кечагина компьютерсиз туролмайдиган Жавохир тўрт ярим ёшида шахмат билан жиддий шуғуллана бошлади. Энди унинг вақти чегараланган эди. Ундан атиги бир ёш кичик бўлган неварам Исломбек ҳам акасида кўриб, шахматга қизиқа бошлади. Мен билан ўйнаш учун ишдан келишимни эшикда пойлаб ўтирарди...

Орадан бир йил ўтиб, улар шаҳар, республика миқёсидаги мусобақаларга иштирок эта бошлади. 2012 йил декабр ойида Дехлида бўлиб ўтган шахмат бўйича мактаб ўқувчилари ўртасидаги Осиё чемпионатида Жавохир олтин медални қўлга киритиб, Осиё чемпиони деган номга сазовор бўлди. Исломбек эса кумуш медал билан чекланди. 2013 йил невараларим учун омадли йил бўлди. Январ ойида Жавохир 7 ёшида ўн ёшгача болалар ўртасида Ўзбекистон чемпиони бўлди ва чаҳон чемпионатида йўлланмани қўлга киритди. Июнь ойида Эроннинг Мозондорон вилояти Сари шаҳрида 6-18 ёшли ёшлар ўртасида Осиё чемпионати бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилган Исломбек ўзига хос рекорд ўртади. У 6 ёшгача бўлган болалар ўртасида шахматнинг рапид, классик, блиц турлари бўйича 21 та партиядан 20 тасида ғолиб бўлиб, бир йўла 3 та олтин медални қўлга киритди. 20 дан ортиқ давлатлар иштирок этган нуфузли мусобақада юртимиз байроғини 3 карра баланд кўтарди. Жавохир эса 8 ёшгача болалар гуруҳида иштирок этиб, классикда тўртинчи, блицда эса иккинчи ўринга сазовор бўлди. 3 та олтин, 2 та кумуш, 3 та бронза медални қўлга киритган Ўзбекистонлик ёшлар умумжамоа ҳисобида 3 ўринни эгалладилар.

Ҳозир улар 4-5 соатлаб устозлари ёнида шахмат сирларини ўрганмоқдалар. Шахмат кўп ўтиришни талаб қилганлиги сабабли мен ҳар куни невараларим билан бир соат футбол ўйнайман. Кичик неварам Хумоюн ҳозир 4 ёшда. Унинг футболга қизиқиши кучли. Шу сабабли у билан алоҳида шуғилланишимга тўғри келмоқда. Айни пайтда у тўпни бемалол бошқара олади, зарбаси ҳам кучли. Номдор футболичи бўлса ажабмас.

Ҳар бир болада ўзига хос қобилият бўлади. Бу яширин истеъдодни рўёбга чиқариш ота-онага, устозларга, сизу бизга боғлиқ. Биз буни вақтида пайқамасак боладаги истеъдод юзага чиқмай қолиши мумкин.

Невараларим билан доимий шуғулланиш, мусобақа ва турнирларда уларга ҳамроҳлик қилиш, юриш-туришини назорат қилиш нақадар қийин, мураккаб вазифа бўлмасин, менга завқ-шавқ бағишлайди...

Танланган йўл уларга имкон эшикларини очади деб ўйлайман. Асосийси мен ўз мақсадимга эришдим. Уларни компьютер, телефон “касаллиги”дан сақлаб қола олдим. Ва бир нарсага амин бўлдим: ёшларимизни бу касалликдан асраб қолишнинг энг тўғри воситаси жисмоний тарбия ва спорт экан. Спорт билан мунтазам шуғулланиш биринчидан, болаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтишини таъминлайди. Демакки, уларни нотўғри йўлга кириб кетишдан, турли хил экстремистик оқимларга қўшилиб қолишдан асрайди. Иккинчи томондан ўзининг жисмонан соғлом, кучли ва баркамол ўсишига замин бўлади. Яна бир жиҳати спорт, айниқса шахмат инсоннинг ақлини чархлайди, қалбини поклайди, йўқотилган ақлий ва жисмоний қувватини тиклашга хизмат қилади.

Юртбошимиз бу йилни “соғлом бола” йили деб эълон қилгани бежизга эмас. Соғлом бола - жисмонан бақувват ва кучли, ақли теран, билимли, зукко ва доно, қалбан пок инсондир.

МИЛЛИЙ ҒОЯ ТУРКУМИГА КИРУВЧИ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШДА ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

**А.Отабоев
ТВПКҚТМОИ**

**Агар болалар эркин фикрлашни ўрганмасалар,
берилган таълим самараси паст бўлиши муқаррар.
И.А.Каримов**

Республикамизда “Таълим тўғрисидаги Қонун” ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” қабул қилинганлиги мамлакатимизда педагог кадрларнинг касбий ва интеллектуал салоҳиятини оширишга нисбатан талабни янада оширишни тақозо этмоқда. Шунингдек, янги типдаги таълим муассасалари, мактаблар қиёфасининг янгиланиши, болалар мусиқа ва санъат мактаблари, касб-хунар коллежлари ва академик лицейларнинг ташкил этилганлиги педагогик ходимлар фаолиятига нисбатан янгича ёндашиш заруратини келтириб чиқарди.

Ўтган давр мобайнида педагог ходимларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимида ҳам давр талаби бўлган замонавий педагогик технологиялардан фойдаланишга ва булар орқали мактабларда миллий ғоя туркумига кирувчи фанлар, яъни, 1-4 – синфларда “Одобнома”, 5-6 – синфларда “Ватан туйғуси” ҳамда 7-9 – синфларда “Миллий истиқлол ғояси” фанларининг ўқитилишида ҳам юқори самарадорликка эришиш мумкин. Албатта ўқувчиларнинг ёш хусусиятидан келиб чиқиб, педагогик технологиялардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Ёш авлоднинг ҳар томонлама етук, билимли, юксак маънавиятли, баркамол, ватанпарвар шахслар бўлиб етишишини таъминлаш йўлида

амалга оширишлайётган улкан бунёдкорлик ишларининг асосий бўғини сифатида педагог ходимларнинг юқори илмий, методик билимларга ҳамда амалий ишлаш бўйича юксак маҳоратга эга бўлишларини таъминлаш юзасидан зарур чора-тадбирларни амалга ошириш ҳисобланади.

Ҳозирда ҳар бир мактабда таълим-тарбия самарадорлигини ошириш жиддий вазифа бўлиб турибди. Бунинг учун ҳар бир ўқитувчи ўз фанини ўқитишнинг энг самарали замонавий педагогик технологияларини пухта билиши ва бу соҳадаги янгиликларни узлуксиз ўрганиб бориш орқали ўз касбий маҳоратини мунтазам ошириб бориши талаб қилинади.

Аввало педагогик технология тушунчасига таъриф бериб ўтсак. Технология - юнонча «**tehno**» - «санъат, маҳорат» ва «**logos**» - «таълимот» деган маъноларни англатади. Педагогик технологияга кўплаб таърифлар бериш мумкин. Бизнингча, педагог олим М.В.Монаховнинг таърифи ўринлидир. “Педагогик технология – аввалдан режалаштирилган натижаларга олиб боровчи ва бажарилиши шарт бўлган тартибли амаллар тизимидир”. Яъни, дарсларимизнинг самарадорлигини оширишда педагогик технологиялардан тўғри фойдаланиш аниқ натижани кафолатлайди. Бу эса ДТС талабларининг бажарилишида муҳим омилдир.

Педагогик технологиялар қўйидагича таснифланади:

- ❖ инсонпарварлик ва демократик педагогик муносабатга асосланган педагогик технологиялар: шахсий муносабатни шакллантириш, яқка ҳолдаги ёндашув, демократик бошқарув, очиқ инсонпарварликка йўналтирилган мазмун ва бошқалар;
- ❖ таълим оловчиларни фаоллаштириш ва жадаллаштиришга асосланган педагогик технологиялар: ўйинли технологиялар, муаммоли ўқитиш, коммуникатив ўқитиш ва бошқалар;
- ❖ ўқитиш жараёнини самарали ташкил этиш ва бошқаришга асосланган педагогик технологиялар: дастурли ўқитиш. дифференциал ўқитиш технологияси, яқка ҳолда ўқитиш, гуруҳий ва жамоавий ўқитиш технологияси, ахборот технологияси ва бошқалар;

Педагогик технологиялар ўқувчиларда ҳозиржавобликни тарбиялайди. Уларнинг ижодий ва интеллектуал қобилиятларини ривожлантиришга, ҳамкорликда ишлашга ёрдам беради. Ташаббускор бўлишга, мустақил фикрлашга ундайди. Зеро, таълим тизимини ислоҳ қилиш асосий мақсадимиз экан, илғор педагогик технологияларни дарсларимизга жорий этиб бориш - давр талабидир. Улардан бир нечтасини кўриб чиқамиз.

Ақлий ҳужум (Brainstorming) - ўқувчиларда ҳозиржавоблик (оғзаки, ёзма) ҳиссини ривожлантиришга йўналтирадиган бу усул жамоа орасида муайян топшириқларни бажараётган ва ҳар бир ўқувчининг шахсий имкониятларини руёбга чиқаришга кўмаклашиш ҳамда унда маълум жамоа (гуруҳи) томонидан билдирилаётган фикрга қарши ғояни илгари суриш лаёқатини юзага келтиришга хизмат қилади. Бу усулда ўқувчиларга умумий савол ташланиб, дастлаб берилган саволга 1-2 сўздан иборат жавобларнинг барчаси қабул қилинади ва охирида энг яхшилари танланади.

Баҳс - мунозара (Debate) - алоҳида дарс кўринишида бўлиб, бунда ўқувчилар икки гуруҳга бўлиниб, ўтилган мавзуга доир баҳсли, тортишувли муаммолар ҳал этилади. Биринчи гуруҳ «тарафдорлар», иккинчи гуруҳ, «қаршилар» ўртага тайинланган бошловчи баҳсни мувозанатга солиб туради. Гуруҳ аъзолари навбат билан мулоҳазаларини баён қиладилар..

Занжир машқи (Chain Drill) - дарсда ўрганилаётган мавзунини ўқувчилар қисмларга бўлиб, навбатма-навбат баён этиш орқали охирида яхлит бир кўринишда умумлаштириб беради.

Ижодий иш (Project work) - ўқувчиларнинг ижодий ва интеллектуал қобилиятларини ривожлантиришга қаратилган, эстетик дидларини шакллантирадиган усуллар, яъни, иншо, расм чизиш, лой-пластилиндан буюмлар ясаш, ёғоч ва металга ишлов бериш ҳамда гербарийлар йиғиш ва ҳоказо кўринишдаги кенг қамровли фаолият турларидир. Бунда дарс жараёнида назарий кўрсатмалар берилади ва дарсдан бўш вақтларда амалий тарзда бажарилади.

Интервью (Interview) - алоҳида дарс кўриниши бўлиб, бунда бир мавзу юзасидан бир ёки бир неча ўқувчиларга ўз қарашларини очиқ баён қилиш имконияти берилади. Савол берувчи репортёр ўқувчилар орасидан танланади.

Музёрап (icebreaker) - гуруҳда ўқувчилар бир-бирлари билан танишиб олишларида ишлатиладиган усулдир. Ўқувчилар доира бўлиб ўтириб оладилар. Биринчи ўқувчи исмини айтади, навбатдаги ўқувчи ўзидан олдинги ўртоғининг исмини айтиб, сўнгра ўзининг исмини қўшади ва шу тариқа давом эттирилади. Охириги ўқувчи ўзидан олдинги барча ўқувчилар исмини айтиши керак. Қизиқарлироқ бўлиши учун болалар исмларидан аввал исмларининг бош ҳарфидан бошланадиган сифатларни, хусусиятларини қўшишлари ҳам мумкин. Масалан, шижоатли Шохиста, гўзал Гулноза ва ҳоказо.

Хулоса қилиб айтганда, педагогик технологиялардан фойдаланиш миллий ғоя туркумига фанларни ўқитишда ҳам юқори самара беради. Ўқувчиларда мустақил фикрлаш кўникмаларини шакллантириш уларнинг келажакда жамиятда ўз ўринларига эга бўлишида катта аҳамиятга эгадир.

ЎҚУВЧИЛАРДА КИТОБГА МЕҲР –ҲИССИНИ ТАРБИЯЛАШ

С. Хайитова

ТВПКҚТМОИ, АРМ раҳбари

Китоблар ақл фарзандларидир

Ж.Свифт

Болани тарбиялашда энг таъсирли самарали ва оммавий воситалардан бири китоб бўлиб унинг маънавий оламини шахсини шакллантиришда у алоҳида аҳамият касб этади.

Китоб сеҳрли кучдир – у инсонга иккинчи бор табиат, маданият, бахт ҳада этади. Чунки китоб халқнинг бебаҳо маънавий бойлиги, ҳаёт дарслиги, барча билимлар тилсимотининг калитидир. Айниқса, бадий асарларни ўқиш, ҳаёт ва кураш қонунларини билиб олишнинг бебаҳо манбаидир.

Китоб мутола қилган киши ҳар куни янгидан-янги дўстлар орттиради.

Фарҳод, Отабек, Кумуш, Раъно, Фериде, Хумоюн ва Акбар, Тахмина билан китобхон қаршисида пайдо бўлиб, мулоқатга киришса, одам ўзини янада ақлли, кучли, умидвор ҳис қила бошлайди: дўстлари кўпайганидан хурсанд бўлиб, ёлғизликни унутади.

Чунки, китоб шахснинг ахлоқий ва маданий тараққиётида алоҳида ўрин тутати.

Кўп китоб ўқиган кишигина ҳақиқий маълумотли, саводли ва маданиятли бўлиши мумкин. Айниқса, бадий асарларнинг шахс маънавий камолотида тутган ўрни беқиёс. Одамдаги изчил ва онгли эътиқод ё жамият таъсирида ёки адабиётлар орқалигина ривожланиши мумкин.

Илмий китоблар эса кишиларни жаҳолатдан қутқаради, нафис бадий адабиётлар эса дағаллик ва разилликдан халос этади.

Яхши китоблар ўқувчиларда кишилар учун нима адолатли, гўзал ва фойдали экани ҳақида бош қотириш истагини уйғотади.

Шоирлар, ёзувчилар ўз китоблари билан одамларда ҳаёт юзасидан олижаноб тушунчалар ва туйғулар ҳосил қилади. Биз уларнинг шеърларини ўқиб, ҳар қандай қабихликдан, ёмон ишлардан нафратланишга ўрганамиз, яхшилик ва гўзалликларнинг мафтун этувчи сеҳрини тушуна билиш, олижанобликларни сева олиш, унга интилиш қобилятини камол топтирамиз. Бадий асарларни ўқиган сари биз ўзимиздан яхши фазилатларни излаймиз.

Ҳар бир бадий асар ҳар бир қалбга янги бир шуур, мусаффо бир туйғу бахш этиб, адашган бўлса, иккинчи бир ҳаёт яратиш учун тўғри йўл кўрсатади.

Яхши китоб ажойиб фикрлар уйғотади, китобхонни жамият ҳаёти ва кураши тажрибалари билан бойитади, фикрлашни ўргатади, унга билимлар беради, ана шу билимлар ёрдамида инсон ўз мақсади, орзуси йўлида курашади.

Китоб – билим манбаи “Энг яхши мактаб ҳам- ўқувчига керак бўлган билимларнинг барчасини бера олмайди. Ўқувчини шунга ўргатиш керакки, у мактабдан олган билимларини китоб ёрдамида доимо тўлдириб бора олсин”. Чунки, маънавий бўшлиқ ҳам китоб ўқимасликнинг оқибатидир.

Педагогик касбга муҳаббатнинг бош йўли ҳам китобдир. Педагогик эътиқоднинг асосларидан бири ҳам китобнинг тарбиявий кучига чексиз ишонганимиздандир.

Мактаб, энг аввало, китоб демакдир. Тарбия, биринчи галда, яхши сўздир. Китоб эса қудратли кучга эга бўлиб, доно, кўтаринки руҳда ёзилган барча яхши асарлар кўпинча инсон тақдирини ҳал этади. Шахс китоб орқали ақлан ўса боради ва ҳаётни қадрлаш туйғусини камол топтиради. Китоб ўқишга ёшлиқдан меҳр қўйиш – бу бахтли келажақка пойдевор қўйишдир.

Бугунги кунда кўплаб оилаларнинг шахсий кутубхоналари бор. Вилоятимиздаги туман АРМлари, мактаб АРМлари, мактаб кутубхоналари эшиги китобга ҳавас билдирган, китобни севган, қадрига етган китобхонлар учун доимо очикдир. Кутубхоначиларимиз эса ўз хизматларини, маслаҳатларини, китоб танлашда ўз ёрдамларини аямайдилар.

Айниқса, болалар учун ёзилган китобларнинг тарбиявий кучига юксак баҳо бера оламиз. Чунки бундай китоблар аввало, тарбия мақсадини кўзлайди.

Мамлакатимизда ўтказиладиган “Китоб ҳафталиклари”, “Китобсеварлар байрамлари” халқаро китоб кўргазмалари шунга ўхшаш тадбирлар болаларни, ўқувчиларни китобни севиш ва ўқишга бўлган иштиёқни шакллантирмоқда.

Бизда болаларни китоб воситасида тарбиялаш учун барча шароит ва имтиёзлар мавжуд. Аммо улардан фойдаланишга келганда, ҳамма ота-оналар, тарбиячи ва ўқитувчилар, кутубхоначилар бир хилда тўғри иш олиб борадилар, деб бўлмайди. Ҳеч қачон бола ўз-ўзидан китобхон бўлиб қолмайди.

Болаларни системали ўқишга ўргатиш, тарбиявий тадбирларни амалга оширишда ота-оналардан, мактабдан, кутубхоначидан кўп нарса талаб этади: ота-оналар ҳам, ўқитувчилар ҳам китоб ўқиш ва унинг педагогик – психологик асослари билан танишишлари лозим.

Китоб танлай олиш ва уни болага тавсия этиш китобхонлик маданиятини талаб қилади. Шунини унутмангки, азиз ота-оналар, бола мактабда қанча яхши ўқимасин, бадиий адабиёт мутолаасидан маҳрум бўлса, баъзан кўнгилсиз натижаларга олиб келиши мумкин.

Баъзан фан ўқитувчилари китоблар ўқишни фақат адабиёт фанини яхши билиш истаги билан боғлайдилар. Аммо бадиий китоблар ҳамма учун зарур: улар шахснинг фикрини чархлайди, нутқини ўстиради, дунёқарашини кенгайтиради.

Шунинг учун ҳар бир ота-она, ҳар бир ўқитувчи, ҳар бир кутубхоначи болаларнинг бадиий асар ўқиши, уни тушуниб ва системали ўқишнинг ахлоқий баркамоллик, илмий бойлик, одам табиатини тартибга солишдаги буюк ўрнини ҳамиша ҳис қилиши керак. Ота-оналарнинг ва мактабнинг бош вазифаси ўқувчиларга энг яхши китобларни танлаш ва ўқиб чиқишда астойдил ёрдам беришдир.

Бола оилада ёшликдан китоб ўқишга одатланмаса, унинг болалиги, мактабга қатнаши бекор кетади. Болалар ёшликда кучли туйғулар билан яшайди, уларда ўқиган китоблари кучли таассурот қолдиради, бир умр эса сақлаб қолади.

Болаларни ёшликдан китобга ўргатиш ва қизиқтиришнинг бош омилларидан бири эртақлардир. Кичик ёшдаги болалар бирор чиройли ҳикоя ёки эртақ эшитишлари айниқса зарурдир.

Эртақлар болаларда фикр ва фикрлашни кенгайтиради. Фикр эса шахсда кашф қилиш туйғусини вужудга келтиради. Эртақларда кўпинча ҳақ

билан ноҳақлик, яхшилик билан ёмонлик, адолат билан разиллик орасидаги кураш акс этади.

Натижада ҳақиқат, яхшилик, одиллик ғолиб чиқаверади. Эртақлар содда тилда равон баён этилганлиги учун болалар уни осон тушунадилар.

Болалар ўрмонлар, тоғлар, денгизлар, дарёлар, ҳайвонлар билан кўпроқ қизиқадиладар.

Ана шу бепаён оламга оид эртақ-ҳикоялар, афсона ва қиссалар ўқувчини табиат кучоғига олиб киради, ҳаёлан коинотга парвоз эттиради. Чунки яхши эртақлар болалар учун ақлий ривожланишнинг муҳим воситасидир.

Оилада ҳар куни олам ва одам тўғрисида бирор суҳбат бўлиб туриш табиий. Турли вақтли матбуот нашрларидан ўрин олган ажойиботлар ота-оналар ёрдамида болаларга етказилса, янги чиққан адабиётлардан 1-2 саҳифа оилавий давраларда ўқилса, қолганини болаларнинг ўзига хавола қилинса, болалар учун чиқарилган махсус қомусий луғатлар, буюк кишилар ҳаётига доир қизиқарли асарларни ўқиш тавсия этилса, ўқувчиларда китобга иштиёқ ортиб боради.

Сўз- буюк тарбиячи. Ҳар бир асардан , ҳар бир китобдан ўқувчилар жуда муҳим хулосалар чиқарадиладар. Уларнинг ёш қалблари сўз сеҳридан қаттиқ таъсирланади.

Радио ва телеэшиттириш каналларидан ўрин олган адабий мавзуларни болалар тинглашлари томоша қилишлари керак. Бу ўринда ҳам ота- оналар ташаббускор бўлишлари лозим.

Ўқувчиларда китобга ҳавас уйғотиш аввало она тили ва адабиёт ўқитувчисининг ва мактаб кутубхоначисининг касб маҳоратига боғлиқ.

Дарсларда, тадбирларда ўқитувчилар ўз ўқувчиларига бадиий дид ва завқни тарбиялаш учун вақти- вақти билан Жомий, Саъдий каби даҳоларнинг шеърларини оҳангдор ўқиб берсалар уларни нафосат билан сеҳрлайдиладар. Поэзия учун бундан ортиқ тарғибот бўлмаган.

Буюк алломаимиз Алишер Навоий бундай ёзади:

Истабон ташхис хотир устод

Назм ўкутуркин равон бўлсин савод.

Насрдан баъзи ўкур ҳам дoston

Бу гулистон энглиф-у, ул бўстон.

(“Лисонут- тайир”дан)

Ўқувчилар ифодали, таъсирли ўқийдиган адабиёт муаллимига алоҳида меҳр- мухаббат билан қарайдиладар, унга ихлос қўядиладар. Хануз, Навоийдан, Лутфийдан, Муқимий ва Фурқатдан, Ғ.Ғулом, Х.Олимжонларнинг шеърларини ҳамон эслаймиз.

Ўқувчилар ёшликдан мутолаага ўрганмаган бўлса, китоб ўқишга дадил, мустақил киришиб кета олмайдиладар.

Шундай пайтда адабиёт ўқувчисининг ёки кутубхоначининг моҳирона ёрдами керак бўлиб қолади: ўқувчини синфдан ташқари ўқишларга жалб қилиш адабиёт музейларига олиб бориш, иншо танловларига, фактлар бўйича

улар билан ифодали ўқиш машқлари ўтказиш сўз санъаткорлари билан учрашувлар ташкил этиш ўқувчини китоб ичига олиб киради.

Ўқитувчи бадиий тестларни изчиллик билан ўқиб чиқади, ҳар бир образ ҳақида етарлича карточкалар тузади асарлардаги энг яхши образларнинг гўзал фазилатларини очишга ҳаракат қилади. Бу эса ўқувчиларни баҳодирликка, саҳийликка, мурувватга, дўстликка, мардликка чиқаради.

Мактабларда адабиёт кечалари қизиқарли ўтказилса, ўқувчиларда бадиий дидни тарбиялашга, уларни сўз сеҳри оламига олиб киришга хизмат қилади. Ўқувчилар сўзнинг сеҳрли кучини эшитиш ва ўқишни ўзлари учун зўр бахт деб биладилар.

Вилоятимизда бадиий асар орқали ўз ўқувчиларини гўзаллик, донолик ва ахлоқан улуғворлик қошонасига олиб кирадиган ўқитувчилар кутубхоначилар кўплаб топилади.

Ўқувчиларни китоб ўқишга қизиқтиришда барча фан ўқитувчилари ҳам кулай имкониятларга эгадирлар.

Масалан, “Ёр ва одамлар”, “Фан ва турмуш”, “Ажойиботлар оламида”, “Ажойиб белгилар”, “Билимлар дунёси”, “Донишмандлар тарбия хусусида”, “Тарбия”, “Болалар энциклопедияси” каби журнал ёки тўпламлар ўқитувчиларга жуда қизиқарли маълумотларни беради. Ана шундай маълумотлардан парчалар ўқиш, моддий олам ғаройиботларига ўқувчилар диққатини тортиш жуда муҳимдир. Айниқса, болаларни ҳайвонот дунёси билан таништириш, уларни яшаш шароитларини ҳикоя қилиш қизиқтира билиш зарурдир.

Болаларда китобга ҳавас уйғотишда айниқса, ота- оналар етакчи намуна бўлишлари янги китоб совға қилишдан аввал уларни сақлаш маданиятини ҳам ўргатишлари зарур. Китоб жавонлари тоза бўлиши, журнал ва дарсликлар, бадиий китоб ва луғатлар бир тартибда жойлашиши, ўқувчи хонасида дунё картаси осифлик туриши китоб ўқишнинг алифболаридир.

Китобга қизиқиш уйғотиш кўп жиҳатдан кутубхоналар фаолияти билан боғланади. Кутубхоналар – тарбия ўчоғи. Ўқувчи учун кутубхоначи меҳрибон, ширинсўз маслаҳатчи.

Вилоятимиздаги барча кутубхоналарда ўқувчиларнинг фаол китобхонлик малакасини ўстириш борасида оммавий тадбирлар, конференциялар, бадиий кечалар, учрашувлар, давра суҳбатлари, кўрик- танловлар амалга оширилмоқда.

Вилоятимиздаги барча мактабларнинг кутубхоналари китоб фонди хомийлар, ота- оналар томонидан бойитилиши керак. Давр талаби шуни тақозо этади. Ҳар бир кутубхона ўзининг кенг, ёруғ жиҳозланган ўқув залига, техника воситаларига эга бўлиши шарт. Улар ўқувчиларни ўзига кўпроқ жалб этиши шу орқали уларда китобга ҳалқимизга, гўзал Ватанимизга муҳаббат туйғуларини тарбиялаши мақсадга мувофиқдир. Афсуски, Вилоятимизнинг туман, шаҳар кутубхоналари талаб даражасида эмас, китоб сақлаш хоналари, ўқув залларига эга эмаслар.

Кутубхоналарни ҳам юксак малакали кадрлар билан таъминлаш масаласи ҳам ўз истиқболини кутмоқда. Хулоса шуки болаларда китобхонлик ва у орқали юксак ахлоқий сифатларни камол топтиришда мактаб кутубхоналарининг ўрни катта эканлигини унутмаслигимиз керак. Китобнинг ўзига хос ўрни бор. Болаларни китоб орқали тарбиялашнинг афзалликлари айниқса, ҳозирги шароитда янада равшан кўринмоқда. Ёшларимиз жамиятда яратилган ҳамма имконият ва имтиёزلардан тўлиқ фойдаланиши зарурдир. Ҳар бир ишнинг самарали бўлишида китоб етакчи воситалардан бири бўлиб қолган ва шундай бўлиб қолади.

Китоб қоронғу йўлларни ёритувчи машъалдир.

МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МИЛЛИЙ ҒОЯНИНГ ЎРНИ

**Азимов А.Э., и.ф.н. доцент
ТВПКҚТМОИ**

Миллий ғоя - муайян миллат ҳаётига мазмун бахш этадиган, уни эзгу мақсад сари-етақлайдиган фикрлар мажмуи. У миллатнинг ўтмиши, бугуни ва истиқболини ўзида мужассамлаштиради, унинг туб манфаатларини, мақсадларини ифодалайди. Миллий ғоя ўз моҳиятига кўра, халқ, миллат тақдирига дахлдор бўлган, қисқа ёки узоқ муддатда ҳал этилиши керак бўлган вазифалар ва мўлжалларни ҳам акс эттиради. Миллий ғоя миллатнинг миллий ўзлигини англаш билан чамбарчас боғлиқдир.

Миллий ўз-ўзини англаш - ҳар бир миллат (элат)нинг ўзини ҳақиқий мавжуд субъект, муайян моддий ва маънавий бойликларни ифодаловчи эканлигини, ягона тил, урф-одатлар, анъаналар, қадриятлар ва давлатга мансублигини, манфаатлар ҳамда эҳтиёжлар умумийлигини тушуниб етишига миллий ўз-ўзини англаш дейилади.

Миллий ўз-ўзини англаш миллат шаклланишининг нисбий юқори босқичининг мезонидир. Миллат ўзига хос бўлган урф-одатлар, анъаналар, қадриятларни шакллантириши ва ягона давлат асосида бирлашиши мумкин. Юқорида таъкидланган хусусиятлар шаклланмас экан, мамлакат иқтисодий ривожланиши жумладан интеллектуал салоҳияти ривожланиши мумкин эмас. Аммо унинг миллат сифатида ўз-ўзини англаши янада мураккаброқ жараён ҳисобланади. Чунки миллатнинг аксарият кўпчилигининг ягона моддий ва маънавий бойликларга эгаллиги ҳиссиётининг шаклланиши, ўзининг жузъий манфаатларидан умуммиллий манфаатларни устувор қўя билиш ҳисси жуда секинлик билан намоён бўлади.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов баён этишича, «Ўзликни англаш деганда мен тарихий хотирани тиклаш, насл-насабимиз ким эканини, кимларнинг вориси эканлигимизни англаб етишни, шундан келиб чиқиб, ўзимизга хос ва мос жамият барпо этишни тушунаман»⁶⁴.

⁶⁴ Каримов И.А. Т.7. 132-154-бетлар

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини янада демократлаштириш, аввало, ҳар бир фуқаронинг ва бутун жамиятнинг олий мақсадларини ўзида мужассам этган миллий ғоя атрофида уюштириш, миллатнинг ажралмас қисми эканлигини англаб етишга ҳам боғлиқ. Мамлакатимиз Президентининг фикрича, «Чинакам инсоний фазилатларга эга бўлган... одам демократик неъматларнинг оддий истеъмолчиси эмас, балки уларнинг фаол яратувчиси ва ҳимоячисига айланади... Шундагина инсон ўз мамлакатининг том маънодаги муносиб фуқароси бўла олади»⁶⁵.

Мустақиллик туфайли бир тизимдан иккинчи тизимга ўтиш даврида ўзликни англашнинг ўзига хос кўринишларини англамасдан маънавий юксалиш ва тараққиёт даражасини англаб бўлмайди. Юксак ривожланган жамият эса ўзлигини англаган шахслардан таркиб топади. Ўзлигини англаган ёки англай бошлаган кишигина шахс даражасига кўтарилади. Демак, ўзликни англаш, аввало, ҳар бир инсоннинг шахси, интеллектуал салоҳияти, алоҳида «мени» билан боғлиқ. Ҳадисда айтилганидек, «Кимки ўзлигини таниса, роббини танийди».

Миллий ўз-ўзини англаш миллатнинг моддий ҳамда маънавий манфаатларини ҳимоя қилувчи ва ривожлантирувчи омил ҳисобланади. У фақат миллий манфаатларни ҳимоя қилиш билан чекланмайди, у миллатни «ҳаракат»га келтиради ва бирлаштириб туради. Хусусан, миллат тараққиёти жараёнида иқтисодий, ижтимоий-сиёсий соҳаларда юзага келадиган муаммоларни ҳал қилишда миллий ўз-ўзини англаш омили миллатни жипслаштиради ва уни умуммақсадлар йўлида ҳаракатга келтиради. У ҳар қандай миллат учун зарур асосий ўзига хос белгилари тизимида етакчи ўринни эгаллайди. Миллий ўз-ўзини англаш миллат абадийлигини таъминлашнинг энг муҳим омилidir. Чунки бу салоҳият миллатнинг ўзига хослигини ва манфаатларини ҳимоя қилиб туради. Хитой файласуфи Шан Ян (мил.авв. 390-338) фикрича, «Нодон халқни бошқариш осон. Тентак одамларни оғир меҳнатга мажбурлаш осон. Ақлли кишиларни эса машаққатли меҳнатга жалб этиш мушкулдир».

Ўзбек миллати тараққиётида миллий ўз-ўзини англаш жараёни чор империяси ўлкамизни босиб олгандан сўнг ўз мустақиллигимиз учун курашларда, шўролар тизими шароитида ўзлигимизни сақлаб қолиш учун бўлган ҳаракатларда намоён бўлиб келди. Мустақилликни қўлга киритганимиздан кейин миллий ўзлигимизни англаш икки йўналишда: 1. Собиқ шўролар даврида топталган урф-одатларини, кадр-қимматини, қадриятларини тиклаш ва маънавий меросимизни ўзлаштиришга бўлган ҳаракатларда. 2. Адолат, демократия ва ҳуқуқ устуворлигига асосланган жамият қуриш билан боғлиқ бўлган ислохотларни ўтказиш жараёнида юзага келган муаммоларни ҳал қилишдаги умуммиллий ҳаракатларда намоён бўлмоқда.

Миллий ўз-ўзини англаш у ёки бу миллатни ўзга миллатлардан ажралиб кетишига олиб келмайди, балки ўзлигини англаган миллатларнинг

⁶⁵ Каримов И.А. Асарлар. Т.11. 34-бет

маърифатлашган ҳамкорликларининг мустаҳкамланиб боришига хизмат қилади. Шунинг учун мустақиллик шароитида ўзбек халқининг ўз-ўзини англашини ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилгандир. Ўзбек миллатида ўз-ўзини англаш ҳиссини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш ҳозирги куннинг энг долзарб масалаларидан биридир.

МИЛЛИЙ ҒОЯ ТАРҒИБОТИ ВА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ КУЧАЙТИРИШДА АХБОРОТ- КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

**Н. А. Гулбаев т.ф.н., доцент
ТВПКҚТМОИ**

Мамлакатимизда узлуксиз таълим тизимини ислоҳ қилиш, ахборот технологияларини кенг жорий этиш орқали таълим самарадорлигини ошириш, ўқув муассасаларининг моддий-техника ва ахборот базасини мустаҳкамлаш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Бугунги глобаллашув даврида таълим – тарбия жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари(АКТ) дадил кириб келиши устоз-мураббийлар зиммасига катта маъсулият юкламоқда. Давр билан ҳамнафас қадам ташлаш замонавий педагоглардан изланувчанлик, ижодкорлик, ўз маҳоратини мунтазам оширишни тақозо этади.

Республикамиз мактабларида “Биз – буюк юрт фарзандларимиз” номли ёшлар фестивали, “Ҳеч ким меҳр ва этибордан четда қолмасин”, “Ватан тараққиётига менинг ҳиссам”, “Қамолот кутубхонаси” каби лойиҳалар ва “Мустақиллик фарзандлари” номли концерт дастурлари асосида ўқувчи ёшларимиз орасида миллий ғоя тарғиботи ва маънавий – маърифий ишлар ташкил қилинмоқда. Бу тадбирларда ва ўқув машғулотларида замонавий технологиялардан мақсадли, ўринли фойдаланишнинг аҳамияти жуда катта.

Маънавий – маърифий ишлар самарадорлигини оширишда замонавий усул ва воситалардан фойдаланишда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишда ўқувчи ва ўқитувчи ҳамкорлиги жуда муҳим роль ўйнайди. Ўқувчида бу технологиядан фойдаланишда замонавий усул моҳиятини ҳис қила олиш қобилияти кучли бўлиши керак. Ўқувчида бу қобилиятни шакллантириш эса Информатика ўқитувчисидан ижодкорлик ва маҳорат талаб этилади.

Бу технологиядан фойдаланувчилар аудиториясини кенгайтириш мақсадида кўплаб ишлар ташкил қилиниши лозим:

- АКТ ҳақида мактабларда таниқли олимлар ва ижодкорлар, шу фан бўйича туман(шаҳар), вилоят йил ўқитувчилари билан учрашувлар;
- янги технологиядан турли фанларда фойдаланишни йўлга қўйиш;
- мактабларда замонавий технологияни акс эттирувчи мўъжазгина кўргазмалар ташкил қилиш;
- фан кабинетларида АКТнинг ўрнини кўрсатиш;
- компьютер саводхонлиги каби тўғарак ишларини жонлантириш;

- ҳар бир фан ўқитувчиси АКТ имконияти ва қурилмаларидан самарали фойдалана олиши.

Президентимизнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида таъкидланганидек, ҳозирги вақтда ахлоқсизликни маданият деб билиш ва аксинча, асл маънавий қадриятларни менсинмасдан, эскилик сарқити деб қараш билан боғлиқ ҳолатлар бугунги тараққиётга, инсон ҳаёти, оила муқаддаслиги ва ёшлар тарбиясига катта хавф солмоқда ва кўпчилик бутун жаҳонда бамисоли бало-қазодек тарқалиб бораётган бундай хуружларга қарши курашиш нақадар муҳим эканини англаб олмақда.

Бугунги ахборот-коммуникация технологиялари ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланган кунда, истаган жойда туриб дунёнинг нариги чеккасидаги одам билан мулоқатга киришиш имконияти туғилган. Юртимизда интернет тизими янада ривожланмоқда, асосийси ундан “Истаганингча яша, сенга ҳеч ким хўжайин эмас, сен эркинсан. Хоҳлаганингни қил, истаганинг билан юр” қабилида фойдаланмаслик зарур. Ёшларни “оммавий маданият”нинг “Истаганингча яша, сенга ҳеч ким хўжайин эмас, сен эркинсан. Хоҳлаганингни қил истаганинг билан юр” қабилидаги фикрлар, ғоялар орқали тарғиб қилинмоқда, ўз таъсир доирасини кенгайтириш, кишилиқ онгини бошқарига уринмоқда.

Мактабларимизда ўқувчиларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондириш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Президентимиз айтганидек жаҳон ахборот майдони тобора кенгайиб бораётган бир шароитда болаларимизнинг онгини фақат ўраб-чирмаб, уни ўқима, буни кўрма, деб бир томонлама тарбия бериш, уларнинг атрофини темир девор билан ўраб олиш, ҳеч шубҳасиз, замон талабига ҳам, бизнинг эзгу мақсад-муддаоларимизга ҳам тўғри келмайди.

Шундай экан ёшларлимизни Интернет манбаларидан фақат маърифат излашга ўргатиш, уларда “мафкуравий иммунитет” ҳосил қилиш, миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини кучайтиришда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш фақатгина информатика ўқитувчиси эмас балки барчамизнинг фуқаровий бурчимиз бўлиши лозим.

РАСУЛОВА

O'QUVCHILARDA MILLIY G'URUR TUSHUNCHALARINI SHAKLLANTIRISH

Sh. Hayitmuradov, S. Umarov, A. Quدراتova
Samarqand VPQTMOI o'qituvchilari

Tarixiy xotirasiz kelajak yo'q
I.A. Karimov

Barkamol avlodni tarbiyalash, ular ongi va qalbida vatanparvarlik, milliy iftixor tuyg'ularini kuchaytirish, yot g'oyalarga qarshi sobit tura oladigan, mafkuraviy immuniteti kuchli, irodali yoshlarni kamol toptirish – bugun mamlakatimizda ta'lim tizimi, xususan barcha pedagoglar oldida turgan o'ta muhim vazifadir.

Mustaqil O'zbekistonimizda umumiy o'rta ta'lim maktablarida matematika darslarini o'qitish orqali ularga faqat hisoblash, matematik tushunchalarni berish bilan chegaralanib qolmay balki, ularga o'z vatanini hurmat qilish, o'tmishda yashagan mashhur ajdodlarimizning matematika sohasiga qo'shgan hissalarini tushuntirish, ma'lumotlar berish orqali kelajakka bo'lgan qiziqishlarini o'ttirishdan iboratdir.

Vatanimizning tarixi bilan tanishar ekanmiz, o'tmish odatlarimiz orasida dunyoga mashhur olimlar bo'lganligi bilan faxrlanamiz. O'quvchilarga ular haqida ma'lumot, qilgan ishlaridan namuna keltirish uchun olimlar ishini tahlil qilib tushunchalarini sinflarga, mavzularga ajratamiz va foydalanish, o'rganish haqida ma'lumot to'playmiz.

Ko'pchilikka ma'lumki, O'rta Osiyoda juda ko'p mashhur kishilar yashab o'tganlar. Ulardan talayginalari boshqa sohalar kabi matematika fanini rivojiga ulkan hissa qo'shganlardan hisoblanishadi. Biz o'quvchilarga Ona-Vatanimizning tarixi juda qadimiy ekanligini, bundan ko'p asrlar oldin Vatanimizda fan va madaniyat katta taraqqiyotga ega bo'lganligini, ayniqsa, VII asrdan XV asrgacha O'rta Osiyo matematiklari o'sha davr matematikasining hamma sohalarida juda ko'p yutuqlarga erishganliklarini aytib o'tishimiz maqsadga muvofiqdir. O'rta Osiyolik olimlardan:

- Abu Nasr Muxammad ibn Uslug' ibn Tarxon Farobiy (873-950)
- Abdu Abdulloh Al-Xorazmiy (783-850)
- Abul Vafo (940-998)
- Abu Rayxon Muxammad ibn Axmad Beruniy (973-1048)
- Abu Ali ibn Sino (980-1037)
- Umar Xayom (1049-1131)
- Nasriddin Tusiy (1201-1274)
- Saloxiddin Muso ibn Qozizoda Rumiy (1360-1447)
- Giyosiddin Jamshid Koshiy (1385-1457)
- Ulug'bek (1394-1447)
- Aloviddin ibn Muxammad Ali-Qushchi (1402-1474)

kabilar hozirgi zamon hisoblash tizimini kashf etdilar, manfiy va irratsional sonlar bilan ishlash yo'lini, ildiz chiqarish, qator tenglamalarni yechish metodlarini, Nyuton binomining umumiy formulasini topdilar, mana shularni aytib o'tishimiz foydadan holi bo'lmaydi.

Biz matematika o'qitish jarayonida o'quvchilarga notanish bo'lgan matematik atamalarning qaysi tildan olinganligini va o'zbek tilidagi ma'nosini o'rgatib borsak, ularning matematika faniga bo'lgan qiziqishi ortishi bilan birgalikda lug'at boyliklari va savodxonlik darajasi ortib borishiga erishamiz.

Abdu Abdulloh Al-Xorazmiy IX asr boshida al (Mavrda) Mamun al-Rashid saroyida xizmat qiladi va uning buyrug'iga ko'ra Hindiston g'arbiga

safarga boradi va ularning matematikasi bilan tanishadi. buning natijasida u “hind sonlari haqida” traktatasini yozadi. Bu ekspedisiyaning “hisob al-Hind “fan tarixidagi roli juda katta bo’lib ,butun dunyoga “arab raqamlari” deb atalgan hind raqamlarining va o’nlik pozitsion hisob sistemasining tarqalishiga sabab bo’ladi. Xorazmiy asarlarining umumiy soni malum emas, lekin bizgacha yetib kelganlar, al-Mamun davrida (813-833) “fihisob al jabr va al muqabala “, “ hisob al -Xind” , “Astronomik jadval “ al -Mug’tasim davrida (842-847) “Surat ul arz “al -Vosik davrida (842-847) yaxudiylar kalendari asarlaridir.

Xorazmiy algebraik asarlarning kirish qismini fan tarakiyotida o’tmishdagi olimlarning qo’shgan hissalar va o’z asarlarining ahamiyatini gapirib, uning algebra va al-muqobala haqidagi qisqacha darslik arifmetikaning sodda va murrakkab masalalarini o’z ichiga olganligini va ular meros ulashishi, vasiyat tuzish, mol dunyo taqsimlash uchun sud va savdo ishlari, yer o’lchashlarda, kanallar o’tqazish va yuza o’lchashlarda zarurligini tasdiqlaydi.

Mamlakatimizda matematik ta’limning vujudga kelishi va dunyoning yirik mamlakatlaridek darajaga ko’tarishida yuqorida keltirilgan taniqli allomalarimizni hayoti va qilgan ishlarini tanishtirish bilan birga olimlarimiz fan arboblari, ajoyib va mehribon pedagoglarimizning nomlarini o’quvchilarga tanishtirish, ular haqida ma’lumot berish ham o’quvchilarda milliy g’urur tuyg’usini shakllantiradi.

ЛОГОПЕДИЯ МАШҒУЛОТЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАР ОНГИДА МИЛЛИЙ ҒОЯНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Азиза Юнусова

Дилдора Раҳимова

**Андижон шаҳар 13- ақли заиф болаларга ихтисослаштирилган
давлат таълим муассасаси логопедлари**

Президентимиз Ислом Каримов ўзининг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида “Маънавият инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир”[1.19.] – деб таъкидлаган. Бундай маънавиятга асос эса инсоннинг болалигидан, айниқса, бошланғич синфлардан илк қадам ташлайди.

Муҳтарам Юртбошимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 21 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанали анжуманда 2014 йилни “Соғлом бола йили” деб номланишини мажлис қатнашчилари эътиборига ҳавола қилар экан, “Биз соғлом деганда, нафақат жисмоний, балки маънавий жиҳатдан ҳам соғлом болани ўзимизга тасаввур этамиз”[2.40.] - деб таъкидлади.

Мамлакатимизда инсонпарварлик тамойилларига қатъий амал қилиб борилиши муносабати билан ақлан заиф болаларнинг илм олишларига ҳам қулай шароитлар яратилгандир. Фикримизга мисол сифатида Андижон шаҳар 13- ақли заиф болаларга ихтисослаштирилган давлат таълим

муассасасини келтиришимиз мумкин. Мазкур муассасада логопедия дарсларида нутқий камчилиги бор болалар устида логопедик машғулотлар олиб борилади.

Логопед ўқитувчи ўқувчиларнинг нутқ камчилиги устида иш олиб боришида турли хил дидактик ўйинлардан фойдаланиб, ўқувчиларда товуш ва гапларни тўғри талаффуз этишга ўргатиб бориши давомида, ўқувчиларда миллий ғоя бўйича тушунчаларни шакллантирувчи шеър, мақол, топишмоқ ва тез айтишларни қўллаб бориши лозим.

Логопедия машғулотларида она-Ватанга муҳаббат, она тилини севиш, меҳнатсеварлик, она табиатни асраш, гўзаликка интилиш каби ғояларни ифодаловчи шеър, мақол, топишмоқ ва тез айтишлардан фойдаланилади. Бу шеър, мақол, топишмоқ ва тез айтишлар орқали ўқувчиларнинг оғзаки нутқ камчиликлари коррекциялаб борилади.

Шунинг билан бирга шеър, мақол, топишмоқ ва тез айтишларнинг мазмуни бўйича шундай мулоқот ташкил этилиши лозимки, нутқ камчилигига эга бўлган ўқувчи уларнинг мазмун-моҳиятини англаб бориши давомида кучли маънавий озукани ўзлаштириш имкониятига ҳам эга бўладилар.

Логопедияга оид қўлланмаларда турли мазмундаги шеър, мақол, топишмоқ ва тез айтишлар берилган. Ўқувчилар бу матнларнинг мазмунини, айниқса, шеърий матнлар ғоясини онгли тушунмас экан, улар логопедик топшириқларни ҳам тушунган ҳолда бажаришлари мушкул.

Шеърий парча:

Мактабимиз боғида

Қўл ушлашиб ўйнаймиз.

Азиз Ватанимизга

Қўшиқ тўқиб қуйлаймиз.

Ушбу шеърий парчадан “Ш” товушини тўғри талафуз этиш ва мустаҳкамлаш мақсадида фойдаланилади. Шу билан бирга, нутқий камчилиги бор ўқувчилар онгида Ватанга бўлган муҳаббат миллий ғоянинг муҳим тамойили – она-Ватанни севиш, ўз юрти билан ғурурланиш туйғуси логопедик коррекцион машғулотлар орқали шакллантириб борилади.

“Сирғалувчи”, “Санор”, “Тил олди” ва “Тил орқа” товушлари устида ишлашда нутқий камчилиги бор ўқувчилар томонидан товушларни тўғри талаффуз этишга ўргатиш баробарида, улар, она Ватанни севишга, қадрлашга рағбатлантириб борилади.

Юқоридаги фикрларимиз асосида қуйидаги хулосаларни келтирамиз:

- 2014 йил – “Соғлом бола йили” давлат дастурининг муҳим йўналишларидан бири – таълим-тарбия жараёни – маънавий-маърифий жиҳатдан юксак бўлган комил инсонни шакллантирувчи асосий соҳадир;

- нутқ - инсоннинг маънавий ва маърифий жиҳатдан юксалиб боришининг муҳим омилidir.

- баркамол авлодни ҳар жиҳатдан тарбиялаб етиштиришда бошқа фанлар катори логопедия фанининг ҳам ўз ўрни бор.

- ўқувчи ёшларда учрайдиган нутқ камчиликларини бартараф этиш, уларнинг маънавий ва маърифий жиҳатдан ривожланишига жиддий таъсир кўрсатади.

- ўқувчиларнинг нутқ камчиликларини бартараф этиб бориш, ўз навбатида, миллий-ғоявий ва умуминсоний қадрият сифатида аҳамиятлидир.

- логопедия машғулоти асосида миллий ғояни шакллантирувчи турли дидактик воситалардан унумли фойдаланиш бекиёс самара беради;

- ҳар бир фаннинг ўз мавзуси устида ишланар экан, ўқувчилар онги ва қалбида миллий ғояни шакллантириш усулларида фойдаланилади. Бу борада логопедик машғулотларнинг турли усулларида фойдаланиш, уларни амалда қўллай олиш долзарб масалалардан биридир.

ЎҚУВЧИ ВА ТАЛАБА ЁШЛАР ОНГИДА МИЛЛИЙ ҒОЯНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

с.ф.д., К.А.Юнусов
Андижон ВПКҚТМОИ
Д.Абдумаликова
Андижон ВПКҚТМОИ

Миллий ғоянинг жамият маънавий-мафкуравий, ижтимоий-сиёсий ҳаётида амал қилаётган таъсир самарадорлигини янада ошириб бориш ҳамда унинг ижтимоий соҳалар билан ўзаро алоқадорлигини ошириб бориш орқали Ўзбекистоннинг буюк ва ёруғ келажаги барпо қилиниб борилади.

Ўқувчи ва талаба ёшлар онги ва қалбига, мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик-барқарорлик, бунёдкорликка асосланган жараён моҳиятини, мазмунини сингдириб боришда, дунёда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни миллий ғоя асосида тушунтиришда замонавий усул ва воситалардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Дарс жараёнида “Ақлий хужум”, “Танқидий тафаккур юритиш”, “Янги педагогик технологиялар”, “Мантикий фикрлаш”, “Пресс конференция” каби усуллардан фойдаланган ҳолда ўқувчи ёшлар онги ва қалбига миллий ғоя тамойиллари сингдириб борилади.

Бундай замонавий усул ва воситалардан фойдаланишдан мақсад, умумтаълим, ўрта махсус ва олий таълим муассасаларида билим олаётган ўқувчи ҳамда талаба ёшлар онгини, дунёқарашини, бугунги кунда мамлакатимизда амалга ошириб борилаётган улкан бунёдкорлик ишларини дунёда мамлакатларида содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар билан ўзаро солиштирган ҳолда таҳлил этиш орқали янада ўстириб боришдан иборатдир.

Маълумки, бугунги кунда миллий ғоя бўйича ўтказилаётган дарсларга энг тажрибали профессор-ўқитувчилар жалб қилинган.

Президентимиз Ислом Каримов кўрсатиб ўтганидек «бу дунёда табиатда ҳам, жамиятда ҳам бўшлиқ бўлмайди. Қаердадир бўшлиқ пайдо бўлдим, ҳеч шубҳасиз, уни албатта кимдир тўлдиришга ҳаракат қилади»¹.

Дунё сиёсий ва мафкуравий майдонларидаги кураш шунчалар даражада мураккаблашиб бормокдаки, уларнинг асл маъно-мазмунини, моҳиятини ҳар қайси ўқувчи ва талаба ҳам чуқур англай олмайди. Бунинг оқибатида эса баъзи ёшлар миллий манфаатларимизга зид келувчи, юзаки қараганда беозор, аммо ўта хавфли ёт мафкураларга берилиб қолаётганликлари аянчлидир.

Умумтаълим мактаблари, академик лицей, касб-хунар коллежлари ва олий таълим муассасаларида билим олаётган ўқувчи ҳамда талаба ёшларга ўқитилаётган миллий ғоя бўйича дарсларни янада такомиллаштириш, ёшларда миллий ғояни шакллантириб боришда унинг самарадорлигини ошириш учун қуйидаги фикр-мулоҳаза ва таклифларни баён қилишни лозим деб топдик.

1. Синф раҳбарлари ва гуруҳ мураббийлари томонидан ўтказиб бориладиган маънавий дарсларида миллий қадриятларимиз бўйича билимлар ўқувчи ва талабаларга мунтазам етказилиб борилиши лозим. Мамлакатимизда ва ҳорижий давлатларда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни тўғри тушунтириб бериш, уларни миллий ғоя фанининг замонавий усул ва воситалари ёрдамида таҳлил қилиб бериш масъулияти кўпроқ синф раҳбарлари ва гуруҳ мураббийлари зиммасига тушади.

2. Миллий ғоя фанининг замонавий усул ва воситалари ҳозирги замон ахборот технологияларидан фойдаланилган ҳолда амалга оширилади.

Талаба ёшлар онгида ва қалбида миллий ғояни сингдириб боришда замонавий усул ва воситалардан фойдаланиш, ўз навбатида, муайян ташкилий ва услубий тадбирларни амалга ошириш билан ҳам боғлиқдир.

1. Таълим-тарбия жараёнининг ижтимоий, маънавий ва миллий – ғоявий жиҳатларини узвий боғлиқ ҳолда олиш ва амалиётда ҳам уларнинг ўзаро уйғунлигини таъминлаб бориш зарур.

2. Дунёнинг илғор мамлакатлари таълим муассасаларида билим олиб қайтган ёшларнинг ижтимоий ҳаётимиздаги фаол иштирокини таъминлашга янада кўпроқ эътибор беришимиз лозим.

3. Миллий-ғоявий қадриятларимизни ижтимоий ҳаёт ривожланиши билан тенг қаторда янада такомиллаштириб бориш орқали таълим-тарбия тизимининг барча бўғинларида сифат ўзгаришларига эришиш мумкин.

4. Таълим–тарбия тизимининг барча босқичларида ёшларга берилаётган билимларнинг (ҳар бир фан соҳалари бўйича) миллий-ғоявий жиҳатларига эътиборни кучайтириш, уларнинг билимларини ишлаб чиқариш соҳалари билан узвий алоқасини таъминлаш орқали таълим-тарбия жараёнининг ижтимоий, маънавий ҳамда миллий–ғоявий жиҳатларининг уйғунлашувига эришилади.

Юқорида баён қилинган таклиф мулоҳазалар ҳозирда, ўқув юртларида ўқитилаётган миллий ғоя дарсларини янада самаралироқ олиб

¹ Ислом Каримов. Юксак маънавий- енгилмас куч. –Т.: «Маънавий» нашриёти, 2008й. 12 бет

боришга қаратилгандир. Чунки ҳар қандай янгилик, ташаббус муайян камчиликлардан холи бўлмайди. Вақт ўтиши билан, ҳаёт тажрибалири асосида улар янада мукаммаллашиб, сайқаллашиб боради.

ЎҚУВЧИ ЁШЛАРНИ МАЪНАВИЙ ДУНЁҚРАШНИИ ШАКЛЛАНТИРИШДА МУЗЕЙ ПЕДАГОГИКАСИНИНИНГ ЎРНИ

**Хаитова Д.Тагаев Г.,
СамВПКҚТМОИ**

Музейлар халқимизнинг узок тарихидан хикоя қилувчи, мозийдан садо берувчи маънавият масканлари бўлиб, ёшларнинг маънавий дунёқарашини, миллий ғурур ва ифтихорни юксалтиришга хизмат қилади. Ёш авлодни аждодлар номи ва мероси билан фахрланишга ўргатиш, миллий ғурурни юксалтириш, буюк анъаналар давомчиси қилиб тарбиялаш, яқин ўтмишда йўқотилган миллий туйғуларни қайта тиклаш, шунингдек, мамлакатимиз жахон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаб, авлодларга озод ва обод Ватанни қолдириш, унутилган тарихимизни тиклашда музейлар катта аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 12 январдаги “Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида” Фармони эълон қилинди. Унда Ўзбекистон ҳудудида қадимдан мавжуд бўлган музейлар тизимини янада такомиллаштириш, музей фондларини сақлаш, уларни тўлдириш, халқимизнинг бой тарихидан хикоя қилувчи ноёб ва нодир ашёларни авайлаб асраш музейларни замон талабларига жавоб берадиган ходимлар билан таъминлаш каби масалалар қўйилди ҳамда “Ўзбекмузей” жамғармаси ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Машкамасининг 1998 йил 5 мартдаги “Музейлар фаолиятини тубдан қўллаб-қувватлаш масалалари тўғрисида”ги 98-сонли Қарорига асосан Ўзбекистонни халқаро музейлар кенгаши – ИКОМ га аъзо бўлганлигини ҳисобга олиб, мамлакат музейларини таъмирлаш, зарур техник воситалар, асбоб-ускуналар билан жихозлаш ва маблағ билан таъминлаш масаласи таъкидланди.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда 1200 дан зиёд музейлар фаолият кўрсатмоқда ва улар бугунги кунда маданий, тарихий, табиий, илмий кадриятларни йиғиб, ашёлар ёрдамида тарғиб қилувчи ижтимоий маскан бўлиб хизмат қилмоқда.

Музейлар моддий ва маънавий маданият ёдгорликларининг асл нусхаларини, археология, этнография, топономикага оид материалларни тўплайди, сақлайди, илмий асосда ўрганиб таҳлил қилади, натижаларини экспозиция сифатида оммалаштиради. Йиғилган ва музейда сақланаётган барча материаллар музейнинг илмий базасини ташкил этади ва унинг ижодий фаолиятида асос бўлиб хизмат қилади. Мана шу манбалар асосида музейлар илмий тадқиқот ва маданий маърифий таълим-тарбия ишларини олиб боради.

Президент Ислом Каримов ўзининг “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” номли асарида таъкидлаганидек: “Мадомики, ўз тарихини билган”, ундан рухий кувват оладиган халқни енгиб бўлмас экан, биз ҳаққоний тарихимизни тиклашимиз, халқимизни, миллатимизни ана шу тарих билан қуроллантиришимиз зарур”. “Ҳаққоний тарихни билмасдан туриб, ўзликни англаш мумкин эмас”. Бизга тарихни борича ўрганишга имкон берувчи гувоҳларни ана шу музейлардан излашимиз мумкин. Буюк боболар, азиз авлиёлар меросини асраб-авайлаб келаётган, уларнинг ҳаётбахш ўғитлари асосида ўз миллий кадриятларини шакллантириб, авлодларини шу руҳда тарбиялаётган меҳнаткаш халқимизга мансуб эканлигидан ҳар биримиз чексиз фахрланишимиз, унга таъзим бажо келтиришимиз ҳам қарз, ҳам фарз.

Замонавий мактаб музейнинг ғоявий-тарбиявий ва таълимий имкониятларидан мумкин қадар самарали фойдаланишдан манфаатдор. Музей фаолиятининг бу йўналиши назарий ва илмий-методик асослаш зарурияти янги махсус илмий фан-музей педагогикасининг вужудга келишини белгилайди.

Музейнинг педагогик таъсирини мазмуни, методлари ва шакллари, аҳолининг турли категорияларга таъсирининг хусусиятлари, шунингдек, музейни маданий муассасалар тизимидаги ўрнини белгилаш билан боғлиқ муаммолар музей педагогикасининг предмети ҳисобланади.

Шу муносабат билан музей педагогикаси томонидан:

- музей педагогик жараённинг қонуниятлари ва улардан амалиётда фойдаланиш, педагогик раҳбарлик даражасини ўстириш имкониятлари ўрганилади;
- музейларнинг музей аудиториясининг турли ижтимоий ва ёш гуруҳларга педагогик таъсирининг хусусиятлари аниқланади;
- турли профилдаги, типдаги, турдаги музейлар ғоявий-тарбиявий, таълимий фаолияти тажрибалари умумлаштирилади ва шу асосда илмий методик кўрсатмалар ишлаб чиқилади ва такомиллаштирилади;
- музейларнинг бошқа педагогик муассасалар билан ҳамкорликдаги ишининг янада самарали шакл ва методлари аниқланади;
- музейларнинг педагогик имкониятларини амалга оширилишнинг ривожланиши тахмин қилинади;

Музей педагогикаси томонидан ҳал этиладиган масалалар қаторига ўқувчи ёшларнинг маънавий дунёқарашини шакллантириш, ижодий қобилиятларни ривожлантириш, фаол ҳаётий позицияни ишлаб чиқиш каби-шахс шаклланишининг турли жараёнларини фаоллаштириш ҳам қиради.

Музейда педагогикаси маънавий-маърифий ва маданий тадбирларни ташкил этиш, уларни бошқариш, янги шаклларни аниқлаш ва жорий қилиш, ўқувчи ёшларнинг қизиқишларини эътиборга олиш, музей ахборотини ўзлаштиришини ўрганишга таянади.

Музей педагогикаси томонидан ишлаб чиқиладиган масалалар доирасига ғоявий-тарбиявий, таълимий фаолиятни ташкил этиш ва ривожлантиришни ташкил этиш ва режалаштириш методикаси ва амалиёти ҳам қиради.

Ўқувчилар маънавий дунёқарашини шакллантиришда музейда экскурсия дарсларининг ўрни катта. Энг қулай томони мактабда ўлкашунослик музейни ташкил қилиш ва экспонатлардан тарих дарсларида фойдаланиш таълим-тарбия сифат ва самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Педагоглар ёшларни тарихий ёдгорликларни авайлаб сақлашга, тарихий обидаларга меҳр-муҳаббат билан қарашга ўргатиб, бу ёдгорликлар фақат ўтмишни ўрганиш учунгина эмас, шу билан бирга илм-фанни, халқ маорифи ва маданиятини янада ривожлантириш учун ҳам бебаҳо дурдона эканлигини сингдириш руҳида тарбиялаши керак.

Бугунги кунда мактаб музейи ташкил қилинган таълим муассасаларида ўқувчи ёшларнинг тарих ва бошқа ижтимоий фанлардан олаётган билимлари, Ватан тарихи ва маданиятига қизиқишлари ошиб бораётганлиги аниқланмоқда. Шунингдек, ўқувчи ёшларнинг билим доираси кун сайин кенгайиб, дастлабки илмий-тадқиқот ишларига бўлган қизиқиш сезиларли даражада ўсмоқда.

Хулоса қиладиган бўлсак маданий-маърифий маскан саналган музейларимиз фаолияти нечоғ зарур эканлиги ва маънавий қадриятларимиз, тарихимиз қанчалик бой эканлигини ёш авлод музейларимизга ташриф буюрганда билиб оладилар. Ўқувчи ёшларимизнинг музейларда халқимизнинг буюк маданияти, урф-одатлари, турмуш тарзи ҳақида кўплаб маълумотларга эга бўладилар ва уларнинг маънавий дунёқараши шаклланишига ҳамда комил инсон бўлиб етишишларига хизмат қилади.

БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАРДА ХУЛҚ ОҒИШИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШГА ҚАРАТИЛГАН ТАВСИЯЛАР.

Л.Гайнутдинова , ТШПҚҚТМОИ,

Биз ўз фарзандларимиз бахту саодатини, иқболи ва камолини кўришни истар эканмиз, оилада, маҳалла-кўйда одамларнинг ҳатти-ҳаракати ҳамда таълим муассасаларидаги олиб борилаётган таълимий-тарбиявий ишлар боланинг шаклланиб келаётган соф қалби ва онгига қандай таъсир кўрсатиши ҳақида доимо ўйлашимиз, ушбу жиддий масалани ижобий ҳал этишда ҳамкорликни тўғри йўлга қўйишимиз зарур

Ҳозирги давр ривожланиш динамикаси, ижтимоий андоза (стереотип)лардаги чуқур ва кескин ўзгаришлар, нафақат катталар, балки болалар олдига ҳам юқори талабларни қўймоқда. Буларнинг барчаси оиладаги талабга жавоб бермайдиган тарбиявий таъсир, ошкора ва яширин қаровсизлик, қадриятларнинг бузилиши, болалар хулқида ноижтимоий, яъни жамиятга ёт бўлган ҳолатларнинг пайдо бўлиши каби руҳий жароҳат берувчи омилларнинг кучайишига олиб келади. Бунинг сабаблари эса қуйидагилар: мактаб ва оиладаги келишмовчиликлар, ижтимоий мослашувнинг қийинчиликлари; соғлиқ билан боғлиқ муаммолар; ривожланишдан орқада қолиш ва ҳ.к.

Ҳақиқатдан ҳам ўсиб келаётган ёш авлоднинг эртанги кунимиз, келажагимизнинг давомчилари эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, болалар ва ўсмирлар ўртасидаги турли хил ғайриқонуний, шу жумладан жиноятчилик ҳодисасининг олдини олишга қаратилган, профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳар қачонгидан ҳам долзарб муаммо сифатида намоён бўлади.

Кузатишлардан маълум бўлишича, вояга етмаганлар жиноятчилигини олдини олишда энг аввало жиноятчилик ҳулкининг ижтимоий-психологик, индивидуал психологик, социологик, ҳудудий ва криминологик хусусиятларини ҳисобга олиш талаб этилади. Шунингдек, вояга етмаганлар ўртасида юзага келаётган қонунбузарликларнинг олдини олиш ишлари умумий ва махсус-индивидуал тарзда олиб борилиши билан характерланади.

Болалар ва ўсмирлар ўртасида ҳуққ оғиши ва қонунбузарликларнинг олдини олишда қуйидагиларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир:

- ҳуққ оғишига эга бўлган болалар ва ўсмирлар шахсида асоциаллик, руҳий беқарорлик, ўзгарувчанлик, аффектга мойиллик каби хусусиятларнинг яққол ифодаланганлигидан келиб чиқиб, улар яшаётган оила ва ижтимоий муҳитни соғломлаштириш, шахслараро муносабатларни яхшилаш натижа беради;

- вояга етмаганлар ўртасидаги ҳуққ оғишининг келиб чиқиши асосий сабаблари сифатида болалар ва ўсмирлар фаолиятини назорат қилмаслик, оилада бола тарбиясига эътиборнинг сусайиши кабилар намоён бўлганлигидан келиб чиқиб, оилада ва оиладан ташқарида болалар ва ўсмирлар фаолиятини, бўш вақтларида нима билан шуғулланаётганлигини назорат қилиш ва оилада бола тарбиясига эътиборни кучайтириш мақсадга мувофиқдир;

- криминоген ҳуққли оилаларни аниқлаш, уларда тарбияланаётган болалар ва ўсмирлар аҳволидан хабардор бўлиб туриш;

- моддий маиший шароитнинг етарли эмаслиги вояга етмаганларда ҳуққ оғишининг келиб чиқишига таъсир этишлигини ҳисобга олиб, бундай оилаларга маҳаллий ҳокимият, ижтимоий таъминот ва хайрия жамғармалари томонидан моддий ёрдамлар бериб туришни ташкил этиш;

- ота-оналар, катта ёшдаги кишилар ва ўқитувчилар томонидан болалар ва ўсмирларга нисбатан қўлланилаётган қаттиққўл, қўпол ва адолатсиз муносабатларга барҳам бериш;

- вояга етмаганларда ҳуққ оғиши кўпинча ота-оналар, ўқитувчиларнинг болалар ва ўсмирлар психологиясини билмасдан туриб муносабатда бўлишликлари натижасида келиб чиқаётганлигини ҳисобга олиб ота-оналар ва ўқитувчиларнинг психологик билимларни ошириш тадбирларини белгилаш;

- вояга етмаганларда ҳуққ оғишининг олдини олишда болалар ва ўсмирларнинг ёш ва индивидуал-психологик хусусиятларини ҳисобга олиш.

Демак-ки, ўқувчи шахсини индивидуал психологик хусусиятларини ҳар томонлама мукамал таҳлил қилиш уларни ўқитиш ва тарбиялаш самарадорлигининг муҳим шартларидан биридир. Тарбиянинг салбий омиллар ва шароитлари энг ёқимсиз тарзда, умуман ўсиб келаётган

шахсининг, аввало, унинг бутун ахлокий-иродавий хусусиятларининг шаклланишига таъсир этади. Ўқувчининг ахлокий ривожланиши асосан унинг теvarак-атрофдаги кишиларга ва атрофдагиларнинг унга бўлган ўзаро муносабати ва ўзаро таъсир хусусиятлари билан боғлиқ экан, ўқитувчилардан педагогик жиҳатдан ўз ҳолига ташлаб қўйилган ва тарбияси қийин, ҳуқуқбузарлик ва гиёҳвандликка мойиллиги бор, ўзлаштириши паст бўлган ўқувчиларнинг ўзига хос психологик хусусиятларини билишлари, амалиётчи психологлардан эса мавжуд ҳолатларнинг олдини олиш ва баратараф этиш усулларида самарали фойдаланишлари талаб этилади.

Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз, оиланинг ўрни ва таъсири бекиёсдир.

Фарзандга меҳр қўйиш, уларнинг қорнини тўқ, устини бут қилиш ўз йўли билан, лекин болаларимизни ёшлик чоғидан бошлаб миллий тарбия, ахлоқ-одоб, юксак маънавият, ўз иқтидори, қобилияти, қизиқишлари асосида касб-хунарга тўғри йўналтириш оиладаги долзарб масалалардир.

Болаларни ота-оналари томонидан тушунилмаслиги, ота-оналар томонидан бефарқлик, оиладаги эмоционал алоқаларни узилиши, бола шахсига ҳурматсизлик, назоратнинг йўқлиги, ота-оналар томонидан эътиборнинг етишмаслиги, мактабнинг оила билан ўзаро алоқаларнинг йўқлиги, синф раҳбарлари ва мактаб маъмурияти “хавфли болалар ва оилалар” тўғрисида тўлиқ маълумотга эга эмаслиги ва улар билан етарли ишлар олиб борилмаслиги, болалар ва ўсмирлар ўртасидаги турли хил ғайриқонуний, шу жумладан жиноятчилик ҳодисаларнинг кўпайишига сабабдир.

Амалиётдан келиб чиқиб, узоқ вақт давомида сурункали дарс қолдирувчи ва кейинчалик ўқишдан орқада қолиб кетишга, турли хил ғайриқонуний, шу жумладан жиноятчиликка мойиллиги бор оила фарзандларини қуйидаги шартли гуруҳларга ажратиш мумкин.

Ночор оила фарзандлари.

Бундай оилаларда ота-оналар тайинли иш жойига эга эмас, тасодифий иш ҳақи ҳисобига ишлайдилар, ўтмишда судланиб чиққан, ёки гиёҳванд, ёки алкогольга ружу қўйганлар. Бундай оилалар фарзандларининг ўқиши ва тарбияси борасидаги қийинчиликлар ота-оналарнинг мактаб билан мулоқотга лаёқатсизлиги ва ҳоҳиши йўқлиги сабабли кучайиб боради.

Тўлиқ бўлмаган оила фарзандлари.

Бундай оилаларда оиланинг ҳаёт тарзини бир маромда сақлаш, шунингдек, фарзанд тарбияси вазифалари биргина инсон (кўпроқ она) зиммасига тушади, кўплар учун бу ортикча, қудрати етмайдиган иш. Вақт етишмаслиги сабабли фарзандининг вақтини қандай ўтказилишини назорат қилаолмайди ёки ўқиш жараёнига кўмаклашиш имконияти, лаёқати чекланган бўлади. Шахсий ҳаётдаги омадсизлик оилада оғир рухий ҳолатни юзага келтиради.

Ота-оналари ажралишган, бироқ болага таъсир этишда рақобатда бўлган ва бир-бири билан ҳамкорлик қилишга мойиллиги йўқ оила фарзандлари.

Бола гўё ота-оналар ўртасида, гоҳ у оилада, гоҳ бошқа оилада яшайди. Бундай шароитдаги болалар эртароқ у томоннинг ҳам, бу томоннинг назоратидан қочиш учун ўз шахсий позицияларини, шунингдек ўз хатти-харакатларини ҳам ишлаб чиқади.

Ота-оналарининг иш вақти узок муддатли сафарлар билан боғлиқ оила фарзандлари. Бундай ҳолатларда болалар ота-она талабига кўра катталар ўрнида қолиб, “уйни кўриқлайдилар”, уй рўзғор ишларини юритадилар ва ука-сингилларига қараб турадилар.

Ота-оналарининг иккаласи ҳам белгиланмаган иш куни бўйича ишлайдиган оила фарзандлари.

Ота-оналар уйда бўлмайдилар, фарзандининг ижтимоий ҳаётига етарли эътибор бериши учун вақти йўқ. Бундай ҳолларда ота-оналарнинг мактаб билан алоқаси вақт етишмаслиги оқибатида қийинлашган.

Болаларнинг хулқига етарли таъсир кўрсата олмайдиган ёки уларни таъминлай олмайдиган қариндошлар қарамоғида бўлган болалар.

Ота-оналар у ёки бу сабаларга кўра (кўп болали оила, ота-оналари сафарда бўлганда) фарзанди тарбиясини яқин қариндошлар зиммасига юклайдилар.

Хулоса ўрнида мазкур оила фарзандларининг рўйхати шакллантирилиб, оилалар ва болалар билан манзилли иш олиб боришни лозим деб ўйлаймиз.

MILLIY G'OYANI O'QUVCHILAR QALBI VA ONGIGA SINGDIRISH: YANGICHA USLUBLAR VA YONDASHUVLAR

**M. Oripova
BVPKQTMOI**

O'quvchilar qalbi va ongiga milliy g'oyani singdirish va ma'naviy-ma'rifiy ishlarni shu asosda tashkil etish - bugungi dolzarb vazifadir. Chunki, chetdan kelayotgan yot mafkuraviy tajovuzlar natijasida ba'zi yoshlar ongi va tafakkurida cheklanishlar, zararli ta'sirlar sezilmoqda, boqibeg'amlik, loqaydlik alomatlari paydo bo'lish holatlari ham uchramoqda. Bularning barchasi ayrim yoshlar qalbida mustahkam e'tiqod, ongida yuksak dunyoqarash shakllanmaganligi sababli sodir bo'lmoqda. Bunday noxush holatlarning oldini olish, yoshlarni ozod va obod Vatan, erkin va farovon hayot qurish ishiga safarbar etish uchun ularning qalbi va ongiga milliy g'oyani singdirishda ma'naviy-ma'rifiy ishlardan keng foydalanish muhim ahamiyat kasb etadi.

Milliy g'oyaning asl mohiyatini o'rganish va ularni o'quvchilar ongiga singdirishda Prezidentimiz Islom Karimov asarlarining ahamiyati benihoya katta. Chunki, yurtboshimizning har bir asarida xalqimizning maqsad - muddaosi, ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy va ma'naviy sohada amalga oshirilajak ishlari o'z ifodasini topgan.

Ma'naviy-ma'rifiy ishlar milliy g'oya va mafkura tamoyillaridan kelib chiqqan holda, yosh avlod qalbi va ongida quyidagi ma'naviy-ruhiy ko'nikmalarni shakllantirishga xizmat qiladi: milliy g'oyaga ishonirish, ma'naviy-ruhiy rag'batlantirish, mafkuraviy immunitetni, yuksak e'tiqodlarni shakllantirish, ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, ma'naviy-madaniy islohotlarning mohiyatini chuqur anglab etish va faol ishtirok etishlariga ko'maklashish.

Umumta'lim maktablarida yosh avlodni boy tarixiy va madaniy merosimiz, milliy an'analarimizga, umuminsoniy qadriyatlarga hurmat, Vatanga muhabbat, milliy g'oyaga sadoqat ruhida tarbiyalash, keng fikrli, sog'lom, jismoniy, aqliy va ma'naviy jihatdan barkamol, iqtisodiy islohotlarning mohiyatini tushunadigan hamda ularni hayotga tatbiq eta oladigan shaxslar sifatida shakllantirishda ma'naviy-ma'rifiy ishlar amalga oshirilishining ahamiyati kattadir.

Bunda «Milliy g'oyani o'quvchilar ongiga singdirishda ma'naviy-ma'rifiy ishlarni amalga oshirish» mazmuni quyidagilardan iborat bo'ladi:

- milliy va umuminsoniy qadriyatlar, xalqimizning boy tarixiy, madaniy va ma'naviy merosi asosida o'quvchilarda vatanparvarlik, mehnatsevarlik, insonparvarlik, mehr-shafqatlilik kabi insoniy fazilatlarni shakllantirish;

- o'quvchilarni Vatanga muhabbat, O'zbekiston Respublikasi Prezidenti, Konstitutsiyasi va Davlat ramzlariga amaliy sadoqat ruhida tarbiyalash;

- iste'dodli yoshlarni aniqlash va tarbiyalash, «Oila – mahalla - maktab» Konseptsyasini hayotga tatbiq etish;

- yoshlarimiz ongida ona-Vatanga, buyuk ajdodlarimiz merosi va xalqimizning bugungi bunyodkorlik ishlariga yuksak ehtirom tuyg'ularini singdirib borish;

- tarixiy yodgorliklar va mustaqillik davrida bunyod etilgan ma'rifat maskanlari, muzeylar, ko'rgazmalarga ekskursiya va sayohatlar tashkil etish;

- ota-onalarni ta'lim muassasalariga taklif etish, hokimiyat qoshidagi voyaga etmaganlar bilan ishlovchi komissiyalar ishida, tarbiyaviy tadbirlarda qatnashish;

- xalqaro terrorizm, diniy ekstremizmning reaksion mohiyatini keng tushuntirish, ularning yoshlarga ta'sirini oldini olish bo'yicha chora-tadbirlar ishlab chiqish hamda uni hayotga tatbiq etish;

- respublikamizda yashovchi turli xalq va millatlar vakillari o'rtasida do'stlik va totuvlikni targ'ib qilish va har tomonlama tushuntirish ishlarini olib borish;

- ta'lim – tarbiya jarayonini tashkil etishda Vatan va o'z xalqi bilan faxrlanish, uning buyuk tarixiga hurmat bilan qarash, ularning ulug' kelajagini ta'minlash uchun daxldorlik va javobgarlik tuyg'ularini tarbiyalovchi tadbirlarni amalga oshirish;

- mamlakatimizda nishonlanadigan umumxalq bayramlarining tarbiyaviy jihatdan yuqori saviyada o'tishini ta'minlash;

- ma'naviy-ma'rifiy tadbirlar orqali o'quvchilar ongiga mustaqillik mafkurasi va milliy g'oyani singdirish;

- pedagog, psixolog, tibbiyot va ichki ishlar xodimlari «Mahalla» faollari, ota-onalar bilan hamkorlikda tadbirlar tashkil etish;

- o'quvchilarni har tomonlama kamol toptirish, sport, badiiy, estetik, texnik, ekologik, o'lkashunoslik, yosh iqtisodchi, huquqiy savodxonlikka yo'naltiruvchi to'garaklarga ularning qiziqish, imkoniyat va qobiliyatlariga qarab jalb qilish;

- sportning turli yo'nalishlari bo'yicha o'yinlar, «Umid nihollari» va boshqa sport tadbirlarini o'tkazish;

- iste'dodli yoshlarni har tomonlama qo'llab-quvvatlash, o'quvchilarning qobiliyat va mahoratini ochishga keng imkoniyatlar yaratish, turli xil ko'rik-tanlovlar, musobaqalar, anjumanlar o'tkazish, ta'lim muassasalari faoliyatini muvofiqlashtirish, yoshlarda erkin fikrlash qobiliyatini kengaytirish.

Respublika ommaviy tadbirlarini yuqori darajada tashkil etish, asosan, milliy g'oyani o'quvchilar ongiga singdirish va ma'naviy-ma'rifiy ishlarni amalga oshirish maqsadida umumta'lim maktablarida quyidagi tadbirlarni o'tkazish tavsiya etiladi:

«Siz qonunni bilasizmi?», «Siz tarixni bilasizmi?», «Konstitutsiya - hayotimiz qomusi», «Ma'nayiat - qalbim quyoshi», «Suv-hayot manbai», «Kitobsevarlar», «Istiqlol chechaklari» ko'rik-tanlovlari, «Ijodkor o'quvchilar», «Nafosat» yosh qalamkashlar anjumanlari, «O'zbekiston -Vatanim manim» qo'shiq bayrami, temir yo'llar orqali «Vatanimiz tarixini o'rganamiz» sayohati, «Yoshlar badiiy ijodiyot festivali» va boshqalar.

Ma'naviy-ma'rifiy ishlarni amalga oshirishda o'quvchilar tarbiyasining asosiy yo'nalishlarini to'g'ri belgilash zarur. Tarbiyaning ijtimoiyligi, tarixiyligi, umuminsoniy va milliy xususiyatlari hisobga olinishi kerak. Shu bilan bir qatorda tarbiya uslublarini takomillashtirib, zamonaviylashtirib borish zarur.

Prezidentimiz Islom Karimovning so'zlari bilan xulosa qilib aytganda, «kelajagimiz poydevori bilim dargohlarida yaratiladi, boshqacha qilib aytganda, xalqimizning ertangi kuni qanday bo'lishi farzandlarimizning bugun qanday ta'lim-tarbiya olishiga bog'liq.»Zero, farzand tarbiyasi, uning istiqboli uchun yashash xalqimizning umrboqiy an'anasi, ezgu va xayrli ishidir.

“ЎЗБЕКИСТОН ЁШ ПЕДАГОГЛАР” АССОЦИАЦИЯСИНING МАЪРИФИЙ ТАДБИРЛАРИ ЁШ ЎҚИТУВЧИЛАРГА КЎМАК ОМИЛИ

**Дўстмуродова С. Р.
Самарқанд вилояти**

2014 йилни эса Президентимиз томонидан “Соғлом бола йили” деб эълон қилиниши асосида бир неча устувор вазифалар белгиланди. Яъни, “Фарзандлари соғлом юрт кудратли бўлур, кудратли юртнинг фарзандлари соғлом бўлади” тамойили баркамол авлоднинг тарбияси давлат миқёсидаги асосий устувор вазифалардан бири эканлиги, ҳар бир бола шахси улуғланиши, уларнинг ҳар бири мустақил ҳаётда ўз ўрнини топишига, оилага доимо давлат қўллаб-қувватловчи бўлиб келганлиги барчамизга маълум. Бу борада ўқитувчи масъулияти унинг самарали олиб бораётган меҳнати келажак авлодни ҳар томонлама етук бўлиб тарбияланиши учун асосий омиллардан биридир. Айниқса, дастурдаги ўқувчи ёшлар билим олишига

қаратилган самарали тизимнинг халқ фаровонлиги, инсонлар саломатлигининг муҳофаза қилинишини яхшилаш, шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг ижтимоий ҳаётини юксалтириш ҳамда таълим соҳасини янада ривожлантиришга алоҳида эътибор бериш, шу ўринда болаларни соғломлаштириш ва спорт билан шуғулланишларини таъминлаш, уларнинг бўш вақтини тўғри ташкил этишларига алоҳида эътибор қаратиш муҳим эканлиги алоҳида аҳамият касб этади. Ўқитувчи ўқувчи ҳамкорлигини доимий ривожлантириб бориш маҳсули, ёхуд “Устоз-шогирд” анъаналари асосида фаолият олиб бораётган **“Ўзбекистон ёш педагоглар” Ассоциацияси ҳар бир бир умумтаълиммактабида турли кўринишларда фаолият олиб бормоқда.** Бунда фаолиятининг асосий мақсади – Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида», «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» тўғрисидаги қонунлари ҳамда таълимни тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш, маънавий етук ҳамда миллий истиқлол ғоясига содиқ, юксак касб маҳоратига эга бўлган ўқитувчилар ва мураббийларнинг янги авлодини тарбиялаш ишида фаол иштирок этиб бориш белгиланганлигини таъкидлайди. Шунингдек, ўтган давр мобайнида ёш ўқитувчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида, ўқитувчиларнинг маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этишида Халқ таълими вазирлиги раҳбарлигида бир қатор ишлар амалга оширилганлигини билдирди.

Мамлакатимиз раҳбарияти томонидан жамоат бирлашмалари, нодавлат-нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш, айниқса, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис томонидан уларга турли грантлар берилаётганлиги ҳамда халқаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришни ҳам замон талаб этмоқда. Ёш ўқитувчилар айрим ўринларда синф хоналарини, чин маънодаги маърифат масканига айлантириш учун қандай жиҳозлаш керак деган ўринли саволга дуч келишмоқда? Масалан, маънавият ва маърифат хоналари ҳамда масканларини қандай номлаган маъқул? Улар учун ягона андоза керакми? “Маънавият маскани”ни ташкил этиш учун жой танлашда қандай талабларга бўйсунтириш керак ёки “Маънавият маскани”ни жиҳозлашда ижодий ёндашув керакми?

Тўғри, Мустақиллик туфайли олий ўқув юртлари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари барча вазирликлар ҳамда ишлаб чиқариш корхоналарида, жумладан, мактабларда янги бир “Маънавият хоналари”, “Маърифат хоналари”, “Маънавият маскани”, “Маънавият маркази” ва ҳоказо номлар билан юритилувчи маънавий-маърифий масканлар пайдо бўлмоқда. Бундай масканлар жамиятнинг маънавий эҳтиёжи зарурати десак, асло янгилишмаймиз. Модомики шундай экан, ташкил бўлаётган бундай масканлар қандай номланиши керак?

Мактабларда ташкил қилинаётган хоналарни аксарият жойларда “Маърифат хонаси” деб юритилмоқда. Ахир, мактабнинг ўзи аслида маърифат маскани-ку. Шунинг учун ҳозирги вақтда бундай жойларни ташкил қилишдан аввал унинг вазифаси нимадан иборат эканлигини яхшилаб аниқлаб олишимиз керак. Ана шу мақсад ва вазифалар моҳиятидан унинг номи ҳам келиб чиқади. Ташкил этилаётган бундай жойларнинг энг

асосий мақсади инсонни маънавий баркамол қилиб тарбиялаш экан, уларни “Маънавият маскани” деб атасак, мақсадга мувофиқ бўлади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ёш ўқитувчилар учун таълим муассасаларида **“Маънавият кун” ни ўтказишдаги вазифалар:**

Мактабда соғлом, ижтимоий, психологик, ижодий ва маънавий муҳитнинг барқарор бўлишлигига эришиш, таълим –тарбия жароёнига салбий таъсир кўрсатувчи ҳар қандай ҳолатларнинг келиб чиқиши сабаблари ва қибатларини ота-она , ўқувчи, педагогик жамоа биргаликда муҳокама қилиш ва уларга барҳам бериш.

Мактабда ўқувчилар орасида маънавий-маърифий ишларнинг таъсирчанлиги ва самарадорлигини аниқлаш ҳамда педагогик жамоанинг маънавий-маърифий фаолиятига баҳо бериш мақсадида сўровномалар ўтказиш, натижаларини муҳокама қилиш.

Маънавий-маърифий ишлар бўйича алоҳида ютуқларга эришган ўқувчи ва педагог ходимларни маънавий ва моддий рабағлантириш.

Миллий ғоя тарғиботини кучайтириш.

Ўқувчиларда ахборот олиш ва тарқатиш маданиятини шакллантириш, салбий мазмундаги ахборотни қиёслаш, муқобил ахборотни ўз вақтида бериш.

Қатъий режа асосида ҳафтада уч кун синф ёки академик гуруҳлар дарс жадвалининг 5 ва 6 соатларига маънавий-маърифий соатлар ёки тадбирларни жойлаштириш орқали (ўқув жараёни сингари) ташкил қилинади. Бунда шахс маънавий камолотининг барча қирраларини камраб олган, республика миқёсида тасдиқланган намунавий дастур ва ёш хусусиятларини инобатга олган ўқув режалари асосида баркамол, таҳдидбардош ёшларни тарбиялаш ҳамда ўзлаштирган билимларини баҳолаш имкониятини яратиш.

Мазкур жараёнлар таълим муассасасининг раҳбари, унинг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари, гуруҳ раҳбарлари масъуллигида, заруратга кўра аълочи ўқувчиларни жалб қилиш йўли билан ташкил қилинади.

Ёш ўқитувчилар мактабда қуйидаги маънавият ойликларини ташкил этишлари тавсия қилинади:

❖ Январь – ҳарбий ватанпарварликни шакллантирувчи тадбирлар ойлиги;

❖ Февраль – янги номланган йил дастурини шакллантирувчи тадбирлар тарғиботи;

❖ Март – миллий қадриятларни шакллантирувчи тадбирлар тарғиботи ойлиги;

❖ Апрель – буюк сиймолар меъросини шакллантирувчи тадбирлар тарғиботи ойлиги;

❖ Май – соғлом авлод, ёшлар ва аجدодлараро ворисийлик қадриятини шакллантирувчи тадбирлар тарғиботи ойлиги;

❖ Июнь – бандлик ва меҳнат қадриятини шакллантирувчи тадбирлар тарғиботи ойлиги;

- ❖ Июль – касб таълими ва ижтимоий мулкчиларни шакллантирувчи тадбирлар тарғиботи ойлиги;
- ❖ Август – мустақиллик улуғ неъмат эканлигини шакллантирувчи тадбирлар тарғиботи ойлиги;
- ❖ Сентябрь – устоз ва мураббийлар фаолиятини шакллантирувчи тадбирлар тарғиботи ойлиги;
- ❖ Октябрь – Ўзбек тили тарғиботини шакллантирувчи тадбирлар ойлиги;
- ❖ Ноябрь – ҳуқуқий маданиятни шакллантирувчи тадбирлар ойлиги;
- ❖ Декабрь – йил якунлари тарғиботини шакллантирувчи тадбирлар ойлиги.

TARBIYA JARAYONINI TEXNOLOGIYALASHTIRISH O'QUVCHILARDA MA'NAVIY-AXLOQIY SIFATLARNI TARKIB TOPTIRUVCHI MUHIM VOSITA SIFATIDA

**M.Abdullayeva
TVPKQTMOI**

Bugungi kunda barkamol shaxsni shakllantirish muammosining ijtimoiy zaruriyat sifatida e'tirof etilayotganligi, tarbiya jarayonini tashkil etishga nisbatan yangicha yondashuvni qaror toptirish, bu jarayonni texnologiyalashtirishga erishish muhim pedagogik vazifalardan biri hisoblanadi. Tarbiya jarayonini texnologiyalashtirish aniq maqsadga va ijtimoiy g'oyaga asoslangan va o'quvchilarda ma'naviy-axloqiy sifatlarni shakllantirishga yo'naltirilgan pedagogik faoliyatning tashkiliy-texnik jihatdan uyushtirilishi demakdir.

Ta'lim jarayonidan farqli tarbiya jarayonini texnologiyalashtirishda bu jarayonning samarasini qisqa muddat oralig'ida ko'ra olish imkoniyati yo'q. Tarbiya jarayonining o'ziga xos xususiyatlari, o'quvchi va o'qituvchi o'rtasida yuzaga kelish ehtimoli bo'lgan ziddiyatlar tarbiyaviy jarayonni texnologiyalashtirishga nisbatan ijodiy va mas'uliyatli yondashish zarurligini taqozo etadi.

1) Umumiy o'rta ta'lim muassasalari amaliyotidan ma'lumki, uzoq yillar davomida mazkur muassasada faoliyat olib borayotgan o'qituvchilarning ko'pchiligi tarbiyaviy tadbirlarni tashkil etishga nisbatan "tarbiyaviy ishlar rejasida belgilangan tadbirlarni o'tkazishga majburman" qabilida yondashib kelganlar. Ularning asosiy e'tibori o'zlari rahbarlik qilayotgan sinf o'quvchilarini avvaldan tayyorlangan senariyni yod olish va unga qat'iy amal qilishga majburlash, shuningdek, "maktab ma'muriyati hamda jamoasi oldida izza bo'lib qolishga yo'l qo'ymaslik" tamoyiliga muvofiq tarbiyaviy tadbirni uyushtirishga qaratilgan edi. Endilikda tarbiyaviy tadbirlarning o'tkazilishiga nisbatan bunday yondashuvlardan voz kechish maqsadga muvofiq. Zero, tayyor senariy asosida muayyan tadbirni tashkil etish jarayonida uning asosiy sub'ektlari bo'lgan

o'quvchilar faol ishtirokchi va tadbir natijasini belgilovchi shaxs sifatida emas, balki oddiy ijrochi sifatida qatnashadilar. Bu holat esa bir qator salbiy oqibatlarni keltirib chiqaradi. Xususan:

2) o'quvchilarda tarbiyaviy tadbirlarning o'tkazilishiga nisbatan salbiy munosabat shakllanadi;

3) o'quvchilarda mustaqil fikrlash va ijodkorlik qobiliyatining tarbiyalanishi uchun imkoniyat yaratilmaydi;

3) o'quvchilarda tarbiyaviy tadbirlarning o'tkazilishi ularning shaxs sifatida kamol topishlarini ta'minlashga yo'naltirilganligi haqida emas, balki sinfning ta'lim

muassasasi jamoasi oldida "soxta obro'" orttirishi uchun xizmat qiluvchi vosita ekanligi to'g'risidagi xulosaning shakllanishi uchun sharoit yuzaga keladi.

Ta'lim muassasalarida tashkil etiluvchi tarbiyaviy tadbirlarga nisbatan texnologik yondashuv quyidagi holatlarning namoyon bo'lishi bilan tavsiflanadi:

1) tarbiyaviy tadbir mavzusi va g'oyasini o'quvchilar tomonidan bildirilgan shaxsiy tashabbuslar, ularning hohish-istaklariga ko'ra belgilash;

2) tarbiyaviy tadbir stsenariysini ishlab chiqishda o'quvchilarning mustaqil faoliyat yuritishlari uchun shart-sharoitlarni yaratish;

3) tarbiyaviy tadbir mazmunida o'z ifodasini topgan rollarning majburiy tarzda emas, balki o'quvchilarning layoqati, qobiliyati, shuningdek, qiziqishlarini inobatga olish asosida taqsimlanishiga erishish;

4) tarbiyaviy tadbirning tashkil etilishi va o'tkazilishida o'qituvchining roli buyruq berishdan iborat bo'lmay, aksincha, o'quvchilarga yo'l-yo'riq ko'rsatish, ularning faoliyatini yo'naltirib turish hamda zarur o'rinlarda maslahat berish sifatida aks etishiga erishish;

5) tarbiyaviy tadbir maqsadining natijalanganligini sinf, guruh o'quvchilarining faol ishtirokiga tayangan holda muhokama qilish.

Muhokama jarayonida o'qituvchi tomonidan turli tanbehlarining berilishiga yo'l qo'ymaslik, aksincha yo'l qo'yilgan xato va kamchiliklarning o'quvchilarning o'zlari tomonidan aniqlanib, ularni bartaraf etish (keyingi tadbirni o'tkazish jarayonida ularning takrorlanishini oldini olish) yo'lida chora-tadbirlarni belgilash muhim ahamiyatga ega.

Tarbiya jarayonini texnologiyalashtirishda mazkur jarayonni loyihalashtirish hamda uning asoslarini belgilash muhim ahamiyatga ega. Tarbiya jarayonini loyihalash quyidagi bosqichlarda kechadi:

Tarbiya jarayonini loyihalash bosqichlari:

- 1) tarbiyaviy tadbir mavzusiga doir materiallarni yig'ish;
- 2) tarbiyaviy tadbir maqsadi va vazifalarini belgilash;
- 3) tarbiyaviy tadbirning mazmunini ishlab chiqish;
 - 4) tarbiyaviy tadbir shakli, metodlari va vositalarini tanlash;
- 5) tarbiyaviy tadbirni tashkil etish va o'tkazish (davomiyligi) vaqtini belgilash;
- 6) tarbiyaviy tadbir stsenariysini ishlab chiqish;
- 7) o'quvchilar faoliyatini nazorat qilish, ularning faollik darajalarini norasmiy (o'quvchilarni

Bu jarayonda tarbiyaviy tadbirlarning tashkil etilishiga nisbatan texnologik yondashuv mohiyati o'quvchilar mustaqilligini ta'minlashda quyidagi omillarning mavjudligiga e'tiborni qaratishni ham taqozo etadi:

o'quvchilarda tarbiyaviy tadbirlarning o'tkazilishiga
nisbatan ichki ehtiyoj, qiziqish va rag'batning mavjudligi;
o'quvchilarning tarbiyaviy tadbirlarni mustaqil
tashkil etish borasida muayyan tajribalarga

Umumiy ta'lim berilgan omillarni inobatga olish va shu asosida tarbiyaviy tadbirlarni tashkil etish ularning muvaffaqiyatli tashkil etilishini ta'minlab qolmay, balki o'quvchilarda ularning o'tkazilishiga nisbatan ijobiy munosabatni shakllantiradi, ma'naviy-axloqiy sifatlarning tarbiyalanishi uchun qulay sharoitni hosil qiladi.

МАЪНАВИЙ- МАЪРИФИЙ ИШЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА АХБОРОТ КОММУНИКАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ЎРНИ

**Зайнитдинова М., Артикбаева З,
п.ф.н. доцентлар ТВПКҚТМОИ**

“Биз халқимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги, фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлиб яшаши учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этаётган эканмиз, бу борада маънавий тарбия масаласи, ҳеч шубҳасиз, беқиёс аҳамият касб этади ...” деб таъкидлаган эди Президентимиз И.Каримов ўзининг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида.

Ҳозирги даврда Ўзбекистонда, бир томондан, глобallaшув жараёнининг афзалликларидан (жумладан, иқтисодиётнинг барча соҳаларини замонавий техника ва технологиялар асосида жиҳозлаш, инвестицияларни кенг жалб этиш, жаҳон бозорига интеграциялашув ва ҳ.к.) оқилона фойдаланиш, иккинчи томондан, унинг салбий таъсирини (дунёнинг етакчи давлатлари ва

трансмиллий корпорацияларнинг табиий захираларга эгалик қилишга интилиши, демократияни силжитиш стратегиясининг амалга оширилиши, оммавий маданият намуналарининг кенг тарқалиши, терроризм ва экстремизмнинг глобал тус олиши ва ҳ.к.) бартараф этиш борасида пишиқ-пухта ўйланган изчил сиёсат олиб борилмоқда.

Дарҳақиқат, Ўзбекистонда изчил маънавий янгиланиш жараёнлари, бугунги кун воқелиги ва талаблари, мазкур масалада давлат ва ҳукумат томонидан халқ таълими тизимида қўйилаётган устувор вазифаларга мос ҳолда маънавий-маърифий ишларни такшил этиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтириш, уларни гиёҳвандлик, ахлоқсизликдан, четдан кириб келадиган экстремистик марказлар ҳамда паст савияда “оммавий маданият” иллатларининг зарарли таъсирлари, таҳдидидан муҳофаза қилиш йўллари, метод ва воситаларини аниқлаш ва бу йўналишда давлат ва жамоат арбоблари, таниқли олимлар, мутахассислар, маданият, адабиёт ва спорт вакиллари иштирокидаги маънавий-маърифий тадбирлар ахборот коммуникацион технологиялар имкониятларидан фойдаланган ҳолда таъсирли ҳамда тизимли равишда олиб борилгандагина кўзланган мақсадга эришилади.

Бизнингча, қуйидаги йўналишларда ташкил этиладиган маънавий-маърифий тадбирларда, яъни:

- И.Каримовнинг “Юксак маънавият - енгилмас куч” асари ғояларини ўқувчилар онига сингдириш йўллари ва воситалари;

- баркамол авлод тарбиясида маънавиятнинг ўрни;

- маънавиятни шакллантирадиган асосий мезонлар;

- баркамол авлодни шакллантиришда ўқитувчининг ижодкорлик маҳорати;

- ўқувчиларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш;

- “Биз – гиёҳвандликка қаршимиз” ёшлар фестивалларини ўтказиш;

- “Соғлом турмуш тарзи – ёшларни уйғун камол топтириш гарови” махсус таълим-маърифат сайтини ташкил этиш;

- ёшларни зарарли, маданиятимизга, анъаналаримизга ва дунёқарашимизга ёт бўлган интернет каналлари орқали келадиган материаллардан муҳофаза қилиш йўллари;

- “Соғлом турмуш тарзи маданиятини шакллантириш – баркамол авлод пойдеворидир”;

- “Ёшларни ғоявий таҳдид ва паст савияли “оммавий маданият”нинг зарарли таъсирларидан ҳимоя қилиш йўллари, усул ва воситалари” каби мавзуларда семинарлар, ижодий кечалар, “давра суҳбатлари”, кўрик-танловлар ўтказишда ахборот коммуникацион технологияларнинг имкониятларидан тўлақонли фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, мазкур мавзуларда интернетнинг имкониятлари, унинг ёшларга ҳам ижобий, ҳам салбий таъсири масалалари, ҳар бир ўқувчи-ёшда ундан тўғри фойдаланиш имунитетини шакллантириш вазифалари нафақат ўқув машғулоти жараёнида, балки, турли тадбирлар, сахна кўринишлари

орқали турли вазиятлар, шароитларда унинг қандай йўл тутиши лозимлигини ноанъанавий шаклларда, амалий машғулотлар, дидактик ўйин-машқлар орқали амалга оширилиши мақсадга мувофиқ.

Мазкур тадбирларни қуйидаги шаклларда амалга ошириш тавсия этилади:

Uforum.uz - миллий форуми. Uforum.uz – миллий форум ҳисобланиб, бунда Республикамизнинг турли соҳалари - ахборот технологиялари, таълим, маданият, молия, соғлиқни сақлаш йўналишларида ҳамда давлат сектори ва электрон ҳукумат тузилмасида рўй бераётган масалалар муҳокамасини ўз ичига олади. Бунда албатта форумларда иштирок этиш тартибига қатъий риоя этилади;

– **Аудиоконференциялар.** Улар ташкилот ёки фирманинг ҳудудий жиҳатдан узоқда жойлашган ходимлари ёки бўлинмалари ўртасида коммуникацияларни сақлаб туриш учун аудиоалоқадан фойдаланади. Аудиоконференцияларни ўтказишнинг энг оддий техника воситаси сўзлашувда иккитадан кўп иштирокчи қатнашувини таъминлайдиган қўшимча қурилмалар билан жиҳозланган телефон алоқаси ҳисобланади. Аудиоконференцияларни ташкил этиш компьютер бўлишини талаб этмайди, фақатгина унинг иштирокчилари ўртасида икки томонлама аудиоалоқадан фойдаланишни кўзда тутати.

– **Видеоконференциялар.** Улар ҳам аудиоконференциялар қандай мақсадларга мўлжалланган бўлса, шундай мақсадларга мўлжалланган, лекин бунда видеоаппаратура қўлланилади. Уларни ўтказиш ҳам компьютер бўлишини талаб этади. Видеоконференция жараёнида бир-биридан анча узоқ масофада бўлган унинг иштирокчилари телевизор экранида ўзларини ва бошқа иштирокчиларни кўриб турадилар. Телевизион тасвир билан бир вақтда овоз ҳам эшитилиб туради. Видеоконференциялар транспорт ва хизмат сафари ҳаражатларини анча қисқартириш имконини берса ҳам, аксарият ташкилот ёки фирмалар уларни фақат шу сабабларга кўра қўлламайдилар. Бу фирмалар бундай конференцияларда муаммони ҳал қилишга ҳудудий жиҳатдан офисдан анча узоқда жойлашган кўп сонли менежерларни ва бошқа ходимларни ҳам жалб этиш имкониятини кўрадилар.

– онлайн сўровнома, онлайн тест, онлайн мусобақаларнинг ташкил этилиши.

Мазкур тадбирларни қуйидаги воситалардан фойдаланиб амалга ошириш тавсия этилади:

– **Аудио ва видео материаллар.** Бугунги кунда таълим тизимида видео маълумотлардан фойдаланиш кенг кўламда қўлланмоқда. Бизга маълумки инсонда кўриш ҳиссиёти эшитиш ҳиссиётидан юқори туради. Видеотаълим келажакда кенг кўламда қўлланилиши мумкин. Видеотаълимнинг асосий мақсади – ўқитувчисиз таълим олишдан иборат. Аммо, шуни таъкидлаш жоизки ўқитувчи ўрнини ҳеч қандай видеотаълим боса олмайди. Инглиз тилидаги сайтлардан биламизки бундай таълимдан фойдаланиш ўзининг кенг кўламли татбиқига эга. Аудио маълумотлардан асосан тилларни ўрганишда фойдаланиш мақадга мувофиқ.

– **Аудио видео материалларини он-лайн намоиш этиш.** Интернет тармоғи ривожланиши билан видео ва аудио материаллардан ўқув жараёнида фойдаланишнинг қулай имкониятлари вужудга келди. Интернет тармоқларида видео ва аудио материалларни сақлаш учун махсус серверлар мавжуд. Масалан, Youtube – бу видео алмашиш учун веб-сайт, бу сайтда ташиф буюрувчилар видеони юклаш ва жўнатиш, томоша қилишлари мумкин. Youtube сайтида асосан турли мавзуларда етарли даражадаги видео маълумотлар тўпланган бўлса, таълимга оид 20 га яқин веб-сайтларда турли аъборот таълим ресурслари, янгиликлар, маънавий-маърифий тадбирлар ўрин олган. Айниқса ёшларни, ўқитувчиларни таълим муассасалари ва таълим соҳасига боғлиқ ёки қизиққан бошқа ижтимоий қатламларни ўзаро бирлаштирадиган виртуал жамиятни яратиш мақсадида Ziyonet портали фаолият юритмоқда.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ахборот коммуникацион технологияларнинг имкониятларидан фойдаланган ҳолда ташкил этилган маънавий-маърифий тадбирларда ўқитувчининг фаол иштироки, ижодкорлик маҳорати, интеллектуал салоҳияти ўз навбатида, ўқувчиларининг маънавияти юксалишига, жамиятимизнинг эркин, мустақил фикрли, яъни баркамол авлод вакили бўлиб шаклланишига замин яратади.

MILLIY G'OIYANI O'QUVCHILAR QALBI VA ONGIGA SINGDIRISH

**I.I.Yusupova, S.K.Umarova.
SVPKQTMOI**

"Hozirgi kundagi eng muhim, eng dolzarb vazifamiz – jamiyatimiz a'zolarini, avvalambor, voyaga yetib kelayotgan yosh avlodni kamol toptirish, ularning qalbida milliy g'oya, milliy mafkura, o'z Vatanga mehr-sadoqat tuyg'ularini uyg'otish, o'zligini anglash, milliy va umumbashariy qadriyatlar ruhida tarbiyalashdan iboratdir".

I.A.Karimov

Kishilik jamiyatida har bir davlat, har bir millatning o'z g'oyasi mafkurasi bo'ladi. Mafkurasiz millat ham, jamiyat ham rivojlanishi, hatto shaxs ham hayotda o'z o'rnini topishi qiyin. Odatda har shaxsning kuch qudrati, salohiyatini uning bilimi va tafakkuri darajasi, aql-zakovati belgilagani kabi har bir xalqning darajasini ham uning milliy mafkurasi, olg'a yetaklaydigan g'oyalari, bu g'oyalarning mazmun-salohiyati belgilaydi.

Milliy mafkura o'zida vatanparvarlik, insonparvarlik talablarini aks ettirsagina u jamiyatni rivojlantirish, mamlakatni taraqqiy ettirish omili bo'la oladi. Bizning shakllanayotgan milliy istiqlol mafkuramiz millatimizning uzoq tarixiga bog'liq an'ana va urf odatlarimizni, qadriyatlarimizni, o'zligimizning asosiy xususiyatlarini o'zida mujassamlashtirib, uzgu muddao va vazifalarni amalga oshirishga xizmat qiladi.

Shu o'rinda, Prezidentimizning quyidagi so'zlari milliy mafkuramizga asos bo'ladigan g'oyadir. "Jamiyatimiz mafkurasi xalqni – xalq, millatni – millat qilishga xizmat etsin".

Mavzuning dolzarbligi shundaki, qayerdagi mafkuraviy bo'shliq vujudga kelsa, o'sha yerda begona mafkura hukmronlik qilishi tayin. Bu fojeadan eng avvalo kelajagimiz bunyodkorlari bo'lgan yoshlarimizni asrashimiz, ular ongiga va shuuriga milliy mafkuramizni chuqur singdirishimiz taraqqiyotimiz garovi ekanligi shubhasizdir. Ta'lim muassasalari, ilm dargohlari bo'lgan kutubxonalar, oilalar va mahallalarning hamkorlikda ishlashlashlarida yaxshi samara beradi.

Zero, milliy mafkuramizni yoshlar ongiga singdirish jamiyatimiz har bir a'zosining, har bir O'zbekiston fuqarosining burchidir.

Hayotiy kuzatishlar, ba'zan ziyolilarimiz o'rtasida ham bizga milliy g'oya, milliy mafkura nima uchun, kim uchun kerak, uning ma'no-mohiyati nimadan iborat, degan muhim masalaga yana bir bor oydinlik kiritish zarurati mavjud. Bunda, ya'ni milliy g'oyada O'zbekiston xalqining mamlakatimiz rivojida belgilab olgan asosiy maqsad va muddaolarining ifodasi mujassamlashgan.

Birinchidan, o'zining kelajagini ko'rmoqchi va qurmoqchi bo'lgan har qanday davlat yoxud jamiyat, albatta o'z milliy g'oya va mafkurasiga suyanishi va tayanishi zarurligi bilan bog'liq.

Prezident Islom Karimov ta'biri bilan aytganda, «davlat tizimi, uni boshqarish va olib borilayotgan siyosat avvalo aniq va ravshan ifodalangan mafkura asosiga qurilmog'i lozim. Ya'ni, oldin davlat qurilishi va undan keyin mafkura paydo bo'lishi o'zi g'ayritabiiy hol. Buni yaxshi anglab olishimiz lozim. Ya'ni, oldin g'oya paydo bo'ladi, undan keyin g'oya asosida mafkura, mafkura asosida esa tizim, siyosat paydo bo'ladi». Demak, o'z milliy g'oyasiga tayanmagan jamiyat inqirozga duchor bo'lishi, o'z yo'lini yo'qotib qo'yishi muqarrar.

Ikkinchidan, milliy g'oya O'zbekiston xalqining asosiy maqsad va muddaolarining ifodasi sifatida shuning uchun ham zarurki, odamlar ongini, tafakkurini o'zgartirmasdan turib, ko'zlangan oliy maqsad – ozod va obod jamiyatni, erkin va farovon hayotni barpo etib bo'lmaydi. Buning uchun esa, odamlar muayyan g'oyaga ishonishi va tayanishi zarur. Bu jarayon o'z-o'zidan harakatga kelmaydi, albatta. Negaki, keng xalq ommasini biron bir g'oyaning ilg'or va insonparvar ekaniga ishontirmoq uchun, avvalo, mazkur g'oyaning to'g'ri, hayotiy va ilg'or ekanligiga ishontirish zarur. Ishontirmoq uchun uning ilmiy va hayotiylikiga alohida e'tibor qaratish bilan birga milliy g'oyaning o'zi mamlakatimiz xalqining asosiy maqsad va muddaolari hamda manfaatlarini ifodalashi kerak.

Uchinchidan, milliy g'oyaning zarurligi millatning o'zligini to'la anglash jarayoni bilan bog'liq. Negaki, millat o'zligini to'la anglamas ekan, biron-bir buyuk o'zgarishlar qilib bo'lmaydi. Milliy o'z-o'zini anglash u yoki bu millatni o'zga millatlardan ajralib ketishiga emas, balki o'zligini anglagan millatlarning ma'rifatlashgan hamkorliklarining mustahkamlanib borishiga xizmat qiladi. Ana shunday o'ta murakkab vaziyatda milliy o'zlikni anglashda milliy g'oyaga asosiy tayanch kuch, ilmiy-nazariy va amaliy dastur sifatida har bir insonning ruhi, kayfiyati, hissiy kechinmalariga kirib borish orqali uning qalbi hamda ongiga ta'sir

ko'rsatadi. Bu milliy g'oyaning xalq hayotiga yaqin, unga bevosita daxldor ekanligini ta'kidlash lozimdir.

To'rtinchidan, mamlakatimiz mustaqilligini mustahkamlashda milliy g'oyaning zarurligi yana bir muhim holat bilan ya'ni bugun bizning tarixiy o'zgarishlar davrida totalitar tuzumdan erkin demokratik bozor munosabatlariga asoslangan demokratik tuzumga o'tish sharoitida yashayotganligimizdan kelib chiqmoqda. Bu davrning o'ziga xos xususiyatlarini chuqur tahlil qilgan mamlakatimiz Prezidenti I.A.Karimov shunday xulosaga keladi: «Bu o'tish davri o'ziga xos, juda katta g'ov va to'siqlarga duch kelishi, qattiq kurashlar orqali kechishi barchamiz uchun ayon bo'lmog'i darkor. Xalqimiz va jamiyatimizni mana shu davrda yangi ufqlar sari boshlash, da'vat qilishda maqsadlarimiz aniq bo'lishi kerak. Bunday maqsadlarga esa avvalo chuqur o'ylangan va puxta ishlangan mafkura asosida yetishish mumkin»¹. Demak, milliy g'oya mustaqillikni mustahkamlash g'oyasining o'zagi bo'lgan - tanlagan taraqqiyot yo'limizning to'g'ri adolatli va haqqoniy ekanligiga, u mana shu zaminda istiqomat qiladigan har bir insonning hayotiy manfaatlariga mos tushishiga keng ommani ishonitirish orqali ularni bunyodkorlik ishlariga safarbar etish uchun xizmat qiladi.

Biz ertangi kunga-kelajakka tomon ko'zni yumib, taxminlarga asoslanib, tavakkalchasiga ish tutib bora olmaymiz. Kishilar hozirdanoq biz qaysi yo'ldan boramiz, ijtimoiy- iqtisodiy, siyosiy munosabatlarning qanday shaklini yaratamiz, o'z tarixiy tajribamizning, jahon taraqqiyoti saboqlarining qaysi jihatlaridan foydalanamiz, kelajakda O'zbekistonni qanday qilib buyuk davlatga aylantiramiz, mustaqillik muammolarni hal etish uchun nimalarga e'tiborimizni qaratishimiz kerak, degan o'nlab, yuzlab savollarga javob topmoqlari zarur. Agar, o'sib kelayotgan yosh avlodga milliy mafkuramizni chuqur singdira olmas ekanmiz, faoliyatimizda xato ketidan xatoliklarga yo'l qo'yaveramiz. Bu kutilmagan oqibatlarni keltirib chiqarishi mumkin. Ana shunday ko'ngilsiz hodisalar ro'y bermasligi uchun ta'lim muassasalari qatorida maktab kutubxonalarida ham maqsadli ishlar amalga oshirilishi kerak.

Mafkura ahamiyati shundan iboratki, u jamiyatimizning rivojlanishi, olg'a tomon harakat qilishini osonlashtiradi, millatni, barcha fuqarolarni umumiy maqsad yo'lida birlashtiradi, tuyg'usini, milliy g'urur va iftixorini, kuch-qudratini, orzu-intilishlarini mujassamlashtiradigan buyuk g'oyaviy kuchdir.

**“МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИ ВА МАЪНАВИЯТ АСОСЛАРИ”
ФАНИ ДАРСЛИКЛАРИНИНГ ЯРАТИЛИШ МАСАЛАСИ**

Д.М.Маматқулов

**ТВПКҚТМОИ “Ижтимоий фанлар ва маънавият асослари”
кафедрасининг “Миллий ғоя ва маънавият асослари” фани ўқитувчиси**

Маълумки, ўрта умумтаълим мактаб ўқувчилари учун мўлжалланган “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари” фани дарсликлари мазмуни ва вазифаси жиҳатидан мафкуравий адабиётлар ҳисобланади. Илмий нуқтаи назардан мафкуравий адабиётлар икки турга яъни:

- Мутахасислар (бевосита мафкуравий иш билан шуғулланувчилар)га мўлжалланган адабиётларга;

- Номутахасис яъни, кенг омма (жумладан, ўқувчилар)га мўлжалланган адабиётларга бўлинади.

Мазкур турдаги адабиётлар бир биридан ҳам шакл ҳам мазмун жиҳатдан фарқланади. Биринчи турдаги адабиётлар мутахасислар (бевосита мафкуравий иш билан шуғулланувчилар)га мўлжалланганлиги учун уларда *ғоя, ғоянинг турлари, бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси ва бу манзаранинг яқин келажакдаги ўзгаришлари тўғрисидаги илмий прогнозлар, мафкура ва унинг тузилиши ҳамда муайян ғояни кишилар онгига сингдириш методлари* аниқ, равшан баён этилади. Иккинчи турдаги адабиётлар эса номутахасис яъни, кенг омма (жумладан, ўқувчилар)га мўлжалланганлиги учун ҳам уларда *ғоя, ғоянинг турлари, мафкура ва унинг тузилиши ҳамда муайян ғояни кишилар онгига сингдириш методлари* аниқ, равшан баён этилмайди (!). Аксинча бундай маълумотлар яширин тарзда, ўта методик усталик билан ўқув адабиётга жойланадики, натижада бу маълумотларни қабул қилиш кенг омма яъни, номутахасис (жумладан, ўқувчи)лар учун қийинчилик туғдирмайди.

Ўз ўзидан иккинчи турдаги адабиётларни яратилишига қандай ёндашиш керак деган табиий савол туғилади? Айтиш лозимки, биринчи турдаги адабиётларга қараганда иккинчи турдаги адабиётларни яратиш анча мураккаб жараёндир. Унда аввало, аудитория жойлашган макон(худуд), аудиториянинг менталитети, ёши, қизиқишлари ва бошқа шу каби жиҳатлари инобатга олинishi ва шундан кейин, дарслик мавзулари танланиши ҳамда ишланиши лозим. Мавзулар баёнига келганда қуруқ маълумот берувчи қисмларни чиқариб ташлаш ва мавзу баёнини **“ғоя демасдан ғояни – сингдириш” тамойилига** асосланган ҳолда яратиш лозим. Бу дегани, юқорида айтганимиздек, ўқувчилар (яъни, мутахасис бўлмаганлар) га мўлжалланган ўқув дарсликларида *ғоя, ғоянинг турлари, мафкура ва унинг тузилиши ҳамда ғояни кишилар онгига сингдириш йўллари ва усуллари* ҳақида тўхталмасдан, аксинча бу дарсликларни ўқувчилар ёши ва қизиқишларига мос мавзулар киритилиши (шу мавзулар ичига албатта бунёдкор ғоялар сингдирилган бўлиши) мақсадга мувофиқдир.

Ўрта умумтаълим мактабнинг 7, 8, 9-синф ўқувчилари учун мўлжалланган “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари” фани

дарсликлари⁶⁶ (ўйлашимизча ўқитувчи, мутахасислар учун эмас) ўқувчилар учун мўлжалланган бўлиб, у иккинчи турдаги адабиётлар сирасига киради. Лекин, дарсликлар мазмунида кўпроқ яширин тарзда берилиши, сингдирилиши лозим бўлган жиҳатлар ошкора, қуруқ маълумот баёни сифатида бериб ўтилган. Масалан: 8-синф дарслигини оладиган бўлсак унда Миллий мафкурамизнинг бош ва асосий ғоялари сонма сон саналиб, ҳар бири алоҳида мавзу сифатида танланган ва бу мавзуларга тегишли маълумотлар очиқ, ошкора тарзда баён этилган. Бу ҳол ҳар учала дарсликда ҳам мавжуддир. Бизнингча бу дарсликларнинг методик камчилиги бўлиб, бу **“ғоя демасдан ғояни – сингдириш” тамойилига** зид келади.

Дарсликлардаги ўнгланиши мумкин бўлган камчиликларни бизнингча куйидаги йўллар билан бартараф этиш лозим:

- “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари” фани дарсликларини мафкуравий адабиётлар сифатида қараб уларни икки турга яъни, мутахасислар (яъни, шу фан ўқитувчилари)га мўлжалланган адабиётларга ва номутахасис (яъни, ўқувчилар)га мўлжалланган адабиётларга бўлиш лозим;

- Мутахасис ўқитувчилар учун алоҳида “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари” фани бўйича методик қўлланма (*синф дарсликларига мос ва синфлар кесимида*) яратилиши ва унда мавзулар очиқ, ошкора баён этилиши, мавзуга мос методлар келтирилиши ҳамда иложи борида ҳар бир мавзу бўйича видео, мултимедия махсулотлари дискка жойлаб, шу қўлланма ичда ўқитувчига етказилиши керак;

- Ўқувчиларга мўлжалланган ўқув дарсликларида иложи борида *ғоя, ғоянинг турлари, мафкура ва унинг тузилиши ҳамда ғояни кишилар онига сингдириши йўллари* ҳақида тўхталмасдан, Миллий ғояни сингдиришга йўналтирилган *“муаммоли вазиятлар тахлили”, “мунозарага йўналтирилган воқеалар матни”, “мустақил ўқишга мўлжалланган матнлар”* каби маълумотларни киритиш лозим.

- Ўқувчиларга мўлжалланган ўқув дарсликлари мавзуга дахлдор фото суратлар (фақат ижобий, чиройли суратлар билан эмас балки, инсон тубанлашувининг оқибатларини кўрсатиб берувчи расмлар) билан бойитилиши мақсадга мувофиқдир.

Хулоса қилиб айтганда, “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари” дарсликларини тайёрланишига юқорида айтиб ўтилган жиҳатларга эътибор қаратилиши мазкур дарсликларни янада мукамаллашувига, янги авлод дарсликларини вужудга келишига олиб келади. Ўқитувчиларга ҳам ўқувчиларга ҳам мўлжалланган қўлланма ва дарсликларни яратилиши “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари” дарсини илмий ва методик жиҳатдан сифатини ошишини таъминлайди. Бу эса, ўқувчиларни ғоя ёки мафкура тўғрисидаги маълумотларни қуруқ эшитишдан кўра, ғоя

⁶⁶Қаранг:М.Қаршибоев, С.Нишонов, О.Мусурмонова, Р.Қўчқоров. “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари”, 7-синф. Тошкент., “Маънавият” 2011.

Р.Қўчқоров, С.Нишонов, О.Мусурмонова, М.Қаршибоев. “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари”, 8-синф. Тошкент., “Маънавият” 2011.

Ойинса Мусурмонова, Муртазо Қаршибоев, Раҳмон Қўчқоров. “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари”, 9-синф. Тошкент., “Маънавият” 2011.

тушунчасини, унинг кучини, бугунги дунёдаги мафкуравий жараёнларни ҳамда бу жараёнларда қандай йўл тутиш лозимлигини жонли мушоҳада билан англаш имконини беради.

ПРИНЦИП ОТВЕТСТВЕННОСТИ В ЖУРНАЛИСТИКЕ

Азиза АБДУРАХМАНОВА

This article is about principle of responsibility in journalism. How it could be influence on journalism, how journalist should be responsible when he/she prepared article for press or television. Audience believe to that information and of course everything depend on journalist if he is really responsible, if he is a professional he will be use true information and will be responsible to the audience.

В понятиях «свобода» и «ответственность» журналистики отражаются не только такие вечные проблемы любой деятельности, как выбор её целей и средств, ориентация на закономерности социального развития и способность к органичному и творческому сочетанию первых и вторых, но и широкий спектр вопросов, которые она решает повседневно.

Выявляя особое значение ответственного поведения представителей журналистики, вполне обоснованно можно говорить о специфических последствиях их работы. Журналистика повседневно проявляет себя как мощный катализатор социального развития, приближающий решение многих острых проблем.

Главная сфера, куда нацелены усилия журналистики, не технология и не проценты. Основные последствия ее ожидаемого воздействия -- формирование активной жизненной позиции людей, личности человека, т. е. духовная, нравственная сфера. Именно в ней наиболее ощутимы резонансные проявления журналистской деятельности, да и социальные преобразования в целом.

Необходимость верного понимания внутренней взаимосвязи понятий и существа практических проявлений свободы и ответственности в журналистской деятельности показывает еще одной характерной чертой, связанной с участием журналистики в социальном управлении.

В представлениях журналиста о свободе и ответственности своего труда особенно нетерпимо разграничение степени обязательности социальных требований на нормы «для профессиональной деятельности», «для окружающих», «для домашнего ориентирования» и т. д.

Общечеловеческая проблема свободы и ответственности обретает в труде журналиста своеобразие и за счет использования в нем специфических средств и особого объекта деятельности. В данном случае хотелось бы рассмотреть средства не как технические возможности деятельности, а как ту их специфичность, которая обусловлена самим характером воздействия на

уникальный объект - личность человека. Такие средства - слово, зрительный или звуковой образ - нередко выступают в совокупности и единстве. Иногда бездумное, не выверенное необходимо использование их свидетельствует о недооценке силы данных средств, об определённой «профессиональной деформации» журналиста.

Журналистский труд по сравнению с некоторыми другими видами деятельности специфически ответственен потому, что занятая журналистом позиция, система утверждаемых им социальных ценностей и эталонов поведения непосредственно отождествляются с позицией, мнением тех руководящих социальных институтов, органом которых является данная газета или другое средство массовой информации.

Содержание ответственности журналиста в значительной мере определяется и другой важной чертой его деятельности - множественностью её уровней. Общественный долг работника печати, телевидения, радио - способствовать достижению перспективных целей социального развития, но это движение по магистральному руслу осуществляется посредством решения сегодняшних задач, реакции на «злобу дня».

Совокупность этих и других обстоятельств и требований образует очень емкий по содержанию реестр социальных обязанностей и обязательств журналиста, свидетельствующих о высокой ответственности его труда. Иными словами, чем шире поле социальной деятельности того или иного субъекта, чем сложнее переплетение определяющих его условий, тем выше требования к их правильному пониманию, к ясному осознанию цели и к верному выбору средств для её достижения - чем выше ответственность, тем сложнее её содержание.

В практике работы печати, телевидения и радио сложились определенные организационные основы, обеспечивающие условия свободного формирования индивидуального стиля журналистской деятельности. Это, в частности, широкие возможности выбора проблемно-тематической и жанровой специализации и других видов деятельности, систематическая постановка перед журналистом все более сложных творческих задач, объективная и богатая по формам оценка уровня их решения, что является «катализатором» профессионального роста, наличие многопрофильной системы специальной подготовки журналистов, забота организаций о создании атмосферы взыскательности, благоприятного морально-психологического климата в редакционных коллективах.

Завершая разговор о социальных гарантиях свободы журналистики в обществе, отметим их тесную взаимосвязь, системный характер, который виден в том, что они обеспечивают различные проявления свободы во всех моментах журналистской деятельности и каждая из этих гарантий усиливает действенность других. Кроме того, они обеспечивают условия свободной деятельности как профессиональных журналистов, так и широкого актива печати, телевидения, радио, всех граждан. Интегративный характер этих условий проявляется в том, что они способствуют более тесному слиянию

журналистики с другими видами идеологической деятельности, многогранным проявлениям духовной жизни общества.

ЗАМОНАВИЙ УСУЛ ҲАМДА ВОСИТАЛАР –МИЛЛИЙ ҒОЯ ТАРҒИБОТИ ВА МАЪНАВИЙ –МАЪРИФИЙ ИШЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ КУЧАЙТИРИШДА БОШ ОМИЛ

**М.Абдуллаева
Бухоро ВПКҚТМОИ**

Тавсифи. Ушбу технология ўқувчиларни дарс жараёнида, дарсдан ташқарида, бўш вақтларда турли адабиётлар, тарихий манбалар, матнлар билан ишлаш, ўқувчиларнинг ўрганилган материални яхши эслаб қолиш, сўзлаб бериш, оғзаки нутқни ривожлантириш ва ўз фикрини эркин баён эта олиш, қисқа вақт ичида кўп маълумотга эга бўлиш, шунингдек, бир дарс давомида барча ўқувчиларни баҳолаш имконини беради.

Мақсади. Технологиянинг мақсади ўқув жараёни мобайнида тарқатилган материалларни ўқувчилар томонидан яқка, гуруҳ ҳолатида ўзлаштириб олишлари ҳамда суҳбат-мунозара ва турли саволлар орқали тарқатма материалдаги матнлар қай даражада ўзлаштирилганлигини назорат қилиш ва баҳолашга қаратилган. Ўқув жараёнида ҳар бир ўқувчи томонидан ўз баҳоси ёки балларини эгаллашга имконият яратади.

Қўлланиши. Амалий машғулотлар, семинар ёки лаборатория машғулотларида ҳамда суҳбат-муноза шаклидаги янги мавзунини ёки материални ўрганиш жараёнида қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Технологиядан фойдаланиш тартиби. Технология бир неча босқичдан иборат ҳолда қўлланилади:

1-босқич. Ўқувчилар 4-5 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратилади ва дарснинг мақсади ҳамда қўлланиладиган технологиянинг дастлабки босқичи тушунтирилади.

2-босқич. Ўқитувчи ҳар бир гуруҳга ва унинг ҳар бир аъзосига мустақил ўрганиш, фикрлаш ва ёдда сақлаб қолиш учун ўрганилаётган янги мавзу бўйича алоҳида ёзма тарқатма материал беради. Тарқатма материал умумий мавзунинг бир қисmini ташкил қиладиган матндан ёки жадвалдан иборат бўлиб, гуруҳнинг барча аъзоларига бир хил мазмунда бўлиши керак. Демак, янги мавзу олдиндан ташкил этиладиган гуруҳлар сонига қараб, 4 ёки 5 қисмга бўлиниши лозим. Шунда ҳар бир гуруҳ янги мавзуга оид алоҳида матнга эга бўлади.

3-босқич. Гуруҳнинг ҳар бир аъзоси матнни яқка тартибда, алоҳида ўрганиб чиқиб, эслаб қолиши керак. Матннинг катта кичиклигига қараб бу ишга -10 минут ажратилади.

4-босқич. Ўқитувчи ҳар бир гуруҳ ёнига келиб, гуруҳ аъзоларига олдиндан тайёрланган, рақам ёзилган қоғозлардан биттадан олишни таклиф этади (қоғоз сони гуруҳдаги ўқувчилар сонига тенг бўлиши керак). Ўқитувчи

рақамлар бўйича янги гуруҳлар тузаишни таклиф этади (1 рақамини олганлар 1-гуруҳ, 2 рақамини олганлар 2-гуруҳ ва ҳоказо).

5-босқич. Янги тузилган гуруҳнинг ҳар бир аъзоси энди ўзига 2 та вазифани ҳам ўқитувчи, ҳам ўқувчи вазифасини олади. Яъни гуруҳнинг ҳар бир аъзоси олдинги гуруҳда ўзи ўрганиб чиққан матн мазмунини янги гуруҳ аъзоларига ўргатиши ва ўз навбатида гуруҳнинг бошқа аъзоларининг матнларини ҳам ўзлаштириб олиши талаб этилади. Бунда гуруҳнинг ҳар бир иштирокчиси ўзи ўзлаштирган материални сўзлаб бериш орқали бошқаларга тушунтириши керак. Бунинг учун 20 дақиқа вақт ажратилади. Натижада рақамлар бўйича тузилган янги гуруҳлар умумий мавзу бўйича барча материалларни ўзлаштиришга эришадилар.

6-босқич. Гуруҳдагилар бир бирларига ўз матнларини гапириб бергач, матн қандай ўзлаштирилганини текшириш учун гуруҳ ичида ички назорат ўтказилади. Гуруҳ аъзоларини ўз матнларидан келиб чиқиб, бир-бирларига савол беради ва саволларга жавоб беради. Бу эса гуруҳдагиларнинг бир бирларига сўзлаб берган материалларини бошқалар томонидан қандай ўзлаштирилганини аниқлашга ва мустаҳкамлашга ёрдам беради.

7-босқич. Ўқитувчи барча ўқувчиларни олдинги гуруҳларига қайтишларини сўрайди ва бунда ҳамма машғулот бошланишидаги гуруҳига қайтиши керак.

8-босқич. Ўқитувчи барча ўқувчиларнинг мавзуга оид ҳамма материал билан танишиб чиққанлигини ҳисобга олган ҳолда, синфдаги ҳоҳлаган ўқувчисидан ушбу мавзуга оид ҳоҳлаган саволини сўраши мумкинлигини айтади ва назорат саволларини рейтинг баллари асосида баҳолашни тушунтиради. Саволларга берилган жавоблар агар тўлиқ бўлса –3 балл, қўшимча қилинса 2 балл, ўтирган жойда лўқма ташласа 1 балл, жавоб беролмаса 0 балл қўйилади. Гуруҳ аъзоларининг жавобларини белгилаш ва ҳисоблаб бориш учун 1 ўқувчи “гуруҳ ҳисобчиси” сифатида белгиланади.

9-босқич. Ўқитувчи тарқатма материаллардаги саволлар асосида гуруҳларни ўзлаштиришини текшириб чиқади.

10-босқич. Саволларга берилган жавоблар асосида гуруҳлар тўплаган умумий баллар аниқланади.

11-босқич. Энди ўқитувчи ҳар бир ўқувчига гуруҳдаги матннинг мазмунини ҳаётга боғлаган ҳолда биттадан савол тузишни таклиф этади. Вақт 2 дақиқа.

12-босқич. Гуруҳлар томонидан тайёрланган саволлар орқали савол-жавоб ташкил этилади. (“гуруҳ ҳисобчилари” берилган жавоблар бўйича балларни ҳисоблаб боради).

Агар бошқа гуруҳлар саволга тўғри жавоб бера олмаса, гуруҳ ўзи жавобни тўлдиради ва қўшимча баллга эга бўлади.

13-босқич. Якуний босқичда гуруҳлар тўплаган баллар ҳисобланиб гуруҳ аъзолари сонига бўлинади. Балларни тақсимлашда гуруҳ аъзоларининг ҳам фикрлари инобатга олиниши керак.

3. Гуруҳларда ишлаш учун ўқув материаллари

“Бумеранг” технологиясини қўллаш жараёнида ҳар бир фаннинг хусусиятлари ва ўрганиладиган ўқув материалнинг ҳажми ҳисобга олинган ҳолда гуруҳлар сонига тенг қисмларга бўлиб чиқилади. Қуйида Президент И.А.Каримовнинг “Юксак маънавият-енгилмас куч» асарини ушбу технология ёрдамида ўрганиш учун ўқув материаллари келтирилади. Тингловчилар 4 та гуруҳга бўлинганлиги сабабли гуруҳларга қуйидаги мавзуда матн берилади:

- 1- гуруҳга: “Маънавият-инсоннинг улғайиш ва куч-қудрат манбаидир”;
- 2- гуруҳга: “Мустақиллик-маънавий тикланиш ва юксалиш”;
- 3- гуруҳга: “Маънавиятга таҳдид-ўзлигимиз ва келажагимизга таҳдид”;
- 4- гуруҳга: “Ватанимиз тараққиётининг мустаҳкам пойдевори”.

4. “Бумеранг” технологиясининг 2-варианти⁶⁷

Мазкур технология бир машғулот давомида ўқув материални чуқур ва яхлит ҳолатда ўрганиш, ижодий тушуниб етиш, эркин эгаллашга йўналтирилган. У турли мазмун ва характерга (муаммоли, мунозарали, турли мазмунли) эга бўлган мавзуларни эгаллашга мўлжалланган бўлиб, оғзаки ва ёзма иш шаклларида амалга оширилиши мумкин. Технология машғулот мобайнида ҳар бир иштирокчининг турли топшириқларни бажариш, навбат билан ўқувчи ёки ўқитувчи ролида бўлиш имкониятини беради.

Мазкур услуб ўқувчиларга таълим билан бир қаторда тарбиявий характердаги:

-жамоа билан ишлаш маҳорати; -муомалалик; -хушфъеллик; - кўниқувчанлик; -ўзгалар фикрини ҳурмат қилиш; -фаоллик; -ишга ижодий ёндашиш; -ўз фаолиятини самарали бўлишига қизиқиш; -ўзини баҳолаш каби характерларни шакллантиради.

Технологиядаги асосий тушунчалар:

Очиқ саволлар-бундай саволлар муомала қилиш ва ўзаро сўзлашувни давом эттиришга имкон беради ва уларга қисқа, бир хил жавоб бериш мумкин эмас.

Ёпиқ саволлар-бундай саволлар олдиндан “ҳа” ёки “йўқ” туридаги тўғри ва очиқ жавоблар беришни кўзда тутди.

Кўндаланг сўроқ-ўқувчилар бир бирига гуруҳлаб берувчи қисқа саволлар қаторидан иборат бўлиб, ўзига хос ахборотлар излаш ҳамда далилларни, оппонентлар эгаллаган олатини аниқлаш, муайян қарор қабул қилиш учун ажойиб имкониятдир.

Кўндаланг сўроқ пайтида ўзаро мунозарага киришиш мумкин бўлма, балки фақат саволлар берилишига рухсат этилади.

⁶⁷ Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар. Тошкент. 2008 й.34 б

ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА МАЪНАВИЯТНИНГ АҲАМИЯТИ.

Салиева П.

**К.Убайдуллаев номидаги РПХКТ ва МОИ
«Тил ва адабиёти» кафедраси катта ўқитувчиси**

Президентимиз И.А.Каримов узининг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида маънавият ва унинг асослари тугрисида фикрлар билдирилганки, бу бизнинг ёшларимиз учун дастуруламал бўлиб хизмат қилади.

Таълим соҳасидаги ислохотлар таълим муассасалари олдида бир қатор янги талабларни юзага келтирди. Уларнинг энг муҳимларидан бири сифатида таълим тарбия жараёни учун энг самарали ҳисобланган янгиликларни амлиётга татбиқ этиш. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида ҳам кўп маротаба замонавий педагогик технологияларни ўрганиб, уларни албатта ўқув жараёнига олиб кириш зарурлиги ўқитрилган. Малака ошириш тизимида умумтаълим фанларини ўқитиш методикасини такомиллаштириш янги давлат таълим стандартларини ўзлаштириш қафолатли янгича замонавий технология асосида иш юритишни талаб этади. Ҳозирги кунда таълим тарбиянинг ривожланиши ва кўламларининг кенгайиб бориши бугунги кун ўқитувчиларидан амалий билимларни чуқурроқ сингдирилишини тақозо этади ва шу муносабатдан ўқув жараёнига педагогик технологияларни олиб кириш энг долзарб вазифалардан биридир.

Президентимиз И. А. Каримовнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида «Барчамизга аёнки, инсон қалбига йўл аввало таълим тарбиядан бошланади, «Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли асарида «фарзандларимизнинг нафақат жисмоний ва маънавий соғлом ўсиши, балки уларнинг энг замонавий интеллектуал билимларга эга бўлган ХХІ аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган баркамол авлод бўлиб етиши учун керак бўлган барча имконият ва шароитларни яратишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйишимиз зарурлигини алоҳида таъкидлаб ўтган.» Мана шундай кўплаб имкониятлар ва шароитлар яратилаётган ҳозирги даврда биз ўқитувчилар дарс жараёнида замонавий педагогик технологияларни қўллашимиз зарурдир.

Малака ошириш тизими бугунги кунда таълим соҳасида фаолият кўрсатаётган педагог ходимларни таълим тизимида амалга оширилиши лозим бўлган ислохотларга тайёрлайди, янгиликлар билан таништиради, замонавий талаблар асосида иш ташкил этилиш услубларини ўргатади.

Бугунги куни таълимда ноанъавий педагогик технологиялардан самарали фойдаланиш ўзининг ижобий натижаларини кўрсатмоқда. Авваллари ўқиб, ёддан айтиб бериш, фақат ўқитувчи айтган нарсаларни эслаб қолиш ва қайта такрорлаб айтиб бериш кўникмалари бугун ўзининг салмоғини оқламапти. Ҳозирги кунда ўқувчиларнинг изланувчанлиги,

қизиқувчанлиги кун сайин ортиб бормоқдаки,бу ўқитувчининг зиммасига катта масъулиятни юклайди. Билишимиз керакки, ўқитишда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш фанларни мукамал ўрганишда замин яратади.Ўқитувчи ўқувчиларга аниқ маълумот, яъни билим бериш учун педагогик хусусиятларини мукамал ўрганиши зарур. Берилаётган маълумотлар аниқ илмий асосланган бўлиши билан бирга тизимлаштирилган, самараси кафолатли бўлиши керак.

Таълим-тарбия жараёнининг самарадорлиги, унинг мазмуни кўп жиҳатдан методик хизмат тизимининг изчил ўлга қойилишига боғлиқ.

Таълим самарадорлигини оширишга йўналтирилган илғор педагогик технологияларни танлаш ва жорий этиш,

- методик қўлланмалар, дарс ишланмалари, машғулотлар туплами, ҳар хил назорат ишлари топшириқ тупламлари каби методик ишларни тайёрлаш, жойларга етказиш, синфда ва синфдан ташқари дарсларни олиб бориш учун методик тавсиялар ва адабиётлар яратиш илғор педагогик технологияларни таълим жараёнига татбиқ этишга йўналтирилган ўқув семинарлар, илмий амалий конференциялар, анжуманлар ва семинар тренинглар ташкил этиш ва илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш ва оммалаштириш каби кенг маънодаги ишларни жойларда ташкиллаштириш ва амалиётга татбиқ этишга ёрдам беришимиз зарур.

Таълим жараёнида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиб дарслар утиш ўқувчиларнинг жуфтликларда, гуруҳларда ишлаш кўникмаларини ривожлантириб борадилар.Таълим жараёнида таълим олувчиларни фаоллаштириш дидактиканинг асосий тамойилларидан бир ҳисобланади. Фаоллаштириш жараёни эса таълим олувчиларга мақсадли таъсир кўрсатиш орқали ўқитиш жараёнининг самарали ташкил этилишидир. Масалан, «Ўрган -ўргат » методидан фойдаланиб иш олиб бориш ҳам бугунги кунда яхши самара бермоқда.,

Малака ошириш курсларида ўқитувчиларимиз билан «Дарс - муҳаддас» режасини амалда қўллаяпмиз. Умуман миллий дастур таълим тизими олдида ёшларнинг ижодий тафаккурини ўстириш вазифасини куйиб, ёшларни мустакил ва ижодий фикрлашга, ишлашга ўргатиш орқали ўларни буюк келажакни яратишга тайёрлайди. Ўқув жараёни давомида ўқувчи фаол ишловчи, ўқитувчи эса бошқарувчи бўлмоғи керак. Ўқувчини ижодий изланишга ўргатиш, тафаккурини шакллантириш учун энг аввало ўқитувчининг ўзи ўз устида ишлайдиган, том маънодаги ижодкор бўлмоғи зарур.

Демак, таълим тарбия жараёнида замонавий педагогик технологиялардан ўз ўрнида фойдаланиш ўқувчиларнинг билим ва таҳсил олишга бўлган қизиқишларини орттиради, билиш фаолиятини фаоллаштиради, таълим-тарбия жараёнининг салмоғи юқори даражада бўлишига имкон яратади.

ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎҚИТИШДА КОМПЕТЕНЦИЯВИЙ ЁНДАШУВ

А.Кенжабоев, С.Жумаев
Сурхондарё ВПКҚТМОИ доцентлари

Ҳар бир жамиятнинг келажаги унинг ажралмас қисми ва ҳаётий зарурияти бўлган таълим турининг қай даражада ривожланганлиги билан белгиланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари туғрисида» 2012 йил 10 декабрдаги ПҚ-1875 қарорини қабул қилиниши мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама хорижий тилларни ўрганишларида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ушбу йўналиш бўйича 2013 йил 8 майда № 124 қарор билан узлуксиз таълим тизимида чет тиллар бўйича ДТС қабул қилинди ва бошланғич синфлар учун А 1 чет тили ўрганишнинг бошланғич даражаси белгиланди.

Маълумки, бугунги кунда илм-фан, техника ахборот тизими шиддатли ривожланмоқда. Инсон ахборот олами ривожланмоқда. Ўқишда ва ўқитишда кундалик фаолиятга катнашиш учун инсон ҳар томонлама мукамал билимга, малакага ва кўникмага эга бўлишини даврнинг ўзи талаб қилмоқда. Бизга маълумки, инсонни ҳар томонлама комил инсон бўлишида урта асосий омил муҳим роль ўйнайди. Биринчи, биологик омил (инсонда мавжуд бўлган ирсий имкониятлар). Иккинчи омил муҳим (яъни оиладаги, жамиятдаги яратилган соғлом муҳит, имкониятлар) муҳим ҳисобланади. Учинчи омил бу тарбиядир. Демак юқорида қайд этилган омиллар асосида бугунги кунда ҳар биримиз мақсадга эришиш учун фидокорлик билан меҳнат қилишимиз керак бўлади,

Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 декабрдаги қарори асосида бугунги кунда Республикамиз умумтаълим мактабларида, айниқса 1-синфларда хорижий тилларни ўқитиш муваффақиятли амалга оширилмоқда. Таълим муассасаларда ўқувчиларга билим ўргатиш билан биргаликда ўз фикрини бошқаларга тушунтира олиш, тинглаб тушуниш, баҳсга киришишни яъни бошқача қилиб айтганда таълимнинг таълимий, тарбиявий ривожлантирувчи мақсадларини бугунги хорижий тил ўқитувчилари ўқувчиларда шакллантира олаётиларми? Ҳа, деб айта оламиз.

Бугунги кунда бизнинг Республикамиз таълим тизими кўплаб ривожланган мамлакатлардан маориф тизимини ўргандилар, уларнинг тажрибаларидан мамлакатимизда хорижий тилларни ўқитишда узлуксиз таълим тизимини Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланмоқда.

Бугунги кунда 1-синфдан бошлаб узлуксиз таълим давом этаётган бир пайтда хорижий тилларни ўқитишни муваффақиятли амалга ошириш учун ўқитувчиларга педагогик, психологик талаблар қўйилмоқда. Тилни ўрганиш ўргатиш кўп жихатдан ўқитувчиларнинг она тили фанидан

эгаллаган саводхонлигига боғлиқдир. Ўз она тилини билган унинг фонетикасини, грамма тикасини мукаммал билган ўқитувчигина ўқувчиларга хорижий тилдан яхши таълим бера оладилар.

Ёшларимизда, замонавий ўқитувчиларимизда компетенция шаклланимда, биз тажрибали ўқитувчилар шогирдларга янада кўпроқ услубий ёрдам бермоқдамиз. Бугунги кунда таълимнинг самарадорлигини ошириш ўқувчини таълим марказида бўлишини ва уларни мустақил билим олишларини таъминлаш учун ҳар томонлама шароитлар яратилмоқда. Республикамиз умумтаълим мактаблари 1-синфларида 500 мингдан ортиқ ўқувчилар хорижий тилларни ўрганмоқдалар, улар билан қўшилиб 500 минг ота-оналар ҳам хорижий тилларни ўрганишга қизиқмоқдалар. Узлуксиз таълимнинг 2-синфларида таянч тажриба мактабларда “Kids English” тажриба синовдан ўтмоқда. Бу синов тажрибалар компетенцияга эга бўлган тажрибали ўқитувчилар томонидан олиб борилмоқда. Демак бугунги хорижий тил ўқитувчисининг асосий мақсади, коммуникатив компетенцияни эгаллаш экан, у бошланғич синф ўқувчилари билан мулоқотда бўлишда, ўқувчиларга ёндашиш учун туғри йўл топа олишга, улар билан педагогик нуқтаи назардан мақсадга мувофиқ ўзаро алоқа боғлашда, педагогик тактга эътибор бериши керак. Коммуникатив компетенцияни таъминлашда коммуникатив қобилиятнинг ўрни муҳимдир. Коммуникатив қобилиятни белгилайдиган жиҳатлар: характер ҳислатлари, муомила маданияти, ўқитиш усуллари, ўқувчиларни ҳафа қилмасдан ва шахсиятига тегмасдан ҳулқини ўзгартириш усуллари ўз нуқтаи назарини ўзгаларга ўтказиш усуллари орқали амалга ошириши лозим.

Бугунги кунда хорижий тил ўқитувчилари учун таълим жараёнида яъни 1,2-синф бошланғич синф ўқувчилари билан ишлаш учун улар психологиясини, физиологиясини мукаммал билишлари керак. Коммуникатив лингвистик, социолингвистик ва прагматик компетенцияларни янада такомиллаштириб борсалар синф ўқувчиларининг ёш ва индивидуал хусусиятларини албатта ҳисобга олсалар иш муваффақиятли амалга ошади. Бугунги мутахассис таълим берувчи, мохир тарбиячи, тажрибали қўшиқчи, яъни ҳар томонлама қобилиятига эга бўлган актёр бўлсагина бизнинг келажагимиз бўлган ёшларга хорижий тилларни ўқитишда юқори натижаларга эриша оладилар. Хулоса сифатида қуйидагиларга эътибор бериш зарур деб биламиз.

1. Коммуникатив компетенцияни шаклланиши учун ўқитувчи ўз она тилида чиройли нутқий маданиятга, кўникма ва малакага эга бўлиш лозим.

2. Хорижий тилда лингвистик компетенцияни яъни унинг фонетикаси, грамматикасини ва лексикасини мукаммал эгалласа иш унумли бўлади.

3. Социолингвистик компетенцияни мукаммал шакллантириш учун ўқитувчи ўз мамлакати, миллати урф-одатлари, қадриятлари, тарбия

узулларини хар томонлама билса хорижий тил мамлакати билан қиёслай олса ўқувчиларга хорижий тилни ўргатиш осон кечади.

4. Прагматик компетенцияни эгаллаш орқали ўқитувчи хар қандай вазиятдан педагогик такт орқали чиқиб кетишини таъминлай олади.

Шундай қилиб, бугунги кунда ёш ўқитувчлардан биз кўп муаммоларни компетенциявий ҳал қилишларига ишонамиз. Бунинг учун изланиш, ўқиш ва изланиш орқали муаммони ечиш керак бўлади. Тажриба синов мактаб ўқитувчилари, ота-оналари ва жамоатчилик билан ҳамкорликда фидокорона меҳнат қилсалар ҳукуматимиз қарорларини ҳаётга муваффақиятли ижросини таъминлашга ўз хиссаларини қўшадилар.

Таълим самарадорлигига эришиш учун хорижий тил ўқитувчисига бугунги кунда аҳамияти молик бўлган қатор талабларни қўйиш лозим.